



Ёш гвардия

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

ОЙЛИК
АДАБИЙ-
БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-
СИЕСИЙ
ЖУРНАЛ

Бош редактор:
Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:

Саид АҲМАД,
Гулчеҳра ЖУРАЕВА,
Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,
Олимжон ИСМОИЛОВ,
Фёдор КАМОЛОВ,
Муроджон МАНСУРОВ
(бош редактор ўринбосари),
Омон МАТЖОН,
Сулаймон РАҲМОН
(масъул секретарь),
Йўлдош СУЛАЙМОН,
Худойберди ТЎХТАБОЕВ,
Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,
Улмамбет ХУЖАНАЗАРОВ,
Абдулла ШЕР,
Уриэ ЭДЕМОВА,
Иброҳим ҒАФУРОВ,
Уткир ҲОШИМОВ.

1982
ЙИЛ,
ДЕКАБРЬ

ТОШКЕНТ
Ўзбекистон ЛКСМ
Марказий Комитетининг
«Ёш гвардия» нашриёти

МУНДАРИЖА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига мурожаати	5
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида Информацион билдириш	6
Уртоқ Ю. В. АНДРОПОВ нутқи	7
Уртоқ К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи	8
Юрий Владимирович АНДРОПОВ	10

НАСР

Александр РУСОВ. Абдурахмоннинг янги уйи. Ҳикоя	19
Хайриддин СУЛТОНОВ. Бир йигитнинг бахти. Ҳикоя	30
Анатолий КИМ. Денгиз келинчаги. Ҳикоя	40
Саттор ТУРСУН. Карвонкуш юлдуз. Ҳикоя	49
Грант МАТЕВОСЯН. Месроп. Ҳикоя	61

СССР — 60. ЎЗБЕКИСТОН ДУСТЛАР НИГОҲИДА

Михаил ШОЛОХОВ, Георгий МАРКОВ, Давид ҚУҒУЛТИНОВ, Александр ЧАКОВСКИЙ, Евгений ЕВТУШЕНКО, Расул ҲАМЗАТОВ, Андрей ВОЗНЕСЕНСКИЙ, Қайсин ҚУЛИЕВ, Гариф ОХУНОВ, Мирза ИБРОҲИМОВ	15—48
---	-------

ҚАРДОШЛИК МУШОИРАСИ

Ғафур ҒУЛОМ, Самад ВУРҒУН, Петрусь БРОВКА, Павло ТИЧИНА, Айн КААЛЕП, Павел БОЦУ, Георгий ЛЕОНИДЗЕ, Константин СИМОНОВ, Мирзо ТУРСУНЗОДА, Эдуардас МЕЖЕЛАЙТИС, Аветик ИСААКЯН	17—59
--	-------

НАЗМ.

Эркин ВОҲИДОВ. Келажакка мактуб	60
---------------------------------	----

ДАВРА ГУРУНГИ

«Литературная учеба» ва «Ёшлик» давра суҳбати Л. АННИНСКИЙ. Шакл — томир, мазмун — қонми!	73
---	----

ПУБЛИЦИСТИКА.

Туроб ТУЛА. Улуғ мерос	13
Қодиржон СОБИРОВ. Дунёнинг эгалари	76

МУҶОВАДА

Биринчи бет: А. ГУБЕНКО. Тоғ манзаралари.
Тўртинчи бет: Ш. АБДУРАШИДОВнинг «Бахмалда куз» асари.

«ЁШЛИК» ЯНГИ ЙИЛДА

муҳтарам журналхонлар

эътиборига

Асқад Мухтор,
Уткир Ҳошимов,
Омон Мухтор,
Мурод Муҳаммад Дўст,
Эркин Аъзамов,
Алишер Ибодинов,
Хайриддин Султонов,
Тоҳир Малик ва бошқа
ёзувчиларнинг
асарларини,
Абдулла Орипов,
Ҳалима Худойбердиева,
Гулчеҳра Нуруллаева,
Усмон Азимов
ва бошқа шоирларнинг
туркум шеърлари ҳамда
достонларини
тақдим этади.



**Леонид Ильич
БРЕЖНЕВ**

1. 1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

1000000

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун совет халқи оғир жудоликка учрадилар. Улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, оташини ватанпарвар, атоқли революционер ва тинчлик учун, коммунизм учун курашчи, замонамизнинг жуда катта сиёсат ва давлат арбоби Леонид Ильич Брежнев вафот этди.

Л. И. Брежневнинг бутун кўп қиррали фаолияти, шахсий тақдирин Советлар мамлакати тарихидаги энг муҳим босқичлардан ажралмасдир. Коллективлаштириш ва индустрлаш, Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги тикланиш, қўриқни ўзлаштириш ва космосни тадқиқ қилишни ташкил этиш — мана шулар ишчилар синфининг шонли фарзанди Леонид Ильич Брежнев таржиман ҳолининг ҳам босқичларидир. Партия Леонид Ильични қаерга юбормасин, у ҳамма жойда ўзига хос ғайрат ва қатъият билан, дидлик ва принципаллик билан, партиянинг улуғ идеаллари учун садоқат билан курашди.

Совет кишилари, бутун дунёдаги дўстларимиз партия ва давлат турмушининг ленинча нормалари изчиллик билан қарор топтирилганлигини, социалистик демократия такомиллаштирилганлигини ҳақли равишда ўртоқ Брежневнинг номи билан, унинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимларидаги тинимсиз фаолияти билан боғлиқ деб билмоқдалар. У партия ленинчи штаби — унинг Марказий Комитети, Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси фаолиятига донолик билан бошчилик қилиб, аҳиллик билан коллектив бўлиб ишлашни моҳирона ташкил этиш намунасини кўрсатди. У партиянинг ривожланган социализм босқичидаги иқтисодий ва социал-сиёсий стратегиясини ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда, халқ фаровонлигини юксалтириш йўлини белгилаш ва рўёбга чиқаришда, мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашда жуда катта роль ўйнади.

Партиямизнинг халқаро майдондаги сиёсатини — тинчлик ва тинч-тотув яшаш, кескинлиكنи юмшатиш ва қуролсизланиш сиёсатини, империализмининг агрессия кирдикорларига кескин зарба бериш, ядровий фалокатнинг олдини олиш сиёсатини ишлаб чиқиш ва ўтказишда Леонид Ильич Брежневнинг хизматлари бебаҳодир. У жаҳон социалистик ҳамдўстлигини жипслаштиришга, халқаро ком-

мунистик ҳаракатни ривожлантиришга буюк ҳисса қўшди.

Леонид Ильич ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача унинг фикри-зиқри ва ишлари батамом меҳнат аҳлининг манфаатларига бўйсундирилган эди. У меҳнаткашлар оммаси билан ҳамisha жуда яқиндан чамбарчас бўлиб келди. У барча қитъалардаги коммунистларнинг, юз миллионлаб кишиларнинг онгида ленинча ғоявийлик, изчил интернационализм, революцион оптимизм ва инсонпарварлигининг тимсоли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Бошимизга оғир жудолик тушди, мусибатимиз чексиз. Шу қайғули дамларда Совет Иттифоқи коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПССнинг ленинчи Марказий Комитети, Леонид Ильич Брежневнинг самарали таъсирида вужудга келган раҳбар ўзаги теварагида тағин ҳам маҳкамроқ жипслашмоқдалар. Халқ партияга, унинг қудратли коллектив ақл-заковатига ва иродасига ишонади, унинг ички ва ташқи сиёсатини сиққидилдан қўллаб-қувватлайди. Ленин байроғи, Октябрь байроғи ишончли қўлларда эканлигини совет кишилари яхши биладилар. Шу байроқ остида жаҳоншумул тарихий галабаларга эришилди.

Партия ва халқ КПССнинг XXIII—XXVI съездлари ишлаб чиққан коммунистик бунёдкорлигининг улуғвор программаси билан қуролланган. Бу программа муттасил амалга оширилмоқда. Партия ишлаб чиқаришни интенсивлаш, унинг самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, СССРнинг Озиқ-овқат программасини бажариш асосида халқ фаровонлигини юксалтириш учун бундан буён ҳам ҳамма ишни қилаверади. Партия ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва халқ зиялиларининг иттифоқини мустаҳкамлаш тўғрисида, совет жамиятининг социал-сиёсий ва ғоявий бирлигини, СССР халқларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлаш ҳақида, меҳнаткашларни марксизм-ленинизм ва пролетар, социалистик интернационализм руҳида идеологик жиҳатдан чиниқтириш тўғрисида бундан буён ҳам ҳар томонлама ғамхўрлик қилаверади.

Совет халқининг тинчликка бўлган иродаси ўзгармасдир. Халқларни ўз моддий ва маънавий бойликларини беҳуда сарфлашга дучор қилувчи урушга тайёргарлик эмас, балки тинчликни мустаҳкамлаш — эртанги кун йўлини ёритувчи йўлчи юлдуздир. 80-йилларнинг Тинчлик программаси, партия билан Совет давлатининг бутун ташқи сиёсий фаолияти шу олижаноб ғоя руҳи билан сўғорилган.

Биз халқаро вазиятнинг нақадар мураккаблигини, империализм агрессив доиралари тинч-тотув яшашни қўпо-риш, халқларни адоват ва ҳарбий муҳолифлик йўлига той-дириб юбориш учун қилаётган уринишларини кўриб ту-рибмиз. Аммо бу нарса бизнинг тинчликни қаттиқ туриб-ҳимоя қилишга бўлган азму қароримизни сира бўшашти-ра олмайди. Ҳарбий авантюраларнинг ишқибозлари Совет-лар мамлакатини ғафлатда қолдирмаслиги учун, потенци-ал агрессив қақшатқич жавоб зарбасига учраши муқаррар-лигини билиб олиши учун зарур бўлган ҳамма ишни қи-ламиз.

Совет Иттифоқи ўз қудратига таяниб, ғоят сергаклик ва матонат кўрсатиб, ўз ташқи сиёсатининг тинчликсеварлик принципларига ва мақсадларига муттасил содиқ бўлиб қолиб, инсониятни ядро уруши хавфидан омон асраш учун, кескинликни юмшатиш учун, қуролсизланиш учун сабот билан курашаверади.

Бу курашда қардош социализм мамлакатлари, миллий ва социал-озодлик учун курашчилар, барча қитъалардаги тинчликсевар мамлакатлар, ер юзидаги жамики софдил кишилар биз билан биргадирлар. Тинчлик сиёсати инсо-ниятнинг туб ҳаётини манфаатларини акс эттиради ва би-нобарин шу сиёсатнинг келажаги порлоқдир.

Совет халқи партиясини ўзининг синалган коллектив йўл-бошчиси, доно раҳбари ва ташкилотчиси деб билади. Иш-

чилар синифига, меҳнаткаш халққа хизмат қилиш — пар-тия бутун фаолиятининг олий мақсади ва моҳиятидир. Партия билан халқнинг метиндек бирлиги совет жамияти энгилмас кучининг манбаи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. КПСС меҳнаткашларининг ишончини муқаддас би-либ қадрлайди, ўзининг омма билан алоқаларини доимо мустаҳкамлайди. Партиямиз ҳар қандай воқеалар рўй бер-ганида ҳам, ҳар қандай синовлар пайтида ҳам ҳаммаша ўзи-нинг тарихий вазифаси юксаклигида бўлаверишига халқ амалда ишонч ҳосил қилган. Леонид Ильич Брежнев раҳ-барлигида ишлаб чиқилган КПССнинг ички ва ташқи сиёса-ти бундан буён ҳам изчиллик ва собитқадамлик билан ўтказилаверади.

Л. И. Брежневнинг ҳаёти ва фаолияти доимо Комму-нистик партиёга ва совет халқига садоқат билан хизмат қилишининг илҳомбахш намунаси бўлиб қолади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини Марказий Ко-митети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети комил ишонч билдириб айтадиларки, коммунист-лар, барча совет кишилари юксак онглилик ва уюшқоқлик кўрсатиб, Ленин партиясини раҳбарлигида ўзларининг фидо-корона ижодий меҳнатлари билан коммунистик қурилиш планларининг бажарилишини, социалистик Ватанимизнинг янада равнақ топишини таъминлайдилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1982 йил 12 ноябрда КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми бўлиб ўтди.

Марказий Комитет Сиёсий бюросининг топширувига би-ноан Пленуми КПСС Марказий Комитетини Сиёсий бюро-сининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Ю. В. Андропов очди ва нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг вафот этганлиги муносабати билан Марказий Комитет Пле-нуми аъзолари Леонид Ильич Брежневнинг хотирасини бир дақиқа қайғули сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдидлар.

Марказий Комитет Пленуми Коммунистик партиясини совет

халқи, бутун тараққийпарвар инсоният оғир жудоликка учраганликларини қайд этди. Коммунистик партиясининг, со-вет давлатининг, халқаро коммунистик, ишчи ва миллий-озодлик ҳаракатининг атоқли арбоби, тинчлик учун ота-шини курашчининг юрагини уришдан тўхтади.

Ленинчи Коммунистик партиясини сафида 50 йилдан кўпроқ вақт бўлган, шундан 18 йил унинг раҳбари лавозимида ишлаган Леонид Ильич Брежнев партиясини сафларининг жипс-лигини, Совет Иттифоқининг сиёсий, социал-иқтисодий ва муудофаа қудратини мустаҳкамлашга жуда катта ҳисса қўш-ди. Тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашда у бениҳоя буюк роль ўйнади. Мамлакатимиз турмушидаги

буюк зафарлар — индустрлаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, Улуғ Ватан урушида совет халқининг тарихий ғалабаси, урушдан кейин Ватанимиз халқ хўжалигини қайта тиклаш, космосни тадқиқ этиш, Совет давлатининг экономикаси, фани ва маданиятини ривожлантиришдаги ҳамма муваффақиятлар Леонид Ильич Брежневнинг номи билан бевосита боғланган бўлиб, унинг номи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, улуғ Ватанимиз тарихига абадий ёзилиб қолди.

Марказий Комитет Пленумининг қатнашчилари марҳумнинг қариндош-уруғлари ва ёр-биродарларига чуқур ҳамдардлиқ изҳор этдилар.

Марказий Комитет Пленуми КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Марказий Комитет Сийёсий бюросининг топширувиغا биноан КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. У. Черненко нутқ сўзлади. У ўртоқ Ю. В. Андроповни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимига сайлашни таклиф қилди.

Пленум ўртоқ Юрий Владимирович Андроповни бир овоздан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади.

Сўнгра Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов нутқ сўзлади. У билдирилган юсак ишонч — ўзининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозимига сайланганлиги учун Марказий Комитет Пленумига сэмий миннатдорчилик изҳор этди.

Ўртоқ Ю. В. Андропов КПСС XXVI съезди қарорларида белгилаб берилган коммунистик қурилиш программасини муваффақиятли бажариш учун, СССРнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этишда давомийликни таъминлаш, совет халқининг фаровонлигини ошириш, тинчликни мустаҳкамлаш учун, Л. И. Брежнев даврида ўтказиб келинган бутун ленинча ички сиёсатни амалга оширишга ўзининг бутун кучини, билимин ва ҳаётий тажрибани сарфлайман, деб КПСС Марказий Комитетига, Коммунистик партияга ваъда берди.

Шу билан Пленум ўз ишини тамомлади.

Ўртоқ Ю. В. АНДРОПОВ нутқи

Ўртоқлар!

Партиямиз билан мамлакатимиз, бутун совет халқи оғир жудоликка учради. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Совет давлатининг раҳбари, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, оташин коммунист, совет халқининг содиқ фарзанди — Леонид Ильич Брежневнинг юраги уришдан тўхтади.

Замонамизнинг энг катта сиёсат арбоби ҳаётдан кўз юмди. Ўртоғимиз ва дўстимиз, қалби дарё, саховатли, сезгир ва меҳрибон, мурувватли ва ғоят инсонпарвар одам орамиздан кетди. Ишга астойдил садоқати, ўзига ва бошқаларга нисбатан муросасиз талабчанлиги, масъулиятли қарорлар қабул этишда донишмандларча эҳтиёткорлиги, тарихнинг кескин бурилишларида принципиаллиги ва дадиллиги, одамларга нисбатан доимо ҳурмат, сезгирлик ва эътибор билан қараши — мана шу ажойиб фазилатлари учун партия билан халқ Леонид Ильични кадрлар ва севар эди.

Леонид Ильич Брежневнинг порлоқ хотирасини бир дақиқа сукот сақлаб ҳурмат билан эсга олишни сўрайман.

Леонид Ильич, ўз ҳаётимнинг ҳар бир куни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини, бутун совет мамлакатини тўлқинлантираётган ишлардан ажралмасдир, деб айтар эди. Дарҳақиқат шундай эди.

Мамлакатни индустрлаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги тикланиш, қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши ва космосни тадқиқ этиш — совет халқи меҳнати ва кураши йўлидаги мана шу ҳамма улуғ босқичлар айни вақтда коммунист

Леонид Ильич Брежнев таржиман ҳолининг ҳам босқичларидир.

Улуғ социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг қудрати ўсиши ва ҳар томонлама ҳамкорлигининг чуқурлашиши, жаҳон коммунистик ҳаракатининг давримизда инсоният олдида турган тарихий вазифаларни ҳал этишдаги актив иштироки, ер юзидаги миллий озодлик ва социал тараққиёт барча кучларининг бирдамлиги мустаҳкамланиши Леонид Ильичнинг номи ва ишлари билан чамбарчас боғланган. Леонид Ильич Брежнев миннатдор инсоният хотирасида ҳамиша халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун, инсоният боши узра пайдо бўлган жаҳон ядро уруши хавфини тугатиш учун изчил, эҳтиросли ва толмас курашчи бўлиб қолади.

Тинчликни империалистлардан илтимос қилиб олиб бўлмаслигини биз яхши биламиз. Тинчликни Совет Қуролли Кучларининг енгилмас қудратига таянибгина ҳимоя қилиш мумкин. Леонид Ильич партия ва давлатнинг раҳбари сифатида, СССР Мудофаа Кенгашининг Раиси сифатида мамлакатнинг мудофаа қобилияти ҳозирги замон талаблари даражасида бўлиши учун доимо эътибор бериб келди.

Сурункасига ўн саккиз йил Леонид Ильич бошчилик қилиб келган партиямиз штабига кирувчи кишилар бу ерда, мана шу залда тўпланишди. Коллектив бўлиб аҳил ишлашни ташкил қилишга, бу штаб тўғри ленинча йўлни очиб боришига Леонид Ильич куч ва қалб кўрини сарфлаганини ҳар биримиз яхши биламиз. Леонид Ильич партиямизнинг ҳозирги ҳаёти ва фаолиятига хос бўлган соғлом маънавий

сиёсий муҳитни вужудга келтиришга нақадар бебаҳо ҳисса қўшганини ҳар биримиз яхши биламиз.

Партияимизнинг марксизм-ленинизмни ҳимоя қилиш йўлидаги принципиал кураши, ривожланган социализм назарияси, коммунистик қурилишнинг энг актуал вазифаларини ҳал этиш йўллари ишлаб чиқилганлиги Леонид Ильичнинг номи билан боғланган. Унинг жаҳон коммунистик ҳаракатидаги фаолиятига қардош партиялар, чет эллардаги синфдош қардошларимиз, социализм учун, капитал зулмига қарши, улуғ коммунистик идеалларнинг тантанаси учун курашдаги ўртоқларимиз ҳақли равишда жуда юқори баҳо бердилар.

Леонид Ильич Брежнев фикри-эикри, куч-ғайратлари КПСС XXVI съезди, Марказий Комитетнинг кейинги Пленумлари белгилаб берган иқтисодий, социал ва маданий ривожланишнинг энг катта вазифаларини ҳал этишга қаратилган бир пайтда ҳаётдан кўз юмди. Бу вазифаларни амалга ошириш, партияимиз билан Совет давлатининг Леонид Ильич Брежнев раҳбарлигида ишлаб чиқилган ички ва ташқи сиёсат йўлини изчиллик билан амалга ошириш — бизнинг энг биринчи бурчимиздир. Шу тариқа биз орамиздан кетган раҳбарнинг порлоқ хотирасини энг яхши тарзда эъзозлаган бўламиз.

Қайғумиз чексиз. Бошимизга тушган мусибат оғир.

Мана шу вазиятда сафларимизни янада маҳкамроқ жипслаштириш, партия Марказий Комитети теварагида

янада маҳкамроқ бирлашиш, ўз лавозимимизда, ўз ҳаёти-мизда совет халқининг бахт-саодати учун, тинчликни мустаҳкамлаш учун, коммунизм тантанаси учун имкони бори-ча кўпроқ иш қилиш — ҳар биримизнинг бурчимиздир, ҳар бир коммунистнинг бурчидир.

Совет халқи ўз Коммунистик партиясига астойдил ишонади. Ишонишининг боиси шуки, партия учун совет кишиларининг туб манфаатларидан бошқа манфаатлар бўлган эмас ва бўлмайди ҳам. Бу ишончни оқлаш — коммунистик қурилиш йўлидан олға бориш, социалистик Ватанимизнинг янада равнақ топишига интилиш демакдир.

Ўртоқлар, бизда энг қийин пайтларда ёрдам бериб келган ва ёрдам бераётган, энг мураккаб вазифаларни ҳал этишимизга кўмаклашаётган куч бор. Бу куч — партияимиз сафларининг бирлигидир. Бу куч — партиянинг коллектив донолиги, унинг коллектив раҳбарлигидир, бу куч — партия билан халқнинг бирлигидир.

Бугун Пленумимиз Леонид Ильич Брежнев хотирасини ҳурмат билан эсга олиш ва у ўз умрини бағишлаган ишнинг давом этишини таъминлаш учун тўпланди.

Пленум Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретарини сайлаш тўғрисидаги масалани ҳал этиши лозим.

Ўртоқлардан шу масала хусусидаги фикрларини айтишни сўрайман.

Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи

Азиз ўртоқлар!

Сиёсий бюро Марказий Комитетнинг ушбу навбатдан ташқари Пленуми қатнашчилари ҳузурда нутқ сўзлашни менга топширди.

Марказий Комитетимизнинг навбатдан ташқари Пленуми ҳақиқатан ҳам фавқуллодда характерга эга. Мамлакат билан партия чуқур мотамда. Леонид Ильич Брежнев орамиздан кетди.

Совет халқи қарийб йигирма йил мобайнида партия ва давлатга бошчилик қилиб ўзининг бутун кучи ва зўр қобилиятини совет кишиларининг бахт-саодати йўлида, мамлакатимизда коммунистик қурилиш иши йўлида сарфлаган атоқли раҳбаридан жудо бўлди. Инсоният тинчлик, озошлик ва социал тараққиёт идеаллари учун чинакам толмас, улуғ курашчидан жудо бўлди, деб айта оламиз. Биз, совет коммунистлари, социалистик мамлакатлардаги қардошларимиз, жаҳон коммунистик ҳаракатидаги сафдошларимиз Ленин ишининг истеъдодли давомчисидан, меҳнаткашларнинг манфаатларига астойдил садоқат намунаси бўлиб келган инсондан жудо бўлдик.

Мусибатимизнинг бутун аламини ифодалашга тил ожиз. Аммо шу мотам кунларида ҳаммамиз учун азиз бўлган

Леонид Ильичнинг ҳаёт сабоқлари ҳаммамизга буюк мадад бўлиб хизмат қилади.

Леонид Ильич бутун вужуди билан жамият манфаатларини, халқ манфаатларини кўзлаб яшаш истеъдодига тўла-тўқис эга эди. Успирилик йилларидан бошлаб то умрининг охиригача кунигача ҳаммаша шундай бўлиб келди.

Эзгу тилакларнинг бир ўзигина пуч гап эканини Леонид Ильич яхши билар эди. Тўғри фикрлар айтиш камлик қилади, шу фикрларни аниқ ташкилотчилик иши билан мустаҳкамлаш, уларни кенг меҳнаткашлар оммасига тушунтириш ва унинг онгига сингдириш лозим. Леонид Ильич одамларни севар эди, у одамларга ишона билар эди.

Леонид Ильич бениҳоя довурак инсон эди. Буни у Улуғ Ватан урушининг биринчи кунидан сўнгги кунигача қилган ишлари билан исбот этди. У бутун ҳаёт йўлидан мардонавор юриб ўтди. Шу билан бирга у ҳар бир ўртоқдаги дадилликни, ҳар қандай синовлар пайтидаги принципиаллик, матонатни юксак, жуда юксак қадрлар эди.

Леонид Ильич билан ёнма-ён туриш, унинг ўткир ақлидроки, заковати, ҳаётсеварлигини яққол сезиш — у билан биргаликда ишлашга мушарраф бўлган ҳар биримиз учун бир мактаб эди.

Леонид Ильич Брежнев бизга бебаҳо мерос қолдирмоқда. Бизнинг 18 миллионли партиямиз яқдил ва жипслашган. Совет халқи партиянинг донолигига сидқидилдан ишонади. Кадрларга нисбатан талабчанлик ва ҳурмат, бузилмас интизом ва дадил фойдали ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, бюрократизмнинг ҳар қандай кўринишларига мурасасизлик ва омма билан алоқани ривожлантириш тўғрисида, совет жамиятининг чинакам демократизми ҳақида доимо ғамхўрлик қилиш ҳаётимизнинг нормалари бўлиб қолди.

Мана шу раҳбарлик услубини ардоқлаб асраш ва ривожлантириш, Леонид Ильич бизга ўз сўзи ва иши билан васият қилган ҳамма нарсаларни кадрлаш — унинг хотираси олдидаги бурчимиздир, партия ва мамлакат олдидаги бурчимиздир. Партиянинг раҳбар ўзаги, унинг Марказий Комитети, Леонид Ильичнинг ҳал қилувчи иштирокида шаклланган Сиёсий бюро айна шундай бўлиши бунинг мустаҳкам гаровидир. Бизнинг Пленумимиз партиянинг ҳозирги босқичда КПСС XXIII—XXVI съездлари қарорларида аниқ-равшан ва тўла-тўқис ифодалаб берилган ленинча йўлдан бундан буён ҳам қатъият билан олға бораверишини бутун мамлакат олдида, бутун дунё олдида намоён этилади, деб Сиёсий бюро номидан жуда чуқур ишонч изҳор этаман. Леонид Ильич Брежневнинг жуда катта ҳиссаси билан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган партиямизнинг ички ва ташқи сиёсати комил ишонч, изчиллик ва собитқадамлик билан ўтказилаберади.

Халқ бахт-саодати ва ер юзида тинчликни сақлаб қолиш бизнинг асосий йўлимиз бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва шундай бўлиб қолади.

Бизнинг яхши ўйлаб тузилган муфассал социал-иқтисодий программamız бор. Экономика тежамли бўлиши керак. Партиянинг кўрсатмаси мана шундай. Бу кўрсатма индустриал ва аграр секторларни техника билан қайта қуролантиришни, бошқарувни такомиллаштиришни ва, албатта, меҳнатни ташкил этишни яхшилашни, унинг унумдорлигини ўстиришни билдиради. Шу негизда давлатимизнинг экономикаси муттасил ривожлантирилаберади, халқ фаровонлиги оширилаберади. Худди шу негизда мамлакатнинг мудофаа қобилияти мустаҳкамланаберади.

Бизнинг саксонинчи йилларга мўлжалланган муфассал конкрет Тинчлик программamız бор. Бу программа халқнинг орзу-умидларига мос келади. Биз ўз олдимизга кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш, можароли вазиятларни бартараф этиш, ядро уруши хавфини тугатиш вазифаларини қўямиз. Биз ўзимиз учун, ўз дўстларимиз учун, дунёдаги барча халқлар учун пухта хавфсизлик бўлишини истаймиз.

Азиз ўртоқлар!

Леонид Ильичнинг вафоти сабабли бошимизга тушган жудоликнинг ўрнини тўлдириш жуда қийинлигини ҳаммамиз англаб турибмиз, албатта. Ҳозир партиядаги ишларни коллектив равишда олиб бориш икки ҳисса, уч ҳисса муҳимдир. Барча партия органларида аҳиллик билан биргаликда ишлаш ҳам коммунистик қурилишда, ҳам халқаро майдондаги фаолиятимизда янгидан-янги муваффақиятларни таъминлайди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси вужудга келган аҳволни муҳокама қилиб, менга ўртоқ Юрий Владимирович Андроповни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимига сайлашни Пленумга таклиф қилишни топширди. Унинг таржимаи ҳолини айтиб беришга эҳтиёж бўлмаса керак деб ўйлайман. Юрий Владимирович Ленин партияси ишига садоқатли, фидокор коммунист эканлиги, Леонид Ильичнинг энг яқин сафдоши эканлиги партияга ва мамлакатга яхши маълум.

Юрий Владимирович ички ва ташқи сиёсат, идеология соҳасида кўп қиррали ишлар билан шуғулланиб келган. У комсомолларнинг етакчиси ҳам, йирик партия ходими ҳам, дипломат ҳам бўлган. У социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлашга, давлатимизнинг хавфсизлигини таъминлашга кўп меҳнат сарфлаган.

Леонид Ильич унинг марксча-ленинча этиқодини, партиявийлигини, кенг билим доирасини, зўр ишчанлиги ва инсоний фазилатларини юксак кадрлар эди.

Барча Сиёсий бюро аъзоларининг фикрича, брежневча раҳбарлик услубини, халқ манфаатлари тўғрисидаги брежневча ғамхўрликни, кадрларга нисбатан брежневча муносабатни, агрессорларнинг кирдикорларига бутун куч билан қарши туриш, тинчликни эҳтиёт қилиб сақлаш ва мустаҳкамлаш қатъиятини Юрий Владимирович жуда яхши ўзлаштириб олган.

Партиявий камтаринлик, бошқа ўртоқларнинг фикрига ҳурмат билан қараш ва, таъбир жоиз бўлса, коллектив бўлиб ишлашга иштиёқмандлик Юрий Владимировичга хос хусусиятлардир. Сиёсий бюронинг яқдил фикри шуки, ўртоқ Андропов Марказий Комитетнинг ишончига, партиянинг ишончига лойиқдир.

Азиз ўртоқлар! Биз Леонид Ильичнинг порлоқ хотираси олдида бошимизни эгиб, ўз бунёдкорлик ишимизни тинимсиз давом эттираберамиз, деб тантанали ваъда берамиз. Леонид Ильич қилишга улгура олмаган ҳамма ишлар, унинг раҳбарлигида партия белгилаган режалар албатта рўёбга чиқарилади.

Юрий Владимирович АНДРОПОВ

Юрий Владимирович Андропов 1914 йил 15 июнда Ставрополь ўлкасининг Нагутская станциясида темирўлчи оиласида туғилди. Олий маълумотли. 1939 йилдан КПСС аъзоси.

Ун олти яшар комсомоллик чоғида Ю. В. Андропов Шимлий Осетия АССРнинг Моздок шаҳрида ишчи эди. Сўнгра унинг меҳнатдаги таржимаи ҳоли Волга пароходчилиги кемаларида давом этди, бу ерда у матрос бўлиб ишлади.

1936 йилдан бошлаб Ю. В. Андропов комсомол ишига ўтади.

У Ярославль областининг Рибинск шаҳридаги сув транспорти техникуми комсомол ташкилотининг бошқа ишлардан озод этилган секретари қилиб сайланди. Тез орада уни ВЛКСМ Марказий Комитетининг Рибинск шаҳридаги Володарский номли кемасозлик корхонаси комсомол ташкилотчиси лавозимига кўтардилар. 1938 йилда Ярославль областининг комсомоллари Ю. В. Андроповни ВЛКСМ Ярославль область комитетининг биринчи секретари қилиб сайлайдилар. 1940 йилда Ю. В. Андропов Карелия ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимига сайланади.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунларидан бошлаб Ю. В. Андропов Карелиядаги партизан ҳаракатида актив қатнашади. 1944 йилда Петрозаводск шаҳри фашист босқинчилардан озод қилингандан кейин Ю. В. Андропов партия ишига ўтади. У Петрозаводск шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари, 1947 йилда эса Карелия Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари қилиб сайланади.

1951 йилда Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг қарорига биноан КПСС Марказий Комитетининг аппаратида ўтказилади ва КПСС Марказий Комитетининг инспектори, сўнгра эса кичик бўлимнинг мудирини этиб тайинланади.

1953 йилда партия Ю. В. Андроповни дипломатия ишига юборади. У бир неча йил мобайнида СССРнинг Венгрия Халқ Республикасидаги фавақулда ва мухтор элчиси бўлди.

1957 йилда Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирини лавозимига кўтарилди.

Партиянинг XXII съездида ва ундан кейинги съездларида Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланади.

1962 йилда Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг секретари лавозимига сайланади.

1967 йилнинг майида Ю. В. Андропов СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси этиб тайинланади. Уша йилнинг июнида у КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайланди.

1982 йил майида Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайланди.

1973 йил апрелидан бошлаб Ю. В. Андропов — КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси.

Юрий Владимирович Андропов — бир қанча қақирқ СССР Олий Советининг депутаты.

Ю. В. Андропов партиянинг иродаси билан қаерда ишламасин, ҳамма лавозимларда унинг Ленин, партия улуғ ишига садоқати намоён бўлди. У ўзининг бутун кучи, билими ва тажрибасини партия қарорларини амалга оширишга, коммунистик ғояларнинг тантанаси учун курашга сарфлаб келмоқда.

1974 йилда Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби Ю. В. Андроповнинг Ватан олдидаги катта хизматлари учун унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. У тўртта Ленин ордени, Октябрь Революцияси, Қизил Байроқ орденлари, учта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар билан мукофотланган.



**Юрий Владимирович
АНДРОПОВ**



ТУРОБ
ТЎЛА

Улуғ мерос

«...Халқлар адоватни унутиб,
Улуғ оилага уюшажаклар!»

А. С. ПУШКИН



азаримда бунн замонамизнинг донишманд шоирларидан бири, гўзал Грузиянинг тароватини ва овозасини дунёга ёйган машҳур адиб Ираклий Абашидзе ҳам Ўзбекистон ва Гуржистон мисолида чиройли айтган: «Ўзбекистон учун қувонаркан қалбим, Гўзал Грузия турар қаршимда!»

Дарҳақиқат, социализм мамлакатида халқлар адоватни унутдилар, қардошлик, дўстлик, тотувлик билан камарбаста бўлдилар, улуғ оилага уюшдилар. Мана, олтимиш йилдирки, бу улуғ Оила барқарар, бу улуғ Оила мустаҳкам, бу улуғ Оила равнақда! Уни бузмоқ бўлганларнинг ўзлари бузилиб, ёрилиб кетдилар, уни парокандаликда кўрмоқ истаганлар ҳамон ўзлари пароканда! Бу улуғ Оила наинки гуллаб-яшнамоқда, у борган сайин кенгайиб, мустаҳкамланиб, томир отиб бормоқда, унинг дўстлари кўпаймоқда, унинг йўлига тушганлар камол топмоқда, ер юзининг барча қиъталарида пайдо бўлмоқдалар. Унинг душманлари ҳар қанча ҳаракат қилсалар ҳам бу тўлқинни тўхтатиш йўлини тополмаётирлар, улар адоват уруғини сепаиб кўрмоқдалар, бирида ўчирган ўтни иккинчи ерда ёқиб, эркесвар халқлар хонадонларини хароб қилмоқдалар. Лекин бари бир, ниятларига ета олмаяптилар. Жаҳонда олтимиш йилдирки, халқларнинг Сусамбили бор, жаннатмакон тупроғи бор, унда халқлар маъмур яшайдилар, дўст, меҳрибон умр кечирадилар, ўн беш республика, бир юз етмиш миллат бир улуғ оиланинг аъзосидирлар, уларнинг ягона партиялари бор, ягона халқ давлати бор ҳимоя қиладиган, ардоқлайдиган, ҳар бало-қазодан сақлайдиган! Бунн улар билмайдилар, билганлар бизнинг йўлимизга тушмоқдалар! Ёвуз ниятли кимсалар эса, бундан таҳликага тушмоқдалар.

Социализм мамлакатни халқлари қудратини, бу тузумнинг, кўп миллатли бу мамлакатнинг кучини у ёвузлар бир неча бор синаб кўрдилар, у ҳали ёшлиги вақтида ҳам, тақомилида ҳам, социализм иншоотларини қураётган кезларида ҳам. Бироқ, ҳеч даврда қўллари баланд келмади, ҳаммаша қақшатқич зарбалар олдилар. Фитна қилиб кўрдилар, бўлмади, иғво қилиб кўрдилар, бўлмади! Ҳамма хатти-ҳаракатлари ўзларига калтак бўлиб тегди, бир зарба бераман деб, ўн зарба олдилар. Иккинчи жаҳон урушини кўзгаб нимага эга бўлдилар! Ҳамма кучларини қўлдан бердилар, чиркин башаралари фош бўлди, социализм тузумининг баркамоллиги ва афзаллигини пайқаган ер юзи халқлари эрк ва озодлик, мустақиллик курашига отландилар, бирин-кетин қанчадан-қанча халқлар бунга эришдилар, социализм лагери кен-

гайди. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг дастлабки йилларида Ленин «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» деб ёзган хатида шундай деган эди: «Бундан буён сизларнинг эътиқодларингиз ва урф-одатларингиз, миллий ва маданий муассасаларингиз озод ва дахлсиз деб эълон қилинади. Уз миллий ҳаётингизни эркин ва монесиз тарзда қуринг. Сизларнинг, биллингларки, ҳуқуқларингизни Россиядаги барча халқларнинг ҳуқуқлари каби революция ва унинг органлари, ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советлари бор қудрати билан муҳофаза қилади!» Бу муборак ва мўътабар программани ўқиган, билган ҳар кимса уни ўпиб қўлига олади ва унга амал қилади. Бунини ўқиган ва билган ҳар кимса унинг муаллифи йўлига тушади. Бунини ўқиган ва билган ҳар бир халқ бир умр оёқ ости бўлиб келган ҳаётини, кадр-қимматини тупроқдан нондек кўтариб олади ва бундан кейин ҳеч қачон ва ҳеч қайда топташга йўл қўймайди.

Ёлғиз бизнинг республикамизда юздан ортиқ миллат вакиллари яшайдилар. Улар бир жон, бир тан бўлиб яшайдилар, бир-бирларига суяниб яшайдилар, бир-бирларини суйиб, қадрлаб яшайдилар, улар бир-бирлари билан баробар, тенг яшайдилар, ўзларининг миллий урф-одатлари билан, эътиқодлари билан, миллий ва маданий, тарихий нуфузлари билан! Ҳаммалари бир-бирларининг тарихларини, маданиятларини, миллий ифтихорларини ҳурмат қиладилар, ардоқлайдилар. Республикаимизнинг пойтахтида ҳам шундай, юздан ортиқ миллат яшайди. Шунининг учун ҳам уни «Тошкент — нон шаҳри!», «Тошкент — дўстлик шаҳри», «Тошкент — қардошлар шаҳри» деб атайдилар. Уни инқилоб кунлари ҳам, Улуғ Ватан уруши йиллари ҳам, даҳшатли зилзила кунлари ҳам шундай атаганлар. Бошпанасиз қолган дўстлар, қадрдонлар унинг бағридан иссиқ жой топди, ўзлари кўчада қолганларида улар келиб бошлана қуриб бердилар. Мана шундай қилиб, СССР Халқлари деб аталмиш бу улуғ Оилада Совет Халқи шаклланди, миллатларнинг нуфузлари, тенг ҳуқуқлари раванқ топди. Бу муборак халқлар бирлиги умумдавлат манфаатлари билан боғлиқ мақсадга хизмат қилади, уни ҳимоя қилади. Мен қаерда юрсам, бу буюк ва фахрли сўз — совет қишиси деган шарафли ном бошига кўтаради, Владимир Маяковский айтган ва фахр қилган Қизил Паспорти мени ҳамма ерда, чет юртларда, душманлар орасида ҳимоя қилади, ғанимларни титратади! Наинки титратади, ҳурмат билан бош эгишга мажбур этади. Бугун бизнинг юртимизни орзу қилганлар, уни кўрмоқни истаганлар ҳайрат билан тинглайдилар унинг ҳикоясини. Сен ўз ватанинг, ўз диёринг, ўз турмуш тарзингни ҳикоя қилаётганингда уларнинг кўзларида наинки ёниш, ҳаяжон, ҳатто ҳайрат аралаш ажиб бир ифода кўрасан. Босфор бўғозида эдик. Собиқ ҳамшаҳрим ўзининг Босфор соҳилидаги шинамгина қаҳвахонасида меҳмон қиларди. У элик йиллардан бери бу ерларда истиқомат қилса ҳам унинг граждани эмас, бегона эди бу мамлакатга, муҳожир аталарди. У фақат шу ҳақда нолир, ўзининг на ерда, на осмонда эканлигини билмай ўтиб кетаётганлигидан шикоятланарди, «бизни бу ерда одам санамайдилар, тилларида сўзлашсак ҳам, одатларини қилсак ҳам, сўзларига кирсак ҳам» деди. Мен шунда унинг туғишган акаси билан нега гапиришмаслигига тушундим. У инсонлигини қайтариб беришлари учун, одамлар орасида одам саналиб юриши учун ҳатто ўз туғишганидан ҳам кечипти, ўз тилидан, урф-одатидан кечипти. Мен билан фақат турк тилида сўзлашар, мен шунча она тилида

гапиришмоққа ундасам ҳам, уни унутганман деб ўзга тилда сўзлашарди. Унинг илтимосига биноан мени бу ерга олиб келган Аҳмаджон деган гумаштаси унда-бунда гапга аралашар, мен билан ўзбекча, у билан туркча гаплашар, ҳатто баъзан бир халқнинг икки фарзанди орасига таржимонликка ҳам тушарди. Мен унинг аҳволига гоҳ ачинардим, гоҳ ғашим келарди. Бўлмаса, ўзига тўқ яшар экан, шаҳарда дўкони, бунда қаҳвахонаси, ҳамма нарса бор, аммо ватани йўқ. У мендан «Тошкентимиз қалай!» деб сўради зўрга. Мен унга «Тошкентингизни бугун танимайсиз, дедим. Аммо у бунини бошқача тушунди шекилли, нима, харобми, деди. Бундай беватан, иззат-нафсини йўқотиб қўйган кишилар билан суҳбатнинг нақадар оғирлигини биласиз. Шундай бўлса ҳам, ватаним, шаҳрим нуфузини сақлаш учун унга гапириб бердим. Аммо ҳали айтганимдай, кўзларида ҳайрат сезардим, у ҳайратнинг нима эканлигини тушунолмасдим, ё инонганидан, ҳаяжондан, ё инонмаганидан эди. Узоқ тинглаб ўтирдиди, шунча гапдан кейин «Айтинг-чи, Тошкентга электр чироқ келтирганларми!» деди. Жоҳилнинг саволи ҳаёлимни остин-устун қилиб ташлади. Унга жавоб беришнинг фойдануфузини сақлаш учун унга гапириб бердим. Аммо ҳали сиз билан бу бандликка кўтарилаётганимизда том бўғотига қистириб қоқиб қўйилган бир хатга кўзим тушди. У занглаб кетган бир тунука тахтача эди. Истиқола қилиб, хижолат чекарсиз деб сўрамаган эдим. Унда, «харда коммунизмни гиёҳни кўриурсан, улиб ташла», деган даҳшатли сўзлар ёзилган. Энди тушундим, сиз ана шу заҳар билан заҳарланган экансиз».

Биз бу ерда узоқ ўтирдик, суҳбатимиз ёпишмаса ҳам Назаримда бу суҳбат менгамас, унга керак эди. Ҳа! нечук ватани ва ундан келган ватанининг ғубори қанақалигини ҳис қиладиган, озгина бўлса ҳам виждон борга ўхшайди. Уни ўша виждон қийнарди. Лекин қизиғи ш бўлдики, шунча бирга ўтириб бирон марта ҳам афтид табассум кўрмадим. Уйладимки, у табассумини ҳам йўқотган эди.

Мана, у томондагилар қанақа аҳволда яшайдила бизни қандай тушунадилар, ватанларини қандай танийдилар... Мен, албатта, у юзкўрмас бўлиб кетган акасини топиб суҳбатлашдим. Осмон билан ер. Ҳалиги саволлар менмас, у ҳайратда, ташвишда, хижолатда қарайди мега, ватанимизни соғинамиз, дейди, шунинг учун уни қисмати билан қизиқамиз, ҳар кунни уни кўргандай хабадормиз, унинг бахти билан яшаймиз, дейди. Бундай хариҳоқлар ёниб яшайдилар. Ҳалигилар эса, ёнолмайдилар ҳам.

Ленин кашф этган социалистик давлат, қардошлар ватани бугун ўшандагиларнинг ҳам кўзини очмоқда. Биз Ленин авлодлари бир-биримизни тарбияладик, бир-биримиздан ўргандик. Яшашни ҳам, курашни ҳам, меҳнат ҳам.

Биз ватан муҳаббати билан катта бўлдик, уни севиш ўргандик, уни ҳимоя қилишни ўргандик, унинг тинч, қроғатда яшашига кафилик қилдик. Бунини бизга Коммунистик партия ўргатди. Фарзандларимизни мана шу тахлит катта қилдик. Бизнинг фарзандларимизга энг буюк меҳсимиз мана шу. Бу мерос ҳамма нарсадан қудрат ҳамма нарсадан буюк, ҳамма нарсадан мўътабар. Бунини фарзандлар муҳаббатида бўлган ватан асти кам бўлди, қардошлар, дўстлар, биродарлар бағрида камол тоётган совет тузуми ва давлати абадий. Виждони пок, муҳаббати буюк халқ тузуми ҳеч қачон тўзимайди. У Ленин партияси тузган!




ЎЗБЕКИСТОН ДУСТЛАР НИГОҲИДА

**МИХАИЛ
ШОЛОХОВ:**

СССРнинг барпо этилиши — ўзига хос ижтимоий улуғвор қурилишидир. Аммо бу бино бунёдкорининг меъморчилик даҳоси қанчалик гўзал ва буюк бўлганлиги ҳақида ўйлаб кўрганмизми?..

Бинонинг мустаҳкамлиги замонлар билангина эмас, баъзан (иккинчи жаҳон уруши каби) бошдан кечирилган фалокатлар билан ҳам синалади... Аммо кўп миллатли қардошларча бирлик — йигит-қизларнинг биргаликда тўкилган қони билан мустаҳкамланган СССР бу оғир синовга бардош берди, ундан янада пишиб, кучга тўлиб чиқди.

Бунда Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни бор. Мен республикангизнинг меҳнаткаш ва доно халқига қувонч тилайман. Навоий даҳосини яратган заминга бахт ҳамшиша ҳамроҳ бўлсин!



Яқинда, СССРнинг 60 йиллик шодиёнаси арафасида Ватанимизнинг таниқли адиблари Тошкентга, совет адабиёти кунларини ўтказиш тантаналарига тўпланишди. Бу сонда сиз уларнинг республикамиз, меҳнаткаш ва меҳмондўст халқимиз, ўзбек адабиёти тўғрисида айтган дил сўзларини ўқийсиз.

М. Шолохов

ГЕОРГИЙ МАРКОВ:

Ўзбекистон кўп миллатли советлар мамлакатининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида Октябрь қуёши нуридан баҳраманд бўлди. Республиканинг Совет ҳокимияти йилларида қўлга киритган ютуқлари социалистик тузумимизнинг афзалликларини яққол намоёни қилиб турибди.

Биз Ўзбекистонга меҳмон эмасмиз. Ўзимизни бу саховатли республиканинг фарзанди деб биламиз. Унинг ютуқларидан қувонамиз.

Ўзбек адабиёти кейинги йилларда катта ютуқларга эришди. Кўпмиллатли совет адабиётининг ажралмас бир қисми бўлган бу адабиёт коммунизм кишиларини тарбиялашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Мен Ўзбекистон халқини СССР ташкил топганлигининг қутлуғ 60 йиллиги билан чин қалбдан табриклайман. «Оқ олтин» ўлкаси шарқнинг ёрқин машъали бўлиб қолаверади, деб ишонаман.



Г. Марков

ДАВИД ҚУГУЛТИНОВ:

Совет Иттифоқи Социалистик Республикалари 60 йил мобайнида жаҳон тараққиёти тарихига катта таъсир кўрсатди. Ўзбекистонда ўтказилган адабиёт фестивали кунлари Самарқанддаги давра гурунгида шитирок этган австриялик бир ёзувчи умри гумроҳликда ўтганидан куйиниб гапирди. Совет Иттифоқи борасида уни шу пайтгача алдаб ке-



лишган экан. Зеро, унинг Ўзбекистонда — Самарқандда ўз кўзи билан кўрганлари нариги томон идеологларининг ўттиз йил давомида муттасил таъкидлаб келган туҳматлари таъсирини тасаввуридан ювиб юборган эди.

Самарқандда биз ўзбек халқи даҳосининг яратганларини — XIV аср меъморчилигини, Улуғбек расадхонасини кўрдик. Улуғбек устурлаби (секстанти) Москвадаги космонавтлар монументини ёдимга солди. Зотан, чексиз коинот сари парвозда Улуғбек юлдузига айланган башарият тафаккурининг старт майдони кўз олдимда турар эди. Бунда биз бемисл олтимиш йилнинг ҳар бири халқларимиз маънавий юксалишидаги бир зина эканлигининг гувоҳи бўлдик. Ҳар бир йил гўё дўстлик тўқимасидан туғилгандек. Қайсики, бу тўқима физик ҳодисадаги зўр қувват (энергия)га эга-ю, аслида вазнсиз бўлган фотонларни эслатади. СССРдаги барча халқлар маданияти пиллапоялари таркиби ана шу сирли тўқи мадандирким, Шарқда Ўзбекистон бунинг энг олий намунасидир. Хаёл қиламанки, мабодс қуёш системасидан ҳам ташқаридаги бирор тараққиёт вакиллари, ўзларининг қудратли телескопларини Ер куррасига, ундаги ям-яшил биноқта — Ўзбекистонни топиб, шунга қаратсалар инсониятнинг XX асрда эришган барча ютуқлари ҳақида аниқ хулосалар чиқарган бўлур эдилар. Зеро, ҳам маънавий, ҳам иқтисодий уйғу тараққиёт бугунги Ўзбекистонни доҳий Лени башоратларини амалга ошираётган бир юртга айлантирди.

Қачонлардир Кампанелланинг буюк даҳо Қуёш шаҳри образини яратган эди. Аммо одалар уни утопия — хом хаёл деб атадилар. Мисалга бугун Қуёш юрти — бу Ўзбекистондир, дейтаман. Албатта, Самарқанд пахтазорларидо заводларда кўрганларимизу ўзбек меҳнаткашлари ва олимлари билан суҳбатлашиб топган бараларимиз қаршисида Кампанелла орзу қилган Қуёш шаҳри қиёфаси ғоят рангсиздир.

Мен оппоқ кўпириб ётган пахтазор билан кма-юз туриб: «Бу оқлик, бу поклик меҳнатки халқ диёнати билан нақадар уйғун», деб ўйдим. Фақат ана шундай диёнатли халқгина таклардагидек қаҳрамонона бунёдкорликка кирдирди.



ҒАФУР
ГУЛОМ

Улуғ рус халқига

Менинг оғам рус бўлур!..
виждоним буюрганин
Шу шеърда ёзолсам,
виждондек дуруст бўлур!
Коммунизм асрига
йўл тўшаб берган руссан,
Шарқлиман, бир ўзбекман,
улуғ оғам, омон бўл!
Қудратли самолётни
ижод қилган ўзингсан,
Яна ҳам баландроқ уч,
яна ҳам осмон бўл!
«Первая книга»дек,
ўн еттинчи йиллари,
Девордаги манифест —
менинг ҳам кўзим очмиш
Ва менинг оиламга
ақлларнинг устоди
Владимир Ильичнинг
куёши нурин сочмиш,
«Эшит, Москва сўзлар!»
уйимдаги жарангос —
Қолган Шарқимизнинг ҳам
ўчиради уйқусин.
«Аврора» залпларидек
жаҳон бўйлаб бу овоз
Уйғотар инсонларнинг
туғма она туйғусин!
Мунчалар меҳрибонсан,
мунчалар чин инсонсан,
Мунчалар қадрдонсан,
қадрдоним, оға рус!
Ғазабинг ёваларингни
қирмоқда,
бир жаҳонсан,
Лобарлик ҳунаринг деб,
айтақўйсам, дубдуруст.

«Правда» адреси бор
шонли Москвамизда,
Ленин кутубхонаси
миллион томли бир китоб,
Улуғ кишиларинг номи
одамларнинг эсида,
Кремль юлдузлари
жаҳон узра офтоб!
Ҳақиқат маърифатин
инсоният қидирса,
Рус халқининг илмидан
олади мўл-мўл таълим.
Аср-асрлар ўтиб,
ақл нима буюрса,
Барибир, Ломоносов
унга бўлур муаллим!
Менделеев жадвалин
оламга ўргатолган,
Инсонни ер юзида
қилаолган кимёгар.
Аъло ташаккуримни
рус халқига айтаман,
Менинг инсонлигимдан
у берди менга хабар.
Атомдаги қувватдан
шарқлини чўчитмаган,
Заррадаги суръатдан
беҳуда ўқитмаган,
Америкали золим —
миллионерлар сингари,
Қондан, кўз ёшларидан
миллиардларни кутмаган,
Менинг оғам рус бўлур!..
виждоним буюрганин
Шу шеърга ёзолсам,
виждондек дуруст бўлур!

Озарбайжон

Парча

Кўп ошганман бу тоғлардан
Турна кўзли булоқлардан.
Тинглаганман узоқлардан
Сокин ораз — ишвакори.
Синаганман дўсту ёрни,
Эл билади: жон-таннимсан,
Юртим, уйим, масканимсан,
Яъни она-Ватаннимсан!
Айриларми кўнгилу жон,
Озарбайжон, Озарбайжон.
Фақат кетсам сендан йироқ,
Бошга тушар аччиқ фиरोқ,
Ҳасратингда соч бўлар оқ...
Бўғар ойлар, йиллар мени,
Койимасин эллар мени!
Тоғларингнинг боши қордир,
Оқ булутлар — кўрк, виқордир,
Буюк бир ўтмишинг бордир.
Саноқ етмас ёшинг сенинг,
Нелар кўрмиш бошинг сенинг!
Тушдинг бадбахт асирларга,
Оғир-оғир фаслларга.
Насллардан наслларга
Ўтган бир шуҳратинг бордир,
Ўғил-қизинг бахтиёрдир.
Бир ёнингда баҳри Ҳазар,
Яшилбош суқсурлар сузар.
Хаёл қургур елдек кезар
Гоҳ Элдорни, Муғонни гоҳ,
Умр чекли, манзил узоқ!..
Туташ тоғлар, зап даралар,
Дил боғловчи манзаралар.
Жайрон қочар, улоқ маърар
Кўпдир, яйлов, боғинг сенинг
Бийдай қир, ўтлоғинг сенинг.
Бу ерларда пишса лимон!
Майишади шоҳлар ҳар ён.
Қорда тоғлар боқма қачон:

Хабарчидир гўё қишдан...
Метин — қўрғон яралишдан.
Ланкаронинг гули хол-хол,
Юртимнинг қизлари мисол.
Чойни қуяр соҳибжамол,
Ётларга очмас дилини,
Онамнинг суқсур келини!
Бошоқ тугар — эртанги нон,
Гўза гуллар — янги хирмон.
Узум шира йиғиб чандон,
Интиқ инсон йўлларига
Куч бўлай деб қўлларига.
Азиз Ватан, маънинг теран,
Гўзалларнинг бешигисан.
Бахши куйлар фахр билан:
Сен кўёшининг қучоғисан,
Шеър-у санъат ўчоғисан.
Ўлмас кўнгил, ўлмас асар,
Низомийлар, Фўзулийлар!
Қўлинг қалам, кўксинг дафтар
Айтгил қолсин, нимангки бор,
Айтилган сўз бўлур ёдгор!
Қани, бизнинг Боқуга боқ,
Соҳилида минг бир чироқ.
Бурғулари ҳайқирароқ
Шовқин солур бўз чўлларга,
Зиё бериб тоғ, йўлларга.
Нозли шамол эсар бирдек,
Соҳилларда кериб кўкрак,
Бизнинг Боқу — бизнинг юрак!
Нур ёғдуда — қудрат сўзи,
Саҳарларнинг ҳулкар кўзи.
Азиз Ватан, ёруғ юзим,
Эшит маним юрак сўзим.
Қардошликда бахт юлдузинг!
Гуллай бергил дориламон
Озарбайжон, Озарбайжон!

Раззоқ АБДУРАШИД
таржимаси



АЛЕКСАНДР
РУСОВ

Абдурахмоннинг янги уйи



Ҳикоя

Нурилло ОТАХОНОВнинг
эркин таржимаси

Расми Б. ЖАЛОЛОВ чизган

бдурахмон Қодиров ва унинг меҳмони — рус ошнаси бир неча соатдан бери эринмай чойхўрлик қилиб ўтиришарди. Саккизинчи чойнақдан кейингина улар вужудларида ҳузурбахш бир енгиллик сездилар. Бундай ҳузурни одам Тошкент ёзининг айни олов пурқаб турган палласида беш-олти чойнақ чой ичгандан кейингина ҳис қилиши мумкин эди. Тўғри, бу туйғу мезбонга меҳнатидан мамнун деҳқон қувончидек таниш, аммо қарийб уч минг чақирим йўл босиб келган меҳмонга эса орзиқтирувчи ва тотли туюларди.

— Яна ичамизми? — деб сўради Абдурахмон.

Меҳмон бош силкиди.

— Мирҳабиб! — дея қичқирди мезбон. — Чой!

Эшикка тутилган парда орасидан тақир бош кўринди. Абдурахмон бўш чойнақни столдан олиб, орқасига узатди. Кўк майка, қора трусили, ўн уч ёшлардаги бола хонага кириб чойнақни олди, бир лаҳза тарадудланди, сўнг эшик томон йўналди.

— Қора чойдан дамла, Мирҳабиб, — деди Абдурахмон ва қўшиб қўйди: — Тезроқ!

Бола чопқиллаб чиқиб кетди.

Улар ўтирган хонанинг деразаси боққа қараган эди, шу сабаб бўлса керак, тош уйлар аро, қайноқ асфальтлар узра қаҳру ғазабини сочиб келган жазирама иссиқ бу хонага бир оз кучсизланиб, ҳолдан тойган ҳолда кирарди.

Боланинг ортидан қараб қоларкан, меҳмоннинг хаёлидан: «Қандай итоатгўй уканг бор-а!», деган ўй кечди. Узоқ чойхўрликдан сўнг тил ҳам

«Ёшлик»ка тилагим

Это со мной раскочу. Я писал его более десяти лет назад, как и "Ишик в прозе", в которой попыткась передать сентимент, эркия, спонтанность впечатления от узбекской земли. Ту первую поездку я пережил как первую любовь и потом долго неготовился к ней, а сием кождой только удивлялся по книгам писателей и путешественников, слушаю музыку, сием гуду пейзажами художников, гон произведения были посвящены сентименту, пейзажу Востока, мистической энергии древних цивилизаций. С тех пор много воды утекло. Я не раз летал в Ташкент, ездил в Самарканд, Бухару, оубал новыи зитимани. Исагдма мне радостно видеть "Новый дом Абдураҳмонна", напечатанный на бумаге, звучащий как журчанье воды, журчанье песка, журчанье тас карнеи.

А. Рубов

30 сент. 82

Москва

Бу — эски ҳикоя. Мен уни бундан ўн йилча муқаддам — ўзбек диёридан олган кучли, ёрқин ва лол қолдирарли таассуротларимни акс эттиришига уринган «Бўшлиқдан ўтган чизиқ» асарим билан бир вақтда ёзган эдим.

Уша дастлабки сафарим менга илк муҳаббатдек таъсир қилди ва асарлари жануб қуёши, Шарқнинг сеҳру жозибаси, қадимий тараққиётнинг мафтункор қудрати билан йўрилган адиб ва сайёҳларнинг китоблари, расом ва бастакорларнинг асарлари туфайлигина тасаввур қилганим оҳанрабо куч кейин узоқ вақтгача хаёлимни банд этиб юрди.

Ушандан бери кўп сувлар оқиб ўтди. Неча марталаб Тошкентга бордим, Самарқанду Бухорода бўлдим, янги-янги танишлар орттирдим. Бугун мен «Абдураҳмоннинг уйи»ни ариқларнинг жилдираши, қумтепаларнинг саси, карнайнинг тантанавор садолари каби жанглийдиган тилда кўриб турганимдан мамнунман.

А. РУСОВ

эринчоқ бўлиб қоларканми, товушини чиқармади. Шундай бўлса-да, бу гапни Абдураҳмонни хафа қилиб қўйишдан чўчиб ўтирмай, дангал айтаверса бўларди. Қолаверса, Абдураҳмон унинг яқин дўсти, унча-мунча гап-сўзга қош-қовоғини уймайди ҳам. Шундайликка шундайку-я, бироқ ўз юртингдан олисда — уч минг чақирим берида меҳмон бўлатуриб оғизга келганини гапиравериш ҳам ноқулай. Бу ерларда сўзларинг баъзан бўлакча, ҳатто айтмоқчи бўлган фикрингга батамом зид маъно англатиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. «Гарчи, — деб ўйларди меҳмон, — уканг итоатгўй экан, деб дуч келган одамга ҳам айтса бўлади. Ҳатто, уканг келишган бола экан, деб айтиш мумкин. Ёки, масалан, бемалол, хотининг итоатгўй, деса осмон узилиб ерга тушмайди. Аммо, хотининг чиройли, келишган экан, дейиш... Асло мумкин эмас. Абдураҳмонга балки айтса бўлаверар, аммо бошқа бировларга...»

— Айланиб келамизми? — дея таклиф қилди Абдураҳмон.

Турдилар. Остонада оёқларига шиппак илиб, қадлмаган тасмасини нағалдек жаранглатганча зинадан боққа тушдилар. Ҳовлининг тупроғи тепкиланаверганидан шу қадар қотиб кетган эдики, сира чанги чиқмас, сал наридаги — дарахтларнинг ости эса, аксинча — говак юмшоқ, лекин қўп-қўруқ тупроқ билан қопланган, ҳатто боғни суғориш учун қазилган ариқчалар ҳам, гўё устига кул сепилгандек оқариб-қўруқшаб кетган эди. Жазирама иссиқ дарахтларнинг тинкаматорини қуритган, уларнинг қайноқ танасидан офтобда қуритилган энгил-бошдан анқийдиган ҳид таралар эди.

Абдураҳмон ўрик дарахтига яқинлашди, иккала қў-

ли билан унинг йўғон танасидан ушлаб, бир-икки силкитди. Ерга тўкилган ўрик доналарини териб, челақдаги сувда ювди, кейин меҳмоннинг нигоҳида қандайдир безовталикини пайқаб:

— Қўрқма, сув тоза, — деди.

Дарахтнинг сояси кўрпачалар тўшалган ёғоч сўрини ярмигача қоплаган эди. Эрталаблари, сўрига ҳали офтоб тушмай туриб, гулдор болишларга суянганча, улар бу ерда чой ичишарди. Сўрининг шундоқ биқинига Абдураҳмоннинг отаси ётадиган эски темир каравот қўйилган.

— Уйимиз-ку ёмон эмас-а, лекин янгиси бари бир бўлакча-да, — деди Абдураҳмон. — Ишхонамга ҳам қулай — у ёқдан беш дақиқалик йўл, бу ердан эса нақ бир соат юрасан. Шундай жазирамада қатнаб кўр-чи...

— Яхши! — Меҳмон оғзида ҳамон ўрикнинг лаззатли таъминини туйган кўйи ҳузур қиларди. — Бу ерларда яшашнинг ўзи катта бахт!


— Тошкентнинг қоқ марказидан қирқ кишига қавратира ажратишди, — деб даъом этди Абдураҳмон, — қирқта энг яхши, энг малакали мутахассисларга. Бизда марказдан квартира олиш, биласанми, қанчалик қийин?

— Биламан, — деди меҳмон.

Абдураҳмон кескин бош чайқади:

— Тасаввур ҳам қилолмайсан!

Уйга олиб борадиган йўлакдада қизил холли кўйлак кийган жувон — Абдураҳмоннинг хотини кўринди. Унинг юзи ёқимли ва нафис, кўзлари меҳрга тўла, буғдойранг қўллари силлиқ эди. Аммо қорни қаппайиб тургани учун қомати гўё ўзиники эмасдек йўғон кўринарди.



— Хотининг қаҳрамон экан, — деди меҳмон хиёл ҳайратланиб. — Узи бор-йўғи йигирма ёшда-ю, лекин иккита болали бўлай деб турибди.

— Иккита деганинг нимаси? Ҳали менинг олтига болам бўлади! — деди Абдурахмон ғурур билан, сўнг меҳмоннинг ҳамон таажжуб билан боқиб турганини сезиб, қўшимча қилди: — Бу, сизларда шунақа, қандайдир ғалати одатлар бор. Битта бола туғилдими, бас, шуни боқиб олсак ҳам катта гап, деб ўйлайсизлар. Нимасидан кўрқасизлар, ҳайронман.

Абдурахмон боққа назар ташлади, қулочини кенг ёзди, гўё бу билан, ер ҳам, мева-чева ҳам ҳаммага етади, деяётгандек эди.

— Ўзбекининг одати шу, — дея оҳиста кулиб қўйди у.

Шу пайт меҳмон ку-кулаган товушни эшитди, сал ўтмай мусичанинг ўзини ҳам кўрди. Иккита мусича ўйноқлаб-ўйноқлаб, ҳовли саҳнида сайр қилиб юрарди. Меҳмон уларни ўз юртидаги каптарларга ўхшатди, фақат мусичанинг тумшуғи ингичкароқ ва узунроқ, патлари эса оч бинафша рангда, товуши ҳам каптарни-кидан баландроқ ҳамда хиёл маъюсроқ эди.

— Оламда мусичадан беозор қуш йўқ, — деди Абдурахмон. — Шовқинга сира тоқат қилолмайди. Мусича яшаган жойда, албатта тинчлик бўлади.

Уйга қайтиб кирдилар. Яна столга рўпарама-рўпара бўлиб ўтирдилар. Мирҳабиб чойнак кўтариб кирди. Меҳмон унча қанқаманга бўлса-да, чойни маза қилиб эди. Абдурахмонга қарашли ушбу хона, ўртада турган столдан сал кенгроқ эди, холос. Бунга нисбатан кенг ва катта қўшни хонада Абдурахмоннинг онаси, синглиси, укаси ҳамда ўғли, рус ошнаси меҳмон бўлиб келгандан бери эса, хотини ҳам, ётишарди. Кечасига столни айвонга олиб чиқиб қўйишар ва Дилбар тахта пол устига қип-қизил кўрпаларни солиб, ётишга жой қилиб берар эди.

Меҳмон ювиниш учун эрталаб боққа чиққанида кўпинча Абдурахмоннинг онасига дуч келарди. Ҳали ёш бўлишига қарамай юзини худди ингичка тўр қоплагандек эжин босган бу аёл меҳмонни кўргач, ҳар гал ўнг қўлини чўзиб унинг елкасидан тутар, кифтига оҳиста қоқиб қўяркан, бошини меҳмоннинг кўкрагига яқин келтириб, баланд овозда сўрарди:

— Яхши ётиб турдингми, болам? Пал карасёо?

Аваллига меҳмон аёлнинг сўзларига тушунмай қулиб тураверарди, тушуниб етгач эса, гарчи пахталик шойи кўрпаларда иссиқлаб кетган бўлса-да, ҳар гал бир хил жавоб қиларди: «Хорошо». «Спасибо». «Очень хорошо». Бундан ортиқча сўзламас, сўзлагани билан бари бир Абдурахмоннинг онаси тушунмас эди. Рўбарў турган қўйи бир-бирларига жилмаярдилар, холос.

— Карасёо? Карасёо? — Аёлнинг бу сўзларида ўғлининг дўстига нисбатан айтилмай қолган яна кўп маънолар — ҳурмат ва эҳтиром ифодаси ҳам мужассам эди. У яна бир зум жилмайиб турар, кейин қувониб йўлида давом этарди.

Қўшни хонадан телевизорнинг бир маромдаги товуши эшитилиб турарди. Мирҳабиб келтирган чойнак бўшагач, Абдурахмон аста ўрнидан кўзғалди. Меҳмон ҳам турди. Равон орқали иккинчи хонага ўтдилар.

Телевизор қаршисида Мирҳабиб билан опаси Покиза ўтиришарди. Жонсиз-қонсиз шарпалар ҳаракатланиб юрган хира экран уларнинг бутун диққатини ўзига тортган эди. Биринчи бўлиб Покиза орқасига ўгирилди ва аста ўрнидан турди. Қадди қоматига ярашган саноқсиз сочлари стул суянчигидан сирғалиб белига урди.

Ҳар қадамда унга жой бўшатишаётганидан меҳмон ноқулай аҳволга тушарди, ҳеч кўниколмасди, лекин бу иссиқ ҳамда сокин ўлкада яна жуда кўп ғалати, ажойиб одатлар бор эдики, уларни бузиш ёки ўзгартириш тугул, ҳатто англаб етиш ҳам мушкул эди. Гўлдор кўрпаю гиламларнинг, девор тагида турган диваннинг бир-бири билан уйғунлигидан гўё гулга чулганган боққа ўхшаб қолган ушбу хона ҳам, ундаги хира экранли манави қути ҳам ҳозир меҳмонга ғалати туюларди.

Хонанинг бурчагида япалоқ бошли бир болакай ҳеч кимга эътибор бермай, қўғирчоғу ўйинчоқлари билан овора эди.

Хонага киргач, Абдурахмон ўғилчасига сўз қотди: — Оҳо-о! Яшанг, полвон! Уйнаяпман, денг, маладес!

Бола қайрилиб қаради, ҳечрасига табассум ёйилди. Абдурахмон уни ердан даст узиб, боши узра кўтарганча хонани бир айлантриб чиқди.

Диванда ўтирган Покиза хона тўрида сочилиб ётган қўғирчоқларни йиғиштирди-да, акасига аста қараб олиб, шарпасизгина чиқиб кетди.

Кўп ўтмай хонага Абдурахмоннинг онаси кирди. Икки ўрим сочи елкасига тушиб турар, ҳаворанг узун қўйлагининг энглари шимарилган эди. «Овқатга таклиф қилгани кирди, шекилли», деб хаёлидан кечирди меҳмон. Уйлагани бўлиб чиқди.

Бир оздан сўнг улар яна Абдурахмоннинг хонасида, стол атрофида ўтиришарди. Мирҳабиб иккита юмшоқ, хушбўй нон ва чой олиб кириб дастурхонга қўйди. Ҳар сафаргидай, меҳмон ўзига ғалати туюлган барча нарсалар ҳақида сўраб-суриштираверарди, масалан, мошнинг қандай ўсимлик экани, ундан қанақа овқатлар тайёрлаш мумкинлиги билан ҳам қизиқарди. Абдурахмон эса барча саволга эринмай батафсил жавоб қайтарарди.

— Биласанми, — дерди у, — мош, бу — кўк нўхатчага жуда ўхшайди. Фақат, сал майдароқ. Мошхўрда ўшандан тайёрланади. Ҳиди зўр-да! Эсингдами, Эски шаҳарда, холаваччамникида мошхўрда ичган эдик? У ҳали ҳам ўша эски уйда туради, бошқа холаваччам бўлса, янги квартира олган. Уша эски уй ҳақиқий ўзбекча қилиб қурилган-да. Эҳ-ҳе, бунақа ўзбекча уйларни сен кўрмагансан. Деворларию шифтлари ганч билан ишланган уйни бошқа бирон юртда кўрганмисан? Йўқ. Агар Самарқандга йўлимиз ташса, ганчнинг нима эканини тушуниб оласан. Бухорога борсак, албатта, Ситорай Моҳи Хоса саройини томоша қилдираман: уни кўрмабсан — дунёга келмабсан!..

Бу орада Дилбар икки коса қайноқ шўрва олиб кирди. Юзига балқиган ўша майин табассум, унинг хушфеъл ҳамда эрига меҳрибон аёл эканидан далолат бериб турарди.

У чиқиб кетгач, Абдурахмон қошиқ билан косани қовлаб шўрвани совутаркан, қошларини чимчириб:

— Биласанми, Дилбар иккинчи курс имтиҳонларининг ҳаммасини топшириб олди, — деди. — Октябрдан ўқишини давом эттирмақчи...

— Хотининг яхши аёл, Абдурахмон.

Абдурахмоннинг кўнгли кўтарилиб, олижаноблик билан деди:

— Майли, менинг давримда ўқиб олсин.

Уриқнинг сояси боғдаги сўрини бутунлай қоплаб олди. Бироқ ичкарида ўтириганлар ҳамон терга пишилиб, юзлари қизариб овқатланишар, шўрвага солинган қалампирнинг аччиғи қонга ўтиб, баданни чимчилаб қиздираётган эди.

Қўшни хонада бола йиғлаб қолди. Абдурахмон хавотирланиб дарров ўрнидан турди ва меҳмон тез орада унинг «болам-бўтам» деган шўх эркалашларини, боланинг энтиқиб-энтиқиб қулганини эшитди.

— Йиғласа тоқат қилолмайман, — деди Абдурахмон қайтиб кираркан, — тоби қочиб қолса, азбаройи йиғисини эшитмайин, деб кун бўйи уйга келмай юрардим. Боланг йиғлаб турса ёмон экан, худди у эмас, ўзинг дардаг чалингандай... Худо хоҳласа, энди ўғил туғилса, отини Илғор қўяман. Ҳар ишда илғор бўлсин...

«Қара-я, ўғлингни қандай яхши кўрасан, — дея кўнглидан ўтказди меҳмон. — Ҳозирча бу хонадоннинг бошлиғи — сен, бир кун бориб ҳаммасини ўғлинг ўз қўлига олади. Отанг, нимаси биландир Дилбарни эзлатадиган хушсурат ҳамда хийлагина босиқ-вазмин отанг эса, ҳамон оиланинг энг мўътабар кишиси, лекин у энди қариган, билагидан кучи, белидан қуввати кетган, рўзгор ташвишларидан узоқлашиб қолган. Ана, ҳатто каравотини ҳам боққа чиқариб олибди. Энди хонадоннинг энг қудратли кишиси сенсан, Абдурахмон, энг кучли, энг каттаси ҳам ўзинг. Сен яна Тош-

кентнинг «энг кўзга кўринган мутахассис»ларидан бирисан. Уканг улғайгач, истасанг, оила тебратишни унинг зиммасига юкларсан. Лекин ҳозирча уйда сен ҳукмрон; «Мирҳабиб, чой!», дея бемалол буюришинг мумкин».

Овқатланиб бўлгач, айвонга чиқишди. Девор тагида катта-кичик туфли, калиш ва шиппаклар қалашиб ётарди.

Уйни ўраб турган четан деворнинг шундоққина у ёғидан дала бошланар, олачалоқ майсазорда бир неча кўй ўтлаб юрар эди. Чапда мўъжазгина бир ҳовуз бўлиб, сув бетини бақатўн қоплаган, у ердан қурбақаларнинг қур-қури сира тинмас эди. Абдураҳмонларнинг бу кўчаси шаҳарнинг анчайин бир кўчаларидан бўлиб, алоҳида номи ҳам йўқ, фақат Чигатой-Оқтепа алоқа бўлимига қарашли экани маълум эди, холос. Уйларга рақам билан белги қўйилмаган. Мундоқ ўйлаб қараса, аслида бундай ортиқча даҳмазалар шарт ҳам эмас. Уйлар кам, унинг устига, дала чеккасидан илонизи бўлиб чўзилган бу йўл яқинда муқаррар равишда бузилиб кетади. Эски уйлар, асосан, зилзиладан эсон-омон чиққан эди. Бир-икки нураган жойлари дарров шуваб-негиб қўйилгани учун бу ерда меҳмонга ўша ташвишли кулларни эслатадиган ҳеч нарса йўқ эди.

Тепада ҳамон куёш қиздирарди, дўстлар катта асфальт йўлгача дала бўйлаб кетдилар, сўнгра баланд деворлар билан ўралган мактабга ўхшаш бино — эпидемиология станциясини четлаб ўтдилар, ундан кейин лойқа сув оқадиган ариқ ёқалаб яна сўқмоқ йўлга тушиб олдилар ва, ниҳоят, шу сўқмоқ уларни кенг магистраль йўлга олиб чиқди.

Марказгача троллейбусда кетдилар. Троллейбус одамлар билан тўлиб борар, лекин тирбандлигига қарамай кун тушиб турган тарафдаги ўриндиқларга ҳеч кимнинг ўтиргиси келмас эди.

Баъзан меҳмонга, шаҳарни чулғаб олган бу иссиқ ҳарорат ердан ёки офтобдан чиқмаётгандек, жазирама иссиқ аслида одамларнинг мана шу камтарин табассумларида, қўллар, баданлар, ҳаракатларнинг беҳол-бемажоллигида яширингану офтоб билан ер уни бир маромда сақлаб турганга ўхшаб туюларди. Меҳмон троллейбус ойнасидан ташқарига тикилиб бораркан, янги қурилган ёки энди қурилаётган уйларнинг кўзини қамаштиргудек товланаётган деворларини кўрди-да, шу нарсага юрак-юрагидан ҳис қилди: бир қарашда имиллаб ўтаётган мана шу ҳаётда буюк кучқудрат мужассам, бу қудрат ҳар қандай табиий офатни доноларча хотиржамлик билан қарши олишга ҳамда шаҳарни зилзиланинг чанг-тўзонларидан қайта бунёд этишга ҳамisha тайёрдек эди.

Троллейбус Навойи кўчаси бўйлаб узоқ юрди, ниҳоят, Анҳор ҳам ортда қолди. Шундай қилиб, Абдураҳмон ва унинг ошнаси Чигатой-Оқтепанинг ном-нишонсиз кўчасининг сокин оламидан бутунлай бошқа дунёга — ўзбекча куй ва кўшиқларга, Тошкентга тақрорланмас қиёфа бахш этувчи машиналар, чанг-тўзон, бозорлару кабобларга, нон ислагига тўла янги шаҳарга келиб қолдилар.

— Паспортимни топшириб чиқай, — деди Абдураҳмон троллейбусдан тушганларидан сўнг. — Дарров чиқаман.

Меҳмон бош қимирлатди: «Бемалол ишингни битказиб чиқавер, қанча бўлса ҳам кутиб тураман».

Абдураҳмон билан шаҳар кезишни у жуда ёқтирарди. Ёнида доим дўстининг борлигини ҳис қилиб тургани учун ҳам ўзига нотаниш бўлмиш бу ҳаёт маъно ва мазмун билан тўладек туюларди. Абдураҳмон гўё меҳмонни борлиқ билан боғлаб турувчи бир ип эди, усиз меҳмон учун ҳар қандай овқат ўз таъминини йўқотар, ранглар хиралашар, боғгина фаройиб куйдек туролган шовқин-суронлар асабига тегиб безор қилиб юборар эди.

Абдураҳмон қайтиб чиққач, улар Пушкин кўчасини кесиб ўтиб Олой бозори томон йўл олдилар. «Қизиқ, дўстим энди қайси уйда яшаркин? — деб ўйларди меҳмон. — У уй қанақа экан-а? Албатта, у оқ, оппоқ, худди энг таниқли кишиларга қўйилган ҳайкалдек, ша-

ҳарнинг қоқ марказига жойлашган бўлади. Эҳтимол, квартирасининг ойналаридан Тошкентнинг тўрт даҳаси — бир ёғи Тельман боғидан бир ёғи Эски шаҳаргача барча кўчаю бозорлар, баъзилари яққол, бошқалари эса худди қизил, зангор ва кўк нуқталардан иборат ёрқин доғларга ўхшаб кўриниб турар...»

Кутилмаганда Абдураҳмон қадамни секинлатиб, ичию ташига ҳар хил газета, журнал ва рангли суратлар олиб ташланган газета дўкони томон йўналди. У дўкондан мақоласи чоп этилган «Природа» журналининг июль сонини сотиб олиб, ваъда берганидек, менга совға қилса керак, деб ўйлади меҳмон. Аммо Абдураҳмон бошини дўкон дарчасидан ичкари сукиб узоқ қолиб кетди. Абдураҳмоннинг ҳе йўқ-бе йўқ дўстини ёлғиз қолдириб кетгани, устига-устак, орқасини ўгириб туриб олгани меҳмоннинг андак ранжитди, лекин шу заҳоти дўкончи чол Абдураҳмоннинг отаси эканини таниб, «Ие, ҳали ҳам ишларкан-да» дея бош силкиб саломлашган бўлди ва суҳбатга ҳалал бермаслик учун бир чеккага ўтиб турди.

— Ана, кўрдингми, — деди Абдураҳмон ошнаси томон ўгирилиб, — булар ҳануз журналнинг еттинчи сонини олишмабди.

Орадан чорак соат ўтди. Чол газеталарни у ёқдан бу ёққа олиб қўяр, Абдураҳмон бўлса ёни билан дўконнинг пештахтасига тиралиб, худди кимнидир интиқ кутаётгандек ёки иссиқдан оқариб туси айниган осмонни кузатиб баҳра олаётгандек қотиб турар эди. У ора-сиря бошини дўкон томонга буриб қўярди, шунда меҳмон унинг бўғиқ товушини эшитиб қолар, лекин улар жанжаллашяптими ёки шунчаки олди-қочди гаплардан гурунглашяптими, ҳеч тушуна олмас, назарида, чўзилиб кетган бу суҳбат шунинг учун ҳам ниҳоясига етмаётган эдики, сўзловчилардан бирортаси уни тугатишга сабаб тополмаётгандай кўринарди.

Дўконнинг рўпарасида, юз қадам чамаси нарида бензоколонка жойлашган эди. Бензин олиш учун эндигина келиб тўхтаган бир машина корпусининг сезилар-сезилмай қалтираши; бу жойларнинг ҳавосидан симириб, тупроғига беланиб ўсган кишиларга нақадар бемаъни бўлиб туюладиган ҳовлиқмаликлару бетоқатликлар меҳмонга дарҳол ўз она шаҳрини эслатди. Иссиқдан тўлқинланган бензин буғининг шуълаларига чулганган машиналар қизил ва сариқ ичакларни очкўзлик билан сўришар, сархуш бўлиб донг қотиб туришарди, қоринлари тўйгач, зарда билан бир-икки пўнғиллаб, аллақайларга даф бўлишар эди.

— Кетдик, — деди ниҳоят Абдураҳмон. — Уэр, кутдириб қўйдим. Жонингга теккандирман, балки? Отамнинг ҳисобида яна нақ ўн сўмга етишмовчилик бўляпти. Ёш боладан фарқи йўқ, истаган киши уни алдаб кетаверади. «Нима бўлди?», деб сўрасам, индамайди. Ишига ҳеч тушунмайман, ҳар ким қўлига илинган нарсани кўтариб кетаверади, отам ҳаммага ишонаверади. У-бу нарсани ўғирлаб қўйишлари мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмайди. Шундай яшяпти-да. Қуръонни-ку, ёд билади, ҳисоб-китобга келганда бош-кетини йўқотиб қўяди...

— Шундай бўлгани билан ҳануз дўконда ишляпти-ку, — деб сўз кистирди меҳмон.

— Э-э! — Абдураҳмон беҳафсала қўл силтади. — Гап уқтириш ўлимдан қийин. Бўлмаса, неча марта айтдим, «Олган маошингиз от билан туса бўлармиди, нима қиласиз ишлаб?», дедим. Қулоқ солмайди, оила унинг қўлига қараб қолгандек тутуди ўзини, мен гўё фақат ёрдам қилаётган эмишман. Қанча маош олишимни-ку, ўрдам биласан, ахир у пуллар қаёққа кетяпти?... Бизда чоллар эртадан-кечгача чойхонада чойхўрлик қилиб гап сотишяди. Отам эса бекор ўтирмайди, ҳар кунни саҳарлаб алмисоқдан қолган шу дўконино очади. Бир униси келади, минғир-минғир қилади, бир буниси келади — яна минғир-минғир... Унга шуниси ёқади, одамлар ҳам отамни ҳурмат қилишяди.

Олой бозорининг йўлига қайрилмасдан бир жойда тўхтадилар ва Абдураҳмон янги қуриб битказилган уйнинг йўлакларидан бирига кириб, кўздан йўқолди. Меҳмон дўстини кутиб пастда қолди.

Ховлида қалашиб ётган қурилиш чиқиндиларидан ачимсиқ оҳак ҳиди анқийди. Одамлар аллақачон кўчиб кела бошлаган кўпйўлакчи бу уйнинг биринчи қаватида жойлашган магазин кўргазмалари деярли тахт қилиб қўйилган, энди ишчилар унга неон лавҳалар ўрнатишмоқда эди. Уйнинг бир тарафи Пушкин кўчасига бориб тақалар ва кўчанинг нариёғидаги улкан айланма кўрғон деворининг бир қисмига ўхшаш, худди шундай яримой шаклидаги яп-янги уй билан уйғунлашиб турар эди.

Абдураҳмон тезда қайтиб чиқди-да, дўстини ҳам янги квартирани томоша қилишга таклиф этди. Улар ҳали сув тўлғазилмаган тўртбурчак ҳовуз ёнидан ўтиб ичкари кирдилар. Усти чиройли, силлиқ тахталар билан ишланган лифт кабинасида чироқ хира ёниқ. Меҳмон узоқ вақт айрилиқда яшаб, энди висол олдида ҳаяжонланаётган ошиқ ҳолатига тушган эди. Ҳар қалай, оҳак ва елим ҳиди анқиб турган янги уй, ҳатто бу уй сенга тегишли бўлмаса-да, кишини қувонтиради, ҳаяжонга солади.

Юқорида нимадир ширқ этди, лифт тўхтади ва сал ўтмай эшиги ҳам очилди. Офтобнинг ёп-ёруғ шуъласи кабина ичидаги нимқоронғиликни ғижимлаб ташқари отди. Бу шуъла йўлакка ойнаванд эшик орқали кўча тарафдан тушиб турарди. Узун, тор йўлакнинг бир тарафи дарахтсиз, майсасиз тап-тақир ҳовли томонга олиб чиқар, ҳув узоқдан энди қурилган кўп қаватли уйлар кўриниб турар эди. Уйнинг ботиқ девори офтоб нурларини худди рефлектор каби ўзида йиғар, акс қайтарар эди. Бошқа уйлар гўё шу қайтарилган нурлар туйғулигина мавжуддек туюларди.

Улар йўлак бўйлаб чапга юрдилар. Абдураҳмон ўзининг янги кватираси эшиги олдида тўхтаб, меҳмонга йўл бўшатди. Оёқ кийимларини ечиб ўтирмадилар, бари бир ҳозирча ҳеч ким яшамаяпти-ку. Абдураҳмон кираверишдаги йўлакчадан ванна, ошхона, ҳожатхона ва омборхоналарнинг қўлфлоглиқ эшиклари ёнидан ўтиб, энг катта хона томон йўналди.

— Ҳўш, мана бизнинг қошона. — деди Абдураҳмон. — Қалай?

— Зўр, — деди меҳмон. — Жуда зўр!

Улар ён томондаги тўгарак стол турган хонага кирдилар. Столга оқ дастурхон ёзилган, устма-уст тахлоглиқ пиёлалар, турли ширинликлар солинган гулдор канддон ва сочиқ билан ўраб қўйилган нонкути тизилишиб турарди. Меҳмоннинг кўнгли яйради: «Қандай маза, қандай ажойиб-а!»

— Ҳозир чой дамлайман, — дея Абдураҳмон ошхона тарафга йўналди. Йўл-йўлакай чироқни ёқиб қўйди.

Меҳмон деворлари нилий кошнлар билан қопланган ювиниш хонасига кирди. Жўмрақдан совуқ сув тушмади, унинг ўрнига узоқ ғувиллаган, хириллаган товушлар эшитилиб турди. Меҳмон иккинчи мурватни буради, шу захоти атрофда буғдан булут ҳосил қилиб қайноқ сув оқа бошлади. Меҳмон кўлини куйдириб олмаслик учун сувни ингичка қилиб оқизди ва эҳтиётлаб юз-кўлини ювди.

Бу пайтда Абдураҳмон дераза тоқчасига териб қўйилган чойқутилар орасидан кераклисини ахтараятган эди. Полда турган электр иситгични тоқча улади ва сирланган кўк чойнакка челақдан сув тўлдирди. Меҳмон ювиниб бўлиб ошхонага киргач, Абдураҳмон уни кўча томонга қараган балконни кўришга таклиф қилди.

Кўннинг тафти ҳамон юмшамаган эди. Бинонинг оппоқ, ботиқ деворига кўзи тушиб, меҳмоннинг боши айланди. Абдураҳмон эса тинмай янги тураржойдан қандай фойдаланиш, ўғли, хотини ва бўлажак фарзандларини қаерга жойлаштириш хусусида сўзларди. Эшик кўнгирағи жириглади. Чамаси, кўнғироқ бунгача ҳам анча чалиниб турган, улар балкондан бунга эшитмаган эдилар. Шўнинг учун эшик тагида турган кимса энди тоқати тоқ бўлиб кўнғироқ тугмачасини қўйиб юбормас эди. Абдураҳмон эшикни очгани кетди ва тез орада қўлфнинг шириқлаши, ортидан қандайдир бўғиқ товушлар эшитилди.

Меҳмон йўлакка чиқиб, бир рус аёли ва ўрта яшарлардаги ўзбек кишига кўзи тушди. Аёл қўлидаги дафтарини худди биров тортиб олиб қўядигандек, маҳкам ушлаб турарди.

— Хотиним, ўғлим, — дерди Абдураҳмон уларнинг қандайдир саволига жавобан. Аёл дафтарига ниманидир ёзиб қўйди.

Текширувчилар ёлғиз каравотгина турган хонани, сўнгра бўм-бўш омборчани, ошхонани кўздан кечирдилар ва Абдураҳмондан қўлфлоглиқ хонани очиб кўрсатишини сўрадилар: бу хонада ҳам ҳеч вақо йўл эди.

— Тушунарли, — деди аёл, — демак, сиз бу ерда яшамасиз.

— Нега яшамас эканман?

— Нарсаларингиз йўқ-ку.

— Каравот-чи? У ҳисобмасми?

— Нима, учаламиз бир каравотда ётамиз, демокчимисиз? — деб илжайди аёл.

— Стол-чи? — Абдураҳмон ҳам ундан қолишмасди

— Столга нима қипти?

— Стол, стуллар ҳам бор, демокчиман.

— Хотинингиз қани? — деб сўради аёл. — Қани ўғлингиз?

— Хотиним касалхонада, ўғлим онам билан туради. — Нима, ишонмаяпсизми? Бўлиши мумкин-ку, ахир

— Мумкин, — деди аёл. — Ҳар нарса бўлиши мумкин. Лекин, назаримда, сиз квартирага муҳтож эмасми ўхшайсиз.

— Қўйсангиз-чи бунақа гапларни! — Абдураҳмон қизишиб борарди.

— Нима, гапим нотўғрими?

— Шароитни ҳам ҳисобга олиш керак-да. Айтяпман-ку, хотиним касалхонада...

— Хуллас, сиз бу ерда турмайсиз, шундайми?

— Сиздан ўтиниб сўрайман! — дея хитоб қилди Абдураҳмон, алоҳида эҳтирос билан айтилган бу сўзларга фақат ўзигагина маълум маъно юкляб.

— Бизни ҳам тушунинг, — деди аёл маъносиз оҳанга, гўё Абдураҳмоннинг аҳволига ачинаётгандек. — Одамларга квартира мана бундай зарур, сизники эс бекордан-бекор турибди. Қачонгача ахир бўш ётиш мумкин?

Текширувчилар яна алланарсаларни таъкидлаб чиқиб кетишди. Хонада яна Абдураҳмон билан меҳмон иккаласи қолишди.

— Бундан ортиқ қандай қилиб тушунтираман уларга? — деди Абдураҳмон ҳамон ҳаяжонли босилмай. — Хотиним оғироёқ эди, дейишим керакмиди? Ўзбекларда бунга очик айтиб бўлмайди, ахир. Тушуняпсанми Ноқулай қандайдир...

Меҳмонга бу гаплар анчайин баҳонадек, бу била Абдураҳмон текширувчиларига эмас, шу жумлада меҳмонни ҳам, эҳтимол, ҳатто ўзини ҳам алдаётгандек туюлди.

Меҳмон чой дамлади.

— Нега бунча хомушсан? — деб сўради меҳмон

— Йўқ, тасаввур қилгин-а, — деди қизишиб Абдураҳмон. — Тошкентнинг энг яхши қирқта мутахассиси бу квартира берилди. Бундай уйдан квартира олишни ўзи бўлмайди. Демак, ниманидир ҳисобга олишганди ахир. Профессор Раҳимовга беришмади, Абдураҳмон Қодировга эса, — марҳамат. Утган йили холаваччам икки хонали квартира беришганида онам икки гапни: бирида «Нега Абдулаҳадга беришади-ю, сенга йўл қаеринг кам ундан?», деявериб, ҳол-жонимга қўйган эди. Мана энди шундай жойдан уй олдимки, бу нақаси Абдулаҳаднинг тушига ҳам кирмаган. Хуллас янги уй беришди, ҳатто дўстини меҳмонга ҳам таълиф қилдим, энди оёқ остида анави касофатларни чиқиб қолганини кўрмайсанми. Ошга пашта тушди қўйди. Ҳатто бир пиёладан чой ичгани ҳам улгурма қолдик. Бошқаларнинг кайфиятини бузиш учун ати келишган. Гапларини эшитсанг, гўё мен эшикни очгани истаман эмашман.

— Чиндан ҳам, нега кўчиб келақолмайсан? — деб сўради меҳмон.

— Бугуноқ ойимга айтаман. Бунақа кавартира Абдулаҳаднинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган, дейман... Сен ҳеч нарса билмагандай туравер, — деб қўшиб қўйди у. — У ёғини ўзим тўғрилайман.

Хонага қоронғилик чўка бошлади. Кун бўйи олов пуркаган жазирама иссиқнинг оқшомга келиб кутилмаганда салқин ҳаво билан алмашилиши бу шаҳар учун худди об-ҳаво турғунлиги каби, қайноқ ҳароратдан бугга айланиб бораётган заминнинг абадий сабру тоқати каби табиий ва жўяли эди.

...Чигатой-Оқтепа мавзеидаги чоққина уйга етиб олгунларигача яқин бир соат вақт кетди. Уларнинг келганини биринчи бўлиб пайқаган ит эринчоқлик билан думини ликиллатиб, олдинга тушиб жилланглаганча, айвонга қадар кузатиб қўйди.

Ҳамон сарпойчан юрган Абдурахмоннинг онаси уларни хушвақт кутиб олди.

Эрталаб нонушта қилинган хонага ўтдилар. Абдурахмон чироқни ёқиб қўйиб, ўзи чиқиб кетди. Эшикка тутилган парда очиқ деразадан эсаётган энгил шабададан силкинди.

Қаердадир чирилдоқлар жажжи шақилдоқларини вақф ерининг қоровулларидай, жон-жаҳдлари билан чала бошладилар.

Девор ортидан қулоққа ҳар хил гап-сўзлар чалинди. Товушлар кучая борди, айниқса, Абдурахмон билан онасининг товушлари бошқаларникини босиб кетарди. Меҳмон гарчи сўзларнинг маъносини тушунмаса ҳам, гап оҳанглиридаги безовталикни сезди. Бу безовталик тобора зўрайиб борарди. Меҳмон ўзини тамоман йўқотиб қўйди; нима қиларини билмайди, ҳатто қимирлаб кетишдан ҳам чўчиб, ноқулай аҳволда қотганча қолди.

Хонага Абдурахмон кирди. Кайфияти бузилган, важоҳати қандайдир паришон эди.

— Нима гап? — дея хавотирланиб сўради меҳмон. Абдурахмон алам билан қўл силтади.

— Хуноб қилиб юборди-ку, ҳаммаси. Жонимдан тўйдим. Али десам, Вали дейди. Абдулаҳад кавартира олганда-ку, дод-вой қилишган эди: «Сенинг ундан қаеринг кам? Ундоқ-мундоқ...» Энди бўлса, «Нимага бизни ташлаб кетмоқчисан? Битта хонага сигишмай қолган бўлсанг, шу ернинг ўзига уй қурақол», эмиш. Уй қуриш — айтишга осон... «Сен бизни иснодга қолдирасан, — дейди онам. — Покиза турмушга чиқолмайди энди, қариқиз бўлиб қолади. Ота-онаси ёмондирки, ўғлини чиқиштирмади, деб ўйлашади одамлар. Яхши бўлса, кетармиди, деб ўйлайди... Боғямиз нима бўлади энди? Уйимиз-чи?» Уф-ф... Мен билан бирга кетасизлар, десам ҳам кўнмайди. «Шундай ҳовли-жойни ташлаб сенинг гугурт қутига ўхшаган тош уйингга бориб нима қиламиз? Сенга бу ернинг нимаси ёқмаяпти?!», дейди. Кошки бир нима ўқтириб бўлса! Сени ҳурмат қилиб марказдан уй ажратишганию сен Тошкентнинг энг малакали қирқта мутахассисларидан бири эканинг булар учун икки пул. Йўқ, кечирасизлар, менга кавартира керак эмас, ота-онам кўчишимни хоҳламайди, ўзимизнинг ҳовли-жойимиз, боғ-роғимиз бор, дейишим керакми энди? Таваба... «Қариган чоғимда куйдириб адои

тамом қилмоқчисан, — дейди онам. — Уқийман дединг, ўқитдим. Кейин яна ўқидинг, ҳар ёқларда юрдинг. Энди одам бўлиб қолдингми? Бизни ташлаб кетмоқчисан? Йўқ!» дейди у. Жон оғайни, ҳеч бўлмаса сен тушунтир, балки сенга қулоқ солишар.

— Ҳа-а, — деди чўзиб меҳмон. — Албатта, ҳозир ўзим тушунтираман.

Меҳмон ваъда беришга берди-ю, лекин ҳали нима дейиш лозимлигини ҳам билмасди. Ноилж Абдурахмоннинг изидан қўшни хонага чиқди.

— Мана, — деди Абдурахмон, йиғидан кўзлари қизарган онаси ва хотинига қараб, — ишонмасаларинг, бундан ҳам сўраб кўринглар.

— Ҳа-а, — деди меҳмон ўзини йўқотиб, — чиндан ҳам, биласизларми... ҳалиги...

Онанинг юзлари буришди, баттар уввос солиб, айтиб йиғлай бошлади, лекин меҳмон унинг «Яхши! Яхши эмас! — Карасёо! Некарасёо!», деган хитобларидан бошқа биронта ҳам сўзга тушунмади. Она тинимсиз йиғларди. Дилбар ҳам сезилар-сезилмас ҳиқиллаб ёш тўкарди. Унинг ҳаммага бирйўла раҳми келарди: қайнонасига ҳам, эрига ҳам, ҳатто нима қиларини билмай ноқулай аҳволда қолган меҳмонга ҳам. Кафти билан юзини яшириб ҳиқилларкан, у қандайдир умидвор нигоҳ билан дам эрига, дам меҳмонга қараб кўярди. Унинг назарида, ҳозир меҳмон салгина аралашса, бас, бирпасда қайнонасининг ҳам кўнгли тинчийди, орқаваротдан кутиб юргани — янги уй ҳам ўзларига қолади.

— Бекорга хафа бўляпсиз, — деди меҳмон ниҳоят онага қараб, — йиғламанг, бунга фақат суюниш керак.

Аммо унинг сўзларини аёлларнинг йиғи-сигиси босиб кетди...

Улар яна деразаси боққа қараган хонага қайтиб кирдилар. Боғ уй эгаларининг серташвиш, безовта турмушларидан фарқли ўлароқ тинч, сокин тун бағрига чўмган эди. Кундузги ҳароратдан мадори қуриган дарахтлар салқин кеча оғушида гўё ҳордиқ чиқарарди. Меҳмон ошнаси томон ўгирилди. Абдурахмон тирсагини столга қўйиб, иягига тиранганча ўтирар, бутун вужуди билан берилиб, нима ҳақдадир ўйлар эди.

— Қўй, ўзингни бос, — деди меҳмон унга. — Кўрасан, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

— Тушунмагандан кейин қийин-да, — деб жавоб қилди Абдурахмон. — Мен — боласи тушунган нарсани мени дунёга келтирган онам тушунмайди. Лекин мен билган нарсаларни билмайди, деб онамдан воз кеча олмайман-ку, ахир! Нима қилишни ҳам билмайсан одам. Бир ҳисобда, унга ҳам осон тутиб бўлмайди: шунча болани туғиб вояга етказди. Ўзи емай бизга едирди, ўзи киймай бизни кийинтирди — йўқчилиқни билдирмади. Оиламиз катта, отамнинг маоши рўзгоримизга урвоқ ҳам бўлмасди. Бу, ҳозир энди тўкин-сочин яшаяпмиз. Мен агар ота-онамни ташлаб кетсам, бир кун бориб ўғлим ҳам мени ташлаб кетади, бу аниқ. Нима қилишим керак — ана энди ўзинг ҳал қил! — деди Абдурахмон хомуш тортиб. Кейин ортига ўгирилиб, қичқирди: — Мирҳабиб, чой!

Эшик ортида боланинг оёқ товуши эшитилди.



Журналнинг январь ойи сонида шоир Муҳаммад Алининг «Рамаяна оҳанглари» туркум шеърлари билан танишасиз.



Ўзбекистон дўстлар нигоҳида

АЛЕКСАНДР ЧАКОВСКИЙ:

Мен Тошкентга бундан ўн беш йил муқаддам, ўзим бош муҳаррирлик қилаётган «Литературная газета» ҳозиргидек ўн олти саҳифаликка ўтиши олдидан ва шу муносабат билан ташир буюрганман. Аммо бугун келиб, бу шаҳарда умримда ҳеч қачон бўлмагандек ҳис этдим ўзимни. Мен Тошкентни таний олмадим. Сизнинг ўшан-



даги пойтахтингиз ҳам умуман ёмон шахар эмас эди, аммо унинг бугунгидек бўлмаганлиги аниқ. Ушанда, эндиги гўзал проспектлар, кўзига қамаштирувчи юксак бинолар — ўз масштабига кўра беҳад ва баҳайбат, гигант қурилишларнинг харитадаги контур чизиқларигина аниқ ланаётган эди. Мўъжиза кўз олдимизда рўй берди ва ўн беш йил ўтиб, қадоқ қўлларингиз яратган тилсимдан кўзимни узолмаётирман. Барчангизнинг эсингизда бўлса керакки, республикангизга шу йилнинг баҳорида Ватанинг юксак мукуфоти — Ленин орденини топираётди, Л. И. Брежнев Сизнинг таҳсинингизга қўйидаги сўзларни айтган эди: «Иттифоқдош республикалар пойтахтлари ўртасида, СССР халқлари дўстлиги ва қардошлигининг қўл билан тикланган тимсоли — вайронлардан қайта қайтарган Тошкент — Шарқнинг юлдузи ёниб турибди. У юксак тараққий топган индустрия улкан фан ва маданият маркази, ёзувчи ва кинематографчиларнинг каттакон халқаро анжуманлари ўказиладиган шаҳардир». Шоирлар бекорга бу шаҳарни, орзу ва бахт шаҳри, деб атамай дилар. Меҳнатсеварлик, фидойилик ўзбек халқининг қонида бор.

ЕВГЕНИЙ

ЕВТУШЕНКО:

Мен, кинода Циолковский ролини ўйнаган одам, инсониятга Улугбекдай олимни берган халқнинг бутун жаҳоний аҳамиятини англамаслигим мумкин эмас. Унинг расадхонаси ёнида турганингизда ўтмиш билан келажак орасидаги боғланиш аллақандай мавҳум нарса бўлиб турилмайди ва ўзингиз жаҳон тарихининг бир зарраси эканингизни аниқ ҳис қиласан.

Буюк Осиё маданияти булоғидан баҳраманд бўлмай туриб, ўзини европалик деб ғурурлана-

диган бирор кишини ҳақиқий маънода зиёли деб бўлмайди. Бу булоқ — Ўзбекистон маданиятининг суви тиниқ ва бокира. Меъморчилик, халқ оғзаки ижоди, мусиқа, халқ ҳунармандчилигининг гўзаллиги — буларда нақадар қимматли ўзбекона ўзига хослик бор.

Ўзбекистонда бир неча марта бўлганман, ўзбекларнинг меҳмондўстлигидан бошим осмонгизга етган. Ўзбек тилини билмаганимдан афсусланганман... Аммо инсоният бор экан, иложсиз нарса йўқ. Инсоният турли тилларда сўзлайди, мин шукрки, ҳар бир тил ўзича гўзал. Аммо ҳамма одамлар учун бир хил бўлган тил бор. Бу туйғулар тили. Мен ўзбек ўқувчисининг — ўзбекчи фикрлаб, умуминсонийча ҳис қилишига ишонаман.

Е. Е. Евтушенко

РАСУЛ ҲАМЗАТОВ:

Ҳа, Ўзбекистонни чиндан ҳам мўъжизалар ўлкаси деса бўлади. Бепоен пахтазорлар, кўм-кўк водийлар, замонавий шаҳарлар, энг муҳими бағри очиқ, хушмуомала, меҳмондўст одамлар ҳар қандай кишини мафтун этади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонга ҳамшиша қувонч билан келаман. Ҳар сафар келганимда ўзим учун ниманидир янгидан кашф этаман. Янги дўстлар, бой таассуротлар орттираман.



Республика пойтахти Тошкент эса алоҳида эътиборга лойиқ. Биз одатда машҳур шаҳарлар ҳақида гап кетганда, Рим, Венеция, Париж каби шаҳарлар номини тилга оламиз. Уларнинг гўзалликларини алоҳида мақтаймиз. Аммо ўз олдимиздаги гўзаллик, бетакрор санъат намуналари ёнидан безътибор ўтиб кетамиз. Менинг назаримда, Тошкент қардош халқларнинг яқиндан берган мадади туфайли вайроналардан қад тиклаган, бугунги кунда ўз чиройи билан турли қитъалардан келган кишиларни дол қолдираётган мўъжиза шаҳардир. Бу ерда қадимий, миллий анъаналар замонавийлик билан ниҳоят даражада уйғунлашиб кетган. Шунинг учун ҳам шаҳар қиёфаси ўзига хос, қайта такрорланмас.

Яқинда яна бир бор Тошкентда, Самарқандда ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида меҳмон бўлдим. Бу сафар мени Ўзбекистон ҳужжатли ва илмий оммабон фильмлар студияси таклиф этган эди. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишлаб олинаётган кўп серияли ҳужжатли фильмнинг Совет аёлларига бағишланган лентасида шарҳловчи сифатида қатнашимни илтимос қилишибди. Дастлаб ғалати туюлган бўлса ҳам барибир рози бўлдим. Буни қаҳрамон, меҳнатсевар, фидокор аёлларимизни яна бир бор, энди шеърларимда эмас, экран орқали ҳам улуғлаш имконияти деб қабул қилдим.

Албатта илгари ҳам киноларда суратга тушганман. Аммо уларда кўпинча Расул Ҳамзатов ролини ижро этардим. Бу сафар эса аёллар қалбини яхши тушунган киши сифатида воқеаларни изоҳлаб бораман, аёлларимиз ҳақида ҳикоя қи-

ламан. Албатта кинода шеърларим ҳам ўқилади.

Энди икки оғиз ўзбек адабиёти билан алоқаларим ҳақида айтсам. Мен жуда кўп ўзбек ёзувчи ва шоирлари билан яқиндан танишман. Улар орасида қадрдон дўстларим ҳам кўп. Фафур Фуломнинг инсонпарварлиги, меҳр-муҳаббатга бой қалби ва гўзал шеърляти мени ҳамшиша ҳайратга солади. У билан бир неча бор суҳбатда бўлганман, оила аъзолари билан ҳам танишман. Фафур Фулом Шарқ шеърлятининг катта билимдони, тўла маънодаги аллома шоир эди.

Зулфия шеърлятини ҳам жуда ёқтираман. Унинг номи Ольга Бергольц, Сильва Капутикян каби шоирлар қаторида ҳамшиша ўзига хос ифтихор ва меҳр билан тилга олинади. У ижодкор, оқила, фидокор Шарқ аёлларининг ёрқин тимсолидир.

Шеърларга нисбатан проза ҳақида камроқ биламан. Лекин шундай бўлса ҳам Ойбек ижоди менда чуқур таассурот қодирганлигини айтиб ўтишим керак. Ажойиб сўз устаси Шароф Рашидов асарлари беш жилдлигининг Москвада чоп этилиши ҳам жуда катта воқеадир. Унинг бошқа мухлислари қатори янги асари — Улуғ Ватан уруши йилларида Совет халқининг жасоратига бағишланган «Дил амри» қиссасининг чоп этилишини сабрсизлик билан кутмоқдаман.

Нисбатан ёш ижодкорлар ҳақида гапирганда, энг аввало, Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповларнинг номини қайд этишни истардим. Мен улар билан анчадан буён танишман. Бу шоирлар ижоди ўзбек адабиётида янги тўлқинни бошлаб берганлиги бежиз эмас. Яқинда Абдулла Орипов билан суҳбатлашиб қолдим. У ўз асарларининг рус тилига таржимасидан қониқмаганлигини айтиб қолди. Афсуски, бундай фикрларни тез-тез эшитиб тураман. Чиндан ҳам миллий адабиётларнинг энг яхши намуналарини рус тилига таржима қилиш сифати ва даражаси бугунги кун талабига жавоб бермайди. Кўп ҳолларда шеърнинг мазмуни маълум даражада сақланиб қолгани ҳолда, руҳи, жарангдорлиги, ички оҳанглари йўқолиб қолади. Лекин ҳозиргача қилинган таржималардан ҳам Абдулла Ориповнинг жуда яхши шоир эканлиги билиниб турибди.

Ижод ўзига хос узлуксиз давом этадиган жараён дур. У сафарлар, хилма-хил кишилар билан учрашувлар ҳисобига бойиб боради. Афсуски, ҳамшиша ҳам хоҳлаган пайтингда иш столига ўтиришнинг имкони йўқ. Лекин ҳар қандай шартда ҳам ижод учун вақт топиш лозим. Мен ёш дўстларимга ижодда фидокорлик, жасорат, қатъият тилайман.

Расул Ҳамзатов



ПЕТРУСЬ БРОВКА

(Белоруссия ССР)

Сайёрам

О, сайёрам! Қариш билмай сен
 Чарх урасан абадулабад.
 Заминингда туғилдим, ўсдим.
 Мавжудманки — ўзингсан сабаб.
 Куррам менинг! Сахийсан мангу,
 Кон-хазинанг билмайди поён.
 Менинг мулким — экинзорлару
 Нур ва ҳаво. Шундан мен шоён.
 Бироқ умр битта эрур, нақд,
 Қадрлайман лаҳза қимматин.
 Утинман, чақирма барвақт.
 Муҳлатим чўз. Утай хизматим.
 Бедор уфқ сари ёлғиз, жим
 Сузасан ёт юлдузлар аро.
 Истайманки, ям-яшиллининг
 Ҳайратига йўғрилсин само.
 Қудратлидир инсон закоси,
 Чўнгдир менда мақсад ва бардош,
 Чиройингни тағин ҳам очиб,
 Олам билан этгайман сирдош.
 Бахтнинг ёқлаш учун, сайёрам,
 Ут-оловга кирдим мен дадил.
 Сенга хавфу хатар боққан дам
 Кўкрагимни тутгайман адил.
 Асрагайман сени омон, тинч,
 Тўшалмишсан пойимга бу пайт,
 Чақирмагин қучоғингга ҳеч,
 Балки донғил йўлимни узайт.

Мирпўлат МИРЗАЕВ
 таржимаси

ПАВЛО ТИЧИНА

(Украина ССР)

Ягона оила туйғуси

Ортада қолиб қадрдон арм,
 Ишим тушса янги йўлларга,
 Туташаман камалак янглиғ
 Барча тил ва барча элларга.
 Қудратлидир бу ҳис ва юксак!
 Унинг вазини туйганда, гўё —
 Тоғдан кўчган момогулдирак
 Юрагингда берар акс-садо!
 Уфқларга таралиб илдам,
 Янграр садо кенг жаҳонга шод:
 Элатларни томирдош қилган
 Пўлат кўприк бўлди, деб, бунёд.
 Сен ҳам унга жўр бўлганинг чоғ
 Тану жонинг енгиллар дарҳол,
 Сайёҳ чўлда топиб бир булоқ,
 Ташналигин қондирган мисол.
 Ташналигинг бўларкан адо,
 Равшан тортиб руҳинг ва кўзинг,
 Таниш каби туюлар ҳатто
 Тилга илк бор олган ёт сўзинг.
 Назарингда, сўз ҳар лаҳзада
 Майин тортар пишгандай ҳил-ҳил.
 Жаранггоси ўзга бўлса-да,
 Мағзи ўша — мазмун бир хил!
 Мабодо сўз тақага ўхшаб
 Эгилгани шошмасе ҳам сал,
 Охир сезиб қоласан: Уша!
 Ўз жонажон тилингдай гўзал!
 Чунки бу тил оддий бир садо
 Ёки лугат саҳроси эмас, —
 Меҳнат ва дард эрур унга жо,
 Жамдир барча сенга таниш сас.
 Анқир ундан дала ва ўрмон,
 Халқ қувончи яшнар зиёда.
 Унда қадим-қадимдан буён
 Мужассамдир синфий ирода.
 У сўзни ўз тилинг қасрига
 Бошлайсан сўнг оғадай масрур.
 Бу туйғуга асос, аслида,
 Пролетар қудрати эрур.

Ҳусниддин ШАРИПОВ
 таржимаси

АЙН КААЛЕП

(Эстония ССР)

Ленин ҳақида

Унинг асарларин, ўқийман
Ва у ҳақда китобларин ҳам,
Қандай кулиб, қандай нафас олганин
Тасаввур қиламан ўзимча.

Ёши улуғларга
Ҳавас қиламан.

Мен ҳам илгари туғилганимда
Учратган бўлардим Ильични.
Балки у ҳам менинг шеърларимни
Кўрган бўлар эди варақлаб.

Кўрган бўлар эди
Шеърларимни номи билан бошлаб,
Номи билан тугатганимни.

Қошларини чимириб
Уқиб кўргач,

Куларди:

«Нима дердик! Дард билан ёзилган!
Аммо истардимки,
Шеърда иш ҳақида кўпроқ гап кетса...»

Албатта шундай дерди у
Ва гапин маъносин тушунтирарди:

«Чунки биз худди шунга
Мухтожмиз кўпроқ».

Усмон АЗИМОВ таржимаси

ПАВЕЛ БОЦУ

(Молдавия ССР)

Заминда яшамоқ

Тарновда уйқусиз жилдирайди сув,
Иссиқ уясида қушлар тин олар.
Юлдузлар учади тун ичра дув-дув...
Катта гап:

заминда яшаймиз бизлар.

Бошоқлар наҳрида шамоллар тинди,
Олов тиллари-ла сочиб шуълалар
Йилнинг байроқ каби гулхани ёнди,
Катта гап:

заминда яшаймиз бизлар.

Мовий чексизликда куз битди дастхат:
Аргимчоқ солишиб учди турналар,
Аргумоқлар турар тўй кунига тахт,
Катта гап:

заминда яшаймиз бизлар!

Имонимни йиллар гулхани оша
Олиб ўтдим шодлик, ва малҳам қадар,
Тупроғимни ювган нурга қориша
Катта гап:

заминда яшадик бизлар!

Ойдин ҲОЖИЕВА таржимаси

ГЕОРГИЙ ЛЕОНИДЗЕ

(Грузия ССР)

Матенадаран

Қуёш фаввораси,

Ереван,

Матенадаран.

Солномалар устида қора киприк шитири.
Тарих сенинг қуролинг ҳеч кимдан сўрмас изн.
Гарчанд берган бўлсанг ҳам қанча шаҳарлар
қуриб,

Бир чеккасидан яна қулатиб чиқдинг ўзинг...
Сен тортган жафолардан ўртаниб бормоқда тан
Солномани қўйгин-у, менга қара бу чоқда.
Зэварноцнинг хоклари устида қуюқ туман.
Аракс тўлқинлари лойқаланиб бормоқда.
Ханжарлар тиғи билан ер ҳайдаб қўйилгандир.
Қора кўзлар кўмири ёндирмоқда танимини.
Сенинг жазоларинг кўп, юрагимни тилгандир
Яраларим битмасдан ҳамон қийнайди мени...
Қуёш...

Матенадаран...

Ассоргадон...

Улуғ пойтахтлар...

Улар пойида ётар вайроналар бош уриб,
Солномалар устида қора киприк шитири!

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

таржимаси.

КОНСТАНТИН СИМОНОВ

(РСФСР)

Ватан

Уч буюк уммоннинг оралиғида
Шаҳарларин ёйиб ястаниб ётур.
Уралган минтақа тўрлари ила
Енгилмас, беқиёс, бепоён мағрур.
Сўнги гранатани қўлингга олиб
Ирғитмоқчи бўлиб кўтарган кезинг
Улгурмоғинг керак эсингга солиб
Ортада қолган барча кечмиш изларинг.
Сенинг хотирангга сен кезиб билган
Ҳозирги каттакон мамлакат эмас.
Болалик чоғингда меҳрингни илган
Уша юрт наздингда кўтарилар даст;
Уч қайин яшнаган бир парча замин,
Урмон ортидаги олис йўлни ҳам.
Ғижирлаб сузган сол, шўх дарёчани,
Юлғун, қум соҳилни эслайсан шу дам.
Бизга насиб этди шунда туғилмоқ,
Умрбод, ўлгунча топган еримиз —
Шу парча заминда серташвиш, қувноқ
Бутун мамлакатни қилиш мумкин ҳис.
Қаҳратон, бўронда яшамоқ мумкин,
Мумкин очлик, совуқ, ўлимга бормоқ.
Ва лекин шовиллаб турган уч қайин...
Улмай мумкин эмас ҳеч кимга бермоқ.

Маъруф ЖАЛИЛ таржимаси



ХАЙРИДДИН
СУЛТОНОВ

Бир йигитнинг бахти

Топганимми бу, йўқотганимми?

Асқад МУХТОР



ҲИКОЯ

(«Мен — шаҳзода, сен — маликасан»
туркумидан)

Тўй кечаси ҳамма хурсанд, ҳамма шод эди. Дарвоза ёнидаги ясагилиқ узун столда оқсоқоллар билан бирга қўр тўкиб ўтирган тўй эгаси йиллаб кутган орзу-ҳавасига ниҳоят эришганидан, эл-юрт олдидаги қарзини узаётганидан, оталик бурчини ҳалол адо этаётганидан мамнун; таванхона билан ўчоқбоши ўртасида бўзчининг моқисига айланган тўй бекаси «ўлмай шу кунларга етганидан, барча расм-русмлар бегидир ўтаётганидан, тўй баҳона обрўйи том баравар ошажагидан ўзида йўқ шод; энгларини тирсаккача шимарган, қадам босгани сайин қулоғидаги тилла балдоқлар ярқ-ярқ товланаётган эркакшода маҳалла дастурхончиси «хотин ошиғини бу сафар қирмоч олдирмай пиширганидан оғзининг таноби қочган; даврани тўлдирган меҳмонлар дарё бўлиб оқаётган ичкиликдан, атлас кўйлаги бир қучоқ алангага айланиб, қуюн мисол чарх ураётган раққосанинг ғамзаларидан, номдор хонанданинг юракларга титроқ солаётган булбулмақом қўшиқларидан маст; сархуш бўйдоқ йигитлар келиннинг ёнида маржондек тизилишган соҳибжамоллар табассумидан, рақс чоғи кишибилмас танишиб олмоқдан умидвор; кадрдон дугоналарини «остонаси тиллодан» уйига узатиб келган расида қизлар юлдуз тўла август осмонига боқиб кўнгиллари оҳиста орзиққан; сурнайнинг ингичка ноласи нос элитган чолларга бўз йигитлик даврини, ҳолва шимиб тамшанган кампирларга сулув ўн саккиз ёшини эслатган...

Хуллас, тўй кечаси ҳамма-ҳамма хурсанд эди.

Фақат бир кишигагина тўю томоша татимас, фақат бир кишигина бу шодиёнадан бебаҳра, ҳамма ўзини бахтиёр сезиб, сўдатманд санаган

Расми Л. Салимжонова чизган

шу чароғон оқшомда фақат бир кимсагина бахт сиз эди.

Бу одам — барча тантаналар сабабчиси — куёв эди! У — эғнада опера театри буюртмаларинигина бажарувчи аргентиналик муҳожир уста Аркадио тиккан қора вельюр костюм, («Эркдан жудо бўлганимга мотам белгиси!»), «Мистер «Д» инглиз фирмасида тайёрланган нафис оқ кўйлак («Озодлигим кафани!»), танга гулли японча бўйинбоғ («Эркмини ўз қўлим билан бўғиб, ўзганинг измига бердим!»), бармоғида — «583» рақами зарб этилган тилла узук («Тилло кишан № 583!»), силиқ мийиқлари, маҳкам қимтилган лаблари бурчида табассумга ўхшаш бир ифода («Кўзларим кулади, юрагим йиғлар!»), — дўппи «истибдоди»га ўрганмаган бошини таомилга кўра хиёл эгиб ўтирар эди. Тепасида — ўн тўрт кунлик тўлин ой, ёнида — оқ ҳарирга бурканган, ўн тўрт кунлик ойдек келинчак! Бу икки ой ўртасида у танҳо куёшдек порлаб, куёшдек танҳо ёниб... ўз шаънига ёғдирилаётган мадҳу саноларни ўртаниб тингларди.

Хийлагина ширакайф бўлиб олган лўппи юзли, ўнг оёғи оқсоқ киши — Фатҳулла ака куёвнинг ҳамкасблари номидан ваъз айтмоқда:

— ...бизнинг таксопаркимиз жуда катта даргоҳ, унда салкам беш юз киши меҳнат қилади. Лекин мен ишонч билан айта оламанки, агар ишхонамизда иккита яхши йигит бўлса, биттаси — Бахтиёржон, агар битта бўлса — Бахтиёржоннинг ўзи! Ҳа, келинпошша, бугун биз йигитларимизнинг энг ақлли, энг одобли, энг меҳнатсевар, хўш... энг камтарини сизга ишониб топширяпмиз. Бахтиёржоннинг бундан кейинги соғлиғи учун ҳам, кайфияти учун ҳам энди сиз жавобгарсиз! Агар куёвтура тўйдан кейин ишга беш минут кечикиб борадиган бўлсалар, биз, как мекстом, мажлисимизда сизнинг ҳам паведениянгизни муҳокама қиламиз, ҳа! — Гурр кулги кўтарилди, нотиқ мамнун томоқ қириб, гапида давом эди: — Азиз ўртоқлар, бу ҳазил, албатта! Бахтиёржон тўйдан кейин ҳам аввалгидек бизнинг фахримиз бўлиб қолишига ишонаман. Ва мен яна ўз номимдан, ишхонамизнинг кўп кишилиқ коллективи номидан ишонаманки, бу икки ёш албатта бахтли бўлади!

Фатҳулла ака енгил-елпи қарсақлар остида мангалайдаги терни артиб жойига ўтираркан, куёвга қараб илжайиб қўйди. Бахтиёр тик турган қўйи бош эгиб қуллук қилди.

«Ё тавба! — деган истеҳзо кўнглига ўрмалади. — Мен ўзим ишонмайман-у, бу одам қаёқдан ишонади!»

Бир жуфт ашуладан сўнг келиннинг дугонаси Муаттархонга сўз берилди. У, тўйда табрик айтадиган барча қизлар сингари, тўтиқушдек бийрон тил билан қутловни байтдан бошлади:

— Камол топдик, чеҳралар гулгун,
Бахт ва висол оқшоми бугун.
Қалб куйимиз янграр шўх ва дилрабо,
Келинг, дўстлар, тўйга марҳабо!

Хурматли ва азиз, узок-яқиндан келган меҳмонлар! Биз бугун бу ажойиб, сўлим кечада поччамиз Бахтиёржон ака ва дугонамиз Саломатхоннинг бахт тантанасига тўпланган эканмиз...

«Бахт тантанаси»га тўпланишдан мақсад»ни баён этиб бўлгач, у келиннинг таърифига ўтди, Саломатхоннинг «хўсни ўзи бир жаҳон», «хулқи ўзи бир жаҳон» эканини сўзлаб, «энг доно, энг меҳрибон, энг ширинсўз, энг чевар дугоналарини Бахтиёр акага ишониб топшираётганликларини таъкидлади.

Бахтиёр, ёнида «ҳам ораста, ҳам пазанда» келин, оғирлигини у оёғидан бу оёғига солиб тураркан, «Худди «ким ошди» савдонинг ўзи!», деб ўйлади ёғинини, бироқ Муаттархон сўзини тугатгач, у томон оҳиста юзланиб, миннатдор бош эгиб қўйди...

Базму томоша қизғин давом этар, ёр вафоси, ағёр жафоси, висол лаззати, ҳижрон изтироби ҳақида гоҳи ҳазин, гоҳи шўх-шан қўшиқлар янграр, соқийлар пайдар-пай қадаҳ сунар, кўк тоқидан юлдузлар мастона термилар — ҳамма хуррам, ҳамма шодумон эди.

Карнай-сурнай бир лаҳзага тинганда, «кирпи» сочлари тўзиб кетган, қийиқ кўзли дароз йигит тўсатдан даврага тушди, қўлида қадах, гандиракламасликка тиришиб ўртага юриб келаверди:

— Энди сўз маған — ударник таксиши Улмаббет Сарсенбаевқа! Менинг сўзим билай: бул эки жастинг ўмир жўлинда арқашен жасил ширақ парлап турсин! Улардинг ўмир машинесин эшқандай инспектор тўқталмасин! Жас жубайлардинг ўмир тўйлари кутти бўлсин, ден совлиги миқти бўлсин! Бул семьядан асле бақит қашпасин! Бақтияр бўлсин ўлар, дайим бақтияр, Саламат бўлсин ўлар, дайим саламат!

Улмаббет бошини орқага ташлаб, қадахни бир кўтаришда бўшатди-да, қий-чув олқиш остида қулоч кертганча муқом билан ўйнай кетди.

«Бало экан бу қозоқ!» — дея беихтиёр илжайди Бахтиёр. — «Саломат бўлсинлар доим саломат...» Ҳа, у фақат саломат бўлишга ярайди, холос! Лекин мен энди бахтиёр бўлармиканман?! Саломат... Саломат... Саломат — «соғлом» дегани-да? Эҳ-ҳ! Бу номни ҳеч вақт, ҳеч қачон қўшиқ қилиб айтиб бўлмайди!»

Бешарҳ бир ўкинчдан лаблари титради...

Тўй охирида қолганда ҳамкасблари бараварига ўринларидан кўзғалишди, олисдан бош ирғаб жилмайганча хайрлашиб, даврани бир-бир тарк эта бошлашди. Фатҳулла ака унинг олдига келиб қўлини маҳкам сиқди:

— Бахтиёржон, тўй ажойиб бўлди, аммо-лекин! Йўқ, жуда зўр ўтирдик-да! Хўш, энди бизга рухсат, акаси. Раҳмат, эртага рейсга чиқадиған ўртоқлар бора! Э, айтгандек, сал бўлмаса, эсимдан чиқай депти-я! — У қозоғга ўроғлиқ алланарсани Бахтиёрга тутқазди. — Мана буни Фарида опангиз бериб юборган эдилар. Табриклар қўйишимни сўрадилар, узр айтдилар. Уларимми? Утган ҳафта дам олишга учиб кетдилар-ку, Адлерга. Э, эшитмаганмидингиз? Хўп, акаси, раҳмат, бахтли бўлинглар! Хайр, келинпошша!

Фатҳулла ака оқсоқлана-оқсоқлана нари кетди.

Бахтиёр, кўнгли баттар вайрон бўлиб, унинг ортидан қараб қолди, кўксини тўлдирган ўтли бир хўрсиниқ лабларини куйдирди: «Сен яхши қизсан, Гулруҳ. Сен жудаям яхши қизсан, Гулруҳ. Сен дунёдаги энг яхши қизсан, Гулруҳ!»

* * *

Бу номни у илк бор Фарида опадан эшитган.

Нечоғли ҳайратомуз туюлмасин, бир кўришдаёқ ошиқу беқарор бўлиб қоладиган мутаассир кишилар бизнинг замонамизда ҳам аҳён-аҳён учраб туради.

Бироқ Бахтиёр Гулруҳни бирор марта ҳам кўрмаган, кўрмай турибоқ ғойибона кўнгил қўйиб қолган эди.

Гулруҳ деган исмнинг хўш жаранги йиллар мобайнида қалбида авайлаб ардоқланган хаёлий сиймо сувартига дафъатан жон ва руҳ бағишлаб, уни кўнгил мулкнинг танҳо, эрка маликасига айлантирган эди.

Ошиқ-маъшўқлари мажнунот тағида музқаймоқ ея туриб бир-бирига тирик инсон айтиши мумкин бўлмаган чучмал гапларни энтикиб сўйлайдиган миждов китоблар минглаб «бахтиёр ёшлар» каби Бахтиёрнинг ҳам онгини заҳарлаган, шу асарлар таъсирида у бир оз хаёлпарастроқ бўлиб улғайган эди. Шу ваддан у анчагача — йигирма саккизга киргунича тенгини топпмай юрди. Бу борада ота-онаси билан унинг ўртасида не гаплар ўтганию не гаплар ўтганини кимки йигирма саккизга кириб уйланган бўлса, жуда яхши билади.

Балогатга етган ҳар қандай мутаассир йигит сингари унга ҳам талай вақтгача ҳеч қайси қиз ёқмади. Ота-онаси, опа-сингиллари, дўст-ёрлари келинликка номзод излай-излай, ниҳоят, чарчаб-зерикишди, кун ора уюштириладиган янги-янги бесамар «учраштириш»лар ўзининг ҳам обдан жонига теғди.

Охир-оқибат, отасининг сабр косаси тўлиб, масалани узил-кесил қилиб қўйди: «Яна бир ой муҳлат, топса топсин, бўлмаса, мен бу маҳалладан кўчиб кетаман — кўча-қўйдагиларнинг маломатини кўтаришга энди тоқатим қолмади!»

Бу гапни эшитиб, Бахтиёрнинг бир кулгиси қистади, бир жаҳли чиқди: йигирма саккиз йилдан буён топмаган одам, бир ойда қанчоқ тапади?!

Шу кеча ётиб уйқуси келмади, ҳам кулгили, ҳам аянчли аҳволини ўйлади. Назарида, шу кунгача яшган умри беҳуда ўтгандек, бундан кейинги ҳаёти ҳам худди шу йўсин пуч ва маъносиз кечадигандек туюлди. Умрининг қарийб ярми ўтиб, бирон бир арзигулик иш қилмаганини, лоақал ҳанузгача бирор кимсага кўнгли қўя олмаганини юраги зирқираб тан олди.

Дарҳақиқат, у ҳозир шундай бир ёшда эдики, бу ёшда у тенгилар докторлик диссертациясини ёқлаб, дипломатик корпусларни бошқармоқда, космосга парвоз қилиб, иккинчи романини ёзмоқда, газета-журналлар саҳифаларидан мулоим жилмайиб, олий кенгашлар ҳайъатида мамлакат тақдирини ҳал этмоқда...

У эса... «Вокзалга ҳайданг!», «Хадрага обориб қўйинг!», «Шу ерда кутиб туринг!», «Қайтими керакмас!» Таксопарк, йўл, йўловчилар... Уй, ота-она, келин можароси — ҳаётининг бор-йўқ мазмуни ана шу!

Аслида, у ортингча ҳою ҳавасларсиз ўсган, ўзи қодир бўлмаган ишларга — йигирма саккиз ёшда докторлик диссертациясини ёқлаб, дипломатик корпусларни бошқаришга, космосга парвоз қилиб, иккинчи романини ёзишга, газета-журналлар саҳифаларидан мулоим жилмайиб, олий кенгашлар ҳайъатида мамлакат тақдирини ҳал этишга ҳеч вақт қодирлик даввосини қилмас эди. Агар шу уйланиш ташвиши тинчини бузмаганида, у ўзининг йигирма саккизга киргани ҳақда лоақал ўйлаб ҳам кўрмаган бўларди.

У эрталаб шоша-пиша ишга отланар, кечқурунлари ҳориб-чарчаб уйига қайтар, маошини бузмай отасига топширар, якшанба кунлари тўрхалтани тўлдириб бозордан харид қилиб келар, ҳовлидаги майда-чуйда юмушларга қарар, онасининг таъбири билан айтганда, рўзгорнинг жонини киргизар эди. Хуллас, икки йил бурун — уйланиш масаласи чиққунга қадар ота-онаси ундан, у ота-онасидан хурсанд эди. Шу масала ўртада илондек қўзғалдию...

Ҳамма бало шундаки, у китобларда тасвир этилган ишқий савдоларга чиппа-чин ишонар, бир кунмас-бир кун ўзининг ҳам нурсиз ҳаётига ана шундай порлоқ ва андак маънос муҳаббат кириб, қалбини нурафшон этажагини интизорлик билан кутар эди. Ҳа, шундай кун келади! Йиллар бўйи ораниқиб кутгани — гўзал, оқила, жоду кўзлари жон бериб жон олгучи ҳаёлий малакани эртами-кечми дафъатан учратиб қолади. «Салом! — дейди ўшанда юраги тоғдек юксалиб. — Мен сени шундай изладим, шундай изладимки!.. Ахир бир кун учратишимни, ахир бир кун топиб олишимни билардим...». «Салом! — дейди ҳаёлий малак ҳам гунча лаблари табассум сочиб. — Мен ҳам сени қанчалик зориқиб кутганимни билсанг эди, баҳодирим...» Кейин улар яшил майсалар узра бир-бир босиб, қуёш чарақлаб турган водий томон йўл оладилар. У излай-излай ниҳоят топган маҳбубасига, кўнглининг эрка фариштасига ҳеч вақт «Севаман» ёки «Яхши кўраман» деб айтмайди — бу сўзлар унинг қалбидеги тугёнларни, кўксини тўлдирган миннатдор ҳисларни ифода этмоққа қанчалар ожиз, ҳаёлий санам сиймосига нисбатан қанчалар дағал! Йиллар давомида дилининг туб-тубига ўрнашиб қўшиқча айланиб кетган соғинчли армонини у худди ярадор лейтенант Генри сингари ҳарорат билан шивирлайди: «Сен яхши қизсан, Кэт. Сен жудаям яхши қизсан, Кэт. Сен дунёдаги энг яхши қизсан, Кэт!»¹ Тамом! Унинг муҳаббат изҳори ана шундай содда, ана шундай буюк бўлади. Фақат, маҳбубасини «Кэт» деб эмас, ўз исми билан, тилга олган ҳоли кўнгли кўкламдек яшариб кетадиган жозибадор исми билан атаб, шу сўзларни такрорлайди. Бу исмининг қандай эканини ҳозирча билмайди, холос... Лекин билиб оладиган ва муҳаббат нашъасига тўлиб, эҳтирос билан шивирлайдиган дамлари яқин! Ана шунда у чинакам бахтиёр бўлади..

¹ Эрнест Хемингуэй. «Алвидо, қурол!»

У ўша кунни сабр-тоқат билан кутиб яшарди.

Бироқ, ҳаёлий санамнинг фараҳбахш ташрифидан негадир ҳануз дарак йўқ, уни қаердан излаб, қаердан сўроқлашни билмас, уйда эса ота-онаси ҳол-жонига қўймай шошилтиришар эди. Чунки у йигирма саккизга кирган, икки йилдан буён номи маҳалла аҳли оғзида сақич, гўё у уйланса, олам гулистон бўладигандек, кўни-қўшиларнинг барчаси унинг тақдиридан бениҳоя «ташвишманд» эди.

У баъзан туриб-туриб, ўзи ҳам ўзига ҳайрон қоларди: наҳотки, тўрт мучаси соғ, эс-ҳуши бутун йигит одам, шунча йилдан бери дилига ёқадиган бирор кимсани тополмас!.. Ҳар кунни ўнлаб қизларни — ойдек ойдек барноларни, попукек қумриларни, дилрабо сарвиноларни кўради, мулоқотда бўлади, лекин нега бирортасига нисбатан кўнглида қилт этиб майл уйғонмайди?! Ёки юраги тошга айланиб кетгану томирларида қон ўрнига дистирланган сув оқаётганмикан? Ҳаёлидаги зебо санамни қачон учратади? Умуман, учратармикан ўзи?.. Балки у интизор кута-кута, аллақачон умрининг қайсидир чорраҳасида қолиб кетгандир? У ҳолда... у ҳолда бу ўжарлиғу қайсарликдан не мурод? Яхшиси, кўзни чирт юмиб...

Бироқ, кўзни чирт юмиб, ҳаётини тақдир қўлига топширмоққа ҳам журъат қилолмас эди. «Худойим ҳатто темир йўл изини жуфт яратган-ку, наҳот, менинг пешонамга дунёдан тоқ ўтишни битган бўлса?», деб ўйларди у ва негадир, онаси кўйини айтадиган бир гап лоп этиб эсига тушарди: «Ҳайронман, ахир кўча тўла қиз бўлса...»

Дарҳақиқат, кўча тўла қиз, ҳар қадамда унга не-не сулувлар дуч келар, баъзан уларнинг ўғринча нигоҳларини ҳам сезиб қолар эди. Аммо бадбин бир шубҳа ишончини мудом эговларди: кўча-кўйни тўлдириб юрган бу қизлар унинг хонадонини тўлдирар олармикан? Ахир, кўчани тўлдириб юрмоқ бошқа, бир кўнглининг тўрини тўлдиришмоқ бошқа!.. Қолаверса, кўчани тўлдириб юрган қизларнинг барчаси ҳам яхшими? Яхши қизларнинг барчаси ҳам кўчани тўлдириб юрадими? Ким билсин!..

У тақсичи эди, тағидеги шалоғи чиққан машина инсон қалбининг энг хилват, энг махфий манзилларига ҳам кириб бориш имконини берар эди.

Беш йил мобайнида шу «Волга»да кимларни олиб юрмади, эҳ-ҳэй! Бу ўриндиқларга яши ҳам ўтиради, ёмон ҳам; бу сўянчиқларга фариштаннинг ҳам елкаси теккан, фоҳишанин ҳам. У эса тўғрига ҳам, эгрига ҳам бирдек муомала қилишга мажбур — ҳозир ҳамма ялпи саводхон, ҳамманин чўнтагида қоғоз-қалам тайёр. Айтилган сўз — отилган ўқ, ёзилган сўз — мурвати бураб қўйилган бомба!..

Ана шундай кезларда баъзан ишдан буткул кўнгли совиб, «...ўз аризмамга биноан» деган сўзларни ёзаётганида, неча-неча йўловчини жойидан жилган поездга, трапи олинган самолётга етказиб боргани, кимсасиз бир кампирни касалхонадан уйига элиб қўйганида эшитган дуолари, машҳур актёрни Кўйликдан Хадрага етти минутда — спектакль бошланишига икки минут қолганда олиб келиб, томошадан сўнг гримхонасида бирга чой ичганлари беихтиёр ёдига тушиб кетарди, умри фақат ёмонларга хизмат қилиш билан ўтмаётганини, одамларга баҳоли қудрат нафи тегаётганини ўйлаб, қоғозни йиртиб ташлар эди.

Кейин — яна ўша йўл, яна ўша йўловчилар. Ўша кўчалар, кўча тўла қизлар... Нигорон кўзлари улар орасидан Уни — тасаввурдаги гўзал ва оқила санамни беҳаловат излар эди.

Бир кун уни ҳатто учратгандек ҳам бўлди-ю, лекин...

Куз оқшоми, ёмғир томчилаб турар эди. Бахтиёр Боткин кўчасидан минган кўзойнакли чолни Инқилоб хиёбонига элиб қўйиб, почтамо олдидан ўннга бурилганида, меҳмонхона майдончасидан тушиб келаётган қора чарм плашли барваста киши шошилмай қўл силкитди, сўнг гўё унинг тўхташини билгандек, тўхтаб кутиб туришдан бўлак иложи йўқлигини таъкидламоқчи-

дек бамайлихотир юриб келиб, орқа ўриндиққа ўтирди-да, буюриб ўрганган баланд овозда: «Чилонзорга!», деди.

Бахтиёр машинани жилдираркан, рўпарасидаги кўзгудан унинг яп-янги қоракўл папоғи ва чечак изи қолган қоратўри юзига назар ташлаб: «Вилоятдан бўлса керак», деб ўйлади.

Чилонзорга етгач, мижоз метро станциясидан сал нарида машинани тўхтатиб, «Кутиб туринг», дея йўлнинг у бетидаги тўрт қаватли ёштин иморат томон юриб кетди. Ҳаял ўтмай, японча соябонини йўл-йўлакай сумкасига жойлаб келаётган бир аёлни эргаштирганча бино бурчагида пайдо бўлди. Машинага уч-тўрт қадам қолганда Бахтиёр аёлнинг жудаям кўҳлик, жудаям хушқомат ва... жудаям ёш бир қиз эканини пайқайди. Қизнинг катта-катта, осуда кўзларида, елкаси узра укпардек тўзғинган сочларининг майин мавжларида, бошини хиёл орқага ташлаб эркин ва андак марғур қадам олишларида ҳар қандай йигитни ҳам беихтиёр журъатдан айиргувчи сеҳру қудрат барқарор эди.

Бахтиёр дош беролмади, бир хўрсиниб қўйди яна олдинга — қорайиб ётган асфальт йўлга кўз тикиди.

Улар машинага кириб ўтиргач, рўпарасидаги кўзгудан сездирмай кузатганча қизнинг гулгун чехрасидан қоратўри кишига ўхшашлик аломатларини қидира бошлади. Назарида, бундай басавлат, ўктам, тўкис кишига фақат мана шундай эрка ва диловар қизгина муносиб фарзанд бўлиши мумкин эди.

Бир эслаб кўринг-а: бирор ҳамроҳимиз билан таксига минган чоғларимизда шофёрнинг ҳам кўрар кўзи, эшитар қўлоғи борлигини негадир унутиб қўямиз — хатти-ҳаракатларимизга, тилимизга беҳад эрк бериб, то манзилга етгунга қадар «бир соатлик халифа»га айланамиз-қоламиз. Фаройиб ҳолат бу!

Бахтиёр ҳозир айнан шундай вазиятнинг ким билсин нечанчи дафъа, гувоҳи бўлиб борарди. Папоқ кийган киши билан қиз машинада гўё ўзларидан бошқа ҳеч кимса йўқдек ниҳоятда эмин-эркин ўтиришар, гап-сўзлари ҳам ана шунга монанд хийла бетакаллуф, андиша сарҳадларига раҳна солар даражада бетакаллуф эди.

— Яна «семинар»га келдингизми? — деб сўради қиз бир пайт маънодор жилмайиб.

Папоқ кийган киши кулиб юборди-да:

— Йўқ, бу сафар «Главка қақирган», деб қочдим, — деди ва қиздан кўзини узмай, Бахтиёрга буюрди: — Анави муюлишдан чапга!

Уларнинг ўзаро муносабатида тилсиз гувоҳ бўлиб бораётган Бахтиёр аниқ сездики, дунёдаги ҳеч қайси ота қизига бундай муомала қилмайди, ўз навбатида, дунёдаги энг эрка, тантиқ қиз ҳам отасига нисбатан бундай...

Туйқусдан ғазаби кўзиди, рўпарасидаги шاپалоқдек кўзгунини бир уриб чил-чил синдиришдек бемаъни истак фикри-зикрини қамраб олди...

Лаънати кўзгу! Шундай кўҳлик, шундай хушқомат ва... шундай ёш қизнинг пинҳон сирларини фош айла-гунча тошларга тегиб минг бўлак бўлсанг қани эди!..

Шу-шу, у кўчадан, кўчани тўлдириб юрадиган қизлардан баттар юрак олдириб қўйди.

Бир оқшом ишдан ҳориб-чарчаб қайтидию дарвоза олдида турган «Тез ёрдам»га кўзи тушиб, капалаги учиб кетди. «Ойим!», деб ўйлади оёқ-қўли бўшашиб. Онасининг юраги касал эди, яккаш бир гапни айтиб-қўйиб юрарди: «Бир кун лоп этиб ўлиб қоламан, болам, ўлганимни ҳам билмай қоласизлар...»

Жонҳолатда ҳовлига отилиб кирди. Онаси пешайвон лабидида шоша-пиша чойнак ювмоқда эди.

— Ҳа, ойи?! — дея олди, холос.

— Адаггни оқеттишяпти, — деди онаси. — Хайрият, келиб қолдинг. Энди ишхонангга телефон қилайми деб турувдим.

— Нима бўлди ўзи?

— Нима бўларди, ўша эски дард-да...

«Ўша эски дард» — отаси кўп йиллардан буён азобини тортиб келаётган қанд касаллиги эди.

Бахтиёр шу куни ота-онасининг нега бунчалик куйиб-пишаётганини дафъатан англагандек бўлди — ўлим маслаҳатлашиб келмас экан! Ўзича тасаввур қилиб кўрдию юраги орқасига тортиб кетди: нанки у орзу-ҳавас билан уйланса-ю, тўй бошида тоғдек бўлиб отаси турмасал..

Отаси касалхонадан қайтган куни «ўша масала» ҳақида яна гап очилганида, қатъий қилиб жавоб берди: «Ўзингларга маъқулчи топиб, бошлайверинглар. Сизларга ёққани — менга ҳам ёққани». Не вақтлардан буён ундан тайинли бир жавоб ололмади доғда юрган онасига бу гапдан сўнг кўш қанот битиб, ўша куннинг ўзидаёқ қўшни маҳалладан Саломатхон исмли «ой деса ойдек, кун деса кундек» бир қизга фотиха қилиб келди. Қуда томон, ёшлар бир-бирини кўрсин, деган экан, онаси: «Ҳозирча нон синдириб қўяверайлик, ўғлим командировкада, келган куни келинпошша билан учрашадим», деб енгибди. Дарҳақиқат, бу гафолардан сал бўлса-да, қутулиш мақсадида у командировкага жўнаш учун ҳозирланаётган эди. Лекин онаси аслида унинг яна айниб қолиш эҳтимолини ўйлаб шундай йўл тутганини пайқайди-ю, лом-мим демади. «Кўп ташвиш қилма, болам, тақдири азал бу! Агар пешонангга битгани шу бўлса, бари бир бошқасини тополмайсан. Энди ҳар не бўлса, толеингдан кўраверасан», деди онаси таскин берган бўлиб.

Юрагининг бир четида шубҳа милтираб турганини сезса-да, у негадир шу гапларга ишонмоқни чин дилдан истади...

Аммо эртаси куни ишхонасида Фариди опани учратгач, онасига мард бўлиб айтган сўзлари учун минг-минг пушаймонлар чекди, ўз тақдирини ўзгалар қўлига кўр-кўрона топширганини англади, бирдан юрагида ваҳима турди. Бироқ энди барчаси беҳуда, ҳеч кимса унинг зорини эшитмас, ҳеч кимса ҳолини сўрмас эди — ўртада нон ушатишган, ҳамма ўзи билан ўзи, тўй тараддуди бошланиб кетган эди!..

Фарида опа эса...

Фарида опа деганлари таксопаркда диспетчерлик қилаётган қирқ ёшлар чамали бениҳоя гўзал бир аёл бўлиб, сулувлиги устига зукко феъл, дилбар табиат ҳам эди. Одамларнинг айтишича, у муросаси келишмай эридан ажрашган, ўн яшар қизчаси билан яшар экан. У ишхонада ҳаммага бирдек очиқ, самимий муомала қиларди, лекин бу очиклик ва самимиятнинг шундай кўринмас сарҳадлари бор эдики, ундан нари ўтгани энг оғзи ботир шофёрлар ҳам, энг чапани йигитлар ҳам журъат этолмасдилар.


Бахтиёр бу аёл билан шунчаки салом-алик қилиб юрар, аммо ҳеч бафуржа суҳбатлашмаган эди. Шу босиш ўша куни аёл уни ҳаддан ташқари меҳрибонлик билан кутиб олиб, онасига — «бир пиёла чойга» таклиф этганида хийла таажжубланди.

Чой устида Фариди опа унинг ҳол-аҳволи, оилавий шароити ҳақида малол келмайдиган бир йўсинда узоқ суриштирди, ниҳоят, бир муддат иккилангандек:

— Энди, Бахтиёржон, кўнглингизга олмасангиз, бир гап айтмоқчи эдим, — деди.

Бахтиёр ҳайронлиги баттар ошиб, бошини кўтарди.

— Фақат, илтимос, бошқача хаёлга бориб юрмасангиз. Шу... менинг бир жияним бор, опамнинг қизлари. Оти Гулрух, ўзи бу йил Политехника институтини битиради. Энди, мен таърифласам ноқулай, лекин инсон сифатида, аёл сифатида у менга жудаям ёқади. — Фариди опа «жудаям» деган сўзни алоҳида таъкидлаб, бир лаҳза унга тикилди. Бахтиёр кинрик қоқмай қараб турарди. — Энди, яши одамлар бахтли бўлиши керак-да, Бахтиёржон! Биласизми, негадир яхши одамлар шахсий ҳаётда кўпинча бахтсиз бўладилар. Нега дейсизми? Азбаройи яхшиликлари учун! Ҳа-ҳа, кўп, деяверинг. Шу жиянимнинг тақдирини ота-онасидан ҳам кўпроқ ўйлайман-да. У-ку ҳали гўдак, бунақа нарсаларни хаёлига ҳам келтирмайди, лекин бари бир эртаси-кеч бошига тушади, шунинг учун... Мен биламан,



Бахтиёржон, сиз яхши йигитсиз. Шахсан менга инсон сифатида ҳам, бир... ҳамкасб сифатида ҳам жуда-жуда ёқасиз.

— Э-э, Фарида опа! — деб юборди Бахтиёр қизариб-бўзарганча, нима деярини билмай.

— Йўқ, рости билан-да. Шунга... кўпдан бери ўйлаб... Сиз ҳам қачондир уйланишингиз керак. Агар кўнглингизда бирор киши бўлмаса... Мени кечиринг, жудаям одобсизлик қиляпман.— Фарида опа қизалоқлардек қизариб кетди.

— Йўғ-э!

— Мана, бир йилча бўлиб қолди, сизни орқаворатдан сўраб-суриштириб, ўзим ҳам кузатиб келаман. Назаримда, нима десам экан... сиз Гулруҳга, Гулруҳ сизга жудаям муносиб. Йўқ, Бахтиёржон, сиз ҳали ёшсиз, бунинг қанчалик оғир савдолигини билмайсиз. Илоё билманг ҳам. Одам бир оғзи куйиб қолгандан кейин қўрқар экан-да. Ким билсин, бир яхшига — бир ёмон, деган гаплар бор. Зора, шу менинг беодоблигим сабаб бўлсаю бир яхшига яна бир яхши дуч келсал..

Фарида опа жимиб қолди. У бирпасда шунча гапни гапириб ташлаганига энди ўзи ҳам ҳайрон бўлаётгандек, хижолатли жилмайиб ўтирарди.

Мияси жўяли бир жавоб ахтариш билан банд экан, Бахтиёрнинг оғзидан бехос:

— Э, Фарида опа-я, шунча вақтдан бери қаерда эдингиз-а! — деган гап чиқиб кетди.

Фарида опанинг телефонга тикилган кўз қорачиқларида нимадир йилтиради.

— Ахир, кеча фотиҳа қилиб келишди-да!

— А-а... — Фарида опа бун шундай бир ҳайрат ва надомат оҳангида айтдики, Бахтиёрнинг ҳатто юраги жимирлаб кетди. Бироқ аёл дарҳол ўзини қўлга олди: — Вой, Бахтиёржон! Муборак бўлсин, табриклайман! Майли, ишқилиб, бахтли бўлинглар. Ўзингиз... яхши биласизми келинпошани?

Бахтиёр унинг «Яхши кўрасизми?», деёлмаганини фаҳмлади-да, вужуд-вужуди музлаб:

— Йўқ, яхши... билмайман! — деди.

Жимиб қолдилар. Ғойибдан бир куч келиб уларни бу ўнғайсиз сукунат чангалидан қутқармаса, ўзларининг халос бўлмоқчиликлари маҳол эди. Худди шун сизгандек, стол устидаги қора телефон бирданига устмачи жиринглай кетди.

— Алло? — Фарида опа трубкадаги товушга қулоқ тутиб тураркан, чехраси тобора жиддий тусга кириб борарди. — Ҳа. Йўқ. У кейинги рейс-ку. Йўқ, деяпман-ку. Эҳ, бекор ундай қилибсиз. Шошибсиз-да, шошибсиз...

Бахтиёр кечқурун уйига қайтаркан, юраги бўм-бўш, алам билан ўйлар эди: «Эҳ, бекор ундай қилибсиз. Шошибсиз-да, шошибсиз...»

Чиндан ҳам, шунча вақт шошмаган одам, яна бир кунгина сабр қилиб турса нима экан! Атиги бир кун! Ахир, Фарида опанинг ўзи қандай аёл, жияни ҳам ахир... Исми-чи, исми — Гулруҳ, нақ қўшиқдек жаранглайди-я! Ҳа, бу ўша — йиллаб орзикиб кутгани! «Сен яхши қизсан, Гулруҳ. Сен жудаям яхши қизсан, Гулруҳ. Сен дунёдаги энг яхши қизсан, Гулруҳ!»

Бу кеча ҳам «кўзга уйку келмади».

Бахтиёр кўп ўйлади, ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят ўйига етди: фотиҳани бузиш керак. Бўлак илож йўқ. Онасининг оҳ-воҳларини, элу юрт маломатини, дўсту душман дашномини хаёлан чамалаб кўрди — хаёлан дош берди. Бироқ отасини эслаганда бор журъати тутдек тўкилди: отаси урмайди, сўкмайди, дунёни бошига кўтармайди, кўнгли беҳузур ҳам бўлмайди — Қодирийнинг Юсуфбек ҳожисидек оҳиста салмоқлаб: «Бизнинг хонадонимиздан лафзсизлик чиқиши менга маъқул кўринмайди», дейди, тамом-вассалом!

Сўнгра... ўртаниб бораётган юрагига таскич бермоқча тиришди: «Эҳ, Бахтиёр, Бахтиёр! Ота-онанг, қавму қариндош, дўсту ёринг олдида бу янглиғ маломат бўлгандан кўра, гадойтопмас да шту дала ларга бош олиб кетганинг, қўлингга ирғай гаврон тутиб пода

ортидан адашиб-улоқиб юрганинг афзал эмасми! Бунчалик димоқ-фироқ кимга керак? Сенинг бу далли девона кўнглингни ким англайди, ким? Осмон қаъридан янги сайёра кашф этиб, ҳайратни аллақачон унутган аҳли оламини тонг қолдирмоқча бел боғлаган юлдузшунос олим бўлсанг эканки, нозиктаъблик даъвоингни биров кўтарса! Ўзинг қорамойга беланган бир шофёр бўлсанг, нозу истиғнони сенга ким қўйибди! Киришгани юшиб, овқатингни пишириб, измингдан чиқмай ўтирадиган бир хотин бўлса бас-да! Осмондаги ойни оламан, деб хомтама бўлма — бари бир унинг ҳам юзида доғи бор!».

Таскин кўп ишончли, хўб асосли эди, бироқ... бироқ у безовта кўнглининг безовталигини баттар оширди, холос.

У, индинга никоҳ куни командировкадан қайтди.

* * *

Ниҳоят тўй тарқаб, келин-куёв биринчи марта ёлғиз қолдилар — Бахтиёр бир умрга бахтиёр бўлгани, Саломат умр бўйи саломат бўлгани...

Никоҳдан ўтган кунлари бир-икки қараганини ҳисобга олмаганда, Бахтиёр ҳали қайлигини тузукроқ кўр-маган ҳам эди, чимилдиқда ғашлик, ҳаяжон ва чарчоқ аралаш ғалати ҳиссиёт оғушида гангиб тураркан, келиннинг юзига, энди синчиклаб тикилди ва нима деб баҳо берарини билмай қийналди: кўнгли тўлмаганини тан олмоқ — дилидаги ғашлики яна бир баҳя кучайтириш демакдир; қаноат ҳосил қилганига икром бўлмоқ — кум устига иморат тикламоқдек хомхаёл. Шу важдан мавҳум ва мўътадил бир хулоса билан кифояланмоқча ҳарор берди: бир қиз-да энди!..

Бир-бирига тик боққани ҳозирча ҳаё қиладиган келин-куёвни охир-оқибатда қўш ҳўкизга айлантирувчи т у р м у ш бошланиб кетди.

Кўёвликнинг ғурури билан тўлган дастлабки кечалар лаззати ортда қолди, эҳтирослар тумандек тарқайди — кўнгилда ҳамон ўша ўртагувчи армон...

У ҳар кеча хотинининг оғзини пойлар, жуда бўлмаганда бир оғиз аччиқ таъна кутар эди: мажнунтол тагиди музқаймоқ билан висол онлари уюштирмаганига, гул кўтариб йўлига интизор тикилмаганига, то ҳануз тили «ҳа» ёки «йўқ»дан бошқа каломга айланмаслигига... Саломатнинг бу хусусда бир сўз демай келаётгани эса уни баттар таажжубга соларди: «Бу қайси замоннинг қизи ўзи?!»

Хотини хийла тортинчок, ҳаммиша ҳуркибми, ҳайкибми тургандек ерга тикилган кўйи энг зарур нарсалар ҳақидагина сўзлайди, холос: «Дастрўмолчангизни берсангиз, қайиб қўярдим», «Кечга нима овқат қилай?», «Ойим телефон дафтарчани сўраптилар...»

У эрталаб тик оёқда турганча бир пиёла чой ичиб ишга овланаётганида, Саломат ошхонада ивирсиб юрган бўлади, кечқурун «Время»дан сўнг қўлига газета олиб жойига чўзилганида ҳам хотинининг ўчоқ бошидаги юмуши битмайди. Газетага тикилиб ётаркан, юраги сиқилади, ҳарфлар беихтиёр бирлашиб, бутун саҳифани эгаллаган бир жумла пайдо бўлади: «Эҳ, бекор ундай қилибсиз. Шошибсиз-да, шошибсиз...».

Ҳар куни шу аҳвол.

Эҳтимол, Гулруҳни лоақал бир марта учратганида ҳам бунчалик қийналмаган бўлармиди — беайб парвардигор, бирор нуқсонини топиб, телба кўнглига шу билан таскин бериб юрармиди... Фарида опа эса ҳар кўрганида илгаригидек оҳиста бош ирғаб саломлашар, лекин табассумида маънос, таънаомуз бир маъно яширингандек туюлар эди.

Тўйдан йигирма кун ўтар-ўтмас, чиллани куёв тунги сменада ишлай бошлади. Ўз ихтиёри билан!..

Бу хонадонда келиндан ҳамма хурсанд эди. Айниқса, онаси, Бахтиёр онаси билан хотинининг тотувлигига киноя билан қарар, бун муваққат бир ҳол деб ўйлар, чунки қайнона-келин можаросини асрлардан бунён мавжуд «синфий зиддият» деб баҳолар эди.

Қанчалар қийналмасин, у ҳамиша хуш-хандон кўри-нишга тиришарди: «Ўзим айбдорман, бас, ўзгаларда не гуноҳ!»

Бир куни (бу пайтда навбати кундузги сменада эди) ишдан чиқиб жуда юраги сиқилди, уйга қайтишни ўйлаб баттар хун бўлди ва анча вақт иккилана-иккилана бир жойга жўнади.

Уйига эртаси чошгоҳда, кўнгли алағда, аранг кириб келди.

Сўрида чой ичиб ўтирган онасига кўзи тушиб, муқаррар кўнгилсизликдан юраги зирқиради. Аммо онаси бамайлихотир чойини хўплайверди.

— Ишинг ҳам бор бўлсин,— деди фақат.— Қачон келиб қачон кетганингни ҳам билмабмиз. Хайрият, Саломатхон ухламаган экан, бўлмаса, кўчада қолармидинг... Ҳа, шеригингга нима қилти, тузукми?

У онасига гарангсиз тикилди ва қарахт мияси бирдан равшан тортиб кетди. Демак...

— Мундоқ дам-пам олиб ишлагин-да, мунча жуда! Аҳволингга қара, кўзларинг қовжираб кетибди-я!

У лавлагиси чиқиб қизарди, шоша-пиша алланарса-ларни гўлдираб, хонасига отилди.

Шифтга дилтанг тикилиб ётаркан, тўсатдан хотинини — бу беозор, ҳуркак ва меҳрга зор муштипар кимсани ўйлаб кетди.

Бечора! Демак, кеча қайнонасига ҳам, қайнонасига ҳам ёлғон гапирган, ўзи алдана туриб, уларни ҳам ширин ва халоскор уйдирма билан алдаган!.. Ҳойнаҳой, тун бўйи мижжа қоқмай кутгандир. У кечки сменада ишлаган кезлар ҳам, шубҳасиз, бедор кутган. Эҳтимол, бир умр... Нега, нима учун?

Ногоҳ хотинининг қачон уйкуга ётиб, қачон ўрнидан турганини ҳали бирор марта кўрмаганини эслади. Ҳа, икки ой мобайнида лоақал бирор марта кўрмабди! У ухлаб ётганида хотини овқат пиширади, унинг кийим-ларини ювади, кўйлаklarини дазмоллайди — ким билсин, балки шу кўйлаklarга юзини босганча ўксиз-ўксиз йиғлар... У эса юмшоқ тўшақда, парку ёстиқларга ястанган кўйи ўзича маъхум ғуссаларга ботади.

Кўнглининг туб-тубида пайдо бўлган, сизловикдек сиркиратувчи оғриқ — виждон азоби, тозариди изтироби атрофини қуршаган буюмлару кундалик гап-сўзларга туйқусдан ўзгача маъно бахш эта бошлади.

Ҳар куни эрталаб ишга кетаётганида, хотини ортидан: «Яхши бориб келдинг», деб қолар, кечқурун қайтганида эса: «Яхши бориб келдингизми?», дея қарши олар эди. Дурустроқ фаросат юритиб қараса, бу оддий, жўнгина сўзларда, йўқ, уларнинг оҳангида шу қадар теран, пинҳоний маъно бор эканки, уларни сезмаслик, сезиб қадрига етмаслик нақ гумроҳлик, гумроҳлиги нонокўрлик экан!

Юраги шодумон, айна пайтда безовта ура кетди: хотинининг кўзига энди қандай қарайди?!

...Саломат ишдан қайтганда, у гулларга сув куйиб юрарди. Нохос юраги ёмон дукурлаб, оёқ-қўли бўшашиб бораётганини сезди, бармоқлари резина ичакни маҳкам чангаллади.

«Кўзлари киртайиб кетибди. Ухламаган!»

Хотини унга ялт этиб боқди-да:

— Яхши бориб келдингизми? — деди одатдагидек ва ҳуркиб-ҳайиқибми, товушидаги титроқни билдирмаслик учунми, дарҳол қайнонаси томон юрди.

Бахтиёр резина ичак бўғзини бўшатди. Оқ-сарик, нопармон, қизилу пушти очилиб ётган гуллар орасига тизиллаб кўз ёшидек тиниқ сув сочила бошлади.

Хаёлидан кўп гаплар сувдек оқди. Ҳатто, бир кўнгли дардини тўкиб солгиси, «Кечир мен гумроҳни!», дея тазарру айлагиси ҳам келди, лекин журъат — барча яхши одамларга мудом етишмайдиган ва уларни доимо ғафлату армонда қолдирувчи журъат унга ҳам етишмади.

Хотини эса лоақал бир оғиз изоҳ сўрамади — одатдагидек, ошхонадан уйга, уйдан ошхонага елиб-югуриб хизмат қилди, ҳамма ухлагач, қўшни хонага кириб, унинг кеча ғижим бўлган шимига дазмол босмоққа тутинди... Бахтиёр бетоқат тўлғанди,

қайноқ дазмол шармисор ва яланғоч баданига жаз-жаз ёпишгандек бўлди.

У бугун илк бор хотинини ухламай кутиб ётишга аҳд қилди...

Ниҳоят, хотини шарпасиз юриб ётоқ бўлмага кирди. У кўзларини юмганча нафас чиқармай ётаверди.

Хотини шафқ олдида бирпас тимирскиланиб турди-да, боягидек сассиз келиб, секин жойига чўзиларкан, тунчиरोқ тугмасини босди.

Бахтиёр унинг юрак уришига қулоқ тутиб узоқ жим ётди.

— Нега ухламаяпсиз? — деб сўради ахйри.

Хотини чўчиб тушди:

— Ўзингиз-чи? — деди аллазамондан сўнг.

— Уйқум келмаяпти.

— Мен ҳам... Урганиб қолганман.

Хотини бу гапни беозор пичирлаб айтди, аммо Бахтиёр ундан ўзгача маъно уқди: «Сени, сен ноинсофни кута-кута ўрганиб қолганман... уйқусизликка».

— Нега индамайсиз? — деди у сал ўтиб.

— Нима дей?

— Ахир, кеча қаерда эдинг, нега келмадинг, денг жуда бўлмаса!

Хотини чурқ этмади.

— Шеригимнинг касал бўлиб қолганини қаердан билдингиз?

— ...

— Ойингизга айтибсиз-ку, ахир?

Саломат эшитилар-эшитилмас шивирлади:

— Уялдим...

Сўнг елкалари оҳиста силкина бошлади.

У нима қиларини билмас, кўкси шилиниб кетгандек ачишар эди.

— Кўйинг,— деди бўғиқ товушда.— Кўйинг, йиғламанг... арзимайди.— «Кошки кўз ёшинга арзисам!»

Хотини юзини ёстиққа буркаб, пиқиллади:

— Арзимасангиз... йиғлармидим?

Бахтиёр бирдан энтикди, бу изҳори дил хотинининг кўз ёшидек соф ва ўртагучи эканини англади, бори-борлиги титраб, унинг кифтидан маҳкам қучди, маст одамдек пойинтар-сойинтар, дағал, аммо рост сўзларни гўлдиради:

— Йиғламанг... Йиғлама энди... Бўлди, деяпман-ку, бўлди! Энди сени доим сенсирайман, йиғлама...

Эрталаб ғаройиб бир ҳақиқатни кашф этиб уйғонди: хотини жудаям гўзал экан!..

Кундузи «қўллари рулда, кўзлари йўлда», бепоён шаҳарни бепоён қувонч билан кезаркан, тезроқ кеч бўлишини, тезроқ уйига қайтишни орзиқиб кутди.

Кечқурун тўғри уйига боради, хотинининг ҳаё-ҳадикдан жовдираган кўзларига тўйиб-тўйиб боқади-да: «Сен яхши қизсан, Саломат. Сен жудаям яхши қизсан, Саломат. Сен дунёдаги энг яхши қизсан, Саломат!», дея эҳтирос билан шивирлайди!

Бироқ оқшом ишдан қайтгач, кун бўйи кўнглида туғён урган бу гапларни хотинига айтмади.

Бу гапларнинг ватани тил эмас, дил бўлгани маъқул!

* * *

Уч-тўрт кундан кейин... таксопарк ҳовлисига шошиб кираётиб йўлақда Фарида опага дуч келиб қолди.

Фарида опа, қўлида бир дона чиннигул, ўзи ҳам гулдек яшнаб турар эди.

— Ҳа, Бахтиёржон! — деди кулиб.— Қалайсиз? Келинпошша яхши ўтирибдиларми?

— Раҳмат! — деди Бахтиёр кафтини кўксига босиб. Фарида опанинг тиниқ, чиройли кўзларида ҳамон ўша ифода: «Эҳ, бекор ундай қилибсиз. Шошибсиз-да, шошибсиз...»

— Э, Фарида опа, шошмасам бўлмас экан! — деб юборди Бахтиёр ҳовлиқиб.

— Нима?

У жавоб ўрнига Бахтиёр кулимсираб қўйди.



Ўзбекистон дўстлар нигоҳида

АНДРЕЙ ВОЗНЕСЕНСКИЙ:

Ўзбекистон заминига ҳар гал қадам қўйиб, унинг бугунги кунини, меҳнаткаш, меҳмондўст кишилари, инсон даҳоси яратган гўзаллик олами, тоғ-тоғ пахта хирмонларию ноёб меъморчилик обидаларига нигоҳ ташлар эканман, улар улуғ ўзбек халқининг юксак қаддибастидек бўлиб туюлади назаримда.

Эсимда, қайси йили кўпчилик дўстларим қатори Самарқанд, Бухоро, Хива меъморчилик обидалари билан танишдим. Касбим архитектор бўлганидан бу бебаҳо меъморчилик обидалари мени ҳайратга келтирди. Ушанда, Самарқанддаги Афросиёб харобаларида қазув ишларини олиб бораётган мутахассислар менга бу қадимий шаҳар сопол қувурлар орқали канализация билан таъминланганлигини кўрсатишди.

Кейинчалик Ҳиндистонда бўлганимда, жаҳонга машҳур Тож Маҳал ва бошқа архитектура иншоотларининг ўрта Осиё меъморчилик ёдгорликларига услубий яқинлигини англадим. Ҳар бир халқ тарихи ва маданиятига синчковлик билан зеҳн солган кишига бундай услубий ҳамоҳанглик жуда кўп янгиликлар бериши табиий.

Ойдинлашадиким, қадим-қадимлардаёқ меъморчилик, муҳандислик, халқ амалий санъати соҳасида эришилган бу ютуқлар бир халқники бўлишидан қатъи назар, умумжаҳон фан ва маданияти тараққиётида муҳим роль ўйнаган.




Мен Навоий ижодини етарли даражада чуқур билмасам-да, унда умуминсоний туйғулар юксак санъаткорона куйланганини теран ҳис этаман. Ана шу умуминсонийлик фазилатлари бугунги кунда, хусусан, нафис Шарқ шеърляти анъаналарини чуқур эгаллаган, уни муваффақиятли давом эттираётган ўзбек шеърляти мисолида ҳам яққол кўзга ташланади. Бу жиҳатдан шеърлари умумиттифоқ китобхоналарига танила бошлаган Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон каби истеъдодли шоирлар ижоди ибратлидир.

Мен бу табаррук тупроққа даставвал қадам қўйганимда ҳам меъмор, ҳам шоир сифатида, Ўзбекистоннинг бебаҳо қадимий меъморчилик услублари Тошкентнинг янги архитектура комплексларида акс этишини жуда-жуда устагандим. Мана, 1966 йилги зилзиладан кейин, бу ерда биринчи бор бўлишим. Катта қувонч билан эътироф этишим керакки, Тошкентда қадимий шарқ меъморчилиги анъаналари билан XX асрга хос энг замонавий архитектура услублари оригинал даражада мужассамланган. Айниқса, В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройининг муҳташам биноси, осмонўпар «Ўзбекистон» ва «Москва» меҳмонхоналари менда жуда катта таассурот қолдирди. Шунга ўхшаш маъмурий ва жамоат биноларидагина эмас, «Мовий гумбазлар» типигади кафе ва чойхоналарда ҳам миллий меъморчилик услубларидан ижодий фойдаланилганлиги, рангли қошинлар, мармар ва гранит каби нодир бинокорлик материаллари Тошкентнинг ажойиб меъморчилик иншоотларига кўрк бераётганлиги қувончли ҳолдир. Уйлайманки, захматкаш ва доно ўзбек халқи бундан буён ҳам асрлардан-асрларга эъзозлаб келинган ноёб анъаналари — меъморчилик санъатидан тортиб миришкорликкача, шаҳарсозликдан тортиб амалий санъатгача, фан ва маданият, адабиёт, муҳандислик санъатини янги социалистик мазмун билан бойитиб, янада такомиллаштириб боради. Зотан, бу социалистик турмуш тақозосидир.

Андрей ВЗН

ҚАЙСИН ҚУЛИЕВ:

Шоир, сўз санъат-кори бутун умри давомида имкониятига кўра барча халқлар маданиятини, адабиётини ўрганиши лозим. Агар у ўзи ўрганаётган халқнинг тилини билса бу янаям яхши. Мени ўзбек адабиётига ошно этган омиллардан бири бизнинг болқор тилимиз ўзбек тилига анчи яқинлиги даги эмас — ўзбек халқининг улуғ шоири



Алишер Навоий ижоди жаҳон шеъриятининг энг ажойиб фазилатларини ўзида мужассамлантирганлигида ҳамдир. Ўзбек тилини эркин тушуна олганим сабабли мен учун ўзбек халқи яратган жами гўзалликлар, адабиётининг ноёб намуналари айниқса қадрли.

Ўзбек адабиёти чиндан ҳам катта адабиёт. Бунда, албатта, Ҳамид Олимжон, Фафур Гулом, Ойбек, Шайхзода каби ажойиб ижодкорларнинг ҳиссаси беқиёсдир. Биз Ойбек билан СССР Олий Совети Президиумининг мажлисларида тўрт йил ёнма-ён ўтирган эдик. У Шарқ тарихи ва адабиётининг беназир билимдони эди. Шайхзода ҳам шарқ поэзиясининг ажойиб тадқиқотчиси сифатида мен учун ғоят қадрлидир. Бу икки доно сиймо билан дўстлашув, ўзбек шеърияти билан яқиндан танишув мен учун аъло даражадаги ўқиб-ўрганиш, ўзига хос академия бўлди.

Ажойиб ўзбек шоири Ҳамид Олимжон билан Улуғ Ватан урушининг суронли кунларида учрашган эдим. Зулфияхоним ижодини эса теран бир муҳаббат билан севаман. Ажойиб шоирамиз, опахонимиз билан яқин дўстман. У фақат катта шоиргина эмас, балки бутун Шарқнинг йирик жамоат арбоби ҳамдир. Зулфияхоним ўз ижоди, жамоат ишлари билан Осиё ва Африка халқлари бирдамлигига катта ҳисса қўшмоқда.

Фафур Гулом билан дўстона алоқаларимиз

ҳақида ҳам кўп гапириш мумкин. Лекин шуниси аёнки, бундай кенг мушоҳадали, чуқур билимдон, улкан истеъдод соҳиби ҳар кунги ҳам туғилавермайди. Фафур Гулом поэзияси, ижодини бениҳоя ҳурмат қиламан. Атоқли ёзувчимиз Шароф Рашидовнинг халқлар дўстлигини, интернационализмнинг буюк қудратини тараннум этувчи ажойиб асарлари халқларимиз ўртасидаги қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлашига катта ҳисса қўшмоқда.

Бундан ҳамаси 12 йил муқаддам ҳеч қутилмаганда ўзим учун Абдулла Ориповни кашф этдим. Бахтимни қарангки у семинарнинг мен раҳбарлик қилаётган группасида қатнашаётган экан. Унинг шеърлари сўзма-сўз таржимада ҳам сержозиб, теран маъноли, мушоҳадага бой, ўткир ҳиссиётли эди. Кейин мен Абдулладан шеърларини оригиналда — ўзбек тилида ўқиб беришни илтимос қилдим. Шунда Абдулла Орипов ижоди туғма истеъдод билан мунаввар эканлигини, унинг шеърияти халқ қалби, дарди билан чуқур ҳамоҳанглиги, ўзида теран умминсоний туйғуларни мужассамлантирганлигини ҳис этдим.

Биз шоирлар одамларни янада сергак, хушёр бўлишига ундаш учун, тинчлик ишига ҳисса қўшиши, инсоният яратган жамики гўзалликлар, мўъжизалар, эзгу нарсаларни асраб-авайлашига ундаш учун масъулдирмиз. Ҳақиқий шоир ўз ташвишини — тинчликни, гўзал планетамизни асраб қолиш ташвишини барчанинг қалбига сингдириши учун ёнмоғи керак. Бу энг аввало гўзалликдан ҳайратланиш туйғусидир. Шоир ана шу ҳайрат ҳиссини, табиат, инсоният яратган мўъжизалардан ҳайратланиш, ноёб, нодир, мўъжизавий гўзалликларни авайлаш учун кунраш ҳиссини, туйғусини бор овози билан куйлаши лозим. Мен бугунги кун ўзбек шеъриятининг энг гўзал намуналарида ана шундай ажойиб фазилатларни кўраман. Дўстликни, халқлар қардошлигини тараннум этиш менинг азалий эътиқодим. Чунки халқлар дўстлиги инсонлар дўстлигидан, ҳамоҳанг қалблар дўстлигидан иборат. Коммунистик идеалларга, улуғ совет халқига, маданиятлар қардошлигига хизмат қилиш мени барча дўстларим қатори ўзбек қардошларим билан ҳам боғлаб туради. Тоғ ва денгизлар эрта тонг қуёшидан нурчфшон бўлганидек, бизнинг дўстлигимиз ана шу юксак ғоялар билан нурафшондир.

Кавсов Кулиев



ЭДУАРДАС МЕЖЕЛАЙТИС

(Литва ССР)

Инсон

Ер шарига оёғимни тираб, мағрур,
Ушлаганман қўлларимда қуёш шарин.
Юксалганмен икки шарнинг ўртасида —
Ер ва қуёш меникидир.
Миям бағри, миямининг қатламлари
Тубсиз, маъдан конларидай.
Мен улардан қазиб олгум кўмир каби,
Мен уларни тоблагайман темир каби,
Денгизларда эгат очган кемаларни,
Поездларни — ер белига камар бўлган,
Самолётлар — учқур қушлар зурриётин,
Ракеталар — чақмоқларнинг йўлдошларин.
Ҳа, мен улар ҳаммасини қилдим бунёд,
Ер шарига гоят ўхшаш шу бошимда.
Менинг бошим қуёшга ҳам жуда монанд,
Бу оламга бахт улашгай — нур таратгай,
Замин узра неки мавжуд — бағишлар руҳ,
Ер юзига одамларни жойлаган у.
Ер нимадир мен бўлмасам! Жонсиз тана,
Ясси ялпоқ, ўйдим-чуқур оддий бир шар...
Асли мен ер алаmidан яралганман.
Бу ер ўша-ўша ғамнок дамларида
Қуёш ва ер шарларидек қуйиб қўйган
Шардек бошни ҳада этди мана менга.
Менинг ўша шар сингари кичик бошим
Бу каттакон ер шаридан бўлди устун.
Буйсунди ер менга, мен ҳам
Кўрку чирой бахш этдим унга.
Жоним бунёд қилган бу ерим,
Мен ҳам қилдим қайтадан бунёд.
Тоza бўй уфурган, суюмли — бундай
Бўлмаганди замин ҳеч қачон!
Оёғимни ер шарига тираб мағрур,
Кўтарганман қўлларимда қуёш шарин.
Кўприқдирман қуёш ва ер орасида.
Мен орқали қуёш чиқар замин узра,
Замин эса кўтарилар қуёш сари
Айланади атрофимда шаҳарлару
Улкан-улкан иншоотлар,
Асфальтли, кенг майдонлар,
Машина ва одамларга
Тўлиб оққан кўприқлар.
Сайёралар, кемалар — айланади...

Мен турибман:
Оқил, қатъий,
Алпқомат,
Юксалганман ердан қуёшга қадар,
Ерга қуёш табассумин
Сочадирман мўл.
Мағриб, машриқ,
Шимол, жануб — баҳраманд бирдек.
Мен турибман:
Мен — Инсонман,
Мен — Коммунист!

Азим СУЮН таржимаси

МИРЗО ТУРСУНЗОДА

(Тожикистон ССР)

Қардошлик қонуни

Рус Шарқий Бухорога
шунқордай келган чоғи,
Узилганди бу мулкдан
амирларнинг оёғи.
Бўлган эди элимиз
рус тилининг мафтунни,
Чунки ундан уқганди
«эрк» ва «нон»нинг мазмунини.

* * *

Шу улуг тил билан биз
ўтдик тарих зинасини,
Шу улуг тил билан биз
очдик фан хазинасини.
Маркс-Ленин ижоди
ёритди йўлиминини,
Баланд қилди курашда
ҳамиша қўлиминини.


* * *

Оламга машҳур бўлса
Тожикистоннинг номи,
Оқинларнинг оқини —
Жамбул Жабай каломни,
Ўзбекистон ерининг беқиёс сазовати,
Буларнинг ҳаммасидир
рус тили шарофати.

* * *

Шу тил билан айтилур
дилминининг фармони,
Шу тил билан айтилур
ғалабамиз баёни.
Шу тил билан ўргандик
қардошлик қонунларини,
Рус бўлди барча халқнинг
ғамхўри меҳрибони.

ЖОНИБЕК таржимаси



АНАТОЛИЙ
КИМ

Денгиз келинчаги

1



ХИКОЯ

Русчадан

Машраб БОБОЕВ

таржимаси

у аёлни шаҳарда ҳамма «Денгиз келинчаги» деб атарди. Эри қирқ еттинчи йилдаёқ қамалиб кетгани учун бешта болани бир ўзи ювиб-тараб оёққа турғизди. Эрини ҳаддан ташқари яхши кўрганидан бўлса керак, фарзандлари шаҳарнинг олди болаларидан бўлиб улғайишди: бири биридан гўзал тўрт қизи, девсифат, чаққон, ўн олти ёшидан бошлаб шаҳардаги «Шахтёр» командасининг етакчи футболчиси бўлиб танилган ёлғиз ўғли Коляга қараган одамнинг кўзи қувонарди. Эр қаерлардадир пешонасининг шўрини ялаб юрибди, болалар ёш, уларни қандай қилиб бўлса ҳам боқиш керак эди. У, иссиқ демай-совуқ демай, қор демай-ёмғир демай, эгнига эски, тиришиб кетган камзул ва кенг, қўпол чолворини кияр, катта қопини кўтарарди-да, денгиз томон йўл олар эди. Териб келган денгиз карамию еса бўладиган чиганоқларни қўни-қўшниларига арзон-гаров пулларди. Тўғрироғи, қўшни аёллар толган-тутганларини бериб, унинг молини олишар, ҳар замон-ҳар замонда, имкони бўлганда эса, егуликми, эски кийимми — ишқилиб, у-бу ҳада ҳам қилиб туришар эди.

Денгиз келинчаги деган лақабни шу машғулоти учун орттирган бўлса ҳам, юмуши фақатгина шундан иборат эмасди. Кечқурунлари бих солиб хонаки пиво тайёрлар, касблари шахтёрлик, ўрмончилик, балиқчиликдан иборат бўлган қўшнилари унинг уйига кириб пивосидан ичишар, чиганоқларнинг гўшtidан тамадди қилишар, рангли қарта ўйнашар, охирида эса ҳар ким қурби етганча пул ташлаб кетар эди. Аёлнинг эри илгари шахтада навбатчи мастер бўлиб ишлаган, унинг айби туфайли ҳалокат юз бериб, одамлар нобуд бўлгани учун қамалган эди. Шуни билган қўни-қўшнилари бу ғариб хонадонга қўлларидан келганча ёрдам беришга ҳаракат қилишарди.

Йиллар ўтар, денгиз қаъридан қирғоққа отилиб, соҳилда ҳар хил лаш-лушдангина иборат из қолдириб кетадиган тўлқинлар бу йилларни ювиб турар эди. Аёлнинг бор бўлиб бор, йўқ бўлиб йўқ бўлмаган эри

Расми М. ШУВАЛОВА чизган

«Ёшлик»ка тилагим

Поздравляю тебя беззаветно
преданно — «Ёшлик» тилеги
котилаш, что выросла в Узбеки-
стане молодая литература.
Ей пожелаю я быть такой
же щедрой и плодотворной,
как земля узбекская...

А. КИМ

Хар бир янгиликнинг пайдо бўлишига доимо нимадир сабаб бўлади. Ўзбекистонда ёш, навқирон адабиёт вужудга келгани туфайли ҳам «Ёшлик» журнали пайдо бўлди. Мен бу адабиётнинг ўзбек тупроғи каби сахий ва унумдор бўлишини тилайман. Унинг осмони ҳамisha мусаффо ва тиниқ бўлсин... Бир-бирини англашдан ҳам кўра юксакроқ туйғу борми? Дўстлар, «Ёшлик» бизга олисдаги қаламкаш биродарларимизнинг ижоди билан яқиндан ошно бўлишимиз учун кўмаклашади.

А. КИМ

қайлардадир умр ўтказар, болалари эса билинарсиз улғайиб боришар эди. У гоҳо атрофга қараб, бўйлари ўзиникидан ўсиб кетган сарвқомат қизларини кўрарди. Уғли мактабни тугатиб, шахтада монтер бўлиб ишлаш бошлади. Тез орада уч қизи бирин-кетин турмушга чиқиб кетишди. Аёлнинг бағрида гўдаклигида энг кўп эмган кенжа қизи Ако қолди. Шунда у энди барча ташвишлардан халос бўлганини, тақдир унинг учун атаб қўйган синовларни умри четлаб ўтганини ҳис қилди.

Аммо тақдир уни тинч қўйгиси йўқ эди. Ўзи тортган алам-кулфатлар кам экан шекилли, энди елкасига фарзандларининг ҳам дарди ортила бошлади. Учинчи қизи Томика эридан ажраб қайтиб келди. Ако дунёда бошқа одам қуриб кетгандай, бахтиқаро Эйтини яхши кўриб қолди. Ун олти ёшида ота-онасидан жудо бўлган бу йигит заиф, ногирон, эсипаст опаси билан бирга яшарди. Ота-онасини ҳам бевақт қаритган, бевақт кексайиб қолган ўспиринга ўхшатиб қўйган, пировардида бошини еган ҳам аслида ана шу опаси эди. Ота-онаси ўлганидан кейин мактаб маъмурияти Эйтига ёрдам бериш ниятида опасини майиб-мажруҳлар уйига жойлаштирмоқчи бўлди, лекин Эйти кўнмади. Ўқишни ташлаб, шахтага ишга кирди. У ҳеч кимни яқинига йўлатмас, уйда қандай тирикчилик қилаётганини ҳам ҳеч ким билмас эди. Опасини доим уйга қамаб қўяр, фақат ҳар замон-ҳар замонда, кун иссиқ пайтларида ҳовлига олиб чиқар эди. Сочи ўғил болаларникига ўхшатиб устарада қиртишланган опаси гоҳо бошини сарак-сарак қилиб эмақлаб юрар, гоҳо ялпайганча қимир этмай ўтирар эди.

Эйти баъзида ҳамма нарсадан кўз юмиб денгизга жўнар, уйига ярим тун деганда қайтиб келар эди. Сувада сузишда унга етадигани йўқ, балиқчилар кўпинча унинг очик денгизда сузиб юрганини кўришарди. Гоҳо эса ресторанда тўйиб ичиб, тўполон қилар, текканга тегиб, тегмаганга кесак отар, хуллас, жанжал

чиқарар эди. Муштлашганда ҳам телба бир завқ билан, ҳузур қилиб муштлашарди. Иккита-учта одам унга ҳеч гап эмасди. Лекин, ҳар гал рақибини ерга қапиштирганидан кейин кафлари билан юзини бекитганча аянчли ўкирарди-да, даврадан чиқиб кетарди. Бу феълени яхши билишгани учун одамлар ундан ўзларини тортиброқ юришарди. Келишган қадди-қоматига телба опасининг мажруҳ шарпаси соя ташлаб турармиди, ҳар қалай, кўча-кўйда ҳам бир ўзи юрар, тушлик пайтларида, ошхонада ҳам бирор кимса унинг ёнига келиб ўтирмас эди.

Тақдирнинг тақозосини қарангки, Денгиз келинчагининг энг кенжа, энг суюкли, энг чиройли қизи ана шу йигитни яхши кўриб қолибди. Эйтининг ҳам қизини яхши кўриши, ўз-ўзидан маълумки, асло ажабланарли эмасди. Бу савдонинг қандай бошланганини ҳеч ким пайқамай қолди, лекин одамлар кечқурунлари гоҳо «Шахтер» клубининг орқасида, гоҳо дарёнинг баланд майсазор соҳилида уларни бирга кўрадиган бўлишди. Улар доимо бир-бирларидан кўз узмай туришар, нигоҳлари шу қадар қовушиб кетардики, атрофларидан ўтиб-қайтаётган одамларни ҳам сезишмас эди. Бу пайтда Эйтининг опаси дераза пардалари ҳам тушириб қўйилган қоп-қоронғи хонада унсизгина инграб ётган бўларди.

Аҳду паймонлари маромига етган шекилли, бир кунни Эйти эгнида янги костюм, бўйнида галстук, Денгиз келинчагининг уйига кириб келди. Лекин у она билан эмас, Коля билан гаплашди. Чунки, отаси йўқ бўлгани учун Коля оила бошлиғи ҳисобланарди.

— Коля, мен Акого уйланмоқчиман. — Эйти мақсадини очик-ойдин айтақолди.

— Мен қарши эмасман, — дея хотиржам жавоб берди Коля, — лекин уйингдаги шароит тўғри келармикан? Опанг касалманд бўлса, ҳали-вери тузаладиганга ўхшамайди. Бир оз кутиб туриш керакмиди, дейман?

— Гапингни қара-ю! — деди Эйти русчалаб. Кейин корейсчалаб давом этди: — У менинг бир қориндан талашиб тушган олам бўлади, Коля. Икковимиз ҳам бир онанинг кўрагини эмганмиз. Ота-онам, ўлгунингча опангга қара, деб васият қилишган.

— Ако ҳам менинг бир қориндан талашиб тушган синглим, мен ҳам унинг тақдирига жавобгарман, — деди Коля кўпни кўрган одамлардай салобат билан.

Эйтининг совчилиги шу билан тугаёзган эди, қўшни хонадан кимнингдир кучли турткиси билан Ако чиқиб келди-да, дудуқлана-дудуқлана:

— Ака, кечиринг... — деди. — Мен... ҳамма нарса-га... розиман... Майли...

Лекин акаси столни муштлаганча унга қараб қичкирди:

— Йўқол! Бугундан бошлаб туфлинг доим жойида турсин! Тушундингми?! Ўлдираман агар!

Шундан бошлаб ошиқ-маъшуклар бир-бирининг васлидан жудо бўлишди. Эйти кундузги сменада ишлаган чоғи кечқурунлари Аконинг деразаси қаршисида у ёқдан-бу ёққа юрар, икки бармоғини оғзига тиқиб, маъюс хуштак чалар эди. Бу маъюс нолада йигитнинг бутун ёлғизлиги, бутун соғинчи, бутун дарди мужасам бўлиб, унинг ўзига ҳам, бошқаларга ҳам азоб берарди. Бу ҳол бир неча соат, баъзан ярим кечагача давом этарди. Ако эса, энг тўрдаги хонага кириб олар, қалин ўтлоқ орасида каклик юргани каби қуюқ киприкларидан сизиб ўтаётган кўзёшларини ҳеч кимга кўрсатмаслик учун пешонасини стол қиррасига тираганча радиоприёмник қулогини бурагани бураган эди. Агар акаси яқин ўртада юрган бўлса, у Эйтининг ноласини эмас, музыка эшитаётган киши бўлиб, радионинг овозини борича кўтарарди.

Орадан яна бир йил ўтди. Умрида машаққатдан ўза нарса билмаган Денгиз келинчаги учун ҳеч нарса эмас эди-ю, лекин унинг икки қизи азоб билан ўтказди бу йилни. Ако фақат йиғлар, Томико эса унинг жонига тегар эди. Содда, оққўнғил, эрка, бир дақиқада мингта гапни айтиб ташлайдиган маҳмадона Ако бечора арвоҳга ўхшаб қолди. Сочлари тўкила бошлади. Соғинч, ҳижроннинг ўзидай узун қора соч толалари уйнинг истаган жойидан чиқар эди. «Ҳой, Ако! А-а-ко! — дерди Томико тоқати тугаб. — Ако! Булбулинг яна учиб келди. Ана, хуштак чалаяпти. Қорбўронда туриб хуштак чалаяпти-я! Яна йиғлаяпсанми?» «Нима қилай бўлмаса?», дерди кўзёшига чўмилган Ако. «Бориб, музлаган дарёдан битта тирқиш топ-да, ўзингни ташла, — деб маслаҳат берарди Томико. — Кун бўйи ўкириб, азоб еб ўтирасанми! Бирдан тинчийсан-қолсан!» «Ишинг бўлмасин, захар, ялмоғиз!», деб қичқирарди хўрлиги келган Ако русчалаб. Томико кулганча: «Мен ялмоғизманми?», дерди-да нари кетарди. «Ҳа-а... Нимага уришасизлар, жиннилар?», дерди уларга танбёҳ бериб она кўрпанинг остидан. У қишда қаттиқ совқотадиган бўлиб қолган, шунинг учун қалин ўраниб ётар эди.

Томико эрининг қайсидир бир девор тагида қолиб чириб кетишини истаса ҳам, бари бир уни унутиб юборолмасди. Эрининг тузуккина овози бўлиб, ўзича кўпгина опералардан ариялар ўрганиб олган, шунинг учун «Шахтёр» клубида обрўси балинд эди. У Томикодан ажралиб, клубдаги бадий ҳаваскорлик даврасининг раҳбари, ўладан келган, чиройли аёл — Рая Самолётовага ўйланди. Томико ҳам «Строитель» клубининг ҳаваскорлик даврасига кириб, район кўригида миллий рақс бўйича биринчи мукофотни олди. У болалигиданоқ бинойидек рақсга тушиб ҳаммани ҳайратга солар, ўзининг истеъдодли эканини яши билар, лекин буни намоиш қилиш ҳақида ўйлаб кўрмаган эди. Клубда, дупур-дупур ер тепиб, гулдурос қарсақ чалиб, Томикони — унинг бахтсиз қизини яна саҳнага чорлаётган одамлар ўртасида ўтирган Денгиз келинчаги кўзёшини тиёлмай оҳиста йиғларди... Лекин Томиконинг собиқ эри қайтиб келмади, оломон ораси-

дан қўлларини чўзганча ўтиб, гўзал хотини сари талпинмади.

Томиконинг бу муваффақиятидан кейин уйда базм уюштирилди. Зиёфатга Эйти ҳам таклиф қилинди. Бу таклифни у мутлақо кутмаган эди. Эйти базмга ҳаммадан кейин, дадилроқ бўлиш ниятида бир оз отиб олган ҳолда келди. У туфлисини ечиб ичкари кирганда радио балинд овозда гапириб ётар, меҳмонлар капрон чулки, жимжимадор пайпоқ кийган оёқларини кўтариб ташлаб, кейинги пайтда расм бўлган «халигали» рақсга тушмоқда эди. Зиёфат бекаси — оппоқ либосда гул-гул очилиб турган Томико Эйтининг олдига келди-да, унинг қўлидан шампан шшасини олиб, ўзини хона четига суриб қўйилган пастак столлар томон бошлади. Эйтини стол ёнига ўтқизиб, ўзи ҳам ўтирди-да, стаканга ароқ қуйиб берди.

— Ич, — деди у овқат ейдиган чўплар билан газакни Эйтининг олдига суриб қўяркан, — билиб қўй, сени мен таклиф қилдим. Бугун бу ерда мен хўжайинман.

Эйти ароқни ичди, лекин газак қилмади. Бошини мотамсаро чайқаб қўйди, холос. Хонанинг нариги бурчагида ўтирган Аконинг қўрқувдан оқариб кетган юзини бирров кўриб қолди.

— Сени нимага қақирдим, топ-чи, Эйти? — деди Томико балинд овозда. Унинг аслида қизғиш ёноқлари ичкиликдан янада қизариб кетган эди.

— Нимага, Томико? — дея бошини кўтармасдан сўради Эйти.

— Чунки, муҳаббат чегара деган нарсани билмайди. Сен эса, аҳмоқсан. Дунёда энг кучли нарса — муҳаббат билан ўлим. Қолган ҳаммаси бир пул. — Хийла кайфи ошган Томиконинг овози рақс орасида чўккан сукунатда тантанали, ўгит оҳангида жарангларди. — Сизларга ачинаман. Шунинг учун ҳам ёрдам бермоқчиман. Ҳаётимни гаровга қўйиб қасам ичаманки, энди бирга бўласизлар!

Унинг бу гапларини меҳмонлар ҳам эшитишди. Лекин музыка бошландио ҳамма яна ўйинга тушиб кетди.

— Керак эмас, Томка, ҳеч нарса керак эмас. Эҳ, Томка, Томка! — дея бурчакда йиғлаганча гўлдирарди Эйти.

— Шу нарсани унутмаки, муҳаббат ҳеч нарсадан қўрқмайди! — деб қичқирди Томико.

Ако билан Эйти иккаласи икки шохидан ушлаб олган тилла буғудек муҳаббатга эга бўлатуриб, тақдирнинг ёпиқ эшиги олдида ночор эканликлари унинг жаҳлини чиқарарди. Эшик очилмагунча уни уравериш керак, дерди у. Агар шу қадар осонлик билан воз кечиладиган бўлса, муҳаббат шу қадар қадрсиз эканда, унинг денгиз соҳилида ётган синиқ шишадан фарқи йўқ экан-да, деб ўйларди Томико. Базм ўз йўли билан қизигандан қизиб борарди-ю, унга азоб бераётган алам билан оғриқнинг чеки-чегараси йўқ эди.

Кунлар исиб, ер ҳам, дарахтлар ҳам яшил лисобга буркана бошлади. Денгиз келинчаги яна денгизга қатнашга тушди. Унинг ташвишлари камайганига анча бўлган: болалари оёққа туриб, ўзларини ўзлари эплайдиган бўлганидан бери у пиво пиширмай қўйган, лекин ҳеч қандай эҳтиёж бўлмаса ҳам, денгизга қатнаш одатини тарк этолмас эди. Ҳамон илгаригидай, ҳар қандай ҳавода ҳам катта халтасини елкасига осиб олганча уйдан чиқиб кетарди. Кейинги пайтларда Денгиз келинчаги ўзига бир дугона топиб олди. Бу — тамаки чекадиган, оппоқ юзида доимо гуноҳкорона табассум балкиб турадиган Чен исмли ёлғиз қариқчи эди. Иккови кун бўйи соҳилда кезиб, учраб қолган нарсаларни теришарди-да, кечқурун оғир чиғаноқларга тўла зилдек халталарни бўйинларига осиб, тахта йўлкада шиппақларини шипиллатиб қайтиб келишарди.

Ана шундай кунларнинг бирида шаҳар бўйлаб, бечора Эйтининг опаси азоблардан қутулибди, деган хабар тарқалди. Опаси ўлганда Эйти кечки сменада эди. Кечаси, одатдагидек соат ўн иккида ишдан қайтиб, уйга кирди, чироқни ёқди-да, даҳлизда опасининг



тиришиб ётган жасадига кўзи тушиб, қичқириб юборди. Қўшнилар югуриб келишганда у ҳовлида, ишдан қайтган ҳолича — эгнида кир жомакор, бошида шахтёрлик каскаси, юзини чангаллаб турарди.

Эйти бу дунёда йигирма беш йил беҳуда, бемаъно умр кечиришга мажбур бўлган бадбахт опасини дафн этди. Қабрига тунукадан сағана ўрнатиб, оққа бўядида, ўз кўли билан: «УХЛА ОПА. АЗОБНИ БИР ЎЗИМ ТОРТАМАН», деб ёзиб қўйди.

Лекин у ёлғизлик азобини унча узоқ тортмади. Орадан уч ой ўтгач, Аю унинг хотини бўлди. Бир йилдан кейин эса ўғил туғиб берди.

2

Денгиз келинчагининг эри ҳибсдан бўшаб келди. У қадди-қомати келишган, сочлари оппоқ, бўйдор одам эди. Отанинг қайтиши ўғилнинг тўйига тўғри келди: Коля уйланаётган, ўзлари турган уйдан квартира ҳам олган эди. Катта қизлари фотографа эри, бола-чақаси билан Холмсқдан кўчиб келиб, ота-онасининг уйига жойлашди. Отанинг қайтиши билан, бутун шаҳар ҳурмат қиладиган катта оила унинг атрофида жиқлашди.

Ота анча одамови, оилада ўзини бегонадай тутар, ишдан кейин тўрдаги хонага кириб олиб, чироқни ҳам ёқмасдан ўтирар, кетма-кет чекар эди. Чекиб-чекиб, бошига қипиқ тўлдирилган болишини қўярди-да, бўялган полда, кулдоннинг ёнида ухлаб қоларди. Қизлари биронтаси оҳиста кириб устини ёпиб қўяр эди.

Эрининг қайтиб келиши Денгиз келинчагининг ҳаёт тарзини ўзгартирмади. У ҳамон сарғайиб кетган тахта деворида қоқланган денгиз карами ҳамда қуритилган балиқлар илинган озода омборхонада ётар, сахар туриб, шўр денгизига йўл олар, уйнинг ташвишини қилмас эди. У қоқсуяк, муштдеккина бўлиб қолган, шунинг учун ҳам қизлари оналарининг ўзидан икки баравар оғир халтани қандай қилиб кўтаришини ўйлаб ҳайрон қолишар эди. Денгиз келинчаги уйда эри билан жуда кам кўришарди. Эри ўтхонага электрик бўлиб кирган, ишдан қайтиши билан тўрдаги хонага биқиниб олар, хотини келганда ҳам ўша ерда ё ёлғиз ўзи ўтирган, ёки ухлаб қолган бўлар эди. У ҳалиям кўркам, келишган эрақ, Денгиз келинчагининг бир пайтлар гўзал бўлган юзи эса бутунлай ажинга, кампирларга хос ажинларга тўлиб кетган эди.

Лекин ҳар замонда улар бари бир учрашиб қолишар, бундай пайтларда ўзаро бир-икки оғиз сўз қотиб ўтишар, байрам ёки дам олиш кунларида эса бирга ўтиришар эди ҳам. Эри унга қараб гапирганда Денгиз келинчагининг юзи ёришиб кетар, кўзлари ёшлик пайтдагидай чарақлаб, чеҳрасига мулоим табассум югурар, доимо нигоҳини қоплаб турадиган қайғу пардаси бир зумга бўлса-да, чекинар эди. Бундай пайтларда унинг эрига бўлган муҳаббати — узоқ йиллар давомида денгиз ҳавосига синғиб кетган, ўсиб камолга етган беш фарзандининг қонида оқаётган, ёлғиз қариқиз Чен билан дўстлигида таскин топаётган, хуллас, билинарсиз сарфланиб битган муҳаббати бир зумгагина қайта жонлангандай бўлар, шунда юзидаги вақтнинг қора панжараси янглиғ ажинлар тагидан ёш қизларга хос ёғду парпираб қолар эди.

Агар мана шундай тансиқ онлар ёнида Томико бўлсами, кўрган одам уларнинг нақадар ўхшаш эканлигидан ҳайратга тушарди. Фақатгина Томиконинг гавдаси ҳам, қиёфаси ҳам онасига ўхшар, бошқа қизлари бўйдор ҳамда барваста — оталарига тортишган эди. Томико билан онаси ташқи кўринишдангина бир-бирларига ўхшаб қолмай, улар ҳатто тақдирдош: иккаласи ҳам эрлари тирик бўлатуриб, эрларини жондан севатуриб, бева қолган эдилар.

Она билан қизнинг ўхшашлиги айниқса кейинги бир йил ичида яна ҳам орди: Томиконинг нозиклиги замиридаги пинҳон озғинлик энди кўзга расмана ташланиб қолди. Унинг юзи бир бурдагина бўлиб қолган, қоп-қора кўзларида эса аллақандай жазава ҳамда ғазаб ўти ёнарди. Бу ғазаб уни мов мушукдай беҳаловат қилиб қўйган, шунинг учун ҳам мабодо у ҳовлида

ким биландир уришиб турган бўлса, онаси ёнидан тезгина ўтиб кетар эди. Жазава, умидсизлик, яна қандайдир сирли бир нарса Томиконинг вужудини ич-ичидан кемирар, у зиёфатларда ёки дўстлари даврасида баланд, чиройли овозда қўшиқ айтганида ҳам, рақс тушганида ҳам, на бирон қўшиғи, на бирон ҳаракатида хурсандчилик аломати сезилар эди. Зиёфатлар авжига чиққанда у юзида шодлик ифодаси қотиб қолган ҳолда, санчқини қўшиқ оҳангига мослаб столга урганча жимгина ўтирган бўларди. У ҳамон ҳар қандай йигитнинг юрагига чўғ ташлай оладиган даражада чиройли бўлса-да, ёшлар нечундир ўзларини ундан тортиброқ юришарди.

Денгиз келинчаги кенжаси — Аюдан ҳам хурсанд эмасди. Аю пала-партиш кийиниб, боласини кўтарганча кун бўйи онасининг уйдан чиқмас, рўзгорим нима бўлди, деб ўйламас, Эйти ичиб келиб, тўполон қилган пайтларда эса тунаб ҳам қолар эди. Эйти кўринган одам билан муштлашадиган, кун-узун кун денгиздан бери келмайдиган, кийимини қумга ечиб ташлаб, ярим кунлаб сузиб кетадиган одатини яна бошлади. Бир кунги кечаси у Аюни ҳайдаб юбориб, ўғлини олиб қолди-да, уйни ичкаридан бекитиб олди. Югуриб келган Томико эшикни муштлаганча тинмай бақирарди:

— Эй, қўрқоқ! Эй, хотин! Бу ёққа чик, мени сўйиб ташла! Нега бекитиб олдинг? Болани бер, ҳароми, очдан ўлдирасан-ку уни!

Ичкилик ақдан оздирган Эйти ушоққина Томикодан нима учундир жуда қўрқар, унга қарши бирон нарса дедилмас эди. Она эса, у қачондир ўзига келиб, Томиконинг юзига шапалоқ тортиб юборади, деб қўрқарди.

Йўқ, у болаларидан тинчимади. Уларнинг қилиқларини ҳам тушунмас эди. Катта қизи билан фотограф куёви ундан жуда катта қарз кўтариб уй сотиб олишди-ю, қандайдир иссиқ кийим, бузуқ тикув машинаси сингари нарсалар бадалига қарздан кўтулишди.

Денгиз келинчаги қиёматли опа-сингил бўлишга қасам ичишган дугонаси Ченга дейди:

— Айтинг-чи, Чен эгачим, осмон бизга фарзандларни нима учун беради?

Дунёга келиб, эр нима, бола нималигини билмай ўтаётган Чен маъно жимлайиб жавоб қилади:

— Толоимизнинг бекаму кўст бўлиши учундир-да, эгачи.

— Йўқ. Гапларингиз жуда яхши гаплар-у, лекин нотўғри, — дея бош чайқаб, эътироз билдиради Денгиз келинчаги. — Болалар биз тақдирнинг чигал чилвирларига баттарроқ ўралиб қолишимиз учун дунёга келади.

— Мен нодонни кечиринг, эгачи, — деб мискингина оҳангда ўзини оқлайди Чен ва папирос тутатади. — Бунақа нарсаларга тушунмасам...

— Чўчқачалар оналарини эмаётганини кўргандирсиз! Оналари ётганда сутини бутунлай сўриб бўлишади-да, кейин жаҳллари чиқиб, қорнини ғажиб ташлашади. Оналик қонимиз билан кўзёшларимизни нима учун тўкяпмиз, ахир!?

— Мехр-муҳаббат тобора камол топиши учун бўлса керак-да, — дейди нафаси ичига тушиб Чен.

— Мехр-муҳаббат... Эсимдан ҳам чиқиб кетган экан. Аллақачон! Мехр-муҳаббат деганингиз, Чен эгачим, тузоқдан бошқа нарса эмас. Бизни илтиратида-ю, бу ёқдан бола чиқаради. — Денгиз келинчаги бармогини қирсиллатиб қўяди. — Бизнинг муҳаббатимиз ҳам ўзимизга ўхшаб ҳув тепаликлар ортида қолиб кетди, эгачим!

Сўхбат шу билан тугайди, аёллар кенг чолворларини ечиб ташлаб, юбкаларини липпага қистиришади-да, оёқяланг бўлиб илиқ сувга тушишади. Иккаласининг ҳам бўйнида кичкина халтача, сув тагидан топган нарсаларини ўшанга солиб боришади.

Кечқурун улар — елкаларидаги зил қоплардан икки букилган икки қора шарпа — шаҳарнинг барча сершувқин жойлари: пивоҳона, магазин, клубларни четлаб ўтиб, дарё устидаги сунъий кўприқдан уйга қай-

тишади. Атрофни чулғаб олган тилларанг шом ёғдусию сатҳида акс этган осмондек тубсиз дарё соҳилида совуқдан қунишиб турган йиғлоқи қайинлардаги ҳорғин суқунат бу икки кампирнинг диққатини жалб қила олармиди?

Кечаси қаттиқ, ноқулай каравотда у ёқдан-бу ёққа ағдарилиб, йўталиб ётаркан, Денгиз келинчаги тутинган эгачиси билан бўлиб ўтган суҳбатни ўзича давом эттиради. Ер юзи шундай ёруғ, шундай тиниқки, ҳамма нарса кўриниб туради. Одамларнинг топишиши, яъни бир-бирини учратиши, яхши кўриши жуда осон. Лекин бу ёруғлик, бу тиниқлик — бир рўё. Денгизнинг юзаси тиниқ бўлгани билан, туби қоронғи. Меҳр-муҳаббат одамларга осмоннинг ҳукми билан юборилади, лекин унинг ҳақини одамзоднинг ўзи тўлайди. Ҳаяжонлар, ташвишлар, аламлар, жудоликлар, ўлимлар билан тўлайди. Булар меҳр-муҳаббат учун етарли тўлов, қани энди, меҳр-муҳаббатнинг ўзи содир бўлаверса!

Кекса аёл шу фикрга келгач, бир оз ором топгандай бўлди, эснади-да, эрталабга қадар тинчгина ухлади.

Бир куни кўчада унга дароз бўйи туфайли Новча гунг деган лақаб олган киши рўпара келди-да, нимадир ёзилган бир парча қоғоз узатди.

Бу гунг одамни қариндош-уруғлари урушдан кейин Кореядан олиб келишган эди. Айтишларига қараганда, урушда у оғир руҳий хасталанган, кейин тилдан қолган, ғалати қилиқлар чиқара бошлаган. У доимо қўлида бир нечта қоғоз парчаларини олиб юрар, дуч келган ўткинчини тилларди-да, олдига бориб, қоғозлардан бирини тутар эди. Қоғозда: «Қулоқ ичида», «Қўшиқчи доҳийлар», «Балиқ чалиб кетди», деганга ўхшаш биронта гап ёзилган бўларди... Собиқ офицер нима мақсадда бу ишни қияпти — дастхатини кўз-кўз этиш учунми (айтишларича, у қачонлардир ҳусниҳат билан шуғулланган эмиш) ёки ўқимишли одам эканини кўрсатиш учунми — билиш қийин эди. Хатни ўқиётган кишига эса, кеккайганча, лабларини чўччайтириб, кўзини қадаб турарди.

У ҳозир Денгиз келинчагига узатган қоғозда бир текис қилиб мана шу икки сўз ёзилган эди: «ТОМИКО УЛДИРДИ».

— Бемаъни одам! Телба одам! — дея хитоб қилди Денгиз келинчаги гунгнинг қоғоз тутган қўлини итариб ташларкан. — Онага шунақа нарсаларни кўрсатасанми? Қоч, кўзимдан йўқол, бемаъни одам!

Лекин, шаҳарда қачондан бери бир миш-миш кезиб юрган экан шекилли. «Томико Эйти йўқ пайти унинг уйига кириб, телба опасига қайнатилган кўкнор ичириб ўлдирган», деган бу миш-миш қоронғи кўча, хилват хона, очиқ оғизу тешик қулоқлардан ўтиб, отанинг қулоғига ҳам етиб келди.

Бир куни Денгиз келинчаги каравотида ётганида омборхонага эри кириб келди. Катталар кинога кетган, болалар ҳам ухлаб қолган, уйда жимжитлик ҳукмрон эди.

— Ухлаган бўлсангиз уйғонинг. Гап бор, — деди эри бўғиқ овозда, гавдаси билан бутун эшикни тўсиб тураркан.

— Йўқ, ухлаганим йўқ, — деди Денгиз келинчаги ўрнидан туриб.

Эрининг оппоқ сочи қоронғиликда кумушдек товланарди. Кекса аёл бу кумуш тўлқиндан кўз узолмай, нафасини ютганча туриб қолди.

— Айтинг-чи, болаларимиз тўғрисида юрган ўша ақл бовар қилмас гап ростми? — деб сўради эри. Унинг шиддатли товушида доводираш ва алам қоришиқ эди.

— Ростми, деяпсизми? Нимани айтяпсиз? — дея секингина сўради аёл. Лекин эри нимани сўраётганини тушуниб турарди: тилсиз одам-ку шаҳарда битта, тили қичиган одам битта эмас-да.

— Агар рост бўлса, дунёда фарзандларимиздан даҳшатлироқ кимса йўқ экан. Агар шундай бўлса,

менинг қамоқдан қайтаганим, сиз эса уларни туғмаганингиз минг марта яхшироқ бўларкан.

Эри чиқиб кетди, Денгиз келинчаги англадики, энди ўлгунларига қадар уларнинг бир-бирларига айтадиган бошқа гаплари қолмади. Денгиз келинчаги Томиконинг бундай ишга қўл уришига ишонмасди, лекин билардики, муҳаббати барбод этилган ва дафн қилинган аёл қалби доимо шафқатсизлик, умидсизлик ҳамда жаҳолатга яқин бўлади.

У тун бўйи ухламади. Фарзандлари кинодан қайтиб келиши. Коля кулди, хотини унга нимадир деб сохта пўписа қилди, бечора, бахтсиз Томико ҳам қисқагина, лекин аччиқ кулиб қўйди... Кейин, тун ярмидан оққанда қаердадир ит ҳурди: дастлаб қўрқа-писа, кейин ўзига-ўзи далда бераётгандай, овозини кўтара бориб узоқ ҳурди. Денгиз келинчаги бир неча марта ўрнидан туриб сув ичди, кастрюлдаги шўрвадан ҳўпламоқчи эди-ю, иситишга гугурт топа олмади. Тонг отай деганда кўзи илинган экан, туш кўрди. Тушида оппоқ либос кийган парвардигор осмондан шувиллаб тушиб келаётган эмиш... Аёл ўрнидан туриб, тезгина кийинди-да, халтасини олиб дугонаси Ченнинг уйига қараб кетди.

Унинг бугунги гаплари дугонаси — тутинган эгачиси Ченни ҳайратга соларди:

— Тўғриси айтсам, Чен эгачим, агар ўзим эримнинг кўйинга тирғалавермаганимда бунча кўп бола туғмаган бўлардим. Унинг кўйнида исинишни яхши кўрардим-да!

Сичқондай таҳликага тушган Чен бу гаплардан уялиб, гапиролмай қолди, юмалоқ юзига қон тепа бошлади.

— Ҳа, агар шунақа қилмаганимда... Эсимда, ёшлигимда ҳеч ўзимни тутолмасдим... Кўзимни юмардим-да, ўзимни урардим... Эрим жуда полвон эди-ю, лекин ҳар доим мен енгардим. У куларди-да: «Дунёда сендан зўрроқ хотин бўлмаса керак, Харуё», дерди.

— Бугун кайфиятингиз жуда яхшига ўхшайди, эгачи, — дея жунжикиб, тутилиб ёўлдирди Чен. Кейин халталари ёнига ечиб қўйган кийимларини титкилай бошлади. Чолвори чўнтагидан папирос билан гугурт олди-да, қўллари қалтираб чекишга тушди.

— Тамакингиздан менгаям беринг, эгачи, мен ҳам бир чекиб кўрай, — деди Денгиз келинчаги. — Нега илгарироқ ўрганмадим экан-а чекишни? Ушандаям дардим етарли эди-ку.

У папиросни чекишга чекди-ю, биринчи тортишда ёқ томоғига тутун тикилиб қолди-да, кўкрагини чангаллаганча, тилини чичариб қаттиқ йўталди. Кейин папиросни улоқтириб юборди.

— Йўқ, ўрганолмас эканман... Чекишни ўрганишга-ям вақтим бўлмаган-да, — деди у ёшланган кўзини ишқаларкан.

— Бунинг сизга нима кераги бор, эгачи? Рус докторлари, тамаки тутуни семиришдан саклайди, дейишади. Мен шунинг учун чекияман, — деб изоҳ беришга тушди Чен. — Бундан ўн йил илгари бирдан семириб сега бошлаган эдим-да.

— Ҳа-а... Энди бунинг ҳам фойдаси йўқ, — деди Денгиз келинчаги.

Улар кун бўйи анчагина чиғаноқ теришди, денгизнинг ҳадсиз мовий сатҳига тикилишди, кумда ўтирганча бир-бирларининг елкасига бош қўйиб мудраб ҳам олишди. Кечқурун қопларининг оғзини боғлаб, йўлга тушмоқчи бўлишаётганда Денгиз келинчаги шафаққа қараб туриди-да, бирдан гапириб қолди:

— Бутун умр нимадан қўрқиб яшаганимни биласизми, эгачи?

— Нимадан? — деб сўради Чен ҳам шафаққа қараб олиб. Ловиллаб турган уфқ томондан сас-садо чиқармасдан, лекин тез, тақдир элчилари сингари қайтариб бўлмас даражадаги тезлик билан бир гала қуш учиб келарди.

— Денгиздан. Ҳа, денгиздан қўрқардим. Ҳаммадан ҳам, қачондир денгизга қўйиб кетаман, деб қўрқар-

дим. Ахир, Денгиз келинчаги деган лақабим бежиз эмас-да.

— Йўғ-э, денгизнинг нимасидан қўрқамиз? — деди дугонасига тасалли бериб Чен. — Қайиққа тушмасак, пароходда ҳеч қаёққа бормасак, ёшларга ўхшаб чўмилмасак...

— Тўғри айтдингиз, Чен эгачим, — деди Денгиз келинчаги.

Улар қопларига елка тираб қумга ўтиришди-да, қайишдан қўлларини ўтказиб, бир-бирларининг туришларига кўмаклашишди. Кейин яна одатдагидай — оёқларини судраб босганча оғир юкдан чайқалиб, бутун шаҳарни кесиб ўтишди, дарёга етганда эса кўприқдан юрмай, пастга тушиб, дарё соҳили бўйлаб, йўлни яқинроқ қиладиган жой томон кетишди.

Бу ерда юқоридан оқиб келаётган ёғочу ғўлалар қуйига — денгиз томонга оқиб кетмаслиги учун қалин қилиб қозиқоёқлар қоқилган эди. Икки қатор қоқилган, тепаси текис қирқилган қозиқоёқларга оёқ кўйиб бемалол дарёдан ўтса бўларди. Шунинг учун одамлар йўлни яқинроқ тутиб, кўпинча шу ердан ўтишарди.

Денгиз келинчаги соҳилда нимагадир ўралашиб қолди-ю, Чен кампир олдинга тушиб кетди. Ҳар доим бу ердан ўтишда кўрқадиган Чен нариги соҳилга чиқиб олган пайтида орқадан дарёга ниманингдир чўлп этиб тушгани эшитилди. Чен ортига ўгирилиб, мушти қисилган озгин қўлларини олдинга чўзганча юмалоқ ғўла устида турган дугонасини кўрди.

Чен кампир, дугонам ўзини сувга ташламоқчи, деб ўйлади-да, жонҳолатда қичқириб юборди, эхонаси чиқиб, қозиқоёқлардан югурганча унинг олдига етиб борди.

— Нима қиляпсиз, эгачи! Нима қиляпсиз, ахир! — деб қичқирди Чен дугонасининг қўлидан ушлаб ва ўкириб йиғлаб юборди.

— Жонимга тегди, — дея бўғиқ товушда жавоб берди Денгиз келинчаги. — Қоп кўтаришга бошқа тоқатим қолмади. Дарё совғамни денгизга олиб бориб берсин.

Чен дугонасининг елкасида копи йўқлигини шундагина пайқади.

— Кетаман бу ердан, — деб ғўлдиради Денгиз келинчаги, — кетаман.

— Қаёққа кетасиз, эгачи? — деди ҳиқиллаб Чен.

— Бошим оққан томонга. Пароходга чиқаман-да, кетаман. Томикониям олиб кетаман. Энди ҳеч нарсадан қўрқмайман. Денгизнинг нариги соҳилига кетамиз, У ерда бизни ҳеч ким танимайди. Истасангиз, биз билан юринг, эгачи.

— Бораман! Албатта бораман! Сизсиз нима қиляман бу ерда? — деди Чен шоша-пиша дугонасини соҳил томон тортиб. — Бошқа болаларингизни ташлаб кетаверасизми? — деб сўради у соҳилга қадам қўйишганда.

— Мен уларни боқдим, катта қилдим, ахир! — деб қичқирди Денгиз келинчаги тўхтаб. — Энди бўлди! Ташвишсиз яшаш қанақа бўларкан — бир синаб кўрмоқчиман. Ичмоқчиман, кўнгил ёзмоқчиман, тамаки чекмоқчиман! Ахир, энди ям ором олишга ҳаққим йўқми, эгачи?

— Ҳаққингиз бор, эгачи, ҳаққингиз бор, — деди Чен дугонасини яна соҳилдан нарига тортиб.

— Ана, қаранг, қушлар оловдан чиқиб келишяпти. — Уфқдан ҳануз сас-садосиз, лекин катта тезликда қушлар учиб келишарди. — Ёниб кетишмабди-ку, қаранг.

— Ахир, у оддий шафақ-ку, — деди Чен секингина, титроқ лабларига югурган табассум билан дугонасига қараб.

— Биз иккаламиз эса, эгачи, оддий кампирлармиз, — деди хўмрайганча Денгиз келинчаги. — Қани, сиз ҳам қопингизни улоқтиринг. Нима кераги бор бу зил юкни! Улоқтиринг! Кўтарманг! Бундан кейин энди фақат дам оламиз... Оббо, бунча қуш қаёқдан учиб чиқяпти-я?

Оғир юкдан қадди букик Чен итоаткорлик билан қопини елкасидан оларкан, йиғидан қизариб кетган кўзларини осмонга қадади. Олов уфуриб турган юрсак осмон бағрини сассиз-садосиз, яшин тезлигида учиб келаётган қушлар галаси тутиб кетган эди.



Келгуси сонда ёзувчи АСҚАД МУХТОРнинг ёшларга аталган янги қиссаси — «Жар ёқасида чақмоқ» асарини ўқийсиз.



Ўзбекистон дўстлар нигоҳида

ГАРИФ ОХУНОВ

Сизларнинг ишларингиз шу қадар улғу, саройларингиз шу қадар ёруғ, далаларингиз оппоқ пахта билан шу қадар тўлиқки, тасвирга ранг тополмайман. Тошкентга тўртинчи бор келишим. Кечалари очиб қўйилган улкан ва ажиб китобни эслатувчи «Ўзбекистон» меҳмонхонасидан чиқиб, ойнанинг кўтарилишини томоша қиламан. Ой ва осмон бу ерда жуда ҳам яқин. Узоқлардаги даламизда менга — қишлоқ боласига тўлин ой жуда ҳам олислардан нур сочар эди. Мен бу мўъжизага сўз тополмайман.

Бир туш кўрдим. Баҳодир Алпомиш келиб мендан интервью олар эмиш:

— Ҳой сен, Волга ўғлони Гариф Охунов, ҳаммадан кўпроқ Ўзбекистонимизда сенга нима ёқди?

Мен жавоб берар эмишман:

— Нима эмас, ким. Энг аввали, менга ўзбек аёллари ёқди. Улар гул ўстиришни, эрларига ўн тўртгалаб бола туғиб беришни яхши кўрар эканлар. Ҳолбуки, бизнинг қаҳрамон-шоиримиз Муса Жалил болаларни ернинг муаттар гуллари деб атаган.

Алпомиш сўрар эмиш:

— Ҳой, Волга ўғлони, сен ўзбек аёлларига нима тилар эдинг?

Мен жавоб бердим:

— Эй, бузруквор Алпомиш, мен ўзбек ёзувчилари биргаликда каттакон бир панно яратиб, энг кўзга кўринарли жойларга осиб қўйишларини ва унда олтин ҳарфлар билан: «Севгисида

содиқ, дўстлигида собит, ўзлигида қойим ўзбек аёлига!» деб ёзилган бўлишини истар эдим.

Мен кўндан буён «Волга қизи» деб аталмиш бир китоб устида ишлайман. Унда узоқ йиллар шарқ аёли образини изладим. Мен уни Волгадан, Эдил бўйидан топдим. Бу ерда эса ҳаёт фикримни яна бир карра тасдиқлади. Революцияга қадар шарқ аёли ўчоғига қўр олиш учун қўшнисиникига юзини ёпиб чиқар эди. Эндиликда у, ўзбек аёли тимсолида, энг маданий Европа қитъасига ҳам нур бериш учун очиқ юз билан чиқади! Бу Шарқнинг энг улкан ютуғидир.

Алпомиш мендан сўрайди:

— Сенга яна нималар ёқди?

Мен жавоб бераман:

— Болалар. Бизни Самарқандда карнай ва сурнайлар билан қарши олишди. Олдинда рақс тушган ўсмирлар кетидан, ҳали етти ёшга ҳам етмаган болакайлар ўйнаб келар эдилар. Улар такт билан қадам ташлар, ҳаракатда шу қадар мусиқавий эдиларки, уларда ўзбек халқининг бўлажак даҳоларини кўрдим. Келгуси авлодга бўлган бу қадар ғамхўрликларингиз учун ташақкур!

Алпомиш яна сўрайди:

— Ҳой, Волга ўғлони, сен ўзбек эрларига нима дейсан?

Мен айтаман:

— Шундай улғу қасрларни қурган, ер юзини янгилаётган ўзбек эрларини оқ отда, бошларида бургут, қўлларида барча халқлар учун тинчлик байроғини ҳилпиратиб учиб бораётган ҳолатда тасаввур этаман!

Шундай. Тушимда Алпомиш келган эмиш.

МИРЗА ИБРОХИМОВ:

Мен Ўзбекистонда, унинг пойтахти Тошкентда илк бор Улуг Ватан урушининг оғир кунларида, 1942 йилнинг баҳорида бўлган эдим. Ушанда биз, совет Шарқи ёзувчилари ва шоирларидан бир группаси Узоқ Шарқдаги чегараларда хизмат қилаётган ҳамюртларимиз ҳузурига бораётгандик. Биз уларга жанг майдонларида ва фронт ортида совет халқи кўрсатаётган қаҳрамонликлар ҳақида ҳикоя қилиб бериш, уларни ўз сўзимиз билан руҳлантириш ниятида эдик.



Қаспий денгизидан ўтиб, Красноводск орқали кўп қийинчиликлар билан Тошкентга етиб келдик. Бу ерда бир неча кун тўхтаб қолдик. Чунки Тошкент атрофидаги йўллар фронтга жўнатилаётган составлар ҳамда Шимол томондан келаётган санитария поездлари билан тўлиб кетган эди. Оғир ҳарбий шароитга қарамасдан бизни жуда илиқ, дўстона кутиб олишди. Бир ҳовлидан жой ажратиб беришди. Қаердандир темир қаравотлар ҳам топишди. Хуллас, биз йўл очилгунча бир неча кун ўзбек дўстлар даврасида меҳмон бўлдик. Ушанда мени иккита нарса лол қолдирди. Булардан бири ўзбек халқининг бағри кенлиги, меҳмондўстлиги, ҳушмуомалалиги бўлса, иккинчиси забардаст, сершоҳ, неча асрларни кўрган улкан чинорлар эди. Ўзбекистон ҳақида ўйлаганимда аввало ана шу чинорлар ёдимга келади. Улар кўп асрлик тарихга эга бўлган ўзбек халқининг ҳам, халқларимиз ўртасидаги бузилмас дўстликнинг ҳам рамзи бўлиб туюлади.

Шундан кейин Ўзбекистонда кўп бор меҳмон

бўлдим. Республиканинг пахта далаларини айландим, ишчилари, зиёлилари, студент-ёшлари билан учрашдим. Бир қатор асарларим ўзбек тилида чоп этилди. Айниқса «Шундай кун келади» ва «Парвона» романларим босилганда ўзбек китобхонларидан жуда кўп хатлар олдим. Бу ердаги ҳамма нарса мен учун қадрдон. Ўзимни худди Озарбайжонда юргандек ҳис этаман. Чунки урф-одатларимиз, анъаналаримиз тилимиз каби бир-бирига жуда яқин. Мен буюк ўзбек шоири Алишер Навоий асарларини илк бор 30-йилларда араб алифбосида ўқиган эдим. Ушанда мен уни Озарбайжон шоири деб ҳисоблаганман. Чунки Навоий тили биз учун ҳам жуда яқин. Машҳур Озарбайжон классиги Фузулий асарлари Ўзбекистонда катта шўҳрат қозонганлиги, инқилобдан олдин мадрасаларда ҳам ўқитилганлиги худди ана шундан далолат беради.

Мен жуда кўп ўзбек ёзувчи ва шоирларини яхши биламан. Фафур Гулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшинлар билан жуда кўп бор учрашганман, ижодий суҳбатларда бўлганман. Кўп миллатли адабиётимизнинг ажойиб намояндаси, таниқли сўз устаси Шароф Рашидов билан ҳамкорлигим ва дўстона алоқаларимдан беҳад фахрланаман. Мен унинг «Ғолиблар» асарини озарбайжон тилига таржима қилганман. Мақсуд Шайхзода эса ўзбек халқи учун қанчалик қадрли бўлса, озарбайжонлар учун ҳам шунчалик ардоқлидир. Ажойиб ўзбек шоираси Зулфия шеърятини ҳам севиб мутолаа қиламан. Шукрулло, Ҳамид Гулом ва бошқаларнинг ижодини катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Шукруллонинг «Жавоҳирлар сандиғи» асари Озарбайжон тилида ҳам босилмоқда. Сарвар Азимов билан Африка ва Осиё ёзувчилари ҳаракати билан боғлиқ тадбирларда кўп бор учрашганмиз.

Ўзбек адабиётининг кейинги йиллардаги равнақи, гуллаб-яшнаётганлиги мени беҳад қувонтиради. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари катта истеъдод эгаларидан кейин адабиётга кириб келган катта бир гуруҳ ёш ижодкорларнинг овози тобора ишончлироқ янграмоқда.

Мирза Иброхимов.



САТТОР
ТУРСУН

КАРВОНКУШ ЮЛДУЗ



ҲИКОЯ

Тоҷикчадан

Эркин АЪЗАМОВ

таржимаси

уз қуёши сўнгги титроқ ёғдуларини дераза рафидан йиғиштириб олиб, қишлоқ қабристонини бўлмиш Шаҳидон тепалиги ортига оҳиста чўқди. Ташқарига чиқиш ниятида ўзини дераза ойналарига урганча тўхтовсиз ғунғиллаётган пашша худди кўрққандек тўсатдан жимиб қолди. Хонани бирдан совуқ ва таҳдидли сукунат чулғади. Оппоқ деворлар ювилаверганидан ўнгиб кетган сурп кўйлак мисол сездирмайгина хира тортди. Шифт гўё пастлашдию хонадаги барча жиҳозлар жимжитлик ҳукмида қолиб, ҳазин тус олди.

Кун бўйи кампирининг қайта-қайта ҳол сўрашларига жавоб бермай, девор томон юз ўгириб ётган мўйсафид, киртайган кўзлари юмуқ бўлсада, бу манзарани алам билан ҳис қилди. Чунки ҳар кун қуёш ботганидан кейин бирор киши кириб чиққани ёқмагунча хона унга тор, зимзиё ертўладек туюлиб, хаста юраги баттар сиқиларди. Шу тобда у, умридан саноқли дамлар қолганини, эртага ҳам етолмаслигини пайқади: энди на офтобнинг чиқишини, на шомнинг чўқишини кўролади. Қанийди, ўша лаҳза тезроқ келсаю абгор вужудини дард чангалидан ҳалос этса... Айтишларича, ёмон одам юз минг азоб билан жон берармиш. Агар шу гап рост бўлса, худо қарғаган одам экан у. Айтишларича бандаси ўлим олдида тангрининг даргоҳига қанчалик тавба қилса, нариги дунёда гуноҳи шунчалик енгиллашармиш. Агар бу гап ҳам рост бўлса, унинг икки йиллик тавба-тазаррулари мингта гуноҳкор банданинг гуноҳидан кечишга етиб ортади.

Бемор ёнбошига базўр ағдарилиб, пичирлади: «Тавба қилдим, худо! Тавба...» Заиф овози дераза ортидаги, шохига беғам бир қарға қўниб турган ёнгоқ дарахтининг хазонга айланаётган япроқлари шилдирашидек ҳазин эди. Мўйсафид қарахт кўзларини қарғанинг қорамтир қанотларидан узмай оғир хўрсинди, унинг шумхабар, хосиятсиз қуш эканини ўйлади.

Чолнинг исми олтиш тўрт йилдан бери Назар бўлса ҳам, мабодо бирор киши уни орқасидан «Назар» деб номини тутса, гарчи қишлоқда

Расми О. БОБОЖОНОВ чизган

«Ёшлик»ка тилагим

Балагим дар Пасурхи ёши деган бошқанинчи
чи раёти. Ёшунгизга. Ёшунгизга. Ёшунгизга.
Забон, ки дарда ба талкан сурин асосови мейли.
Лабдан, дарёдан тўли мезгардан. Дар ой тарадан
дарёга деган дегаре зой дорад, ки мардумни
ўзбеклар. Ма, забардан ҳар ёр деган, бошқанинчи
ёшунгизга ба куддан мидангизга пили дегардан до
сарди хурсатчи ба килин бисбаре басба, дарон обда
кўра тилангизга. Ба лаби ой кўра қорча қорачи
Заминдан ма мезгардан; ҳам ба забардан мезгардан
ҳам ба ўзбек мезгардан кўра мезгардан... Ёшунгизга
дўшман мидангизга мезгардангизга ўзбеклар ба забардан
чи кўра ойча мезгардан мезгардан. Дар Пасурхи ёшунгизга
байки асосови ўзбекларни кўра ҳам деган. Ёшунгизга,
ма ва сол мезгардан, ки дар ўзбеклардан ба килин
«Ёшлик»ка тилагим асосови забардан ойча мезгардан
ёшунгизга. Ма, ба ан мезгардан мезгардангизга
мезгардангизга. Ёшунгизга ба килин кўра мезгардан
га, мезгардангизга ба килин мезгардангизга ба килин, ки
мезгардангизга ду тўли дубардангизга мезгардангизга пили
лавони мезгардангизга. Ёшунгизга, «Ёшлик»ка тилагим,
Ёшунгизга мезгардангизга, ки рўшдангизга
Қазу сол забардан, сар қазу сол забардан!

О. ШУКУР

Болалигим Бойсун районининг тожиклар яшайдиган Пасурхи қишлоғида ўтган. Фаройиб қизғиш тепаликларга тутшиб кетган бу сўлим қишлоқнинг ёнидан шўх бир сой оқади. Соининг нариги бетида бошқа қишлоқ бор, унда ўзбеклар яшайди. Биз — бу икки қишлоқ болалари ёз пайтларида соининг ўзимизга ёққан бирор жойини харсанглар билан тўшиб, гум ясардик. Ана шу гум бўйи беғамбеташвиш болалик оламимизнинг бир бўлагига айланган эди; биз ҳар икки тилда — тожик ва ўзбек тилларида бемалол сўзлашавардик... Ушандан бери мен ўзбек ёзувчиларининг асарларини уларнинг ўз тилида ўқийман. Тошкентда ёзувчилар орасида яхши дўстларим ҳам бор. Дарвоқе, мана бир йилдирки, Ўзбекистонда «Ёшлик» деган янги адабий-бадиий журнал нашр этилмоқда. Мен бу журналга биринчи сониданоқ меҳр қўйдим. Энди унга ўзимнинг бир ҳикоямни тақдим этарканман, комил ишонч билан айта оламанки, бу журнал ўн икки ой мобайнида ўзбек адабиётига паҳлавонона хизмат қилди. Бинобарин, азиз «Ёшлик», сенинг шаънингга ҳар қанча лутф қилмайин, бари бир Рудакийдан ўтказиб айтолмайман:

«Минг йил яша, юз минг йил яша!»

С. ТУРСУН

Бошқа Назар бўлмаса-да, одамлар албатта «Қайси Назар?», деб сўрашади. Чунки қишлоқнинг каттаю кичиги уни Назар тараша, Назар чўлоқ ёки Чўлоқ домла сифатида танийди. Уруш бошлангунга қадар ҳамма уни новча ва қотмалиги важида Назар тараша деб атарди. Уша вақтлар у колхоз раиси Жобиров, одамлар нақлида эса «Каттакон» эди. Қамчиндан қон томарди. Унинг зарбидан не-не саркаш кимсалар ипакдек юмшоқ тортган эдилар. Бераҳмлиқ бобида у шу қадар донг таратган эдики, ҳатто оналар инжикрон болаларини «Бас қил, бўлмаса, Назар тарашани чақираман!», деб кўрқитишарди. Назар буни билар ва баттар қўтириб, ғазаб отини қаттиқроқ қамчилар эди... Аммо, уруш бошландию Назар жонининг ғамига тушиб, тинч-ҳаловатини йўқотди. Кечалари ўйлайвериби уйқуси қочарди. Ислом анови колхозга раис эди, олиб кетишди. Ҳозир қай аҳволда юргани номаълум. Раҳмон ҳам ишнинг кўзини биладиган, обрўли раислардан эди, шунга қарамай, «Борасан», дейишди. Шўрлик! Ҳеч қанча вақт ўтмай раҳматли бўлиб кетди. Хотин-боласи қорахат олиб, аллақачон аза очди. Хол-чи, Хол? Майли, у ўз ихтиёри билан жўнади. Азалдан аҳмоқ эди у. Аҳмоқ бўлмаса, шундай қилармиди?.. Хўш, энди у — Назар қандай йўл тутсин? Бугун бўлмаса, эртага унинг ҳам навбати келади. Бугун бўлмаса, эртага балки унинг хотини ҳам қорахат олиб, соч юлиб, юз тимдалашга тушар. Эрта ҳоли не кечинини ким билибди? У ерда бехос бирон дайди ўқ тегиб, йўқ бўлиб кетиши ҳеч гап эмас... Йўқ, у бормайди, у аҳмоқ эмас, у яшашнинг қадрини билади. У бир кун эмас, бир кун бегона юртларда гўрсиз, кафансиз ўлиб кетиш учун дунёга келмаган. Унинг уй-жойи бор, бола-чақаси бор, орзу-умиди бор. У буларни ҳеч қачон елга бермайди. Овора бўлишади — олиб кетишолмайди...

Назар кўпдан буён кўнглига тугиб юрган режани амалга ошироққа ниҳоят жазм қилдию бир кеча дашдан қайтаётиб, тошлоқ қияликда оддан тушди ва ўнг оёғини тагига буклаб, чап оёғини кўкиш харсанг устига қўйди-да, каттакон, қиррадор бир тошни қўлига олди; кўзларини чирт юмиб, тишини тишига босганча тошни боши баробар кўтариб, зарб билан тиззадан пастига солди ва шу заҳоти ҳушдан кетиб, чалқанчасига йиқилди...

Бир соатлардан кейин ўзига келиб қараса — этигининг ичи жиққа қон, оёғини қимирлатолмайди. Оғриқ шу қадар кучли эдики, пешонасини муздек, йирик-йирик тер томчилари қоплаб, кўз олди қоронғилашиб-қоронғилашиб борар ва бу зимзиёлик қизғишу сарғиш, нозик ҳалқачаларга қўшилиб-қоришиб, титрай-титрай кўнгилининг қора қаърида йўқолиб кетар эди.

У минг машаққат билан мажруҳ оёғини судраганча ўрнидан кўзгалди. Аммо, отини боғи жойида кўрмай, қайтиб ёнбошлаганча тошлоққа чўзилди. Оғриқнинг зўридан тишларини ғижирлатаркан, ҳушдан кетганида хиралашган шуури аста-секин равшан торта бошлади ва у ажабланди: отининг бунақа одати йўқ эди, сира қочмасди. Эҳтимол, жонивор унинг бу ишидан ҳазар қилиб қочиб кетгандир... Бир ҳисобда, қочгани ҳам маъқул. Бу айни муддао бўлди, зўр бўлди. Энди ўзи бир амаллаб қишлоққа етиб олади, унчалик олис эмас, ҳаракат қилса, бир соатда етади. Йўлда битта-яримта учраб, аҳволини кўрса, эл орасида миш-миш ҳам камаяди. У дуч келган ҳар бир одамдан даставвал отини сўроқлайди. Кейин, «Нима бўлди?», деб сўрашса (албатта сўрашади), бошига тушган фалокатни батафсил сўзлаб беради. «Дара йўлида лангати от бехос ўз-ўзидан йўртиб кетиб, тошлоқ қияликка улоқтириб юбордию шаталоқ отиб қочди, — дейди. — Қочдию тепадан, туёқлари остидан каттакон

бир тош кўчиб, нақ тиззамга келиб урди. Адои тамом қилди касофат...» Лекин у яна бир иш қилади. Гўр азобини тортса ҳам, ҳозир қизиқ устида елкасига бирор шикаст етказди, юз-кўлларини тимдалтади. Бўлмаса, отдан йиқилиб тушдим, деб одамларни ишонтириш қийин.

Назар шундай ҳам қилди. Эртаси чошгоҳда эшигининг олдига тепасию ёнбоши қизил тамғали қаҳваранг машина келиб, уни касалхонага олиб кетганда, қишлоқда аллақачон: «Назар тараша отдан йиқилиб, майиб бўлибди», деган овоза тарқалган эди.

У касалхонада қарийб икки ой доволаниб, қишлоққа қайтди. Хурсандчиликдан терисига сиғмасди. У тагин раис, тагин ўша бераҳм Назар эди. Тагида гижинглаган қорабайир, рўзғори тўкин-сочин. Узи эса, кўнгилга аякин икки-учта ошнаси билан гоҳ меҳмонхонасида, гоҳ ул-фатларидан бирортасиникида, урушдан қорахат келганларнинг ота-оналари, хотин-болалари ва қавм-қариндоши нола-фарёд чеккан кечаларни кабобхўрлиги шаробхўрликда ўтказарди. «Мабодо урушга кетсам» деган ваҳима, кўрқув энди бутунлай кўнглидан кўтарилган эди. У энди чап оёғи бир умрга қўлоқ бўлиб қолганини ўйлабгина баъзи-баъзида ҳам чекар, ичида урушга лаънатлар ўқир эди...

Шу тарика, унинг аввалги лақабига яна бир лақаб қўшилди. Одамлар уни энди орқадан гоҳ Назар тараша десалар, гоҳ Назар чўлоқ деб атардилар...

Қарға чолга гўё масхараомуз таъзим бажо қилган каби бошини уч-тўрт марта эгиз қағ-қағ этдию ўша беғамлик, ўша эринчоқлик билан қанотларини ёзиб, ёнгоқ шохидан томга учиб ўтди. Чол нафрат билан юзини девор томонга бурди. Хонани асқа-секин қаронғилик чулғаб борар, бу унинг ишдан чиққан асабларини кўзгаб, кўнглини баттар беҳузур қилар эди. Гўёки шом шарпаси чипор илонга айланб, бирдан бўйнига чирмашиб олгану тобора нафас йўлини қисмоқда эди...

Ажабо! Одамзоднинг умри худди кун ботиши билан шом тушиши ўртасидаги дақиқалардек қисқа экан. Аммо чол шу чоқчага буни билмас, чунки юзи қаттиқ, териси қалин, бошига ҳам ҳеч қачон кулфат тушмаган эди. Балки шу сабабдан ҳам ўйлашга вақти бўлмагандир. Назар ҳатто, баъзи сирлари очилгач, раисликдан олиниб, ўша колхознинг ўзига ҳосилотликка тайинланганидан кейин ҳам бу борада бирон-бир хулосага келмаган эди. (Сувдан қуруқ чиққан эди, ахир!) У икки-уч йил ўша вазифада ишладию яна пастроққа тушди: ферма мудир бўлди. Лекин фермани ҳам эплаёлмади. Колхоз бир қўйини иккита қилганда у тагин биттага келтириб қўярди. Назар бригадага ҳам бошлиқ бўлди. Бу ерда ҳам бир-икки йил ишлагач, звено юзасидан бўлсин, уни лақабсиз, анчайин — Назар ёки мулла Назар деб атамоқни одат қилмадилар. Аксинча, унга яна бир лақаб илдилар — Чўлоқ домла деб атай бошладилар. Энди гоҳо Назар тараша ёки Назар чўлоқ дейишса, гоҳида Чўлоқ домла дейишади.

Эшик оҳиста очилди, хонага кампир кириб, чироқни ёқди. Хона ёп-бруғ ва кенгайиб кетгандек кўриниб, жиҳозлари гўё кундузгидек қайтадан жонланди.

Чол кўзини очиб, чалқанчасига ағдарилди ва бош томонидаги туфдонни олиб чиқмоқчи бўлган кампирига сўник назар ташлади. Кампир чолнинг нигоҳини пайқаб тўхтади, унга саволомуз тикилди. Хаста кўзлари атрофидаги ажинлар баттар майдаллашиб, қуюқлашди. Қарашда қандайдир ачиниб ва кўрқув қоришиқ эди.

Чол узоқ вақт ундан кўз узмай турди-да, ниҳоят: — Воҳид келмадиини? — деб сўради.

Кампир бир чўчиб тушди, юраги орқага тортиб кетди. У чолнинг овози алланечук ўзгариб қолганини сезди. Унинг овози ўзиникигагина эмас, умуман, одамзоднинг овозига ўхшамас — кўпроқ мушукнинг хур-хурини-

ми, дайди елнинг паст, ҳазин ноласиними ёдга солар эди.

— Йўқ, — деб жавоб берди кампир ва дарҳол қўйиб қўйди: — Келадиган вақти бўлди... Кепқолар.

— Ҳа-а...

Чол нигоҳини шифтга тикди.

Кампир ташқари чиқди ва салдан кейин қайтиб кириб, туфдонни аввалги жойига — беморнинг ёстиғи ёнига қўйди-да, бир нафас қимирламай тургач, сўз қотди: — Шўрва қилган эдим. Опкелай, икки қошиқ ичинг.

Чол на «ҳа» деди, на «йўқ» — гўё унинг гапини эшитмади ҳисоб.

Кампир беморнинг ёстиғи қаршисига, дераза тагидаги кўрпачага ўтирди ва нимдошроқ шолрўмолининг бир четини тишлаган кўйи у тарафга кўз ташлади. Чолнинг афти у вада пахтага ўхшаб қолган, ҳеч қачон бугунгидек нурсиз кўринмаган эди. Узун патак соқолининг учи ингичка, консиз бўйнига тушиб турарди. Тирсагига яланғоч озғин қўллари худди иккита қуруқ чўп мисол кўрпа устида қимирламай ётибди. Билақларининг лимўдек сарғиш, ҳар жой-ҳар жойида маллатоб доғли териси остидан бўртиб турган қора томилар занглаган симтўр каби кўзга хира чалинади.

Унинг аҳволига ичи ачишган кампир қийналганча ютиниб қўйди ва рўмоли учини оғзидан олиб, лабини тишлади. Чоли деярли икки йилдан бери оғир ётарди. Кейин аҳволи бирмунча тузуклашди ва ниҳоят оёққа туриб, кўчага чиқадиган бўлди, гўё бутунлай соғайиб кетди. Ҳатто икки-уч марта невараси билан район марказига бориб, бозор қилиб ҳам келди. Лекин унга яна нимадир бўлдию бундан бир ҳафта олдин кутилмаганда оёқдан қолди. Ушандан буён гоҳ ўзини билиб, гоҳ билмай ётибди, ҳеч нима емайди. Воҳид шўрлик қаттиқ кўрқди, дўхтир чақириб, отасини кўрсатди. Дўхтир келиб беморни кўздан кечиргач, дарҳол ташқари чиқиб, қўлини совунлаб ювди ва ҳовлида Воҳид билан бирлас пичирлашиб турдию кетди. Унинг нима дегани кампирга қоронғи. Дўхтир «Касалхонага олиб кетамиз», демаган бўлса-да, Воҳид уйга қайтиб кирганда чол унга қараб норози минғирлади:

— Узинг биласан, болам, мен шу касалхона деганидан безорман. Яна нимага ташвиш чекиб, дўхтир чақириб юрибсан?

— Майли, хафа бўлманг, дада, шунчаки кўриб кетди-да ҳечқиси йўқ, дори буюрди, — деди Воҳид овози хиёл титраб.


Чол ўғлининг гапига заифгина илжайиб қўйди.

— Ҳар ҳолда, беҳуда овоза бўлибсан, ўғлим. Менинг дардимни билиш осон иш эмас. Буни на дўхтиринг билади, на сен. Бу дарднинг нималигини ёлғиз ўзимиз тепамада худо билади...

Ушандан бери Воҳид алланечук хафақол юради. Ҳар кун ишдан қайтган захоти ташвиш билан: «Дадам қалай?», деб сўрайди. Дўхтир бирон нарса демаган бўлса, у бундай юрмасди. Дўхтирни кўчага кузатиб қўйиб, уйга паришон қиёфада кирган эди. Кампир ундан: «Дўхтир нима деди? Отангнинг касали нима экан?», дея қайта-қайта сўраса ҳам мужмал қилиб: «Бир оз хасталанибдилар, ҳечқиси йўқ, ташвишланманг», деб қўяқолди. Нахотки...

Чол дераза ортидаги қоронғиликка бир кўз ташлаб олиб, «Тавба қилдим, худо! Тавба...», дея тагин ёнбошига ағдарилди-да, кафтини чаккасига қўйди. Ҳозир бор вужуди қарахат эди, қаршисига кампирни ўтирганини ҳам гўё сезмасди. Хаёли Турон тракторчига кетиб, бундан икки йил олдин ариқ тозалаш кунини у билан қизишиб қолганини эсларди.

Икки йил аввал баҳор серёғин келган эди. Деярли ҳар кун ёмғир челақлаб қуярди. Қишлоқ четига тепалиқлардан олатасир бостириб келган сел бу атрофда ягона ҳисобланган сойга тушиб, қишлоқни сув билан таъминлайдиган катта ариқни қум билан лойқага тўлдирарди. Шунинг учун одамлар ҳаво юмшаб, ёгингарчилик қамайганда ариқни тозалаб қўйишни маслаҳат қилиб, ҳашарга чиқадиган бўлдилар. Бу ҳаммага маъқул тушди ва якшанба кунини эрталаб ҳар уйдан бир киши-икки киши кетмону белкуррак кўтариб, ариқ бўйига от-



ланди. Ҳашардан Назарни ҳам хабардор қилишган эди. Бироқ, гарчи ўзининг боғи ҳам, ўғлининг боғи ҳам шу ариқдан сув ичса-да, у ҳашарга бормади. Кун бўйи қорнини қашлаб уйда ётдию пода қайтар пайт кўчага чиқиб, дарвозаси ёнидаги супачада тасбеҳ ўгириб ўтирди.

Одамлар тахминан ярим соатлардан кейин, номозшомга яқин ҳашардан қайтдилар. Улар, елкаларида кетмону белкурак, ўзаро гурунглашганча тўда-тўда бўлиб Назарнинг олдидан ўтиб кетишарди. Кексалигини ҳурмат қилибми, ёш яланг унга салом бериб ўтарди. Аммо, қарияларнинг кўпчилиги уни узоқдан кўриб келаётган бўлса ҳам, ёнидан ўтаётганда атай у томонга қарамасди. Улардан битта-яримтасигина кўнгли учун унга бир назар ташлаб, анчайин «Ҳорманг, мулла!», деганча йўлида давом этарди.

Одамларнинг бундай муомаласи унга янгилик бўлмас-да, Назар ўз-ўзидан тутақиб супачадан кўзгалди ва чопони барларини қоқа-қоқа, тасбеҳини жаҳл билан чўнтагига солиб, энди ҳовлисига кирмоққа шайланиб турган эди, салом бериб, қаршида Турон тракторчи пайдо бўлди.

— Ваалайкум ассалом,— деди Назар хўмрайиб.

— Ҳашарда кўринмадингиз, кўшни? Ёки бирон иш-пиш чиқиб қолдими?

— Тобим қочиб турибди. Сал ёзиларман, деб ҳозир кўчага чиқдим, лекин... Бошим зилдай, аъзои баданим қарахт. Елкамга тегирмон тоши ортилгандай.

— Шамоллаб қолгандирсиз-да, тузалиб кетади...— Турон тракторчи бир нафас Назарга тикилиб жим қолди, кейин иложи борича юмшоқлик билан, беозоргина кўшиб қўйди:— Шундай экан, катта неваранинг қўлига битта белкуракни тутқазиб, менинг ўрнимга сен борақол, болам, десангиз бўлмасмиди?

— Аввало шуки, у — ўқувчи, дарс тайёрлаши керак. Кейин, ўзингиз биласиз, отаси бир ойлик ўқишга кетган. Бола уйда бўлмаса, рўзғор юмушларига ким қарашади? Ўйлаброқ гапириш керак-да!

— Ахир, у кун бўйи ўқаси билан Мурғоннинг этагида копток тепиб юрди-ку?

— Ҳай, бола копток тепган бўлса тепгандир-да. Авзойингиздан маълум, шуям сизларга малол келган кўринади. Тавба! Бандангдан ўргилдим, худо, ғийбатдан бошқасини билишмайди-я! Ахир, у боланинг ихтиёри менда эмас-ку! Отаси бор, онаси бор... Шунақа совуқ гапларнинг нима кераги бор экан-а!?

— Хафа бўлманг, кўшни. Сизга менинг бирон ғаразим йўқ, кайфиятингизни ҳам бузмочки эмасман. Сув азобини ўзларинг мендан яхшироқ биласизлар — икки оила, икита каттакон боғларинг бор. Эртага, боғ суғориш пайти келганда, олдин мен суғорай, кейин бошқалар, деб туриб оласиз. Айтганингиз айтган, деганингиз деган. Шу одатингизни билганлар бунақа пайтда албатта гап қилади-да. Бугун баъзилари менга қараб: «Кўшнингизга айтиб қўйинг, бунақа қилмасин, унинг биздан қаери ортик, мабодо шох-похи бўлса — айтсин, кўрайлик», деб гина қилишди.

— Оғизлари бўш қолган бўлса, гапираверишин. Мен бир ногирон одамман. Воҳид шу ерда бўлганида, борарди. Неварам ҳали бола, қўлидан ҳеч иш келмайди.

— Яхшимас, кўшни. Ана, уста Салим ҳам ногирон, лекин мен бирқўлман деб уйда ўтирмади. Чиқиб, биз қатори, кучи етганда меҳнат қилди. Невараси ҳам ёнида кетмон урди. У сизнинг неварангиздан икки синф пастда ўқийди.

— Шошманг, сиз менга бунча ақл ўргатиб нима демоқчисиз ўзи? Мақсадингиз нима? — Назар Турон тракторчига хезланиб тикилди.

— Мақсадим шуки, кўшни,— деди Турон тракторчи бамайлихотир жавоб қайтариб,— кўпчиликнинг ишидан ўзингизни олиб қочманг, уят бўлади. Одам одам билан тирик. Сизга ичим ачиганидан айтяпман бу гапларни.

— Сенга ўхшаганлар билан тирик бўлсам, бунақа тириклик менга ҳечам керакмас! — деди Назар бирдан

сенсирашга ўтиб.— Бу гапимни ўша имонсиз ғийбатчиларингизга ҳам етказиб қўй!

Турон тракторчи бундай муомаладан кайфи учиб, бир лаҳза жим турдию белкурагини елкасига ташлаб, деди:

— Майли, кўшни, билганингиздан қолманг. Мен бир оғиз гапирдим-қўйдим, истасангиз олинг, истамасангиз — ихтиёрингиз.

Назар жаҳл билан этак қоқиб, ҳовлига кирди ва дарвозани қарсиллатиб ёпиб, занжирини илиб қўйди.

Шу воқеадан кейин неча ҳафта ўтдию ёмон нафаси ўзига урдими, у тўсатдан ётиб қолди. Турон тракторчи кўнглида кек сақламай, уч-тўрт марта уни кўргани келди. Кеча ҳам келган эди... Ундан ранжиганини заррача сездирмайди. Хотини Рухшона ҳам ҳар маҳал кириб, Назарнинг аҳолидан хабар олиб туради. Баъзан кампирининг юмушларига ҳам қарашади. Оқибатли кўшнilar экан...

Чолни йўтал тутди. У узундан-узоқ йўталиб, кампирини ёрдамида яғринини кўтарди-да, туфдонга тупуриб ташлади, сўнг яна ёстиққа бош қўйиб, кўнглидан кечирди: нега бир пайтлар Туроннинг, шундай бир ҳалол одамнинг бошига маломат солмоқчи бўлган эди? Нега? Балки бунга Рухшона сабаб бўлгандир... Рухшонанинг ота-онаси унинг совчаларини қайтарганда Назар кўнглига қаттиқ олмади. Қиз зотига қирғин келгани йўқ-ку, деб қўяқолди. Чунки у илгари, кимлигидан қатъи назар, хотин бўлса бўлди-да, деган тушунча эди. Рухшона бўлмаса, бошқаси. Фарқи нима? Бари бир, қизи буй етганларнинг ҳаммасига куёв бўлолмайди. Аммо кейин, Рухшонани Туронга унаштиришганда вужудини совуқ ва жирканч бир ҳис чулғаб олди, бора-бора бу ҳис ёвуз қуртга айланиб кўнглига абадий ўрнашиб қолди. Агар Турон тракторчининг ҳовлисида устма-уст икки кеч палов ҳиди чиққудек бўлса, у ўз-ўзидан тажангланиб, ич-этини еб қўяр, лекин учрашиб қолган чоғларида эса кўнглидаги ўша қуртнинг хуружини Туронга зинҳор сездирмасликка тиришар эди. Кизиқ! Ахир, Назарнинг-ку Рухшонага кўнгли йўқ эди, кейин ҳам умр бўйи бирон аёлга кўнгли қўйган эмас, нега бўлмаса... Чамаси, кўнгли қўймоқ ҳам ҳар кимнинг қўлидан келавермас экан-да. Бировга кўнгли бермоққа қодир кишининг қалби бахиллигу ҳасаддан, гинаю кудуратдан холи бўлса эҳтимол!

«Ҳа, бахиллигу ҳасад, гинаю кудурат!», деб пичирлади чол ногоҳ ўз саволига жавоб топгандек. У ичиқора эди. У ўша ишни Рухшонага уйланомай, кўнглида Туронга нисбатан адоват сақлаганидан эмас, балки ҳасаддан қилган эди. У бир умр бахиллигича қолди. Шу даражада бахил эдики, кимдир тузукроқ бирор одам билан ошначилик қилса ҳам, менинг ундан нимам ҳам, нега бу одам анови билан ошначилик қилади-ю, мен билан эмас, дея ичини илону чаён кемиришга тушарди. Ҳатто биров ўта хурсанд кўринса ҳам, нега бунинг оғзи қулоғига етиб юрибди-ю, меники унақамас, дея ғаш келарди. Ана шу ҳасадгўйлик уни кўп тубанликларга етаклаган эди...

Турон ҳозир ўша воқеани эслармикан?

Нега шу кунга қадар бу ҳақда лоақал бирор марта ўйлаб кўрмаганига ажабланиб чол. Нега шу кунга қадар бирор марта ўзингизга: хўв, банда, кечмишингни бир хотирлаб, қилган яхшиллиги ёмонлигингни тарозига солиб кўр, қани, қайси палласи босар экан, демардинг?

У оғир хўрсинди ва бунга вақти бўлганини кўнглида эътироф этди. Бир кунмас-бир кун, умридан саноқли дамлар қолиб, истаса-истамаса мана шундай яхши-ёмонни эсламоққа мажбур бўлишини у ҳаёлига ҳам келтиролмасди. Бу нарса одамзоднинг азалий табиатига хос эканини ҳам билмасди гўё. Доим, қандай йўл билан бўлмасин, бирини икки қилиш ғамида юрарди. Қабристондан ўтганда ҳам, куруқ кетмайин, деб бирорта суякни судрарди, аммо сира кўзи тўймади. Бошқалардан тўкинроқ яшашни, қорни тўқроқ, давлати ортиқроқ бўлишини истарди. Шундан тўлақ ғами йўқ, онадан гўё мол-дунё йиғиш учунгина туғилган эди. Мана энди, қариган чоғида ҳамма нарсаи бор. Кўр-

кам иморату каттакон боғи бор, сигиру қўй-кўзиси бор, талайгина пули бор, ўғилу невараси ҳам бор. Хуллас, чол энди ҳеч нарсага муҳтож эмас. Фақат бир нарса ийқ унинг, яхши ному қилган бирор яхши иши ийқ. Модомики, яхши ному яхши иши ийқ экан, демак, ҳеч нарса ийқ... Назар турли вақт, турли шароитда кўнглига озор берган кимсаларнинг кўпчилиги ўлиб кетди. Бошқалари эса ўзига ўхшаб кекса-йиб қолишди; уларнинг деярли ҳаммаси бир марта-икки мартадан келиб, унинг қўлидан хабар олишди. Эртага оёқ узатгудек бўлса, тобутининг орқасидан ҳам боришар. Ҳа, боришади, албатта боришади. Назар ўғлига тўй қилганида қишлоқнинг кўп одами келмай, оши қозонда, нони дастурхонда ҳайрон қолиб кетган эди. Лекин эртани, кечми қазоси етса, барча борабарига ёпирилиб келади.

Нега бундай? Нега одамлар кўпинча нобопроқ кишининг тўйига бормаи қўяқолишади-ю, ўлигида албатта ҳозир бўлишади? Модомики, бировдан кўнглинг қолиб, тўйига бормадингми, ўлигида ҳам борма-қўй-да. Таваба! Одамзоднинг феъли қизиқ-да... Ҳар қалай, баъзан ашаддий душманнинг ҳам ўлигига бориб тўғри қилишади. Агар шундай қилишмаса, агар уларнинг бариси бирор вақт марҳумдан, айниқса, феъл-атвори Назарникига ўхшаган марҳумдан ранжиган бўлсаю дафн маросимига бормаса, тўрт нафар ихтиёрий тобуткашинг топилиши ҳам даргумон...

Хонага ўғли, унинг кетидан эса колхоз раиси Хуррамов кирди. Мўйсафид ҳарчанд уринмасин, уларга ўгирилиб қараёлмади: боши бениҳоя оғир, зил-замбил эди. У, Султон Хуррамов ўғлининг ошнаси эканини, улар неча йилдан буён борди-келди қилишларини алам билан дилидан ўтказди. Бундан ташқари, Воҳид унинг қўлида агроном бўлиб ишлайди. Лекин бари бир Хуррамов чолни ёмон кўради.

Балки у янглишаётгандир? Балки Хуррамов ўша воқеани унутиб юборгандир?

Ийқ, одамзод онасининг ўлимига сабаб бўлган нарсани унутиб юбора олармиди? «Каттакон акам! — деган эди у ўшанда. — Бу номардлингизни ўла-ўлгунимча эсдан чиқармайман. Улсам, суяк-суягимда қолади». Ҳа, Хуррамов айнан шундай деган эди. Унинг бу сўзлари ҳамон чолнинг хотирасида.

— Соғлиқ қалай, амаки? — дея секин сўради Хуррамов, сара олма-анорга тўла тўрхалтани унинг кампирига тутқазиб, Воҳид билан бирга кўрпачага ўтиб ўтиргач.

— Бирнав, жиян...

— Иштахангиз тузукми ўзи?

Чол «ийқ» дегандек бош чайқади.

— Ўзингизни мажбурлаб бўлса ҳам, ул-бул нарса еб туринг...

— Бўлмапти-да. Нима есам — қайтараман... Одам қариса, ичак-чавоғи ҳам ишдан чиқарканми... Худо омонатини оладиганга ўхшайди.

— Унақа деманг, амаки. Яхши ният қилинг, яхши ният — ярим мол. Ҳали бақувватсиз. Ҳадемай тузалиб кетасиз, невараларнинг тўйларини кўрасиз.

— Қанийди, шундай бўлса, — деди кўзларига ёш ҳалқаланиб мўйсафид. — Лекин... Ҳа-а...

Кампир дастурхон ёзди.

Хуррамов бир-икки пиёла чой ичди, чолнинг кўнглини кўтариб, ярим соатча ундан-бундан гапиришиб ўтирди-да:

— Энди менга рухсат, амаки. Тезроқ соғайиб кетинг, — дея ўрнидан кўзгалди ва уни кузатгани турган Воҳид билан бирга ташқари чиқди.

Меҳмонхона эшиги астагина ёпилиб, айвондан уларнинг қадам товушлари ва гўнғир-гўнғири эшитилгач, мўйсафид бейхитёр Султоннинг отаси — Хуррам мисгарни эслаб кетди. У бақувват киши эди, отасидан мерос олган касби — мисгарликдан ташқари гоҳида чавандозлик ҳам қиларди. Районда ва унинг атрофидаги қишлоқларда мисгарлик билан қанчалик ном чиқарган бўлса, чавандоз сифатида ҳам шунчалик донг таратган

эди. Баъзан яққою ягона ўғли — мана шу Султонни ҳам кўпқарига эргаштириб бориб, бирон-бир томошабиннинг отини сўраб оларди-да, уни миндириб, бир оғизгина: «Эҳтиёт бўл, ўғлим!», деб қўярди. Хуррам ўғлига чавандозлик билан бирга мисгарликни ҳам ўргатарди. Бироқ, Султон бу ҳар икки бобда ҳам отасига тенглашолмади: уруш бошланиб қолдию отаси кўнглиллilar сафида фронтга кетди. Икки йилдан сўнг, мактабини тамомлаб, колхозда ишлай бошлаган Султонга ҳам қақирув қоғози келди... Чол унинг аскарликка жўнаган кунини яхши эслайди. Ушанда Султон, кифтида сафар халтаси, эрталаб колхоз идораси олдидан ўтиб ҳарбий комиссарлик томон бораркан, йўл-йўлақай Назарнинг кабинетига кириб, шундай деган эди:

— Мен кетяпман, амаки...

— Биладан, — деди Назар унинг гапини бўлиб. — Соғ бориб, саломат кел.

— Раҳмат. — Султон хижолат чеккан каби бир муддат жим қолиб, сўнг яна Назарга қаради. — Мен бир илтимос билан...

— Қани, эшитайлик-чи.

— Хабарингиз бор, онам неча вақтдан бери касал. Уйда егулик ҳеч нарса ийқ. Агар идожи бўлса...

— Ҳозир хас ҳам беролмайман.

— Мен ҳозир берасиз, деяётганим ийқ, амаки... Саксон иш кунимга ҳақ олмаган эдим. Кузда, буғдой тақсимланаётганда мабодо эсингиздан чиқиб қолмасин, деб...

— Ҳа бу бошқа гап. Бўпти эсдан чиқмайди.

— Илтимос, амаки, менинг ҳақимни онамга албатта юбортирасиз-да. Унгача соғайиб қолсалар, балки ўзлари келиб опкетадилар.

— Сен хотиржам жўнайвер. Мен шу ерда эканман, онангини оч қўймайман. Нима, бошим иккитамидики, келиб-келиб аскарнинг ҳақини нутсам? — деган эди Назар.

Аммо у, гарчи ўша тонг Султонга берган ваъдасини унутмаган бўлса-да, кузда унинг тегишини онасига жўнатмади, унинг ҳақини ўзининг бир оғайнисига бериб юборди. Ҳатто бир киш кунни инқиллай-инқиллай беморнинг ўзи унинг олдига келиб, ўлигини ташлаудек бўлиб минг илтижо қилган бўлса ҳам, икки кило арпа унини ҳам раво кўрмади. «Омборда биттаям дон бўлмаса, нима қилай?!», деб қўяқолди.

Шу гапдан икки кун ўтгач, қишлоқ жарчиси азон пайти Назарнинг дарвозасини тақиллатиб келиб, Хуррам мисгарнинг хотини қазо қилганини айтди ва марҳумани кўмгани маслаҳат сўради. Назар уйқузираб турар, дам-бадам эснаб қўяр эди. Бу нохуш хабарни эшитиб унинг киприги ҳам қилт этмади, усти-боши қордан оппоқ оқарган, аёзнинг зўридан тишини тишига урганча қалтиллаб турган жарчига қараб совуққонлик билан: «Ўзларинг кўмаверинглар, менинг бошимда минг бир ташвиш. Деярли худонинг ҳар кунни қишлоқда ўлим, ҳар бирига бораверсам, бу колхоз сабилнинг ишини ким қилади?!», дея дарвозасини унинг юзига ёпдию уйига кириб кетди.

Кўклам бошларида Хуррам мисгарнинг номига ҳам қорхат келган, Назар уни хат ташувчининг қўлидан олиб, кўнглида: «У қиёматқоимдан ўғлининг ҳам тирик қайтиши гумон», дея бутунлай хотиржам юрар эди; борди-ю, урушга кетган аскарнинг ҳақини егани бирор кун тегишли одамларнинг қўлоғига етса, «Онасига берган эдим», дейдию қутулиб кетади. Лекин бу гап Назар айниқса ҳадиксираб юрадиган кимсаларнинг қўлоғига етмаган бўлса ҳам, уруш тугаб, худди қасд қиландек, Султон соғ бориб, бир мўйи тўкилмай омон қайтгач, айнан ўзининг қўлоғига етди.

Чолнинг ёдида: Султон қишлоққа кечқурун келдию эртаси эрталаб унинг кабинетига кириб, рўпарасида бир зум сукут сақлаб турди. Сўнг икки қадам олдинга юриб япалоқ қафтларини столнинг икки қиррасига тиради-да, хиёл энгашиб, ранг-қути ўчган кўйи стол ортидаги курсида қарахт ўтирган Назарга нафрат билан тикилганча, дона-дона қилиб:

— Каттакон акам! — деди.— Бу номардлингингизни ўла-ўлгунимча эсдан чиқармайман. Ўлсам, суяк-суягимда қолади.

Назар Султоннинг важоҳатидан чўчиб, аранг жойидан турди ва ўзини тушунмаганга олиб:

— Нима бўлди, Султонжон! — деди.— Келинг, олдин бир кўришиб кўяйлик. Кеча келганингизни эшитиб, кўргани бормоқчи эдим, кўлим тегмади. Узингиздан қолар гап йўқ, лаънати раисликнинг ташвиши бошимдаги сочимдан ҳам кўп...

— Яхшиямки, бормаганингиз, раис! Борганингизда, бу оёғингизни ҳам уриб синдирардим!

— Очиқроқ гапирсангиз-чи, нима бўлди ўзи? Нима учун мендан бунчалик хафасиз?

— Узингизни гуллика солманг! Мен сизни ҳозир шу ерга ётқизиб, қорнингизга юз марта тепсам ҳам, сен билу мен билмай, деб бирор кишига шикоят қилмайсиз. Чунки қилган гуноҳингиз ўзингизга маълум. Ахир, менинг онам ўлиб кетган бўлса, сизнинг номардлингингизни биладиганлар қишлоқда ҳали кўп.

— Ҳой Султонжон! Агар мен тўғримда бирон-бир қинғирроқ гап эшитган бўлсангиз, айтинг. Сизнинг олдингизда ҳеч қандай гуноҳим йўқ. Раҳматли онангизнинг аҳволдан тез-тез хабар олиб турардим. Меҳнат ҳақингизни боридаан ортиқроқ қилиб, мана шу елкамга ортиб,— дея у ўнг кифтини кўрсатди,— ўз кўлим билан янгамизга элиб берган эдим. Шу йигитгина эсон-омон қайтиб келиб, ота-онасининг кулбасини обод қилса эди, деб доимо йўлингизни пойлардим. Наҳотки, бугун энди менинг ана шу яхшиликларимни айтиш ўрнига, сизнинг қулоғингизга бошқа гапларни қуйган бўлишса? Ноинсофлар!

— Бекорларни айтибсиз! — деди Султон ғазабланиб.— Бу гапларингизнинг ҳаммаси ёлгон. Йўқ, рост, дейдиган бўлсангиз, мен сизни ҳозир битта жойга бошлаб бораман. Онам очликдан эмас, ўз ажали билан ўлганини ана ўша ерда исботлаб берасиз.

У Назарни ёқасидан олиб, кўчага судради.

Шу пайт қаёқдандир Воҳид пайдо бўлдию бу манзарани кўриб, Султонга ёпишди. У Султондан тўрт-беш ёш кичик эди, йиғламсираганча:

— Жон ака, отамга тегманг, бир марта гуноҳларидан ўтинг,— дерди.— Мен ҳаммасини биламан. Уйимиздан нон ўғирлаб, онангизга обориб берардим. Лекин фойдаси бўлмади, дардлари ўтиб кетган экан. У киши ҳар сафар мен оборган нонни ўзлари емай, етим-есирларга улашиб берардилар... Ҳаммасини билардим. Мен отамнинг бу гуноҳларини ҳеч қачон кечирмайман. Лекин сиз тегинманг, сиз бир марта бу кишининг гуноҳларидан ўтинг.

Султон бўшашиб, Назарнинг ёқасини қўйворди-да: — Илоҳим, шу боланинг феъли-хулқи сиздай отага тортмасин-да,— дея бошини қуйи солганча уйига қараб кетди.

«Мен отамнинг бу гуноҳларини ҳеч қачон кечирмайман», дея ичиде Воҳиднинг сўзларини такрорлади чол ва ўзига ўзи савол берди: наҳотки, фарзанд отасининг гуноҳларини тафтиш қилмоққа ҳақли бўлса? Наҳотки, ўшанда Воҳид йиғи аралаш Султонга айтган гаплар рост бўлса? Наҳотки, Воҳид шу кунга қадар ҳам отасининг гуноҳини кечирмаган? Агар ўз боласини унинг гуноҳидан кечолмаса, демак, ҳеч ким кечирмайди. У энди ҳаммасини ўзидан кўрсин. Модомики, шунча яшаб, лоақал бирон марта ортига ўғирлиб, кечган кечмишига назар солишни, ҳаётнинг келманавбат қошиққа ўхшаш эканини тан олишни ёстамаган экан, бугун энди бармоғини тишлашдан ўзга чораси йўқ. Чунки ҳаёт чиндан ҳам навбати билан келадиган қошиқ мисол энди унинг кўлидан қайтмас бўлиб кетган. Энди у бошқаларнинг, масалан, Султоннинг қўлида.

Бир пайтлар Турон тракторчи мажлисида унга қараб: «Кўп катта кетманг, ўртоқ Жобиров. Дунё — келманавбат қошиқдай. Бугун сизнинг қўлингизда бўлса, эртага бошқа бировнинг қўлида», деганда унинг бугунги кунини назарда тутмаганмикан? Ҳар ҳолда, Туроннинг айтгани тўғри чиқди. Дунё келманавбат қо-

шиқ экан, шундай бўлмаса, кейинчалик саккиз колхозни бирлаштириб, мана шу — тағ-туғининг тайини йўқ Султонга топшириб қўйишармиди? Тавба! У ўша мажлисида Турон тракторчининг гапларини киноя билан эшитаркан, «Бекорларни айтибсан-э, зотипасти! — деган эди ичиде.— Токи тангрим мени бандам дер экан, давримни сураман. Худо кўрсатмасин-у, бир кун бориб пиёда бўлиб қолсам ҳам, йиғиб-терганим етарли, ташвиш чекмайман. Сен, аҳмоқ, менинг ғамимни емай кўяқол, бемалол носингни отиб, ўша шалоғи чиққан тракторингнинг кетидан судралиб юравер».

Аммо чол бугун фавқулудда шуни англаб етдики, ҳаётда у аҳмоқ санаган Турон ҳам, бошқалар ҳам аҳмоқ эмас, балки унинг ўзи аҳмоқ экан. У то шу кунгача, умр бўйи бирча кирдикорларидан ўйлаб ўтирмай кўз юлиб, ўзини фириб домига ташлаб яшаганини билмаган экан. Шунга англадию дилидаги дардни ҳозирнинг ўзиде бирор кимсага тўкиб солмаса, ёки лоақал, ҳақиқа хиёнат қилган, ўзига ғаразу ҳасадгўйлик билан қараган кишиларининг бирортасидан узр сўрамаса, гўрида ҳам тинч ётолмаслигини сезди.

Ўғли уйга қайтиб кирди.

— Ошнангни кузатиб қўйдингми? — деб сўради чол кўзини ундан олиб қочиб.

— Ҳа, кузатдим.

— Нега бунчалик тез жўнади?

— Шошиб турган эди. Яйловга, чўпонларнинг олдига бориши керак экан.

— Ҳа-а, шунақами, майли... Турон... тракторчи... уйдамикан?

— Билмадим. Уйда бўлса керак.

— Бир хабар ол-чи, ўғлим... Бўлса, бу ёққа қақириб кел... Дадамнинг аҳволлари чатоқ, сизни сўраятилар, дегин...

Воҳид чиқиб кетгач, чол деворга суянган кўйи ҳаёлчан мудраб ўтирган кампирга назар ташлади. Кампир нигоҳни пайқаб, гўё ногаҳоний бир садо ҳаёлини бузган каби жонсарақлангача, вужуди қулоққа айланиб, унга кўз тикди.

— Ўша халтачани бу ёққа ол.

— Қайси халтачани айтяпсиз? — деди кампир тушунмай.

— Кеча берган эдим-ку...

— Ҳушим кўрсин, эсимдан чиқибди,— деди кампир ва ўрнидан туриб тахмондан, кўрпаю кўрпачалар орасидаги чиройли гиламининг қатидан озги маҳкам боғлоқлик, устини ёғ босган чарм халтачани олиб, чолнинг ёнига қўйди.

— Утир.

Кампир ўтиргач, чол халтачани олдида тортди-да, оғзини очмоқчи бўлиб хийла уринди, аммо эллаёлмади: мадорсиз бармоқлари титраб, унга итоат қилмас эди.

— Узинг ечақол,— деди охири халтачадан кўлини олиб.

Кеча у минг машаққат билан тўшақдан туриб, омор бурчагидаги синчлар орасидан, қора кунга асқатадиган нарсаларини сақлаб қўйиш мақсадида неча йил олдин ўзи ясаган хуфия ковақдан шу халтачани олиб чиқиб, кампирнинг қўлига тутқазган ва бундай деб тайинлаган эди: «Айтиб бўлмайди, эртага бир кун бандаликни бажо қилгудек бўлсам, буни Воҳидга бериб, отангнинг бисоти, сенга васият қилган эди, тежаб сарфлагин, дейсан...»

Кампир халтачанин оғзини ечиб, мўйсафидга қаради: «Нима қилай?»

— Ичидагини ерга тўк.

Кампир халтачани гилам устига бўшатди.

Чол бели бойланган, бири нуқул элликталигу иккинчиси йигирма беш сўмликдан иборат икки даста пулга, бир неча тилла узугу билагузукларга ва қопқоғу нозик занжирлари ҳам тилладан ясалган қадимий чўнтак соатига бир лаҳза бефарқ тикилиб тураркан, уруш йиллари ҳар бирини икки-уч кило бугдой ёки икки-уч газ бўз эвазига қўлга киритгани бу буюмларнинг эгаларидан кўпчилиги ҳозир ҳаёт эмаслигини ўй-

лади; бу саккиз минг сўмининг ҳам талай қисми эгри йўллар билан келган ҳаром пул.

Одамзод гўрга икки қўли қуруқ кетишини у нега олдинроқ билмади, билса ҳам ўйлаб кўрмади?

«Аҳмоқсан, Назар! — деди чол ўзига ўзи.— Кеча бу нарсаларни кампирингга тутқазиб, ўлимингдан кейин ўглингни топширишни тайинладинг. Лекин, сенга буюрмаган бу матоҳ бир кун бориб ўглингни ҳам буюрмаслигини ўйламадинг. Эгрилик билан топилган мол-дунё ҳеч кимга вафо қилмаслигини унутдинг».

У кампирига қаради ва чуқур бир хўрсиниб:

— Соатни ёстигимнинг остига тиқиб қўй,— деди.— Бошқасини йиғиштириб ол. Булар қаёқдан келгани ўзингга маълум. Улганимдан кейин буни нима қилсаларинг қилинглр.

Сўнг кўзларини юмиб, кўнгли беҳузур бўлаётганига қарамай, Турон тракторчи келганида ўша ноҳуш воқеадан қандай сўз очишни ўйлаб кетди. У қизикқонроқ киши. Буни эшитиб, жон узиш олдида турган одамга қаттиқроқ гап қилиб қолмасмикан? Унинг кўнглидаги дардни тушунармикан? Бу иши билан чол ўзининг бошқа гуноҳ-қилмишлари учун ҳам ундан уэр сўрамоқчи эканини англрмикан?..

Воҳид билан Турон тракторчи хонага кириб келганда, чол қўлларини кўксига чалиштириб, ҳамон кўзларини юмганча жимгина ётарди. Юзи қарахт ва жузда хунуклашиб кетган эди. Нотекис нафас олишидан кўкраги зўрға кўтарилиб-тушаётгани ва шу баробари сарғиш кўйлаги билинар-билинимас қимирлаб қўяётганини кўрмаса, одам мўйсифидинг вужудини жон тафти аллақачон тарк этган, деб ўйлаши мумкин эди.

— Утинг, амаки, юқорига ўтинг,— деди Воҳид Турон тракторчига тўрдан жой кўрсатиб.

Чол уларнинг хонага кирганини кампирининг шоша-пиша жойидан турганини сезган бўлса-да, худди ўглининг овозини эшитиб уйғониб кетгандек бир дақиқадан сўнг кўзини очди ва тепасида ҳамдардона боқиб турган Турон тракторчини кўриб, кучанганча ёстиқдан бош кўтармоқчи бўлди, аммо мадори етмади.

— Қимирламанг, кўшни, қимирламанг,— деди Турон тракторчи жонқуярлик билан, унинг тўшагига ёндош кўрпачага ўтиб ўтираркан.

— Хуш кепсиз...

— Хушвақт бўлинг, кўшни.

Турон тракторчи ўрта бўйли, яғриндор, истараси иссиқ қария бўлиб, қўллари узун-узун, бақувват кафтлари ҳам шунга мувофиқ — қадоқли эди. Олпоқ қалин мўйловларию мошгуруч қошлари буғдойранг юзи ва битта-яримта ингичка ажин тушган кенг пешонасига ярашиб турарди. Мулоийм боқувчи кўзлари шу қадар тийрак, ҳануз кўркам чехраси шу қадар тетик эдики, бу одам олтимш бешга кирган, деса ишонгингиз келмасди. У ўттиз йилча тракторчилик қилганидан сўнг — бундан беш йил аввал кексалик нафақасига чиққан эди. Ушандан бери қайтиб тракторга ўтирмаган бўлса-да, ҳамма уни ҳозир ҳам «Турон тракторчи» деб атарди. Ахир, бу теварак-атрофдан биринчи бўлиб область марказидаги курсда ўқиб, колхозга биринчи тракторни ҳайдаб келган одам шу эди-да.

— Тавба қилдим, худол Тавба... — дея аста инграини кўйди чол.

Турон тракторчи унинг юзига ачиниш билан боқди.

— Сал-пал тузукми?

— Бирнав, кўшни, бирнав... Шунисига ҳам шукур... —

У бир оздан сўнг қийнала-қийнала гапида давом этди: — Туриб-туриб, Воҳиджонни сизга юбордим. Кепсиз, раҳмат, бошим осмонга етди.

— Ўзим ҳам олдингизга кириб, сиз билан бирпас чақчақлашмоқчи бўлиб турган эдим, уста Салим келиб қолди. То юмушини битказиб, кузатгунимча қоронғи тушиб қолди.

— Мен сиздан мингдан-минг розиман, кўшни... Лекин... нима десам экан?.. Аттанги, энди ҳол-мадорим йўқ, чақчақлашадиган даврларимни елга созуриб қўйдим, ўзим, ўзим...

— Унақа деманг. Дард деган нарса одамнинг та-

насида икки кунлик меҳмон, келадию кетади. Худо хоҳласа, яна оёққа туриб кетасиз. Одам деганингиз бир терининг ичида неча бор семириб, неча бор озади.

— Шундайку-я...

Чолни йўтал тутди. Йўтали босилиб, андак нафас ростлагач, у Турон тракторчига «Бу дард менинг танамда жуда узоқ меҳмон бўлди. Энди мени тупроққа олиб кетмагунча тинчимайдигандай. Ортиқ ҳол-жоним қолмади. Вақт-соатим етди чоғи...», демоқчи бўлди. Аммо, кўнглидаги сирни ошкор этишга ошиққан чол бу гапни айтолмади; унинг ўрнига, ўзи билатуриб, сўради:

— Олимов нечанчи йили бизнинг райондан кетган эди?

— Қайси Олимов? — дея тушунмайроқ сўради Турон тракторчи.

— Хў-ўв ошангиз бўларди-ку, райком секретари. Кеча тушимда ўша одам, бошдан-оёқ оппоқ кийимда, каттакон бир боғда кезиб юрганмишу менга қараб: «Мулла Назар, бизнинг боққа келинг, кўчиб келинг, ҳув анави ҳужжрани сизга берамиз», деб вайрона бир чордеворни кўрсатармиш. Қайта-қайта «йўқ» десам ҳам, кўлимдан маҳкам ушлаб олиб: «Йўқ деманг, мулла Назар, энди сиз билан бизнинг кўшни бўладиган вақтимиз етди», деб кўярда-қўймай мени ўша чордевор томон етаклармиш... — У Олимовдан гап очиш мақсадида ҳозиргина тўқиб чиқарган «туш»ининг давомини айтолмай бир лаҳза лаб ялаб турди-да, сўнг: — Ўша, райком секретари Олимов-да, — деб қўйди. — У бир пайтлар уйингизга кўп келарди. Янглишмасам, ўтган йили ҳам бир келган эди... Ҳали ҳам борди-келдиларинг бор шеклилли?

— Ҳа, бор эди... — деди Турон тракторчи юзида таассуф шарпаси кезиб. — Қирқинчи йили кетган эди у.

— Душанбегга кетганмиди?

— Ҳа... — Турон тракторчи лабини тишлади. — Саккиз йилча ишлади бизнинг районда. Сиз ўша йиллари раис эдингиз. Эсингизда бордир, иш деса жонини аямасди раҳматли.

— Раҳматли дейсизми, нима, қаза қилганми?

— Ҳа, бутлур қаза қилди.

— Э-э, аттанг... Катта одам бўлиб кетган эди-я?

— Ҳа-а... — деб қўйди Турон тракторчи паришон. — Камтарин одам эди, катта-кичикка бирдай эди.

— Қайғурманг, кўшни, бу дунё ўзи шунақа бевафо... — Чол бирдан жимиб қолди.

Энди Турон тракторчи ҳам чуққ этмасди.

Воҳид бошини солинтирганча ғамгин ўтирарди.

Хонани дилгир бир сукунат чулғаб олган эди. Бу жимликини киртайган кўзлари гоҳо олайиб-олайиб кетётган чолнинг оғир-оғир нафас олишигина бузиб турарди.

Ошнаси Олимовни эслаб кўнгли бузилган Турон тракторчи шундай оғир жимлик ичида, у билан танишгани — қирқ учинчи йилнинг бошларидаги бир оқшомни беихтиёр кўз ўнгидан ўтказарди. Бу воқеани у Олимов қаза қилган кундан бошқа вақт сира эсламаган эди.

— Мен ўша Олимовдан доимо хавфсираб юрардим. У мен билан чиқишолмасди... Лекин яхши одам эди раҳматли, — деди чол қийнала-қийнала. — Агар янглишмасам, сиз у билан, қачон эди... уф... Даҳбеддан трактор ҳайдаб келаётганда танишсангиз, шундайми?

— Ҳа, ўшанда, ўша йили... — деб жавоб қилди Турон тракторчи ва ўша йили қиш кунларининг бирида тонг азонда аравага ўтириб, Даҳбедга йўл олганини хотирлади. Гупиллатиб қор урар, ҳаво совуқ эди. Бош устида аччиқ изғирин ғувиллаб, совуқ суяк-суяккача бориб етарди. Ёллари ва думларини қиров босиб бо-раётган, арпадан маст отлар гўё аёзининг дамидан тезроқ қутулмоқчидек шалоқ аравани жадал тортиб бо-ришарди.

Турон тушдан кейин манзилга етди. Бир фурсатда у ердаги қайсидир идорада (қайси идоралиги ҳозир ёдида йўқ) тракторга тегишли ҳужжатларни расмий-

лаштирди-да, ўша жойдаги тунука печ олдида исиниб, уйдан олиб келган нонининг ярмини бир пиёла қайноқ сувга ботириб еди, қолган ярмини чакмони остидан яна белига боғлаб, станция қаршидаги очиқ майдондан тракторни олиб, орқага қайтди.

У тракторни қор босган дара йўлидан авайлаб ҳайдаб келаркан, севинчдан терисига сиғмасди. Ҳаяжонданми ё аёзданми, бақувват кўллари хиёл титради. Ахир, у энди мана шу паҳлавон трактор билан ер ағдаради. Бир кунда камида йигирма жуфт хўкизнинг ишини бажаради...

Шундай хаёллар билан у йўлининг деярли чорак қисмидан ўтганда, тасодифан орқа филдираклари чуқурга ботиб қолган бир машинага дуч келди. Унинг олдида икки киши гарансиброқ турарди. Машинага баланд қилиб юк ортлган эди. Устига ёпилган брезент чодирнинг чет-четларидан рўзғор буюмлари кўзга чалинарди.

Турон тракторни йўл четида тўхтатди-да, тушиб машинанинг олдида борди.

— Нима бўлди? — деб сўради тракторни кўриб юзи ёришган шофёрдан.

— Чиқариб олишнинг иложи йўқ. Икки соатдан бери бекорга уриниб ётибмиз, — деди шофёрнинг ўрнига ҳамроҳи — чарм пальто кийган барваста одам.

— Чиқарамиз, — деди кулимсираб Турон.

— Биз ҳам узоқдан сизни кўриб, чиқариб бермагунча ўтгани қўймаймиз, деб турибмиз, — деди у ҳам жилмайиб.

Турон машинанинг атрофини бир айланиб чиқди-да, кабинада ўтирган болали аёлга кўзи тушиб, шўрликлар бу совуқда роса қийналишибди-да, деб ўйлади.

— Болаларингизми? — деб сўради у кабинага ишора қилиб ҳалиги кишидан.

— Ҳа, бизга қарашли.

— Чиқарамиз!

Барваста киши завқ билан кулди.

Турон тракторни олдинга ўтказди-да, шофёр билан бирга машинанинг симарқонини унга боғлади. Шофёр моторни ўт олдиригач, у бензтиёр «Ё Али!», дея пичирлаб, тракторни жилдирди. Машина икки-уч марта гувилладия силкина-силкина, филдиракларини чуқурликдан тортиб олди ва тракторнинг ёнидан судралиб, ўн беш-йигирма метр олдинга кетди.

Турон тракторни тўхтатди.

Ҳалиги киши унинг олдига югуриб келди-да, кимлиги қаерданлигини суриштириб:

— Насиб этса, бирга ишлаймиз. Мен сизни албатта топиб оламан, — деди жилмайиб.

Машина зум ўтар-ўтмас, Туроннинг аллақачон йўлга тушган тракторини ордда қолдириб кетди. Ҳалиги киши тобора узоқлашадиган машина устидан Туронга анча вақт қўл силкиб борди...

Орадан уч-тўрт ҳафта ўтгач, бир оқшом ўша чарм пальтоли киши Назар билан бирга унинг уйига келиб қолди.

— Эсингизда бўлса, мен сизни албатта топаман, деган эдим. Мена, ўша ваъдага кўра қидириб келдим, — деди у Туроннинг қўлини сиқиб.

— Хуш кепсиз!

Турон уларни очиқ чехра билан меҳмонхонага бошлади.

У азалдан Назарни хушламасди ва гарчи ҳозир ҳам уни кўриб, таъби хира тортган бўлса-да, сир бой бермай дастурхон ёзда, яхшилаб меҳмон қилди.

Меҳмон бамаъни, суҳбатижон одам экан. Турон ўша кеча унинг янги райком секретари Олимов эканини, дара йўлида учрашганларида у оиласи билан Душанбадан бу ерга кўчиб келаётганини билиб олди. Шундан кейин бир-бирларига ёқиб қолишдими, аста-секин дўстлашиб кетишди, борди-келди қиладиган бўлишди.

Бир гал Туроннинг уйда нохуш бир ҳодиса содир бўлиб, Олимовнинг олдида уни қаттиқ хижолатга қолдирди. У ҳали ҳам ҳар гал ўша ёз тонгини ва ўзининг ўшандаги ҳолатини эсларкан, одам боласи бахиллик ботқоғига ботиб, бировнинг оёғига қасддан болта ур-

моқ кўйига тушса, у ҳар қандай тубанликдан, ҳатто тасаввурга ҳам сиғмайдиган қабихликдан қайтмаслигини ўйлайди. Ахир, Турон кимнинг арпасини хом ўрибдики, шундай номардлик билан уни дўстидан ажратмоқчи бўлдилар!.. Ажабо! Худо бировга юрак ато этган бўлса, бировга бир парча тош ато этган экан-да.

Бу воқеа саратон кезлари, Олимовнинг Душанбага ишга тайинланишидан тахминан бир ойча олдин, районда у ҳақда: «Кетармиш, катта ишга кўтарилиб кетармиш», деган миш-мишлар юрган кунлари колхозга иш билан келиб, кеч кириб қолгани сабабли, район марказига кетмай, Туроннинг уйда, ҳовлидаги ёғоч каравотда тунаб қолган кеча юз берган эди. Турон тонг азонда уйқудан туриб, томорқасидаги бедазорда ўт ўраётган эди, Олимов ётган жойидан аста уни чақирди. Турон қўлидаги ўроқни бир четга ташлаб, каравотнинг олдида борди.

— Усти-бошим кўринмайди? — деди Олимов.

— Ҳазиллашманг..

Олимов кулимсираб, каравотнинг суюнчиғига қараб олди.

— Шу ерда эди... ана, қаранг — йўқ.

Турон каравотнинг ён-верига кўз югуртирди-ю, ростдан ҳам унинг кийимларини тополмай, ҳуши бошидан учди. Гўёки оёқлари остидagi ер ҳаракатга келгандек, боши айланиб кетаёзди. Ранг-қути учиб, каравотнинг бир четига беҳолгина ўтирдию ёқаларини ушлади.

— Тавба! — деб пичирлади у ва бир лаҳзадан сўнг, худди тайин қарорга келган каби жойидан ирғиб турди. — Балки болалар кечаси эҳтиётдан уйга олиб кириб қўйишгандир.

У шоша-пиша уйга кириб кетди, аммо бошини эгачча қуруқ қайтиб чиқди.

— Хафа бўлманг, — деди Олимов тўшакдан қўзғалиб, унинг елкасига қўлини ташларкан. — Сизнинг айбингиз нима? Менингча, бу бирор пасткаш одамнинг иши. Бу иш иккаламизнинг ўртамазига совуқчилик солиш мақсадида қилинган, албатта... — У бошини яна ёстикқа қўйди-да, ўйчанлик билан пешонасини силади. — Лекин ким у?.. Э, қўяверинг, садқаи сар. Ким бўлса ҳам бекорга овора бўлибди.

— Нахотки, худонинг ғазабидан қўрқмаса, — деди Турон аста ошнасининг кўзларига мўлтираб қараб. У сиртдан хотиржамдек кўринса-да, ич-этини ҳақорат ва хижолатлик кемирарди.

Олимов унинг ҳолатини пайқадими, қўл силтаб:

— Майли, Туронбой, кўп куйинманг, бош-кўзимдан садақа, — деди. — Нега бунча хижолат чекаясиз? Хижолатнинг ўрними ўзи? Қайтага хурсанд бўлинг, сизни кўролмайдиган одам борлигидан қувонинг.

Кейинги гапнинг маъносини унчалик англолмаган бўлса-да, Турон андак хижолатликдан чиқиб, енгил тортиди.

— Чўнтагингизда ҳужжат-пужжат йўқмиди ишқилиби?

— Йўқ эди, — деди кулиб Олимов. — Алами ҳам камроқ... Келинг, ўтган ишга саловот. Ортиқча бирон кийим-бошингиз бўлса, опкелинг, мен энди турай.

Турон нимдошроқ бир шим, чопон ва калиш келтирди.

— Энди, бу ишни ким қилди, нега қилди, деб ўтиришдан фойда йўқ. Вақт ғанимат. Отни минингу тез бизнинг уйга боринг. Аҳволни секингина уларга билдириб, менинг кийим-бошимни олиб қайтинг. Лекин эҳтиёт бўлинг, бу гапни ҳеч кимса сезмасин, — деди Олимов ва чопонни елкасига ташлаб, юсингани кетди...

Турон унинг кийим-кечагини хуржунга солиб район марказидан қайтаркан, колхоз идораси олдида Назарга дуч келди.

— Ия, Туронбек, Олимовнинг отини миниб юрибсизми? — деб сўради совуқ боқувчи қисик кўзлари олазарак бўлиб, қўлидаги қамчин билан дам-бадам этгининг кўнжига асабий уриб қўяётган Назар.

Турон ўшанда унга нима жавоб қилганини ҳозир

эслаёлмайди. Қулоғига ҳеч бир гап кирмай, отнинг жилловини ҳам тортмай, Назарнинг олдидан шитоб билан ўтиб кетгани ёдида, холос...

— Сув, су-ув...— дея ингранди чол.

Турон тракторчининг хаёли бўлинди.

Воҳид бир пиёла сув келтирди ва отасининг бошини оҳиста кафтига олиб кўтарди-да, пиёлани унинг лабига тутди, аммо чол бир қултумдан ортиқ ичолмади; томоғидан ўтмаган бир неча томчи сув қонсиз лаблари четидан сизиб, соқоли оралаб пастга оқиб тушди.

— Қўшни,— деди чол бошини ёстиққа қўйгач.

— Лаббай?— Вақт ярим кечадан ошгандир, дея ташивланиб ўтирган Турон тракторчи унга савол назари билан қаради.

— Биласизми, мен сизни нима учун чақиртирдим?— деб сўради чол ва шу заҳоти худди бир жойида қаттиқ оғриқ тургандек юзини буриштириб, узоқ вақт жим қолди. Сўнг тутила-тутила ўзи жавоб берди:— Йўқ, қ-қў-ўшни, бил-ме-ай-сиз. Ме-ен си-сиз-нинг олоднингиз-да... ке-кейин, ҳо-ҳо-зир ҳам...— Қўрқувдан кўзлари олайиб кетган чол энди қўлларини беҳол қимирлатиб, худди бўш ошқовоққа кириб қолган аридек ғунғиллар, нима деяётганини тушуниб бўлмас эди.

Воҳид ранги ўчганча сапчиб ўрнидан турдию қўрқув аралаш отасининг елкасига қўл теккизиб, шоша-пиша титроқ овозда сўради:

— Дада, сизга нима бўлди? Дада... Нима бўлди, дада?..

Кампир бармоғини тишлаганча тек турарди. Унинг серажин, дардчил юзидан сезилар-сезилмас ҳайронликдан бошқа ифодани уқиб бўлмасди.

Воҳиднинг овози титраб-титраб чиқарди:

— Дада, нима бўлди?..

«Шўрлик, тилдан қолди», деди ичида Турон тракторчи ва Воҳиднинг қўлидан ушлади:

— Утинг, ўғлим, ўтиринг.— Сўнг хира кўзларини чолига тикканча ҳамон бояғидек қотиб турган кампирга ўғирилди:— Озгина тоза пахта беринг, синглим.

Кампир бир чўчиб тушди ва бармоғини оғзидан олиб, лабини тишлаганча соядек шарпасиз, тўрга ўтди. Қачонлардан бери эшик ортида турган, совуқ нафаси билан ҳар куни кампирни қўрқувга солиб келган даҳшат ниҳоят хонага бош суққанини у алам билан эндигина сезди.

Турон тракторчи пахтага ҳўллаб, чолнинг ҳалқумига сув томизди, аммо у «ҳожати йўқ» деган маънода бош чайқади.

— Тинчланинг, қўшни, қўрқманг, ўтиб кетади.

Чол Воҳидга кўз ташлади ва лабини қимирлатиб боши остидаги ёстиққа ишора қилди. Воҳид унинг мақсадини тушунмади. Чол ёнбошлаган қўйи қийнала-қийнала қўлини ёстиқ орасига тиқиб, соатни олди. Бир нафас Турон тракторчига маъноли тикилиб турди-да, соатни олдига қўйди ва дам-бадам бош ишораси билан диққатини унга қаратмоқчи бўлиб, қарийб ярим соатча «гапирди».

«Сизнинг олдингизда гуноҳим катта, қўшни,— дер эди чол унга.— Мен бир вақтлар сизга ёмонлик қилганман. Бунга ўша ошнангиз... Олимов сабаб бўлган. Нимага у Турон билан, қорамойга беланиб юрадиган бир тракторчи билан қалин ошна-ю, мен билан эмас, деб доим ич-этимни ер эдим. Мен неча марта қўй сўйиб, уни уйимга таклиф қилган бўлсам ҳам, ҳар гал бирор баҳона толиб, келмасди... У зийрак одам эди, мени жуда ёмон кўрарди.— Чол Турон тракторчининг хотиржам чеҳрасидан кўз узмас, у ўзининг ноаниқ ғўлдирашларига қулоқ тутиб турган бўлса-да, нима демоқчилигини тушунмаётганини сезарди. Шунга қарамай, эҳтимол соатни таниб, Олимовнинг йўқолган кийим-кечагига боғлиқ ҳодиса ёдига тушар, деган умидда «гапи»ни давом эттирарди. Турон тракторчи ҳеч қачон Олимовнинг қўлида бу соатни кўрмаганини, кўрган бўлса ҳам эътибор бермаганини билмасди у.

— Мен уни ўша, колхозга охириги марта келган куни кечқурун ҳам, бирпас меҳмон бўлиб яйрасин, деган

ниятда уйимга таклиф қилган эдим. Лекин у: «Раҳмат, ташвиш чекиб ўтирманг, мен жуда чарчаганман», дея кўз олдимда сизнинг ҳовлингизга кириб кетди. Бу иши менга юз калтақдан ҳам оғирроқ ботиб, кечаси билан ухлаёлмай чиқдим. Тўшак кафанга айланиб, нафасим ичимга тиқиларди. «Наҳотки, сенинг шу қорамой тракторчичалик қадринг бўлмасал! Наҳотки, сенинг ош-нонинг ҳаром бўлсал! Агар ориятинг омон бўлса, агар мард бўлсанг, жойингдан тур, сен ҳам ўшаларинг иззат-нафсини оёқости қил, ҳечқурса, ошначилигига раҳна сол», деб қистарди шайтон елкамга миниб олиб. Ана шунақа, қўшни, мен шайтоннинг сўзига кирдимиз аҳмоқчилик қилиб, тонг ёришмасдан боғингиз этагидаги девордан ҳовлингизга ошиб тушдим-да, Олимовнинг кийимларини ўғирладим. Чўнтагидан мана шу тилла соат билан озгина майда пул чиқди. Мен бу гапдан кейин муносабатларингиз бузилиб, сиз маломатга қоласиз, деб қаттиқ ишонган эдим. Ахир, аҳмоқ эдим-да, бошқаларни ҳам шундай деб ўйлар эдим. Лекин кўтганим чиқмади, сизлар илгаригидай ошна бўлиб қолавердиларинг... Кейин ҳатто, гап ташишга суяги йўқроқ бир одамни ишга солиб, қишлоқда «Олимов Турон тракторчининг уйида кийим-бошини ўғирлатибди», деган миш-миш тарқатиб, бир гал унинг ўзига шунчаки гап келганда айтгандай қилиб: «Яхши иш бўлмабди. Туроннинг шунақа одати бора, ўзи олиб қўйгандир», деб кўрган бўлсам ҳам, натижа чиқмади. У юзини буриштирди-да, менга теккизиб, «Эркак кишининг гапи эмас бу», дея норози қўл силтаб қўйди, холос... Майли, энди пушаймонга паноҳ йўқ... Бу соатни олиб қўйинг, қўшни. Бу ўша Олимовнинг соати. Бирор вақт Душанбега йўлингиз тушиб қолса, болаларига етказарсиз. Минг афсуски, кийим-кечагини қайтиб беролмайман. Мен уни ўша воқеадан бир йил ўтгандан кейин шаҳарга олиб бориб, бир эскифурушга пуллаб юборган эдим.— У яна Турон тракторчига соатни кўрсатиб имо қилди.— Олинг, қўшни... гуноҳимдан ўтинг. Мен имонсиздан рози бўлинг. Сал бўлса ҳам бу дунёдан хотиржам кетмоқчиман. Олингу рози бўлинг...»

Турон тракторчи дам беҳол кўзлари тобора нурсизланиб бораётган мўйсифидга, дам унинг қаттиқ таҳликага тушган кампир билан ўғлига саволомуз тикиларкан, нега у бундай бетоқат бўлиб соатни кўрсатётганига ҳайрон эди.

Чол буни фаҳмлаб, имо-ишора билан яна бир неча дақиқа ғўлдир-ғўлдир қилди-да, соатни зўрга қўлига олиб, Турон тракторчининг кафтига қўймоқчи бўлди, аммо у чўпдек итоатсиз бармоқлари орасидан сирғалиб, чироқ ёғдусида ялт-юлт товланганча гиламнинг устига тушди. Чол бир марта қаттиқ инграндию қайтиб оғзини очмади.

У энди кўзларини чирт юмганича пишиллаб нафас оларди.

Турон тракторчи ташвишга тушиб, чолнинг ҳалқумига яна озгина сув томизди ва гиламнинг устидан соатни олиб Воҳидга узатди. Воҳид унга қиё ҳам боқмай дераза рафига ташлаб қўйди...

Чол тахминан икки соатлардан кейин кўзини очиб, худди бир нимадан кўрққандек, ҳайрат билан хонанинг шифтига тикилди. Заҳил қовоқлари бир зумгина пирпирарди. Сўнг қимтилган лаблари орасидан паст, ҳазин бир сас чиқди, бу на нафасга ўхшарди ва на оҳга...

«Узилди, жойи жаннатда бўлсин», деди ичида Турон тракторчи.

Бу ҳолдан бир лаҳза нима қилишини билмай каловланиб қолган кампир чурқ этмай Турон тракторчига бир парча сурп узатди. У сурпни олиб, эҳтиётлик билан чолнинг яғини боғлади-да, унинг ҳайрат ва пушаймонлик ифодаси қотиб қолган кўзларига оҳиста қўл чўзди. Аммо ҳарчанд уринмасин, қовоқларини ёполмади. «Ё тавба!— деб ўйлади Турон тракторчи негадир кутилмаганда ошнаси Олимовнинг ўлими эсига тушиб.— У раҳматли кўзини ўзи юмган эди... Марҳумнинг кўзи очиқ қолса, дунёдан норози бўлиб кет-

гани дейишади... Айтишларича, ёмон одамнинг кўзи ҳам кўпинча... Наҳотки, шу гап рост бўлса?»

Турон тракторчи марҳумнинг қовоқларини силай-силаи бир амаллаб бекитди-да, аста жойидан турди. Кампир хонада кўринмасди.

— Дада, дада...— дер эди Воҳид ҳиқиллаганча.

— Йигламанг, Воҳиджон. Ота-она қазоси — мерос,— деди Турон тракторчи ва бир дақиқа хаёлчан қолиб, кўшиб кўйди: — Туринг, ҳозирлигингизни кўринг, мен бориб жарчини толай...

Турон тракторчи кўчага чиқди. Тун бўзара бошлаган, ҳаво совуқ эди. Кўкиш осмоннинг шарқий чеккасида, совуқ ва заиф шуъла сочаётган беҳисоб юлдузлар аро жуда яқин кўринаётган бир юлдуз чақнаб турарди.

«Тонг юлдузи», деди ўзича Турон тракторчи ва бирпас унга тикилиб қолди. Шу пайт қаёқдандир дайди куз изғирини эсиб, юзини ялаб ўтди ва шу баробар бояги чарақлаган юлдуз шамолда қолган чироқ мисол бир милтилладию кўздан ғойиб бўлди, теварак-атроф қоронғилашиброқ кўринди. «Лаънати, карвонкуш юлдуз экан, янглишибман, ҳали тонг отмабди», дея кўнглидан кечирди Турон тракторчи ва бир зумга унутгани чолни яна эслаб, туйқус хаёлига бир фикр урилдию ҳайрат билан қайтиб осмонга қаради. У ерда энди юлдузлар ёрқинроқ порларди.

Чолнинг ҳаёти нимаси биландир ана шу карвонкуш юлдузнинг саробсимон ёғдусига ўхшашдек туюлди унга. Лекин нимаси билан ўхшаш? Турон тракторчи бу ҳақда ўйлаб кўрмади, тўғрироғи, бош қотириб ўтиришни истамади ва тез-тез қадам ташлаб жарчининг уйига олиб борадиган торкўчага кирди. У йўл-йўлакай кўнгли бузилаётганини туйди. Шўрлик чол... Кейин кўз олдида Олимовнинг сиймоси гадаланди. «Ким бўлса ҳам бекорга овора бўлибди», дер эди у пешонасини силайтуриб.

«Бекорга, беҳуда... Алдоқчи юлдуз», дея пичирлади Турон тракторчи.¹

У жарчининг ҳовлисига яқинлашган сари кимни эслаб кўнгли бу қадар ўртаниб кетаётганини ва нега кўзлари хира тортиб, йўлни тузук ажратолмаётганини билолмай гаранг эди...



АВЕТИК
ИСААКЯН

(Арманистон ССР)

Арман меъморлари

Куз кечар... кезурман далалар аро.
Арарат бошида порлар янги қор —
Қандай у нурафшон! — тип-тиниқ само.
Пастда шамол эсар ўжар, жаҳлдор,
Тик ўсган теракни Гайк — отамиз
Ёйидек эгар у. Атроф кимсасиз.
Аммо ёлғизликдан эмасман якто,
Қаршимда хароба — мозийдан садо.
Бунда бўрон мисол елмиш даврлар
Ва қолмиш ёлғиз шу мағрур деворлар.
Юртим саждагоҳи! Ул қаро кунлар
Куйган ҳаёт узра турдинг сербардош,
Кўксингда чиқмади кўрқинчли унлар,
Гумбазларингга боқиб куч олди қуёш.
О сенга инонди ғамдийда бу халқ!
Бужур тошларингга лаб босиб илҳақ —
Билди дардда ёниб руҳи, дил қони:
Мозий шарофати — келажак шони.
Эй, улуг девору гумбазлар! Ғамнок
Халқим билан мудом мангу барҳаёт
Ҳақиқат, жасорат, етукликнинг пок
Сўзи-ла қилдингиз сирли мулоқот.
Толмас куч ва юксак орзу манбаи —
Шавкатли ўтмишдан сиз бизга дарак!
Гўзаллик юртини зўр қалъа каби
Қора қисматлардан асролди юрак!
Нақшин гумбазларга кўз тиккан халқим
Англайди — уларда орзуси пойдор,
Юксак деворларда қутлуғ умиду
Муқаддас ўйларнинг ўлмас руҳи бор!
Уктам халқ жанглардан бош эгмай ўтди,
Жанг тинган пайтларда ўсди, куч йигди
Ва озод юртини севиб, сертуғён
Юракда борини этди армуғон.

Хуршид ДАВРОН
таржимаси

¹ Карвонкуш юлдузи тонг юлдузидан бир-бир ярим соат олдин пайдо бўлади. Қадимда буни гоҳо тонг юлдузи деб ўйлаб йўлга чиққан карвон ҳалокатга учрар, унга қароқчилар ҳужум қилар экан. Ривоятга кўра, карвонкуш фалокат келтирган.



**ЭРКИН
ВОҲИДОВ**

Келажакка мактуб

Иван Васильевич — даҳшатли подшоҳ
 Ғазаби жунбушга келганда ногоҳ,
 Темир асо билан уриб ўғлини,
 Фарзанд қони билан бўяб қўлини
 Ўзи даҳшат ичра лол қотган чоғда,
 Худди ўша лаҳза,
 Йироқ-йироқда,
 Ўзга мамлакатда ўзга бир тождор —
 Ул ҳам беҳуш ётган ўғли узра зор
 Кўкка қўл чўзганча чекарди фиғон:
 «Менинг жонимни ол, эй, парвардигор,
 Аммо шаҳзодани қолдиргин омон!»
 Мирзо Бобир охи фалакка етди,
 Ҳумоюн кўз очди.
 Соат ба соат —
 Ҳаётга қайтди-ю ўғлон саломат,
 Отани хасталик тўшакка элтди.
 Сокин шифтга боқиб ётар Бобиршоҳ,
 Умри битганидан юраги огоҳ.
 Соҳиби салтанат, соҳиби қалам,
 Кўнглида шукрона ва битмас алам.
 Шукрим, куймади фарзанд доғида,
 Аламким, ўлмади юрт тупроғида.
 Шукрим, байтларда номи қолажак,
 Аламким, зобит дер уни келажак.
 Шукрим, бу юртни қилолди обод,
 Аламким, муҳтожлик бўлмади барбод.
 Гадолар юртидир бу гавҳар тупроқ,
 Шу боис шукридан алами кўпроқ.
 Бошида валиаҳд ўлтирар ёлғиз,
 Ёш келмас кўзлари мўлтирар ожиз.
 Рангпар чехрасида унинг шоҳ Бобир
 Бенажот салтанат рамзин кўради.
 Мана,
 Тўллаб сўнги саботни шоир
 Аста қўл узатди,
 Қалам сўради.
 Шоир «Қалам» деди.
 Янги бир ғазал,

Янги рубоийми келар дунёга!

Йўқ.

Хат ёзар бўлди шоҳ Бобир бу гал,
 Мактуб битар бўлди ўрис подшога¹.

«Фоний бу дунёда холиқи қудрат
 Подшолар амрини қилмишдир вожиб.

Сизга Русь тожини кийдирган қисмат
 Бизга Ҳинд тахтини кўрмиш муносиб.

Бахтми бу бахтсизлик — оллоҳга аён.
 Не бўлсак ҳақ амри ифодасидир.

Ва лек эллар аро жангу альамон
 Эмди бу подшолар иродасидир.

Бу ғамлик, бевафо, фоний оламни
 Тарк этмоқ муҳаққақ шоҳу гадога.

Фақат эзгу ишлар насли одамни
 Марғуб этгусидир икки дунёга.

Кўп кўрди бу замин одат ва қирон
 Тингламоқ чоғидир адолат сасин.

Эй, халқи бешумор, юрти бепоён —
 Буюк шоҳ, боғлайлик дўстлик риштасин.

Мен — салтанат шоҳи, йўқ, саргашта жон
 Ҳақиқат излаган дунёда якка.

Машриқ сийнасида силқиб ётар қон,
 Эй, шоҳ, Сиз ёр бўлинг ҳинду ўзбакка.

Умрим поёнида мен кўрган нажот
 Қисмат саҳросида балки саробдир.

Аммо ният қилдим ўқиб савот,
 Пок ният ўзи ҳам олий савобдур.

Шоядким бир бўлса рус, ҳинду ўзбак,
 Жаҳоний зулматни енгмоққа қодир.

Сизга тилагучи тангридан кўмак —
 Имзо — Заҳириддин Муҳаммад Бобир».

Олис Россияга етиб келди хат,
 Неча тоғлар ошиб, денгизлар ошиб.

«Сизга Русь тожини кийдирган қисмат
 Бизга Ҳинд тахтини кўрмиш муносиб...»

Қайси Ҳинд!

Қайси тахт!

Бу қандай диёр!

Нечук империя! Хитойми, мўғул!

Иван Васильевич — кекса ҳукмдор
 Бир дақиқа бўлди хаёлга машғул.

Сўнг тасалли топди:

Бор бўлса бордир,

Дунё кенг, эллар кўп, билмоқ душвордир...

Шоҳ Иван Грозний маъзур.


Бу мактуб

Унга тегиб қолди тасодиф фақат.

Унга тегиб қолди хатолик ўтиб,

Олис келажакка жўнатилган хат.

¹ Буюк мўғул империяси деб аталган салтанат асосчи-си Заҳириддин Муҳаммад Бобир Улуғ Русь императори Иван Васильевичга (Иван Грозний) мактуб ёзиб элчи юборган.



ГРАНТ
МАТЕВОСЯН

МЕСРОП

Х И Қ О Я



Русчадан

Мурод МУҲАММАД ДУСТ

Таржимаси

арманилар тарихини отбоқар сув қилиб ичган эди. Гўёки ўзининг армани эканини расмона англайдиган ягона одам ҳам унинг ўзи. Бошқалар ўзларининг анчайин чўпон, подачи, соғувчи, бузоқбоқар эканликларини кеч куз билан водийга тушиб кетишлари ва яна кун исиган паллада тоққа чиқиб келишларини билишарди, холос. Отбоқар эса, бунақа нарсалар озлик қиларди, унга ҳатто тоғ тепасидан очилгувчи кенг уфқлар ҳам тордек туюларди ва шу боис ўзи сув қилиб ичган армани тарихини оғиздан қўймас эди. Жиндак ёлғон ҳам қўшарди, негаки, унинг нақлларидаги арманилар тарихи бир қарасанг — ўн минг йил ортдан, яна бир қарасанг — гўёки кечаги кундан, дейлик, 1900 ёки 1907 йилларнинг нари-берисидан бошланарди. «Патриархимиз Зармайр Троя шаҳрида юнонларга қарши урушган,— деб ҳикоя қиларди у.— Патриархимиз Зармайрни кимсан — Ахиллнинг ўзи ўлдирган. Ишонмасанг, «Илиада»ни ўқи». Сал ўтмай нимадандир жаҳли чиқардию аввалги гапининг бутунлай тескарасини айтиб қичқирарди: «Ҳаммаси бекор! Арманиларни тарихчи Лео ўйлаб чиқарган! Леогача ҳеч қанақа армани-пармани йўқ эди! «Кўппак билан мушук». Бу китобни Ованес Туманян ёзган. Гўё мушук телпакдўз бўлган эмиш! Ҳаммаси уйдирма! Мушук ҳеч маҳал телпакдўз бўлмаган! Кўппакка телпакнинг нима кераги бор! Ованес Туманян деганлари столга ўтиргану ҳаммасини тўқиб-бичган, нариги столда Лео ўтиргану арманилар тарихини ўйлаб топган. Патриарх Зармайр эмиш... Кўнгил қўрғур ёмон... қўйиб берсанг, яна нималарни тусамайди!..»

Ҳамқишлоқлари — чўпонлар, соғувчилар, бузоқбоқарлар Месропга бир нима дейишолмасди, улар пода боқиш, сигир соғиш, қўйнинг жунини қирқиш ва яна минг бир ташвиш билан овора эдилар. Лео, Ованес Туманян, Зармайр, эрамизгача бўлган вақту эрамизнинг ўзи, 1907 ва бошқа йилларга келсак, бу нарсалар гўё Месропнинг уйдаги ашқолдашқолларга ўхшарди, истаса бу ёққа олиб қўяди, истаса — бошқа

Расми 3. МАЛАХОВА чизган

«Ёшлик»ка тилагим

Хотимизни эшитиб олганда,
 Ўзбекистондаги ҳаётнинг
 Ниҳоятли аҳамиятини билганда
 Ҳамма нарса ўзгариб кетди
 Қўнғил қўймоқ — бундан қийини йўқ.
 Она сайёрамиз кичрайиб бораётган ҳозирги даврга
 келиб биз ҳаммамиз тобора яқин қўшниларга
 айланиб қолмоқдамиз. Ўз ўқувчилари қалби-
 да Ватанимиздаги барча халқларга нисбатан
 меҳр-муҳаббат туйғуларини жўштиришида
 ўзбек журнали «Ёшлик»ка чин дилдан му-
 ваффақиятлар тилайман.

Г. МАТЕВОСЯН

Эр. Ширинларнинг

ёққа. Чамаси, отбоқар шу тахлит гаплар билан, пешона-
 насига асли сайислик эмас, балки бошқача бир оли-
 жаноб йўсин ёзилганини айтмоқчи бўларди.
 — Саркардан Тигран, — дерди у қўлларини тепага
 очиб, — у киши нақ шаҳаншоҳ, яъни шоҳларнинг ҳам
 шоҳи эди. — Шу жойда бирдан қўллари ёнларига шал-
 вираб тушардию бутунлай бошқача, чийилдоқ овозда
 давом этарди: — Ана шу шоҳ кўшин йиғди. Йиғди,
 йиғаверди, нақ мингта черик йиғди. Юз минг йиғди.
 Ярим миллионга етказди. Миллион нафар йиғдию ҳам-
 масини бой берди. Шоҳларнинг шоҳи, мардларнинг
 марди... Бунисига нима дейсан?... Хон, рожа, маҳаро-
 жа, шоҳ, ҳарамиям бор, ҳарамида мингта яланғоч хо-
 тин билан тиззаси қалтираган қари подшонинг ўзи,
 яъники ҳукмдоримиз Тигран... Шоҳлар устидан шоҳ
 эмиш!.. Ваан бўри. Келганини урди, келганини урди,
 яна келишувди, бу киши яна урди, ҳаммасини уриб
 мажақлаб ташлади. Бу киши урди, бошқалар санаб
 турди, бу киши яна урди, улар санайверди. Қурбон-
 ларни санаб-санаб, нақ миллионга етишди, миллионга
 етиб қарашсаки, бу дегани бутун бошли бир Эрон
 экан! Ана шундай! Энди Эрондан асар ҳам йўқ. Уни
 ўшанда бизнинг Ваан бўримиз тору мор қилган, ку-
 лини кўкларга совурган...
 Яна бирпас туриб, бутунлай аксини айттарди. Айт-
 ганлари, ўша-ўша-ю, лекин маъноси дигар:
 — Келганини мот қилди, келганини мот қилди, яна
 келишувди, бу киши яна алдади, гўдак қилиб лақил-
 латди, ахийри, безор бўлиб келмай қўйишдию икки
 ўртада сулҳ тузилди. Кейин турклар келишди. Кўкси-
 мизга ажал бўлиб ташланишди. Улардан кейин тирик
 қолган одам фахрланса бўлади. Фаҳрга арзирли би-
 сотимиз бор. Ўзиям жуда ғалати миллат чиқдикми, а?
 Тўрт минг, йўқ, беш, ўн, роса ўн минг йилдирки, ёруғ
 дунёда барқарормиз, бу дейман, яшаш жонимизга
 тегмаганини қаранг-а!

Турган гапки, унинг сўзларига биров чапак чалмас-
 ди, лекин унга тузукроқ эътироз билдирадиган кимса
 ҳам топилмас эди — одамлар ўзларининг ҳар кунги
 юмушлари билан овора: пода боқишарди, сигирлари-
 ни соғишарди, қўйларнинг жунини қирқишарди, ём-
 ғирда ивиб, офтобда қайтадан қуринишарди, қўшни
 озарбайжонлар билан уларнинг тилида сўзлашишар-
 ди, яхшироқ гаплашолмаганларнинг устидан кулишар-
 ди, ишларига яраша меҳнат куни ёзиларди, мукофот
 олишарди, хуллас, кун ўтказишарди. Бу манзарани
 тахминан бўлса ҳам тасаввур этсангиз, унда тоғларни,
 кўм-кўк яйловлар, подалар ва от уюрларини, булут-
 ларни ва уларнинг тагида юрган Месроп Казарян от-
 лиғ эллик яшар бир одамни кўрасиз, бу одам ўзи
 билан ўзи гаплашганича, ана шу подалар ва отлар
 уюри ўртасида, чўққиларидан бепоён ернинг бир чек-
 каси — Лори аталмиш ўлканинг парчаси кўринадиган
 баланд тоғлар бағрида кезиб юрибди.
 У атайин озарбайжонча гапирмасди. Гўё, мен се-
 нинг турк тилингни билмайман, деб таъкидламоқ ис-
 тарди. Қўшни эл чўпонлари у билан арманча гапла-
 шишга мажбур эдилар. Лекин Месропнинг нияти ас-
 лида бу эмасди. У қўшниларни турк, деб ҳақорат қил-
 моқчи бўларди, лекин улар бунга парво қилишса қа-
 ни! Ахир, турк бўлмагандан кейин яна нимага хафа
 бўлишсин? Бир ҳисобда, улар озарбайжон ҳам эмасди.
 Улар ҳам бизга ўхшаган чўпон, подачи, жун қирқувчи,
 сигир соғувчи эди, худди бизга ўхшаб қўй боқишар-
 ди, жун қирқишарди, вақти келганда ёмғирда ивиб,
 офтобда қуринишарди ва ҳоказо. Фақат бир ўринда
 Месропнинг қўли баланд келгандай бўларди. Озар-
 байжон чўпонлари узоқдаги водийларидан бизнинг
 яйловларга кўчиб чиқишарди, бизнинг қишлоғимиз эса
 шу яйловларнинг нақ биқинида жойлашган бўлиб, ат-
 рофдаги барча тоғлар бизга ўз мулкимиздай туюлар-
 ди. Деярли йил бўйи — кузда, қишда, баҳорда тоғлар



Ўзимизники эди, кейин ёз чиққанда улар бу тарафларга кўчи чиқарди-ю, гўё бизнинг ўйимизга келгандай бўлишарди... Шундай пайтларда ўзингдан ўзинг, анави булоқ бошидаги сувохурларни Артёмнинг ўғли Артин ясаган, бугун эса озарбайжонларнинг подалари ўраб олишибди, юз йил бурун Казарнинг ўғли Авет қўйлар туз яласин, деб анави нишабликка ясси тош қалаган, бугун эса уларни озарбайжонларнинг қўйлари мўру малахдай қоплаб, бизнинг қўйларни суриб қўйишибди, деб ўйланиб қолардинг. Сойликда ўсган ўрмондаги ёзувлар ҳам бизники, бизнинг чўпонлар дарахтларга отларини ёзишган, ҳатто ўшандаги об-ҳавонинг қандай бўлганини битишни ҳам унутишмаган: «Қашқиркезар бузуқ бир ҳавода ёзилди». Ана шундай белгили дарахт кўз ўнгингда ўн йил, йигирма йил туради-ю, кейин бир кун келиб қарасанг, уларнинг чўпони шартта йиқитиб, ҳўкизига судратиб кетибди.

— Турклар келишди,— деб куйинарди Месроп.— Булар қайдан пайдо бўлганини тушунмайсан. Ахир, булардан асар ҳам йўқ эди-ку?— У сал ўйланиб туриб, яна қўшиб қўярди:— Уларни йигирманчи йилда тузишди. Қайтадан тузишди. Сергей Миронович Киров,— дея маънодор гап қиларди отбоқар.— Қара, ўттиз йил ичида одам сонига қўшилиб қолишди. Социализмнинг қудрати ҳам ана шунда... Уларни яратишди у Артиннинг булоғига етаклаб келишди, майли, фойдаланинлар, деб айтишди. Гўринг нурга тўлгур Артинжон, сенинг яшаб ўтганинга шукур, сен бўлмасанг, буларнинг қўйлари қаердан ҳам сув ичарди?... Менинг таклифим шу: Москвага шикоят ёзамиз, яйловимизни ўзимизга қайтариб беришин.

Баъзида қўшнилари билан ўртамизда жанжал чиқар эди. Бизнинг подалар уларнинг экинларини топтаб қўйса борми, ўртада жанг бошланиб кетарди — кимнинг боши ёрилган, кимнинг қўли чиққан, қўйлақлар ширшир йиртилган, улар бизни арманчасига сўкишади, биз уларни туркийда сўкамиз, кейин ҳар икки тарафнинг итлари келиб қўйилади, хуллас, ур-йиқит... Сўнг яна бирга тушлик қилгани йиғиламиз. Улар хуржундан лаваш олишади, биз вино тўла хум оламиз, ўзаро алёру мақтовлар; кейин кўнгиллар мойдай эриб, ким биқинида ўтирган одамнинг боши латта билан чирмалганига, ким бошқасининг қўли чилвир билан бўйнига осиб қўйилганига, ким яна бировнинг қўйлаги йиртилганига ҳайрон бўларди. Жанжал ҳақида бирор сўз ҳам айтилмасди. Гўё ҳамма бир-бири билан қалин ошнадай, гўё бутун умр дастурхон устида гуфтигў қилиб ўтиришгану қўйлақлари ўз-ўзидан йиртилиб қолгандай...

Шундай кезларда отбоқар ўзимизнинг чўпонларни мазах қиларди:

— Қалай, форс тили эсдан чиқмаган эканми? Ёки бу сафар ҳиндуча сўхбат қилиндими?

Чўпонлар чурқ этмай туришарди.

— Ана шунақа бўлади,— дея баттар авж қиларди отбоқар.— Қалай, Москва, Кремль, СССР Олий Совети Президиумининг Раисига, деб хат ёзамизми?

Бу гапдан кейин чўпонларга жон киргандай бўларди:

— Москва, Кремль, Президиум Раисига, хўш, кейин нима деб ёзамиз?

— Туркларни яйловимиздан ҳайдашларини сўраймиз.

Чўпонлар индамай туришарди.

— Хўш, қалай, ёзамизми?

— Ноқулай бўлмасмикин,— дейишарди чўпонлар.—

Бир дастурхондан туз татиганмиз...

Кейин кимдир беғамлик билан гап қўшарди:

— Қўявер, Месроп, шундай ҳам бир кунимиз ўтар, одамларни бекорга хафа қилганимиз қолади, нима, ер оз эканми?..

— Эй, арман!— деб хитоб қиларди Месроп.— Дадилроқ бўлмасанг — ишинг чатоқ, йилқию қорамолинг куёндай урчиқпти. Ер озлик қилади!

— Гапинг рост. Лекин бизники кўпайса, уларники ҳам қараб тургани йўқ-ку?

— Моли билан қўшилиб бақир-чақирини ҳам кўпаяди.

— Йилқингни уларнинг ерига қўйма, шунда бақир-ишмайди.

— Сен ўзингнинг қўйларингни тий!

— Нима бўпти, тияман ҳам!

— Тузукроқ тий!

Лекин мол-ҳолни тийиб туриш маҳол эди. Яйловлар ўртасида аниқ чегара йўқ, шунчаки яйлов, чексиз-поёнсиз, уларнинг бағрида сон-саноксиз подаю йилқи уюрлари ёйилиб ўтлаб юрибдики, безовта қилишнинг ўзи гуноҳ. Бир кун уларнинг чўпони бизнинг ўтаримизни опкетиб қолди — қўй зоти тузни хўш кўради, ҳалиги чўпон оқ рўмолчасини силкиб алдабдию уларни ортидан эргаштириб кетибди. Номига бўлса ҳам буғдойзорга бир оралатиб олиб, қўрага қамабди. Сўнг биз тарафга: қўйларинг фалон гектар экинни топтади, фалон сўм жарима, деган нома келди. Ҳақиқий акт тузилди. Улар жарима талаб қилиб келган пайтда, бизнинг Месроп милтиғини созлаб, ёғ суркаб, тепкиларини чиқиллатиб, ўзича ғудурлаб ўтирар эди:

— Жарима тўла эмиш!.. Саводлари чиқиб қолибди, акт тузишни ҳам билишади!— У шундай деб, нарироқда ётган итни нишонга олди.— Чамбар!

Ит қулоқларини динг қилди. Месроп тепкини босди — ит ванг-ванглаб чеккага қочди, кейин сал ўзига келиб, ўқ тешиб ўтган қулоғини панжалари билан силай бошлади.

— Кўнгиллари жарима тусаб қолганмиш, буни қара-я!..

— Қўй, Месроп, ўзингни бос.

— Нима Месроп дейсан? Нега ўзимни босарканман?

— Э, қизиқмисан, Месроп, ҳаммамиз ҳам тоғда яшасак, ўтимиз бир, сувимиз бир, нима бўпти, аввал биз жарима тўлаймиз, кейин уларга жарима соламиз, бугун сўкишсак, эртага яна ярашамиз, сен ҳар нарсага кўнглингни бузма-да, Месроп, шунгайм ота гўри — қозихона қилиб юрамизми!

Уни тутиб қолишга уринишди, лекин эплашолмади, Месроп ситилиб чиқиб кетди.

— Ушламанглар, битта қўймай отиб ташлайман!— деди Месроп милтиқ ўқталиб, сўнг тагин гапга тушди.— Арманиларни тарихчи Лео еттинчиси ёки йигирма еттинчи йилда ўйлаб топган! Аслида арманипарманни йўқ! Яъни арманилар бор-у, лекин уларда ор-номус деган нарса қолмаган.

Месроп ҳақ эди — ростдан ҳам арманилар йўқ, шунчаки юрган чўпону подачилар бор эди ва улар, энсалари қотиб, бу тентакни қўшнилариимиз тутиб олиб, бир адабини берса тузук бўларди, деб қолишди. Месроп кетди. Қирга тирмашиб чиқди, сойликка тушди, сойликдан ўтиб, нариги бетдаги озарбайжонларнинг чодирларига яқинлашиб борди.

Кун зумраддек тиниқ эди. Узоқдаги нишабликлар тубида қўшнилариимизнинг молхона томлари қизариб кўринарди. Чодирлар устида кўкиш ҳовур кезиб юрибди. Енбағирларда ўроқчиларнинг чалғиси ялтираб кўринади, ўтларнинг ширт-ширт қирқилгани эшитилади, пўлат тигнинг тиниқ жаранги ўтлар қуюқроқ жойда юмшайди, буткул ютилиб кетади. Ялангликдаги молхоналар ортида икки буқа сузишиб қолган эди. Кичкина жайдари буқа гавдаси нақ тоғдай, лекин шоҳлари қисқа ва ўтмас зотдор буқани ҳол-жонига қўймасди. Месроп, ҳар ҳолда, қишлоқ одами эди, зотдор буқа уришса, насли бузилишини биларди. Уларни ҳозироқ ажратиб қўйиш керак. Месроп шу тобда қимирлаган жон йўқлигидан, ҳеч ким бундай бедодликка аҳамият бермаганидан куйинди. У яна яқинроқ бориб, одамларнинг ўт ўраётганини, сигир соғаётганини, қўйларнинг жунини қирқаётганини, хуллас, ишлаб ётганини кўрди.

Аламидан лабини тишлади, негаки, у ўзича, мен милтиғимни созлаб пастга тушиб борман, пастқамликда озарбайжонлар ҳам бирор йигирма киши бўлиб, қурол-яроғлари тахт, кутиб туришади, улар тўдаланиб

туришса ҳам, мен уларга қиприк қоқмай қарши бораман, деб хаёл қилган эди.

Месроп орқага қайтди, зум ўтмай яна яқинроқдаги тепалик устида пайдо бўлди.

— Қайт, қайтақол,— деб чақиринди ўзимизнинг одамлар. Месроп қир устида ўтириб, ҳамқишлоқларнинг ҳиринг-ҳиринг кулгиларини эшитди. Тоғ ҳавоси тиниқ, шитир этган товуш нақ бир чақиримга етади. Одамлар унинг тугай деб қолган папиросни ташлаб ўрнидан турганини, оғзидан паға-паға тутун пуфлаб, яна қўшни озарбайжонлар тарафга бостириб кетганини кўришди.

У озарчасига бақириб сўкинганча сойликка тушди ва қўшилларнинг қодирларига яқинлашди. Улар отбоқарнинг бақамти келишини кутиб туришди, сўнг бирдан ҳамла қилишдики бир қоп ундай кўтариб олиб, чодир ёнига ётқишиди-да, оёқ-қўлини бойлашди. Кейин яна ўз ишларига машғул бўлишди. Месроп— чўпдай ориқ, соч-соқоли ўсган кулгили бир чол— ёнида сочма билан ўқланган милтик, молхона ёнида қўллари боғлоглиқ ётаверди. Милтигида ростдан ҳам сочма ўқ бормикан? Туз эмасмикан?

Кейин унинг юзига сув селиб, бошини латта билан қирмашди, чодир ичига киритиб дам беришди, озроқ нафасини ростлаб бўлгач, ҳамма бирдан ёпишиб олиб, биз билан тузу нон баҳам кўрмасанг хафа бўламиз, деб айтишди. Уни узоқдаги полизлардан келтирилган тарвуз билан сийлашди, сўнг яна қўллари танағиб ётқизиб қўйишди, ахийри, Месроп роса уйқуни олгач, иззат-икром билан бу ёққа кузатиб қўйишди. У сойликдан ўғри мушукдай кўзлари олазарак бўлиб, милтигини ортига яшириб, қўлтиғига каттакон тарвуз қистирганча чиқиб келди.

Шу воқеадан кейин Месроп, афгонларнинг ўтовиде мехмон бўлдим, деб ҳикоя қиладиган бўлди. Афгон деганлари қўли очиқ яхши халқ экан, деб айтди, жуда азамат халқ, тиллари ҳам ўткир.

— Жуда қадимий халқ,— деб гапирарди у,— биз яшаб юрган ерлар ҳам асли уларники. Келиб-келиб бизни ўз жойларига қўйганига ҳайронман. Тузукроқ қўшни топишса ҳам бўларди-ку. Аслини ўйласак, биз ким бўлмиз, бизнинг ер юзида юришга ҳам ҳаққимиз йўқ, ҳаққимиз!.. Биз бўлсак, бемалол юрибмиз, шунисига диққат бўламан... Ана, Ваан бўрини олайлик, келганини урди, келганини урди, яна келишувди, бу киши яна урди, урмасдан бўларканми!.. Назар ботирни олсак, у киши битта чапак билан юзта жонни чалпак қилдилар!..

Гапнинг шу жойида тарих факультетиде ўқийдиган бир мишиқи, яъни мен ўзим, унинг ғазабидан қулган бўлдим:

— Назар ботир бошқа, Ваан бўри бошқа, уларни чалкаштириб бўлмайди. Ваан бўри—тарихий шахс, Назар ботир— адабий образ.

— Албатта, албатта, муаллимнинг ҳамма нарсани билади, сенгаям бир чеккасини ўргатган чиқар.— Шундай деб, Месроп ҳалиги мишиқиға, яъни менга ўқрайиб қаради.

— Муаллим отбоқар эмас, ўзининг касбини билади,— дедим мен.— Ҳамма гапинг ёлгон, Месроп. Уларни афгон атаб, ўзингча гўё хайрихоҳлик қилган бўласан. Улар афгон эмас, бориб турган озарбайжон, билдингми? Умуман, афгон бўлди нима-ю, озарбайжон бўлди нима! Миянгни ачитиб юргунча, отларга қарасанг тузук эмасми?

— Уларнинг кимлигини билмадим,— деди Месроп ғазабдан кўзларини сузиб.— Мен бир кичкина одамман, йилқининг ортидан юриб шугина нарсани ўқиб билганимга ҳам шукр қил. Уларнинг кимлигини билмайман, лекин сен қип-қизил турк ялоқхўрсан!..

Мен хафа бўлиб ўтирмадим, негаки, турк ёки турк ялоқхўри деган гаплар мен учун ҳақорат эмасди. Қолаверса, қаршимда ўта аламазда одамни — ўзини салкам профессор унвонига лойиқ санаган, бугун эса шунчаки отбоқар эканидан хуноб одамни кўриб турардим.

— Тигран ва Артавазд арман шоҳлари эди,— дедим унга.— Пап, Аршак, Маштоцлар ҳам армени эдилар. Вардан билан Васак— армени. Довуд Сосуний билан Назар ботир. Арманиларнинг бобокалонларидан то Леогача беш минг йил ўтган. Биз шунча вақтдан бери ер юзида муқиммиз. Худога шукр, ёмон яшаётганимиз йўқ. Биров от боқади, биров маъруза қилади, бошқа биров отбоқар ёки маърузачи бўлиш учун ўқийди. Бир киши бошқасининг ишини бемалол эпласа бўлади, ҳамма гап машққа боғлиқ. Ҳа, шунақа эмасми? Кел, гаров ўйнаймиз, уч марта машқ учун отиб кўраман, кейин тўртинчи ўқ билан итнинг қулогидан ураман. Бўлгани шу. Бекорга ёнгишиб юришдан не фойда?

— Балли, тилинг бурро бўл қолибди,— деди Месроп оёқлари остига туфлаб.— Ун бир ой шаҳарда йилтираган бошмоқ кийиб ялло қиласан, августда бир ойга қишлоққа келиб, бечора Месропни кўрасан-у, «Гапим нотўғри бўлса, итнинг қулогидан отаман!», деб айтасан. Ботирлигингни қара-ю... Ёмоннинг кучи япалоққа етармиш... Майли, шундай ҳам дейлик. Майли, минг бора шундай бўлақолсин! Шундай, шундай!..— У ҳар таъкид сайин ерга бир мартадан кўндоқ уриб турди, сўнг милтигини чеккага отиб юборди.

— Ишингни қиласанми ёки йўқми, қиласанми-йўқми!..— дея гапга қўшилди ғазабидан бўғриққан ферма мудири.— Сен бу ерда гап сотиб ўтирасан, ана, отлар қайда кетиб қолди.— Ферма мудири гўё Месропни узоқда кўздан ўчаётган йилқи уюри тарафига йўллагандай бир ҳаракат қилди.

— Левон,— деди Месроп бурун қаваклари оқариб.

— Бориб отларни даладан чиқар, кейин гаплашамиз.

— Левон,— дея хансираб гўлдиради Месроп.

Левон бирдан овозига эрк берди:

— Кўряписизларми, одамлар, яна Левон бечора гуноҳкори азимга чиқди! Левон бечора бунга бирор ёмон гап айтдимми, одамлар? Айтдимми, деб сўраярман? Левон бечора, ишингни қил, деб ҳам айтмасинми, ахир? Левон бечора сенга жарима солмагани учун гуноҳдор, отлар колхознинг даласини топтаётганчи, сен бу ерда гап сотиб ўтирганингни учун ҳам Левон бечора гуноҳдор.

— Левон,— деди Месроп лаблари титраб.

— Нега бунча левонлаб қолдинг!— деб бақирди Левон.— Отларга қарагинг келмаса, майли, бориб профессорлик қил, сени биров қўлингдан тутиб тургани йўқ, юрт айвони кенг, уюрга қарагани бирорта одам топармиз! Мана, мен ўзим борман! Ўзим отларга қарайман! Бунинг менда нима қасди бор, а, одамлар?! Шунча иш бир ўзимнинг бошимда, лекин нима қилай, чидайман, бу ёғига ҳам чидайман, бунинг ўрнига от ҳам боқаман!

Гўё хозир жанжал бўладигандай туюларди. Левон ҳали Месроп мушт туширмай туриб, одамларга ўзининг мусчадек беғуноҳ эканини англиштири истарди. Месроп хансираб нафас олганича Левонга зимдан қараб турар, лунж мушаклари у ёқдан бу ёққа бориб келар, гўё бирер қаттиқ нарсани чайнаётгандай эди. Мен булар икковининг ўртасида қолган эдим, биқинимда Месропнинг бўғинлари йирик-йирик муштумини сезардим, гўё унинг чўлтоқ тирноқли қўли айни лаъзада ўзимнинг бошимга гурзию гаврон бўлиб тушадигандай эди.

Левоннинг гап халтаси очилди, тин олмай гапирди, гапирди, гапирарверди, Месроп ёмон ишлапти, деди, ўз ишини қўйиб фозиллик қилмоқчи бўлади, йилқилар даладаги экинни топтаётган паллада бу киши «Москва—Кремль», деб вайсайди... Месропнинг лаблари баттар қалтирар, бурун қаваклари кенгайгандан кенгайиб борар эди. Левон ундан кўрқарди, шу сабаб, қўлларини олдинга силтаб-силтаб гапирар, иш чаппасига кетса бас, кўрққан — олдин, қабилида Месропга биринчи бўлиб мушт тушириши ҳам аниқ эди.

— Уят-э!— деб қичқирдим мен.— Одамлар кулади ҳам демайсизлар!..

— Ким у куладиган?!— Ферма мудир и айёр одам эди, Месропдан қутулишга баҳона тополганига суюниб кетди.— Ким қуяпти! Менга куладиган одамни бир кўрсатиб қўйинглар!..

Гўё у муштлашувдан қўрқмагандек, муштлашишга тайёр эди-ку, лекин манави итваччалар бекорга тиргилиб ишни бузишди.

Левон деганлари ўлгудек айёр эди, Месропга ортик қайрилиб қарамай, гўё зарур иш юзасидан шошаётган одамдай, жанжалдан нари кета бошлади. Гўё ораларида ҳеч қандай баҳсу можаро ўтмади, ўтган бўлса ҳам шунчалар арзимаски, бирдан унут бўлди-қўйди. Левон ҳамон ортига қарамасдан, сиртига сув юқтирмайгина гапириб борарди:

— Отларни даладан чиқариш керак, Месроп. Дала ўзимизники, зарари ҳам ўзимизга тегади. Далага сену мен қарамасак, яна ким келиб қарайди. Уят, ёш бола бўлмасак, кирар ақлимиз кириб, чиқари чиққан бўлса, биров айтмаса ҳам қиладиган ишимиз...— У гапиргани кўйи узоқлашиб, овози ҳам қадам сайин секинлашиб-суस्ताшиб борар эди. Нафас олмасдан, сўзларни тигиз улаб гапириб бордию бирдан қоттиқ ва англашилари қилиб бақирди:— Айкануш, ҳо Айкануш! Боладан қайчини бериб юбор!..

Левоннинг бу гапи Месропга дахлдор эмасди.

Лекин бари бир, унинг қилиғида нимадир зўракилик бордек туюларди.

... Кенжа шахзода отини сургандан суриб, ахийри бошқа бир подшоликка кетди, етиб кўрсаки, дарахтлар ҳам қора, сув ҳам қора, офтоб ҳам қора. Демак, кенжа шахзода зулмат сўлтанатига етибди. Бу нақлда ҳамма нарса рўй-рост кўриниб турибди.

— Левон,— деб пичирлади Месроп, лекин овозини ўзи ҳам эшитмади.

Бу ерда ёлғиз бир нарса— узоқдаги дала ва уни топтаётган йилқи уюрини ростга йўйса бўларди. Биргина йилқи уюри ва унга қараб бораётган Месропнинг таёқдай қотган қадди рўёсиздай. Сўнг Месропнинг қадами гўё сингандай бўлди— у ерга энгашиб милтигини олди, иккала қўли билан милтиқ қувуридан ушлаганча, товонларида чирпирак бўлиб айланди, кейин милтиқни зарб билан ерга урди: яроқ ҳам, ўзи ҳам ерга кулади. Қўндоқ синиб, қувурдан ўт сачради, милтиқ синганию отилган ўқ овози бир бўлиб эшитилди, узоқдаги жизғанақ бўлиб ётган кўрада ялпайган ёлғиз бир ит акиллади. Яйловдаги қирқ итдан биттаси ҳурди. Лекин Месропнинг хаёлида ўқ эмас, нақ бомба портлади, бомбани унинг ўзи ташлади, ташлаган пайтида бутун дунё юрак ютиб унга қараб турди, бутун дунё даҳшатга тушди, ер юзидаги барча кўппаклар портлаш овозини эшитиб, қўрқувдан улаб юборишди. У ўзини тўши тоғдай баҳодир чоғлади. Тоғдай баҳодир ерда қулаб ётибди. Унинг ер билан битта бўлиб ётганининг ўзи бир фожиа, шундай фожиаки, чидаб туриш қийин. У каби жўмард ва жасур кимса бу дунёда йўқ, оти шамолдан ҳам ўзадиган, шамширининг дами ўткир бу баҳодир ғанимни кўзи илғамай гаранг. Ер унинг залворига чидаёлмай тўлғанади, ер унга юмшоқлик қилади. Бир харсанг бўлса, метин харсанг бўлса баҳодирни ютса, кўзлардан пана қилса, яширсаю, кейин то...

Хаёлнинг қаноти қирқилмайди... Эллик яшар бир одам, касби отбоқар, бўйи бир метру етмиш, бошида эски қулоқчин, озгин юзи устара кўрмаган, юзини ерга буркаб ётиб ўтларни юляпти, этикларининг тумшуги билан тупроқ тирнаяпти, хаёлида не-не ўйлар, лекин узоқдан қараган одамга ё ит, ё кўй, ёки эҳтимол, шунчаки дўппайиб ётган тош бўлиб кўринади.

— Миясини еб қўйибди,— деди Левон ҳам ачиниб, ҳам иронаниб.— Энди милтиққа пул тўлаш керак... Қариб қуюлмаган, аҳмоқ чол...

Кечкурун, қўйлар қўтонларга, сигирлар молхонага, отлар қўрага қайтган ва ҳориган одамлар чодирларнинг оғзида ўтириб тамаки чекаётган маҳал, Левон

ўзини қўярга жой тополмай, қўлларини гоҳ орқага қилиб, гоҳ яна тушириб, гўё ҳозир оламни бузиб бекирмоққа чоғланган каби, ияги асабий силкиниб, у ёқдан бу ёққа юриб турар, ўқтин-ўқтин Месропга назар ташлар ва шу заҳоти кўзларини олиб қочар эди. Лекин у ўзини тийди, милтиқ ҳақида чурқ этмади ва хотини овқатга қақирганда чодирга қараб кетди.

— Тун қоронғи, «меҳмон» келадиган кўринади,— деди у кетаётиб.

Чиндан ҳам, ойсиз тунлари, атрофга кигиздай қалин зулмат чўкканида, ҳавода хушбўй нам кезиб, дарадан кўтарилган туман кийим-бошга, сочу соқолга, қўйларнинг жунига, бармоқларга қистирилган папиросга сингиб бораётгани ҳам эшитиладиган сокинликда, яшил кўзлари нақ олов бўлиб ёнадиган айиқ нишабдаги дарени қолаб ётган ўрмонзордан, туман қаъридан жимгина лапанглаб чиқиб келарди. У келганида итларнинг эти увишиб, овозлари йўқоларди, қўтонлар гўёки аёл қўлида тутган элак каби силкиниб, ичида қўйлар олатасир югурарди, отлар эса, қулоқларини динг қилиб, буйинларини нақ узилгудай олдга чўзишарди, бурун каваклари керилиб, йиртилгудек бўларди— улар безовта пишқирган маҳал тик этган товушни ҳам оқизмай-томизмай ютадиган юпқа чодир ичида ётган болалар кўрқиб, бир-бирларининг пинжига баттар сукулишар эди.

— Кетдимиз!

— Ажал олсин!

Милтиқ ҳақида Месропнинг ўзи гап очди.

— Қочдинг-а, Левон?— Узича ниманидир зўр бериб ўйлаётган экан чоғи, Месропнинг овози бирдан ҳам қаттиқ, ҳам хафақон бўлиб қикди:— Қоч-а, ўзинг айтиб, ўзинг кетаверасанми?

Левон бу пайт чодирда овқатланиб ўтирар, хотини билан невараларига дакки берар эди, шу боис дарров жавоб қайтармади.

— Қочдинг-а, Левон.

— ...ёвғонни ҳам тузукроқ қиллолмайсан, қозонга уннаганда нимани ўйлайсан, тузукроқ пиширсанг ҳақинг кетадими... Эй, ким у қақирган? Сенмисан, Месроп, ўзи нима гап!

— Қочасан-а, Левон, қочасан... Айтасан-у, қочасан.

— Нима, сенга киндигимни бойлаб қўйган эканми?

— Бирорта милтиқ-пилтиқ берсанг бўлармиди.

— Берган милтиғимиз қани?— Левон қошиқни овозига олиб бориб, ташқаридан садо кутди. Месроп жавоб бермади. Левоннинг жаҳлдан юзлари бужмайиб кетди, овозини баландлатди:— Хўш, нега индамайсан?

Месроп илтимосини такрорлашга журъат қилмади. Левон эса, қурутдай сўкиниб олиб, яна таомга тутинди. Темир қошиқнинг коса тубига етиб жанглангани, сўнг бўш идишнинг четга сурилиб, бошқа идишларга теккани эшитилди.

— Пайтавага ёлчимаган аҳмоқ!.. Миясини еган чол!

Чодирлар тирқишидан таралган кучсизгина ёруғда Месропнинг найнов қадди бир лаҳза кўриндию қайтадан йўқолди. Ярим соатлар ўтиб, у қўлида милтиқ синиқларини тутган кўйи зулмат қаъридан чиқиб келди. Сўнг тун ярмигача синиқларни бир парча сим билан пишиллаб улаб ўтирди.

Аслини олганда, бу бир кўнгли ярим одам эди.

1908 йил тоғларда Байрам деган озарбайжон билан Аветик деган армани ёжиллашиб қолди. Аввал ханжар билан уришдилар, сўнг ханжарлар қинга кириб, тўқмоқларга навбат келди, кейин озарбайжон яна ханжарга ёпишди, буниси эса, ерда ётган милтиқни кўтариб, рақибининг қорнига отди. Марҳумнинг қариндошлари икки марта, бир гал 1909 йилда, яна бир гал 1916 йилда Аветикка ўқ узишди, лекин бахти чопган эканми, Аветик икки сафар ҳам омон қолди. Уришганларнинг ўзи, Байрам билан Аветик, ишнинг бу қадар чўзилиб кетишини тасаввур ҳам этмаган эди-

лар. Билганларида, эҳтимол, иккиси ҳам роса пушаймон қилган бўларди. Афсуски, ишнинг жанжалсиз би- тиши қийин эди, улар бир-бирининг сиру асрорини беш қўлдаи билишарди, шу сабаб, жаҳл устида икко- ви ҳам билганини тўкиб солди: бирининг хотини хиз- маткор билан дон олишганидан тортиб, унисининг отаси саккиз хотинли бўлиб, қариб қолгани учун ту- лларда қўни-қўшниларининг ҳашарга келишигача — жа- ми сир шундоққина айтилди-қўйди. Хуллас, Байрам билан Аветикнинг омади чопмади. Аксига олгандай, тўқмоқ ҳам тайёр турса, ханжардан тортиб, милтиқ- қача муҳайё бўлса, бу бечоралар яна нима қилиш- сн.

Қулоқлари ёнидан икки бор ўқ чийиллаб ўтган, ик- ки гал ҳам ким отганини билиш тугул, қай тарафдан отилганини кўриш учун бошини буришга ҳам журъати етмаган Аветик уйқусизлик дардига мубтало бўлди. Ўқ узган одамлар эса кўп узок, роса ўн йил, то 1919 йилга қадар қасду қасос соатини чўзиб юришди.

Аветик тегирмондан қайтиб келаётган эди, бир неча киши ғалати кулиб, йўлига ғов бўлди. Ун ор- тилган отни бутага боғлаб, ҳали гўдак болани чекка- га олиб чиқашди. Отани эса, сўқмоқдан нарига бош- лаб кетдилар. Кун иссиқ эди. Ҳавода асалнинг ҳиди кезарди. Ҳар ёнда арилар ғувиллаб учар, гўеки улар- нинг маконлари жуда яқинда, қўл узатса етадиган жойда, яна ийирма қадам боссанг дўппайган қути- ларга кўзинг тушадигандай. Гўё қоровул ит ҳурадио асаларичининг ўзи йўлга чиқиб, хушфеълик билан: «Ким бўласизлар, яхшилар, бу одамларни қаёққа бош- лаб кетяпсизлар?», деб сўрайди. Лекин қишлоқ узок- да, икки сойлигу икки қир ортида эди. Атрофда асал- чининг манзилдан асар ҳам йўқ. Фақат ҳаммаёқни ғувиллаган арилар тутиб кетган.

Бутага боғланган от орқадан ташвишли кишнаб қолди.

— Қайга кетяпмиз?— деб сўради ота туркийда, қа- даммини секинлатиб.

— Аветик деганлари сенмисан ўзи?

Аветик уларга бир қур разм солдию тик елкалари халтадай осилиб тушди, елкаси бўшашдию бўйни чў- зилиб қолгандай бўлди.

Тепаси қизил хочсифат ҳошияли думалоқ папоқ кийган, оёқларига юмшоқ этик илган озарбайжон илжайди. Бола қўрқди, нафасини ичига ютиб, тек, ҳа- лиги одамдан кўзларини узмай, гарчи унинг сезиб қолишидан қўрқса ҳам, кўзларини узолмай кетаверди.

Аветик ёнига қайрилди, гўё ошнасидан сўрагандек қилиб гап қотди:

— Эсиз от...

Шу ондан бошлаб Аветикнинг ҳўрлиги кела бошла- ди. Аветик ўзини доим иш билан машғул, ҳеч кимга зиёни тегмайдиган бир одам ҳисобларди, энди бўлса каззобларнинг қўлига тушиб ўтирибди. Ҳозир унинг бутун фикри-зикри ўғлининг кўзига қўрқоқ кўринмас- лик эди, у анави этикliga қараб туркийда сўради:

— Папоғингни Тифлис бозоридан олганга ўхшай- сан, а?

Озарбайжон қалампир чайнагандай афтини буриш- тирди, сўкинди, шунда Месроп отасининг ялтоқланиб илжайганини кўрди. Сал ўтиб, ота яна ўшандай ил- жайди, яна туркийда сўзланди:

— Қудамиз Аршакнинг этиклари худди сизникига ўхшаркан.

Озарбайжон милтигини елкага ташлаб, чакмонининг кенг енгини бир химо билан шимариб олиб, кафти- нинг қирраси билан Аветикнинг бўйнига чапараста тушириб қолди. Ота қоқилиб кетди, ўзини ўнглашга улгурган жойида яна қоқилди, худди товук ортидан қувлаган кишидай олдинга букилиб кетаверди ва на- рироққа бориб, шалвирраган бошини кўкрагига таш- лаганча тиззасининг кўзига йиқилди. Бегона амакилар отанинг устига етиб боришди, кейин ҳалиги папоқли киши этигининг учи билан унинг туриб олишига кў- маклашди: «Тур, жигарим, турақол, нарироққа бор- масак бўлмайди».

— Месроп,— деб қақирди ота,— мен ҳеч нарсани кўрмаяман, Месроп.

Папоқли одам кулди. Гўё улар қасдини шу билан олиб бўлгандай, зум ўтиб яна ўз йўлларига кетади- гандай эди. Месроп бақириб йиғлаб юборди.

— Болага тегманглар,— деди ота гўё тушида гапиргандек, димоғи битгандай панг овоз билан.— Ин- соф қилинглр...

Улар болага тегмаймиз, ўзимиз қишлоққа элиб кўямиз, деб айтишди. Шундан сўнг Аветик уларнинг қаршисида ноилож қолди, лекин яна бола ҳақида га- пираверди, гапираверди. Энди у боланинг соғ қоли- шига ишонди, болани қишлоққа гап етказмаслиги учун чеккага олишганини тушунгач, уларнинг зуғумига бир қадар кўникди, ҳатто уларни айблашига уринмади ҳам— бўлари бўлди, энди на шикоятга, на йиғи- сиғига эҳтиёж қолди. Лекин сал ўтиб, Аветик сў- кинишга тутинди, ўн йил олдин дунёдан ўтиб кетган одамнинг ўлигу тирик пайтларини кўшиб сўқди, гўри- ни ҳам қуруқ қолдирмади, Байрамларинг ўзи зулукдай ёпишқоқ махлуқ эди, деб айтди, худо уни менинг бо- шимга бало қилиб яратган экан, бутун умримни рас- во қилди, булғади. Сўқмоқ йўлнинг нариги учиде де- ворлари нураб, бурган қоплай бошлаган эски молхона вайронаси кўринган маҳал Аветикнинг овози тинди, қадамлари оғирлашди. Сўнг қутилмаганда яна тез юриб кетди, ортада келаётган одамлар у молхона ёни- га келиб тўхтагандагина етиб олишди. Аветик уларга бошқа қайрилиб қарамади. Энди унинг бўйни ҳам аввалгидай узун ва ингичка бўлиб туюлмас, яна асли- га қайтган эди. Ҳеч кимса, ҳеч ёққа қарамай турди. Кўзларининг ранги ўзгарди, лаблари ўз-ўзидан маҳ- кам қимтилди.

Соқол босган иягининг ярмига оқ тушган бир озар- байжон Месропни четга чиқариб, унинг нигоҳини ота- си билан ҳалиги икки кишидан тўсди, боланинг боши- ни силаркан, нечага кирдинг, рўзгорларинг қалай, зўрми, ночорми, катта бўлганингда ким бўласан, деб сўради, инженер бўлганинг тузук, деб маслаҳат бер- ди. Болага бу амаки жуда ёқди, манглайини секин унинг белидаги камар тўқасига босди. Амакининг ки- йимидан сут ва жун ҳиди келарди, бу ҳидлар бола- га жуда қадрдон эди. У амакининг ортида нимадир ёмон нарса бўлаётганини англади, лекин ёрдам сў- рашга журъати етмади. Йиғлашга ҳам журъат қилол- мади. Кейин нимадир қарсиллаб кетдию бола аввал отасининг пўстини тепага учганини, сўнг унинг ўзи ҳам қичитқон ўтлар устидан сакраб-сакраб юрганини кўрди. Бурган поялари гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда чай- қалди, икки бор ўқ узилди, кетма-кет узилди, гўё бир ўқнинг ўзи икки бор ёрилгандай бўлди. Нақ белга урадиган ўтлоқ бир жойда атрофга тарқалиб кетган- дай бўлди, сўнг чайқала-чайқала аввалги кўйига қайт- дию тагин жимиб қолди. Юмшоқ этик кийган киши мўлжаллаб туриб, ўтларга қарата яна бир марта ўқ узди.

Кейин влар Аветикнинг пўстинини кўтариб қайтиб келишди. Чўпон амаки ҳамон боланинг бошини силаб турар эди. Этикли одамнинг юзя оқариброқ кўринди, у яқинроқ келиб, чўпон амакига нимадир деди. Чў- поннинг бола бошини силаётган қўллари бирдан зил- дай бўлиб қолди.

— Қўй,— деди чўпон бошини чайқаб.— Инсоф қил, бола-ку, ахир.

Этикли киши болага тик қаради. Бола унинг ниго- ҳини тескари турган холича, нақ энсаси билан сезди. лекин қарарга журъати етмади, чўпон амакининг оёқ- ларига маҳкам ёпишди.

— Йиғлама, бола, йиғласанг жаҳлим чиқади,— де- ди этикли киши. У шундай деганида боланинг юраги уришдан тўхтаб қолгандай бўлди.

Чўпон амаки болани отга миндириб қўйди, айилни тортиб боғлади, сўнг отни йўлга солиб, деди:

— Майли, борақол... Йўқ, шошмай тур.— У отнинг юганини эгар қошига илди.— Энди боравер.

Қишлоқ аҳли боланинг ҳикоясини эшитиб, у туйган

дахшатни ўзлари ҳам бошдан кечиргандай бўлишди, унга ҳамдардлик билдиришди. Энди бола мудҳиш фалокатнинг шунчаки гувоҳига айланди. Аввалига катталар уни қайта-қайта ҳикоя қилишга мажбур этишди, сўнграқ, улар ҳамма гапдан огоҳ бўлгач, Месроп бўлган воқеани ўз тенгқурларига ҳикоя қилишга ўтди. Бола шу тахлитда, отасининг ўлимини ҳикоя қилган кўйи вояга етди. Ҳалиги учови чакки иш қилишди. Улар туфайли бола эл назарига тушди, ўзига тузукроқ назар солмасдан ўсди. Баъзида у отасини эслаб қоларди, унинг ўша кундаги қиёфаси — бўйни ингичка ва узун, елкалари халтадек осилиб турганини кўрар, лекин кўнглида унга нисбатан заррача ҳам ачиниш тополмас эди. Месроп энди фақат гапиришни, тинмай, чарчамай гапиришни биларди, холос: «Кейин... у пўстинни ечди.. отиб юборди... ўзиям чопди... Чопиб кетаётганида...»

1932 йилда у роппа-роса йигирма учга кирган эди. Сиртдан қараганда туппа-тузуқ, эсли-хушли йигит бўлиб кўринарди. Икки-уч йил аввал, университетда студент тахчил бўлиб қолиб, уни ҳам олиб кетишди. Лекин унинг на ўқишга, на бировни тузукроқ тинглашга тоби бор эди, ҳамма нарсани ўзим биламан, деб ўйларди. Дейлик, армани тарихи, бунда ҳамма нарса очик-ойдин, яъни турклар — босқинчи, арманлар — меҳнаткаш халқ. Иккинчи курсга келганда уни ўқишдан ҳайдаб юборишди. Шундан сўнг у ўзини беҳуда жабр тортган қаҳрамон санашга ўрганди.

Месроп қишлоқ учун ортиқча одам эди. Ёлчитиб ишламайди, бўлар-бўлмасга жанжал чиқаради, турмушининг тайини йўқ, баъзида қўлига китоб тутганини кўрасан, лекин мутулаа деганлари унинг учун ўйиндай бир гап, бирор нарсани билиш учун эмас, балки ўқиб билганларини шў заҳоти бошқаларга ҳикоя қилиш учунгина ўқийди.

Ўша Месроп йигирма учга кирган 1932 йили бизнинг колхоз илиқроқ водийлардаги озарбайжон колхозлари билан ўзаро битим тузди. Энди улар ёзда бизнинг яйловда ўтлайдиган, биз ҳам совуқ тушиши билан молларимизни уларнинг ерларига ҳайдаб борадиган бўлдик. Битим тузилганидан кўп ўтмай, ёз фасли, озарбайжонлар биринчи бор подаларини тоққа ҳайдаб чиқишди. Қишлоқ советининг ўша пайтдаги раиси Левон, Мақоннинг ўғли, йўлнинг ҳар икки тарафига устун қоқтириб, «АЗИС ДОСТЛАР, ХОШ ГАЛ-МИШСИНИЗ!» деган шиорларни илишни буюрди. Ҳар шиорнинг тагига болаларни саф тортириб қўйди. У меҳмонларни тузукроқ кутиб олишни ният қилиб, атрофдаги қишлоқ мактабларидан сурнай-карнай чалишни биладиган ўқувчиларни йиғиб келган эди. Уларга жўр бўлиб турсин деб, ўзининг божаси, ҳамқишлоғимиз чўлоқ довулчини ҳам чақирди. Довулчи болаларга қўшилиб довулини чалди, чолғу умуман чакки чиқмади, лекин қўйларнинг ҳуркани ёмон бўлди. Довул ва сурнайлар чалинган маҳал тинчгина келаётган қўй ўтари жойида чирпирак бўлиб айланиб, нақ қиёмат кўпгандай бўлди. Левоннинг ўзи қўйлар орасида қолди, шунчаки қолса ҳам бир нави эди, лекин қўйларнинг устида қолди. Қўйлар уни бирор эллик метр жойгача кўтариб чопишди, сўнг гирдоб сал бўшашди ва Левон қўйларнинг елкасидан ерга ағдарилиб тушди.

Левон бу ҳолни ёмонроқ чалган бирорта сурнайчининг касофати деб билди, лекин ёмон чалган одамни тополмади, шу сабаб, атрофга кўз югуртириб, биров назар-писанд ҳам қилмайдиган арзимас бир одамнинг ўғлига ўдағайлади. У дўқ урган боланинг отаси шунчалар арзимас бир кимса эдики, Левон бундай арзимас одамнинг ўғлидан тузукроқ чолғучи чиқишига мутлақо ишонмади. Кейин у бошқаларга ҳам, бас қилинлар, деб буюрди, мусиқа тинди, қўйлар эса, устунларга илиғлиқ шиорлар остидан тинчгина ўтиб кетишди. Қўйлар йўлдан ўтаётган маҳал Левон ҳар икки дақиқа сайин биттадан шиор айтиб, уларни ўзича руҳлантириб турди:

— Яшасин бутун ер юзидаги арман ва озарбайжон

дўстлиги, ура! Яшасин қудратли Ишчи-Дехқон Қизил Армиямиз, ура!

— Ура-а-а! Ур-р-а-а-а! — Пионерлар ҳам устмас уст қичқирдилар.

Левон ана шундай зўр ташкилотчи эди. Айниқса, дастлабки йилларда роса фаолият кўрсатган. Ушанда у ҳали ёш эди, бор-йўғи Месропга тенгқур, лекин тажриба деганлари...

— Месроп, — деди Левон, — отингни миниб, дўстларимизни яйловга кузатиб қўй.

Месроп жавоб бермади.

— Мен ўзим гаплашаман, кузатиб қўйганинг учун сенга уч меҳнат куни ёзишади, — деди Левон Мацо ўғли.

Месроп чурқ этмай тураверди.

— Узим кузатиб қўярдим-у, лекин отхонанинг очилиш маросими бўлади, мен у ерда нутқ сўзлашим керак, сени ўзимдай билиб юборяпман, Месроп...

Лекин Месроп аллақачон кетиб қолган, яқин-атрофда қораси ҳам кўринмасди. Левон бу ҳолга чидаб туролмади. Айниқса ўша кунларда, у қуюндек фаолият кўрсатган, гаҳ деганда ҳамма қўлига қўнган пайтларда, одамларнинг гирдикапалак бўлишларига, ўзи берган неки фармойиш бор, оғзидан чиққан заҳоти бажарилишига ўрганиб қолган эди.

— Месроп, нега ўзбошимчалик қиласан? — деди Левон. — Месроп, — деб чақирди Левон. — Э, сенинг падарингга! — деб сўкинди Левон, ниҳоят, гапи ерда қолганига ақли етиб. Сўнг отини Месропнинг кулбасига бурди. — Месроп қани?

Месропнинг қари онаси, ўғлим эрталаб чиқиб кетган, деб айтди.

— Милтиғи уйда турибдими?

Месропнинг онаси уйга кириб чиқди, милтиқ миҳда илиғлиқ турарди, энди йўқолиб қолибди, деб айтди.

— Эсини ебди, аҳмоқ! — деди Левон, сўнг отини кескин буриб, йўлни қисқа тутиб, тошлар устидан сакраб ўтди, далалар устидан сузиб ўтди ва ниҳоят, ўрмонга кирди. Беш дақиқа ўтар-ўтмас узокдаги кир ёнидан бориб чиқди. От ўмгани билан буталарни ёриб тепага ўрлади, лекин Левон ярим йўлдаёқ эгардан сакраб тушди, уловини тушовлаб қўйди ва ўзи ерга энгашган кўйи тепага қараб чопди.

Месроп қоя ортида, тиззасида милтиқ, тамаки ўраб ўтирган экан.

— Сени қараю! — деди Левон. — Номус қилсанг-чи, бангилик қилиб ўтирадиган пайтми ҳозир?

— Узи нима гап? — деб сўради Месроп ер остидан қараб.

Месроп оёқларини тарвайтириб ўтирар, галифе шими чок-чокидан йиртилиб кетадигандек таранг тортилган эди. Месропнинг қуюқ қошлари остидан кўзлари этни жунжиктиргудек бежо боқарди. Месропнинг қуюқ қошлари астадаги кўзлари кўм-кўк, Месропнинг тамаки ўраётган бўғиндор бармоқлари эса... жуда осойишта қимирлар эди. Шунда Левоннинг беихтиёр кулгиси қистади:

— Энди жиддийлик ҳам эви билан-да, Месроп.

Месроп тили билан қоғозни ҳўллади, лекин папирос ёпишмади.

— Кет, Левон, — деди Месроп.

— Кетмасам-чи? — Левон кулди, қўрққанидан кулаётганини ўзи ҳам сездди.

Месроп милтиққа қўл юборди.

— Эсинг жойидами ўзи, нима қиялсан? — Левон орта тисарилди.

— Бақирма, туёғингни шиқиллат!

Левоннинг ўзи ҳам бу ердан кетиш кераклигини тушуниб турарди, лекин кетай деса, ким билсин, бу аҳмоқ орқадан туриб отмайди, деб биров кафиллик бера оладими? Бундай қараганда, Месропдан қўрқшига асос йўқдай эди. Аслида ҳам шундай. Левон Месропдан бор-йўғи милтиқ борлиги ва милтиқнинг тепкиси тушириб қўйилгани учунгина қўрқарди.

Бир замонлар, ёшлари энди ўн олтини, ўн етими,

улар иккови тоққа қараб кетадиган йўлда Никал саскининг хотинини тўхтатиб, улар билан озгина қолишни сўрашган эди. Никал саскининг хотини эса ғазабдан оқариб, гоҳ унисига, гоҳ бунисига қараб, яна ўз йўлда давом этган, булар эса, аёлнинг ортидан бот югуришган, бўйинларини чўзиб, гўё ундан иккита картошка, иккита олма, бир парча нон сўрагандай тилашган эди. Ушанда Никалнинг хотини халтасини ерга қўйиб югурдию Месропни тутиб олди, нақ кўзига мушт туширди, четга қочган Левонга тош отди, лекин булар шунда ҳам аёлнинг изидан қолмади, сендан нима кетди, кўнақол, деб ялинишди, эвазига халтангни кўтаришиб борамиз, пичанингни ўриб берамиз, чўчқангни боқиб юрамиз, деб айтишди. Левон ҳатто, агар кўнсанг, мен фақат бешга ўқийдиган бўламан, деб ваъда берди. Никалнинг ити қишлоқнинг энг зўр ити, деб мақтади.

— ...Бу қилиғингни қандай тушунсак бўлади, Месроп?— деб сўради Левон увишган оёқларини йиғиб.

— Улар менинг отамни ўлдиришган, Левон.

— Э, ундан бери қанча вақт ўтди... энди биз янги ҳаёт қуряпмиз.

— Кет, Левон.

Левон ҳамқурини ўзининг беш панжасидай биларди, шу сабаб, Месроп ўзини бошқача тутмоқчи бўлиб уринди, бошқа одам бўлиб, бутунлай бошқа овоз билан гапирди, бирор марта кулмади. Ҳатто папироз тутунини ҳам бошқачароқ қилиб бурқситди. Гўё обрўсини қайтадан тиклайдиган вақт етгандай — шунгача уни ёруғ кун борки, ишдан бўйин товлайдиган, тамаки пулини ҳам онасидан ялиниб-ёлвориб оладиган танбал ва лақма одам, деб билишар эди. Шу пайтгача унинг касби гап сотиш эди, шу пайтгача эринмаган кимса борки, у гапирган пайтда оғзига урарди, одам қаторида кўрмасди.

Месроп ўрнидан турди, турдию керишди ва жуссаси билан бутун уфқни тўсиб қўйди.

— Кетсанг-чи, кетасанми-йўқми?— деб сўради Месроп, сўкинди, милтиқ кўндоғи билан Левоннинг биқинига туртди.— Ким у, сени менга хўжайин қилиб тайинлаган? Аввал турқинга бир қараб ол... От миндим, энди гапим ҳаммага ўтаверади, дейсанми?— Месроп яна сўкинди.

Левон туриб жўнади; сўкишдан оғринмади, ҳар қалай, қаршисидаги одам отадан айрилган эди, орияти ҳам унчалик лат емади, уяладиган жойи йўқ, Месропнинг милтиғи бор, унда бор-йўғи ўрма қамчи, ҳеч ким уни қўрқоқлик қилди, деб айтмайди. Шундайликка шундай-ку, лекин Левон бари бир бўйин қисиб чекинолмади. Уялди, ҳатто тилсиз отидан ҳам номус қилди. Миясида турли ўйлар ғужғон ўйнаб, саросима ичиде туриб қолди. Сўнг бирдан ортага қайрилди, чаққон югуриб, Месропнинг ёнидаги тош устига сакради. Кўп замонлар ўтиб, мана шу воқеани нақл этаркан, Левон, қатъий бир қарорга келиб, кейин югурдим, югуриб боришда тош устига сакрадим, деб айтиб юрди. Лекин унинг гапи ёлғон эди. Ҳамма одамлар қатори Левонга ҳам неки қилмиши бор, барчаси аввалдан пухта ўйланган режанинг натижаси бўлиб туоларди.

Уша аснода Левон тош устида қаққайиб турар, лекин хаёлида ҳамон югуриб бораётгандай эди. Қолгани кўз очиб-юмгунча ҳал бўлди. У бир зумда Месропнинг қўлини орқага қайириб боғлади. Узининг қўйлаги йртилди, елкаси сидирилди. Воқеа шунчалар тез содир бўлдики, Левоннинг қўйлаги қонга бўялишга ҳам улгурмади. Қовоғи секин-секин шишиб, кўзини бекитди, тиззаси ҳам аввалгидек эмин-эркин буқилмай қўйди. Милтиқ энди Левоннинг қўлига ўтган эди. Қувури дамбадам Месропнинг елкасини туртиб-тирнаб борарди. Левон бир қўли билан шимининг белидан тутиб олган эди, ўзича, қандай қилиб бир минут деганда Месропнинг қўлини қайиргани, кейин бир қўллаб уни ушлаб турганию унис билан шимининг камарини ечиб боғлашга, унча-мунча эмас, нақ темир тугун қилиб боғлашга улгурганига қайта-қайта ҳайратланар эди. Ле-

вон ҳайратлангандан ҳайратланди, ҳайрати дақиқа, соат ва кун сайин ўсаверди, кейин, йиллар ўтиб, шу ҳайратнинг ўзи қолдию воқеа бутунлай унут бўлди. Йиллар ўтиб, унга ўшандаги барча хатти-ҳаракатлари ўта муҳими ва ўта салмоқли туюлаверарди, энди у пайтларни эсласа бас, қора терга тушар, тиззасини силаб туриб, азиз ҳаётини беҳад хавф остига қўйиб тентаклик қилганидан ўқинар эди: «Бошқа ёш-ялангни юборсам ҳам бўларди-ку, улар ўзлари тутиб олишарди, дўп-послашарди...»

...Ҳозир қўллари ортага боғланган, ўнг кафти азобли санчиқдан ёнаётган, елкасини милтиқ қувури дамбадам тирнаётган шу аснода, Месроп ўзича, узоқ йиллардан бери қасд олишни ният қилиб юрган эдим, деб ўйлади, бугун энди ўч олмоқ фурсати етган эди, лекин булар менга халал беришди, юзимга оёқ қўйишди. Шу ўйни ўйлаган асносида ўзига ўзи жуда ачиниб кетди. Еноғига оқиб тушган бир томчи ёш ҳам кўнглига ёқди. Аслида бу пайт бир аҳмоқ иккинчи аҳмоқни йўқ гуноҳи учун айблаётган, унис эса бу гуноҳни қувонч билан бўйнига олаётган эди, холос. Негаки, унинг ҳаётда бирор арзирли бисоти йўқ эди, у жилла қурса шундай бир бисот орттиришни истарди. Тасодиф иккита субутсиз одамни тўқнаш келтирдию бири тутувчи бўлди, унис тугилувчи бўлди ва энди уларнинг ҳар иккиси ҳам, мана, мен ахийри тутдим, мана, мен ахийри тутилдим, деб ўйлаб борар эдилар. Иккиси ҳам мамнун эди: ахир улар кунни кечагина Никалнинг хотинининг этагига осилиб юришарди, бугун эса, иккисининг ҳам дилида аллақандай мубҳам ва юксак ғоялар куртак отмоқда эди.

Қасофат қафт санчиб оғрирди, гўё вужудда кезган жамики қон шу қафтга йиғилиб қолгану ҳозир тизиллаб отилиб кетадигандек. Қафтинг териси юпка, милоли ўргимчак тўридай. Месроп тўхтади. Левон уни милтиқ учи билан туртди. Месроп милтиқ қувурига атай суйкалди, токи елкаси баттар оғриси. Унинг елкаси, жабрдийда одамнинг азиз елкаси. Сўнг у Левонга қайрилиб деди:

— Улар менинг отамни ўлдиришган, Левон.

Левон масалага бундай тор маънода қарашни хоҳламади, яна милтиқ билан туртди:

— Қани юр, миллатчи кўппак!

Месроп ҳам бу ерда биргина отани эслатиш билан чекланиб бўлмастлигини тушунди.

— Улар Ани шаҳрини вайрон қилишди,— деди у.

Чор атроф тоғдан иборат эди. Даралар бағрида пода ҳам қўй ўтарлари ўтлаб юрарди. Улар иккиси булоқ қайнаб ётган сойликка тушиб келишар, ҳадемай, боя Левон отини тушовлаб кетган қирга ўрлашлари керак эди. Қўйида лолақизғалдоқлар билан қопланган водий кўрнарди, тепада, нақ даранинг устида, гоҳ думаллак, гоҳ тезлашиб қирғий учиб юрарди. Бир дам ўтиб, олдинма-кейин келаётган икки одамнинг кўнгли гурур билан тўлди, гўё ўзларини, қишлоқ аҳли учун биргина тракторлар каби янги бир асрор эканликларини англаб қолишди.

— Миллатчисан дедимми, миллатчисан, уларнинг шохи ёки думи бўларканми, ҳаммага ўхшаган одам-да. Миллатчисан.

Озарбайжонларнинг қўйлари бу пайт ўрмондан чиқиб келарди. Левон токи чўпонлар ўзини рўй-рост кўришгунча кутиб турди, сўнг қўллари боғлоғлик одамдан бир қадам четга сурилиб, яна битта шиорни ташлади: «Яшасин бутун дунёда уйғонаётган Шарқ!» Месропнинг қошлари чимирилди, ягини бир силтаб ташлаб, ғанимларнинг йўлини тўсиб чиқмоқчи бўлди. У чўпонларнинг ёнидан бошини мағрур кўтариб ўтишни мўлжал қилган эди, лекин нияти амалга ошмай қолди.

Чўпонлар уларнинг икковини ўраб олиб, бир-бириндан ўтказиб бақир-чақир қила бошлашди, сўнг Месропнинг қўллари кўриб, бармоқларида чиқмаган бўғин қолмаганини айтишди. Улар Месропни ерга ётқизиш олдилар, қимирлаб ишни бузмасин деб, учта одам белига ва елкасига чиқиб турди, қайдандир пай-

до бўлган кўзлари айёр чақнаган кампир Месропнинг қўлини кафтига олди.

— Э, бу бир кунлик иш эмас-ку...— деб ух тортди кампир ва кучининг борица бошмолдоқни тортди. Сўнг тагин тортди, бурадио яна бир марта тортди. Бошмолдоқ икки жойдан чиқиб кетганини кўриб, бошини чайқади.— Сизларга нима бўлган ўзи, ёш бола эмас-сизлар, кўзларинг қаёқда эди?..

Муолажа охирига келганда кампир ўзини тиёлмади, Левонни эркакчасига сўкиб юборди. Сўнг, жимжилоқ жойига тушган-тушмаганини текширатуриб, яна сўкди:

— Галварс экансан!

Месроп, боши бўм-бўш, юзига томган ёшлари қуриб борар, оғриётган қўлига маъюс боқар эди. Кўнглида на табиб кампирга, на боя ўзини босиб турган, энди чеккароққа чиқиб тамаки чекаётган бегона одамларга заррача бўлсин ғайирлик сезмасди.

Месроп билан Левон олдинма-кейин, икки таъзири-ни еган ит ёки икки мағлуб саркарда, ортларидан битта от билан битта милтиқни судраб, ўзаро гаплашиб ўрмонга киришди, ўрмонни оралаб қишлоққа йўл тутдилар. Иккови ўтган-кетгандан, отлар ва тақалардан, мола ва гўнган, Симоннинг ишёқмас эшагидан гаплашиб боришди. Лаънати эшак уч йилдирки, ўлиб ўлмайди, тирик бўлиб ишга ярамайди, қилган меҳнати шуки, эртадан кечгача ҳанграйди. Бўрига ем бўлгур шунақа бир касофат...

Йигирма етти-йигирма саккиз ёшида Левон кўнглида барча эллар биродарлиги ғоясини асраб-авайлаб юрар, Месроп эса, «Арманилар... Наирн... Ани...» деб гўлдиргани гўлдиргани эди. У китобдаги номлар ва саналарни ёдлаб олиб, сўнг уларни сақич қилиб чайнаб ва ахирги Арманистон тарихига айлантлар эди. Левон унинг бу қилиғига ола қарар, ўзига ўзи, бохабар бўлиб туриш керак, деб уқтирар эди. Левон Месропга муносабатини ҳеч қачон яширмаган, ҳатто уни бир неча бор огоҳлантиришга ҳам улгурган эди. Левон ўзининг ўта хушёр ва зийрак кланидан фахрларди. У хушёрлигидан, Месроп эса Леосидан ажралишни истамас эди. Иккови ҳам бир-биридан мамнун бўлиб яшарди, негаки, бир паллада буниси, иккинчи паллада униси, хуллас, улар тушган тентак тарозига посанги керак эмасди. Кейинроқ, қишлоқда ваҳима кўтарилмасан деб, Левон атай зимзиё тун чоғи Месропнинг уйига давлат хавфсизлиги ходимларини бошлаб келди. Ҳибс режаси Левоннинг таклифи билан махфийлаштирилган эди: ўчта ходим четроқда бекиниб туради, Левоннинг ўзи бориб эшик тақиллатади. Левон Месропнинг итига деб бир парча кигизни ёғда қовуриб келган эди, шуни ерга ташлади, бечора ит кигизни чайнаб адо қилолмади. Туни билан, сўнгра Месропни олиб кетишгач ва энди бемалол хуришга рухсат бўлганидан кейин ҳам кигиз парчасини роса бир кун чайнаб ётди. Хуллас, итни чалғитиб улгуршиди. Месроп эса, битмига мувофиқ, ухламасдан китоб ўқир, келадиган одамларни кутар эди.

— Бу менман, Месроп. Бўйинтуруқни қайга қўйдинг, тополмай гаранг бўляпман.

— Бўйинтуруқ менинг бўйнимда турибди, Левон,— деди Месроп армани эркакнинг гувиллаган овози билан.— Сенга бўйним керак, хайриятки, бошим билан бўйним ўзимда турибди, қирақол.— У шундай деб, деразани очди ва ташқарига милтиқ ўқталди.— Эй йигитлар, ораларингда турк-пурк йўқми?

Ташқарида турганлар, йўқ, ичимизда турк йўқ, ҳаммамиз арманимиз, деб айтишди.

— Армани бўлсаларинг, майли, киринглар, қадрдонларим,— деди Месроп милтиқни ичкарига олиб.— Ароқ ичасизларми ёки виномми?

Меҳмонлар ароқ билан винони энди кўрибдими, буткул бошқа нарсани излашди. Бошқа нарсани излашди, лекин бирорта ҳам бошқачароқ нарсани топишолмади, чунки унақа нарсанинг ўзи йўқ эди. Биргина Леонинг китобию колхозчининг меҳнат дафтарчаси чиқди. Улар тинтув ўтказган пайт Месропнинг ўзи стол ёнида кўзларини пирпиратиб тек ўтирди.

— Узи нимани ахтаряпсизлар, менинг бор нарсам ўртада, бекитадиган матоҳим йўқ, ораларингда турк йўқ экан, яна нимани яшираман, қадрдонларим...

— Қилични қайга бекитдинг, шундан гапир,— деди Левон ишшайиб туриб. Бу гапни эшитиб ҳалиги учовига ҳам жон кирди.

Рост-да, милтиқ деган нарсани ўзи нима, милтиқ кўп одамда бор, милтиқ билан қуён овлашади, каклик овлашади. Қилич дегани бошқа гап, унинг номи аталиши билан бешовининг ҳам миясида ғалати ўйлар чарх урди— ҳар ҳолда, казакларнинг қизилларга қарши тутган яроғи ҳам, бизнинг Чапаев инқилоб душманларини қалтиратиб қирган қурол ҳам ана шу қилич эди. Хуллас, қилич уларга ўта жиддий матоҳ бўлиб туюлди, қолаверса, девордаги миҳда илиғлик турган чўпон буркаси ҳам уларга Чапаевни эслатиб турди.

— Қилич дедингми? Рост айтасан, қиличим қайда қолди?

Уйни ағдар-тўнтар қилиб тинтишди. Месроп ҳам уларга қўшилиб тинтиди. Уйнинг деворларидан тортиб шифтдаги болорларгача дўқ-дўқ уриб кўришди: бирор қавак жой бўлса, шунга қурол бекитилмаганмикин, деб ўйладилар. Лекин аксига олиб, бирорта пўк жой топилмади, бутун меҳнат зое кетди. Улар нима қилишларини билмай, хона ўртасида ҳайрон туриб қолдилар. Шунда Левон Месропни четроққа бошлади. Унинг қулоғига шивирлай бошлади. Энди Левон махфийлик, саросима, жаҳон инқилоби каби юксак нарсалар ҳақида ўйламас, негадир бўшашиб, оддийгина бир деҳқонга айланиб қолган эди. Ҳозир у гўё уйига азиз меҳмон келганда тузукроқ дастурхон ёзолмаган мезбон каби уяларди. Месроп унга қулоқ тутганича, бош иргар, «Хўп, шундай, албатта, ҳа, шундай», деб такрорлар эди. Ҳалиги уч киши ҳам унинг Левонга қараб, «Хўп, шундай, албатта, ҳа», деганини эшитиб турарди. Левон бу пайтда Месропга қараб: «Уят бўлади, бу одамлар атай областдан келишган, энди нима қиламиз, булар қуруқ қўл билан қайтиб кетишса уят бўлади, ана, лейтенантни ҳам безовата қилишибди, қара, анави ёшгинаси лейтенант бўлади, деб гап уқтирар эди. Месроп унга жавобан, ҳалиги гапларини айтарди: «Хўп, шундай, албатта...»

...Қилич намхонадаги қарам бошлари орасида, қарам барғларига ўралиб, гўё қилич ҳам эмасдай, ерда кўримсизгина бўлиб ётган экан. Зағт босиб кетибди. Қачондир у билан қарам қирқишгану кейин шу ҳолда қолдиришган, унуттишган. Месроп бу бедодликни кўриб, хотинига дўқ урди:

— Хотин бошинг билан қилич ушлашни сенга ким қўйибди, тентак, қачон сен қуролни иззат қилишни ўрганасан?

Месроп қилични олдию шу заҳоти ярақлатиб тозалди, тиғини пешлади, ўз айбига тузукроқ далил бўлаоладиган ҳақиқий қуролга айлантди. Месроп қилични шундай ярақлатиб қўйдики, Левон кейин кўп замонлар одамларга нақл қилиб юрадиган бўлди:

— Мен бутун онгли умрим давомида катта фаолият кўрсатдим... Шундай бизлар нималарни кўрмадик дейсиз, бузғунчилик, бандитизм, бандитизм ҳам гап эканми, миллатчиликни ҳам кўрдик! Эҳ, ёшлар, ёшлар, бу хаёт биз учун арзонга тушмаган!

Кун сайин айтилаверадиган паншаҳа, хаскаш, укроп, зиғир, каноп ёки тезак деган сўзларнинг ўрнига «фаолият», «онгли умрим давомида» ва бошқа, энди қулоққа чалингану ҳали расм бўлиб улгурмаган, тахи ҳам бузилмаган, оҳори кетмаган яп-янги сўзларни ишлатиш унга жуда-жуда ёқарди. Фақат Левон баъзида адашиб кетар, «миллатчилик» деган сўзнинг ўрнига «месропчилик», деб юборарди.

Месроп ҳам ундан қолишмади: қишлоққа қайтиб, уч-тўрт кун тилини тийиб юрди, сўнг яна жағи очилдию гапга тушди: «Эшитдингларми, Левонни фоз қилишибди?...» Чамаси, у ўзича «Берияни фоз қилишибди», «Эшитдингларми, Левонни қамашибди...» ёки «Левонни ҳукм қилишибди», деб айтмоқчи бўларди. Хуллас, гаплари жонга тегди, тез орада унинг ҳазил-

хузулига чидайдиган кимса қолмади. Ахийри, икковини ҳам фермага ишга юборишди. Уларга: «Бекорга валақлаб юргунча, бориб иш билан банд бўлинглар», деб рўй-рост айтилди.

Фермадаги ишни ҳисобга олмаганда, уларнинг иккиси ҳам яшаб ўтган умрларидан мамнун эдилар. Бир ўзининг қамоққа тушгани фактини мисоли тумор ёки орден каби бўйнига тақиб юрар, униси эса, социализм йуқларининг барчасини ўзининг шахсий ютуғи деб билар эди.

Месроп ўзича, менинг ҳақиқатим устун чиқди, деб хаёл қиларди: «Ойни этак билан ёпиб бўлмайди, Москва, Кремль, СССР Олий Совети Президиумининг Раисига, шундай деб ёзамизми?»

Гап шундаки, Месропни барча эркалатиб юборган эди. Ҳамма, Левон ҳам, хавфсизлик хизмати ходимлари ҳам, айбисиз қамалганлар ишини текширувчи комиссия ҳам, болалигида сўқмоқ устида бошини силаган чўпондан тортиб, кейинчалик у милтиқ кўтариб озарбайжонлар устига юриш қилганида дўппослаган ўроқчи ҳам, хуллас, кимса борки уни эркалатиб юборган эди. Уни ўз ҳолига қўйишса, ҳолига парво қилишмаса тузук бўларди, лекин, афсуски, Месропни қўлашарди ёки айбашарди.

Айиқ ўз оти билан айиқ, лекин қарангки, ўшам четда турмади, Месроп билан элакишди. Ўзининг бир ярим центнерлик салобатини эсдан чиқариб, мана шу кичкина, қилтириқ чол билан элакишди. Месроп Ереван нималигини биларди, чунки унинг кўчаларида юрган, магазинларига кирган эди, француз газетасининг номи қандай ёзилишини ҳам биларди, «атом бомбаси» «жаҳон уруши», «Африка», «Нерон» деган сўзларни гапиришга ўрганиб қолган, энди шулар қатори, айиқ ҳам унга шунчаки эрмак бўлиб туюларди. У билган айиқнинг гўё жони йўқдай, гўё эртақдаги ажина каби кулгили ва бўлмағур нарса.

Левон унга, далага айиқ оралабди, деб айтди.

— Милтиқни тузукроқ ўқлаб ол,— деди у.— Сочма ўққа парво ҳам қилмайди.

— Қўйма ўқ терисини бузмасмикин,— деди Месроп унга жавобан.

— Билганингни қил,— деди Левон.

Куз кириб қолган пайлар эди. Ўрмон ичи кун сайин салқинлашиб борарди. Офтобнинг тиғи қайтаган, баданга хуш ёқар эди. Алвонранг барглар бутун ерни қоплаб олган, шилдироқ булоқларни кўмиб юборган, хас-хашак ва ўтлар ичида сув тўпланиб қолиб, оғир-оғир томчилар эди. Мох ёпинган қоялар гўё ўтмишдаги ёввойи аждодлар каби бадқовоқ тусга кирди. Ёнма-ён ўсган икки бук дарахти ҳадеб бири-бирига шохларини ишқалар, фижирлаши ғашга тегар, шунда шохдаги қуш ҳуркиб учар, дарахтлар устида бир зум айланиб, сўнг яна қайтиб кўнар эди. Месроп қушни бирор ўн марта нишонга олди, лекин отмади. Ўрмон жуда катта эди, шундай каттаки, унга қараб тўпдан ўқ узганингда ҳам ўзинини қудратли ҳис этолмас эдинг. Месроп гўё бегона уйга кириб қолгандай бўлди. У қорағат мевасини териб ерди ва ўзига ўзи, мана, ўрмонга келдим, келиб итузум мевасини еялман, деб гапирар эди. Юзи қилт ҳам этмасди, ўта сокин. Гарчи, «Айиқнинг маконига келдим, меҳмон бўлиб келдим у мана, итузумни еялман», деб ўйласа ҳамки, Месроп аслида бундай эмаслигини сезиб турарди. У дилроқ бўлишга аҳд қилди, ўзича, яқин ўртада дарахт бор, унга Андраник, Гикор, Амаяк ва ўзимнинг отим ўйиб ёзилган, деб ўйлади... «25.V 22-й. да чўчка боқиб юрдик». Месроп айни дақиқада бутун ўрмон ўша узоқ кундаги шовкинга, гулҳаннинг чарсиллаган товуши ва уларнинг тентакнамо кулгисию қовушмаган ҳазилларига тўлишини истаб қолди. «Эҳ, у кунлар ҳам кун экан-да!..», деб хитоб қилди. Аслида кўнгилни ўртаган зориқшдан эмас, шунчаки ўзининг овозини эшитиб бардамроқ бўлиш учун хитоб қилди, холос. Қўр-

қудан елкалари муздек совиди, сочлари тиккайиб, бошидаги қулоқчини ўз-ўзидан тепага кўтарилиб кетаверди.

— Сиёсий иқтисод!— деди Месроп баланд овоз билан.— Шимолий Қутб ва Жанубий Қутб.— Тирсагига тегиб турган қўндоқнинг қаттиқлигини сезди ва ўзича, зигирча ҳам қўрқаётганим йўқ, аксинча, жуда хотиржам турибман, мана, исботига қуляпман ҳам, деб ўйлади, сўнг овозини яна бир марта эшитмоқчи бўлди:— Қурғур итузум нордонгина экан...

Кутилмаганда ўрмонга сукунат чўкди. Бук дарахтлари ортиқ гижирламай қўйди. Қуш ҳам тепадаги шохга қўндио бошини ҳар тарафга айлантириб қарай бошлади. Месроп ёнида нимадир пусиб турганини сезди, лекин юрак ютиб қарай олмади. Қулоқлари чинқирди, ёноғидан бир томчи тер ерга чакиллаб томди. Айиқ, деб ўйлади. Айиқнинг ўзи. Кўрсакки, йиқилган бук ёнида айиқ турибди. Месроп уни кўришга кўрар, лекин қулаб ётган дарахтдан тузукроқ ажратолмас эди. Гўё қулаган бук ҳам, бутун ўрмон ҳам айиқка айлангандай. Месропнинг мушаклари бир тортилдию қайтадан бўшашди. Баданидаги тер қотди. Бир лаҳза унга қулаган бук ёнида бобоси тургандек туюлди, айиқ эмас, ўзининг бобоси, у жуда раҳмдил эди, салгина шафқат сўраса бас, дарров гуноҳидан ўтади.

— Исо тортилган хоч ҳаққи, алдаётганим йўқ,— деб ҳисо қиларди Месроп тўшагида ётиб.— Шундоққина эсимда, милтиқни ташлашим унга айтдим: «Сочма билан ўқланган, сен қўрқма, дедим, шундай деб кулдим, ҳозир кетаман, дедим, бир-икки дона мевангдан едим, ҳозир кетаман...» Сен умрингда айиқни кўрганмисан, Грант?

— Йўқ.

— Кучукдай бир гап, Грант. Кучуқнинг ўзгинаси экан. Оғзини очдию бир балоларни гўлдираганча менга ташланди. Тили узун, қил-қизил, худди итнинг тили дейсан. Увлашням билади. Қорнидаги жуни қизғиш товланади.

Ўшанда Месропнинг бирдан жаҳли чиқиб кетибди. Бу бир юрган ҳайвон бўлса, одамга зуғум қиларга қандай ҳадди сиғайди? Йўқ, айиқ уни эмас, у айиқни энгиси керак.

— Нега ғазабланинг, дейсанми? Нега бўларди, ақлсиз ҳайвон бўлатуриб менга ташланиб қолди, киприк ҳам қоқмади. «Бир сен етмай турувдинг», деб ўйладим. Қандай олганимни билмайман, бир маҳал қарасам, милтиқ яна қўлимда турибди. Қулочкашлаб туриб, қўндоқ билан бошига солдим-ку!.. Милтиқ парча-парча бўлиб кетди, анави махлуқ бўлса, ерга чордона қуриб ўтириб, оғриқдан додлаб юборди. Милтиқнинг учини оғзига тикай десам, қўймади, туфлаб ташлади, кейин яна менга қараб юрди. Қарасам, ҳеч тўхтамайдиган, суробимни тўғрилаши аниқ. Оғриқ-поғриқи сезганим йўқ, лекин жуда қизиб кетдим, бунинг устига, анавининг оғзидан сассиқ хид уфурлади. Эсимда қолгани шуки, унинг ҳалиги зормандасидан ушлаб тормоқчи бўлдим, аксига олиб, унақа нарсаси йўқ экан. Охирги умидим шу эди, шунча ахтараман, лекин қўлимга бирор вақо илинмайди. Қанча одамлар худди шу зормандани тортиб омон қолишган. Ушлаб торсанг, кейин қўйиб юбормасанг бўлди, айиқ тил тортмай ўлади. Шу-да... Менга қолганда зормандаям учрамайди. Э, омади чопмаган, деб мени айтса бўлади. Омадим йўқ менинг, ўзи менга бир рўшнолик битмаса не қилай...

— Кейин нима бўлди?

— Эсимда йўқ, Грант, айтишларича, кучуқлар қутқариб олган эмиш.

— Қизиқ-ку, нега сенга қолганда айиқнинг ҳалигиндай матоҳи бўлмас экан?

— Урғочиси бўлса керак-да. Ишнинг чаппа кетганини қара. Дунёда овчи билан айиқ деганинг тўлиб-тошиб ётибди. Овчи айиқни учратса бас, отиши шарт, ё айиқ тил тортмай ўлади ётир қилиб сенга ташланади. Бошқалар шартта отиб ўлдирishi мумкин,

лекин менинг галим келганда милтиқ сочма билан ўқланган бўлади. Устига устак, айиқнинг урғочиси дуч келади. Умрим бўйи шу, омадсиз ўтяпман.

У бирор ой чамаси район касалхонасида тўшакка михланиб ётди, сўнг шунча вақт ўзи туриб ўзи юрадиган касаллар қаторида бўлди, ўзича нималарнидир ўйлаб пишитди, энди бўлса, қатъийроқ қарорга келган чоғи, эшитадиган қулоқ ахтариб қолди. Лекин қишлоқдагилар унинг овчилик саргузаштларидан кулишди, холос. У чурқ этиб оғиз очса бас, дарров қўл силтаб жўнаб қолишарди.

У бармоғини китоб орасига тиқиб, тўшагида тепага қараб ётар, гўё шифтдан ўқиб олаётгандай қилиб сўзлар эди:

— Эллик йил яшаб юрдим, лекин бирор нарсани тушунган бўлсам, ана шу ов маҳали тушундим. Айиқнинг кучи нимада? Айиқ — бу ўрмон дегани. Айиқ — ўрмоннинг бир қисми. Ўрмон ҳам айиқнинг бир қисми. Ўрмон қайда тугаб, айиқ қайда бошланаётганини кўриш мумкин. Мен қочмоқчи бўлувдим, лекин буталар йўл бермади, ҳалиги қушча айиқнинг биқиниб олганини кўриб турса ҳам, мени бир соатча лақиллатди. Фаҳминг етаётгандир?

— Дуруст,— дедим мен.— Лекин гапингга қарасак, кимки зўр бўлса, ўша душман бўларкан-да?

— Озгина хато қилдинг,— деди Месроп сўхбатдош топилганидан, уни ҳам ўзи сор бургут каби бемалол парвоз қиладиган осмони фалакка тортиб олганидан кувониб.

Бошини сараклаб, ҳамсўхбати тугул дунёни ҳам писанд қилмай, кўрсатгич бармоғини баланд кўтарди ва шу билан бошқаларнинг ўз мулкига киришидан норози эканини таъкидлади, сўнг унинг ўзи учун арзимас, лекин айна замонда зарур бўлган доно гапларни айтди:

— Сен сал хато қилдинг, аслида эса, кимки айиқ бўлса, ўшанинг қўли устун. Яъники, ҳамманинг ўз ўрмони бўлиши керак. Масалан, Левоннинг шунақа ўрмони бор, шу сабабдан у зўр. Биргина менда шу нарса йўқ, бошдан-охир йўқ эди.

— Отларга тузукроқ қарасанг, камомад қилмасанг, ўшанда тузукроқ ҳақ оладиган бўласан, кейин сенга ўрмоннинг ҳам кераги бўлмай қолади,— дедим мен.— Қуруқ гап сотишдан нима фойда. Эллик яшар одам ақлли бўлиши керак, деб ўйлайсан чоғи, гапирганинг гапирган.

— Йўқ,— деди у бош чайқаб.— Бундай эмас. Сен буларни тузукроқ тушуниш учун ҳали кўп яшашинг керак. Одамзод бу дунёда нимадир билан қорин тўйдириши керак. Нон биланми? Буғдой экасан, буғдой ўрасан, хўш, нима бўпти? Ана, айиқ ҳам данак териб ейди. Ит ҳам суяк топиб ейди. Хўш, нима бўпти? Месроп, бунинг ҳаммаси етмагандай, яна отларни ҳам боқади. Айиқ данак ейди, Месроп дон ейди. Айиқ ҳам ейди, Месроп ҳам ейди. Бунисига нима дейсан?

У яна адоғи кўринмас сўқмоққа, ўзини турли ўрмон ғаройиботлари — айиқлар, буклар, қирғий ва кийиклар сари, узокдаги мох билан қопланган ва нимаси биландир қадим аждоқларимизни эслатадиган қоялар сари элтадиган узун сўқмоққа тушиб олди. Сўқмоқ элтадиган жойларда айиқ қулаган дарахт пайрачаларини чалиб ўйнар, чақмоқлар ёнғин чиқарар, жалалар

бу ёнғинни ўчираб эди. Жилға бўри изларини беки-тар, бўри ўтлоқдаги кийикка сездирмай яқинлашиб келар ва бу бедодликка чидолмаган қайин шохи тўсатдан қарсиллаб синардию бўри қўрқувдан юраги ёрилгудай бўлиб қочар эди. Ўрмонга қалин қор тушарди, қор остида қолган ўрмон, мудраб ётганича, янаги йил эртагини тўқирди, янаги йил эса каккунинг илк сайроғидан бошланиб, итузум тераётган айиқнинг завқию қуёнларнинг зийрак ва безовта уйқуси билан тугарди.

Охирги гал у озарбайжонлар устига дурустроқ важжорсонсиз бостириб борди.

Милтиғини олди, тозалади, ўқладию у тарафга қараб юрди.

— Бу дунёда яна бир-икки кунлик умрим қолди. У дунёда отам Аветикка нима жавоб бераман?

Дарада Левон чўпонлар билан қўйларни юваётган эди. Месроп кетди, деган хабар етгач, Левон ишини қўйиб, тепадаги чодирлар томон чопди. Чопатуриб қичқирди:

— Боғланглар у тентакни!.. Тентакни боғласаларинг бўлмайди!..

Лекин чодирлар олдида биргина аёллар бор эди.

Ҳеч ким Месропнинг ортидан юрмади, етиб боғламади. Месроп қирга чиқиб, озарбайжонларнинг манзилига тушди. Бориб кўрасаки, шу ерлик жайдари буқа билан уларнинг зотдор буқаси сузишиб ётибди. Маҳаллий буқанинг шохлари қирқилган, энди рақибини минг туртгани билан бефойда эди. Зотдор буқа семиз ва баҳайбат эди, лекин бу ҳам рақибига зиён етказолмади, гарчи шохи қирқилган бўлса-да, маҳаллий буқа чайир эди. Уларнинг жанги энди бир тартибга тушган эди. Лекин Месроп уларни ажратиб қўйишни маъқул кўрди. Буқаларни ҳайдаб юбориб, ерга ўтирди, папирос тутатди, кейин яна ўрнидан туриб, орқасига қайтиб кетди.

Озарбайжон чўпонлар унинг ортидан кулиб қолишди:

— Отбоқар яна тарвуз егани келибди.

Месроп ҳали ҳам тирик, ҳали ҳам қўйилмаган, қўлига болта тутиб, ўрмондан бери келмайди — булоқларни тозалайди, жўка қобигидан коса ясаб, булоқ бошларига кўяди; булоқлар устидаги тошларга, қояларни қоплаган мохларга: «Месроп К. XX аср», яъни, Месроп Казарян, йигирманчи аср, деб ўйиб ёзади. Жўка қобигидан қилинган косаларинг кимга керак, улар неча кунга чидайди, мохга ўйиб ёзган исми шарифинг яна неча кунгача ўчмай туради ва, умуман, бу нарсалар кимга керак, деб сўрайдиган одам йўқ.

Левон ҳам тирик. Қишлоққа келиб турадиган мухбирларга: «Мен йигирманчи-ўттинчи йилларда жуда катта фаолият кўрсатдим. Жуда катта фаолият кўрсатдим. Энди шуларни эсласам, бир одам шунча ишни қандай эплаган экан, деб ҳайратга тушаман», деб ҳикоя қилади. Месроп ҳақида гап очилгудек бўлса, Левон бунақа дейди: «Ёмон одаммас-ку, лекин нафис билмайди — буқа борки, шуни сузади, от борки, шуни тепади. Ҳеч балони тушунмайди, тентак; отнинг шохи йўқ, демак, олдидан кел, буқа тепишни билмайди, демак, ортидан кел. Расми-русми шу, билсанг хор бўлмайсан».

ЛИТЕРАТУРНАЯ

УЧЕБА



ШАКЛ— ТОМИР, МАЗМУН— ҚОНМИ?



Ешлик



Миллийлик — саломатлигимизнинг биринчи белгиси бўлган қон гупуриб турган томирга ўхшайди. Одатда, томирнинг бор-йўқлиги пайқалмайди. Худди шундай миллийлик ҳам «пайқалмасдир». У ҳатто пайқалмаган тақдирда ҳам, бўлақларга бўлинмайдиган, пайпаслаб бўлмайдиган тақдирда ҳам яшаш қобилиятига эга. Бордию бўлақларга бўлинса, моддийлашса, «қуйқа» бўлиб чўкса — ёмон аломат. У ҳолда мана бундай «миллий шакл» пайдо бўлади: нарса, предмет, тувак. Буни энди музейга қўйиш мумкин. Маълумки, кундалик турмушда истеъмолдан чиқиб қолган нарсаларгина музейга тушади. Қон томир «пайқалмайди», шунинг учун ҳам уни истеъмолдан чиқариб ташлаб бўлмайди.

Бир гапни дадил айтишим керак: миллий адабиётларимиз ички системаларининг ўзаро таъсирини ўрганиш билан ҳар қанча кўп шуғулланган бўлсам ҳам, барибир, биз миллий ўзига хослик деб атайдиган тўқич бермас ферментни намойиш этиш — ун «қўлга олиб кўрсатиш» қўлимдан келмайди. Бу жумбоқ устида бош қотирган сари ўзингни худди гирдоб оғзида тургандек ҳис қиласан: қабрига тортади; бироқ туби кўринмайди. Ана шу пўртанали оқимга тушиб қолиб, бир неча бор, онгли равишда ўзимнинг «рус соҳилим»га тирмашиб чиқиб олганман, негаки, бу уммонни «ичиб» адо қилолмаслигимга, чўкиб кетишим эса ҳеч гап эмаслигига ақлим етган эди. Ун йил мобайнида қардош халқлар адабиётлари ҳақида ўттизта мақола ёзиб, ниҳоят ўзимни ёзаётган ва фикр юритаётган нарсаларимнинг теран қонуниятларини худди айнан тушунадигандек қилиб кўрсатишим бориб турган гумроҳлик эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдим: шу нарсага ақлим етдики, менинг бошқа халқлар адабиётлари тўғрисидаги танқидий мулоҳазаларим, аслида, рус адабиётида рўй берган ҳодисалар, рус китобхонларининг қалби, рус маънавий бурчи ҳақидаги «ўз-ўзига характеристика бериш ифодаси»дан ўзга нарса эмас.

Ундан у ёғига тенг исбот қилиб бўладиган ва гўёки бир-бирини мустасно этадиган нақллар бошланади: Эне Ветемаа тўғрисида ўйлай туриб, эстон ҳақида фикр юритаман; Эне Ветемаа тўғрисида ўйлай туриб, ўзим ҳақим-

«Ешлик» ҳамда

«Литературная учеба» журнали

танқидчи

Лев Аннинскийнинг

адабиётда миллийлик ва умуминсонийлик

муаммолари тўғрисидаги мақоласини

муҳтарам

журналхонлар эътиборига мунозара

тариқасида ҳавола

этаётир. Айни пайтда

ҳар иккала журнал редакцияси

СССР ташкил топганлигининг

60 йиллик байрами

кенг нишонланаётган шу кунларда

яна ҳам муҳим аҳамият касб

этган бу проблемани турли авлод

вакилларидан

иборат бир гуруҳ ижодкорлар

муҳокамаси учун мавзу қилиб қўйди.

да: м е н и ҳайратга солган нарса хусусида, унинг асарини ўқийдиган пайтимда м е н д а рўй берадиган нарсалар тўғрисида мулоҳаза юртаман.

Кантда шунга ўхшаш ҳолатлар учун махсус категория бор: антиномия. Айтилик, тенг исботлаб бўладиган шундай иккита ҳолат мавжуд: «оламининг охири бор», «оламининг охири йўқ». Назарий жиҳатдан униси ҳам, буниси ҳам бўлиши мумкин. Бордию «миллий заковат антиномияси»га ўхшаш бирор нарса Кант қолипига солинса, худди бир-бирига қовушмаган, лекин мутлақо реал айрим-айрим икки мулоҳазага дуч келинади. Ҳар қандай ёрқин миллий ҳодисада материалга, мавзуга ва ҳатто тилга боғлиқ бўлмаган миллий субстрат бор. Шу билан бирга ҳеч қандай мустақил миллий субстрат йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Биринчи мулоҳазаларимни исботлаш учун шундай далил келтираман. Чингиз Айтматов, Анар, Ион Друцэ, Темур Пўлатов, Улжас Сулаймонов рус тилида ёзади. Бироқ айни пайтда буларнинг миллий авторлар эканлигига шубҳа йўқ. Бинобарин, уларнинг асарларидаги бирмунча қизиқ жиҳат ҳам ана шу миллийликдир. Улжас Сулаймонов парижлик, Чингиз Айтматов америкалик, Анар ўзга сайёрадан келган одам тўғрисида ёзиши мумкин. Лекин буни қозоқ, қирғиз, озарбайжон ёзгани кўриниб туради. Зеро: рус тилида ёзадиган қозоқ ўзининг қозоқлигини яна ҳам чуқурроқ ҳис қилади, негаки, уни «тил девори» муҳофаза қилиб тургани йўқ. Тил йўқ, бироқ «нимадир» бор.

Ўш, нима! Соф ҳолдаги миллий «субстрат»ни алоҳида ажратиб олишга уриниб кўринг — у шундоқ кўз олдингиздан ғойиб бўлади-қўяди. Унинг пўстини худди пиезга ўхшаб қават-қават арча бошлайсиз ва бордию «пиез ўзагини» топиш насиб қилса, нуль натижага эга бўласиз: ўз ичида «ҳеч нарса»ни киймайдиган ва «сақламайдиган» барча кийим ҳамда қаватлар ўзларининг мавжудликлари ҳақидаги ф а к т д а «нимадир» сақлайди. Бироқ бу «нимадир»ни ажратиб ололмайсиз.

Ҳозир «рус» тўғрисида иштиёқ билан кўп нарса ёзилмоқда [Д. Лихачёвнинг шу мавзуда ажойиб иши бор эди], бироқ ҳеч ким: «Мана илдиш мана манба, мана соф рус», деб қатъий кўрсата олган эмас. Қадимги халқлар номларини истаганингизча ағдар-тўнтар қилишингиз, улар тўғрисида қайта-қайта бош қотиришингиз мумкин, бироқ қадим даврлардан ҳам, ҳозирги реал замондан ҳам соф «қадимги русни», соф «қадимги инглизни», соф «қадимги қозоқни» топа олмайсиз.

Ажойиб муаррих ва этнограф Л. Н. Гумелевни ўқинг: у, миллийлик бир ёки кўп этник материалда вужудга келиши мумкин, деб кўрсатади; миллийлик эътиқод базисида пайдо бўлиши ёки эътиқодни рад этиш асосида туғилиши мумкин; миллийлик «ўз» тили атрофида жипслашиши ёки «бегона» тилдан фойдаланиши мумкин; миллийлик реал территорияга таяниши, ёки, аксинча, реал территория йўқлигининг ўзини миллий руҳни сақлаб қолишини омилли қилиб, тарқоқликда қарор топиши мумкин. Демак, бундан шундай маъно келиб чиқади: миллий негиз ҳеч сўзсиз реал ҳодиса, у шак-шубҳасиз сезилади, унинг «киркиркирларини» илмий ўрганиш мумкин, — бироқ уни «негиз» сифатида, «субстрат» сифатида, «моддий унсур» сифатида ушлаб кўришга ҳаракат қилинг-чи — қўлингиздан келармикан. Йўқ, келмайди. Демак, миллийлик — ҳақиқий динамика. Маънавий мақсадларнинг бир шакли. Бурч туйғуси.

Яна антиномия. Миллийлик — ягона мақсад эмас, балки фақат маънавий мақсадларга элтувчи бир йўл, холос. Бироқ, иккинчи томондан, миллийлик — ягона мақсад, негаки маънавий мақсадлар ундан ташқарида амалга ошмайди. Нима қилмоқ керак!

Бу антиномия менинг назаримда маданий амалиётимизга татбиқан икки муҳим таъқиқ билан «ҳал этилади». Ҳамма нарсада «рус», «эстон» ёки «қирғиз» бўлиш учун м а х с у с қайғуравериш керак эмас. Ёки ўзини «умуман инсон» ҳис этиш учун бундан м а х с у с юз ўгиришининг ҳам кераги йўқ. Биринчи ҳолатда маҳаллийликнинг эи-

мистон қаърига тушиб қолиш хавфи бор. Иккинчи ҳолатда эса — мавҳум ва самарасиз «умуминсоний» заифликка юз тутиш мумкин.

Махсус қайғуриш лозим бўлган бирдан-бир нарса — ўзлигини йўқотмаслик учун ҳар қуни жон-жаҳди билан тиришишдир. Истеъдод билан ёзилган асарда миллий руҳ муҳри бўлиши мукаррар, лекин бунга эришмоқ ҳам, «программа» бўйича эмас, худди шундай мукаррар бўлиши керак. Яна жумбоқми! Мен учун Чингиз Айтматов Осиё халқлари афсоналарини келтирган жойда эмас, «ажойиб кўчлар» ўзаро ҳаракат қиладиган ерда кўпроқ қирғиздир. Бу парадокс, лекин илож қанча!

Лекин мен аввал бир нарсани айтмоқчиман. «Бўронли қўналга» романи нотекис, чўзиқ, тўқимаси гоҳ зич, гоҳ ғовак, дид нуқтан назаридан ёмон «тўқилган». Мен романдаги заифликларни эмас, ана шу заифликлар сезилиб турган маънавий кучларнинг табиатини тушуниб оллоқчиман. Бу китоб ҳайратга соларли даражада фикрий жасоратлар ва танг қолдиларли даражада башоратларга бой: бу ерда миллий фактурадан кўра, кўпроқ «инсоният ҳаёти» илғаб олинган. Бу — глобусни бир бутун қилиб турган кўчларнинг «тенгликка асосланган» қўбларни ўртасидаги таранг мувозанат. Бу — ер қуррасининг чаккасини сиқиб турган «чамбарак». Бу — бўшлиқда кесишган кўчлар трассаси... Уйлайманки, «Европа адабий аъёналари»га муккасида кетган ёзувчи буларнинг барчасини шу қадар содда ва аниқ кўра олмасди. Европа аъёналари халқлар «сиёсий турмуш»нинг эмоционал ва интеллектуал тафсилотларига ҳаддан ташқари ғарқ бўлиб кетган; бу аъёналар ҳаддан ортиқ оҳанглар ва нозикликларга боғланиб қолган; бордию бу конкрет тарихий билимлар юкидан халос бўлса, «тўсиқдан ҳатлаб ўтиб» дарҳол бошқа жойга — «умумбашарийлик»нинг баъзан нафас ҳам олиб бўлмайдиган даражада сийраклашиб кетган муҳитига бориб тушади. Чингиз Айтматов инсониятнинг кўчлар майдонига кенг планда бамисоли «четдан туриб» назар солган, унинг бу назарида дадиллик ҳам, ўткир гувоҳлик ҳам, яхлитлик ҳам бор. Бу — янгича ва кутилмаган назар; Гогол айтганидек, «даштининг нариги томонидан», «одам қўлиғи туфайли кўриб бўлмаслик»дан ҳоли бир назар; йиғлоқлик тумани тўсиб қўймаган ва майда-чуйдалар чалғитиб юбормаган бешафқат назар. Кўчлар чамбараги сиқиб турган қурра замин... Инсониятда рўй бераётган ўзгаришларни ўткир ва яхлит ҳис этиш учун киши ўз тафаккурида худди ана шу Осиё маънавий тарихининг минг йиллик тажрибаларига эга бўлиши, чексиз кенгликларни карвон сўқмоқларидан иборат чамбарак орасида тутиб турган кўчлар чизиғи сезгисини хотирасида сақлаши керак.

Мен ҳали: одамзод бошини сиқиб турган чамбарак — ана шу чамбарак билан шахсий ва тарихий хотираси бўғиб ташланган манқурт ҳақидаги афсона — яъни, шу образнинг ўзи бадий тафаккурда нималарга эга бўлиши кераклиги тўғрисида гапирётганим йўқ.

Тўғри, манқурт эпизоди — ривоят. Ривоят — замонамиз учун мода бўлиб қолди. «Ривоят — миллийми ёки умуминсонийми!», деб сўрайдиганлар ҳам бўлади. Бундайлар: «Телпак кийиб юриш яхшими ё ёмонми», деб сўрашдан ҳам тоймайди.

Ҳар нарсанинг ўз вақти бор. Ҳозир прозаимизга рангли оқим бўлиб сузиб кираётган кўпдан-кўп ривоятлар, менга чинакам фалокатга ўхшаб туюлади. Нима учун! Чунки, ана шу кўпдан-кўп афсона ва ривоятлар — авторлардан реаллики тадқиқ этиш ҳуқуқини олиб қўяди. Ривоят ёки афсона — тайёр образ, тайёр хулоса, қарз олинган бегона мулк. Бу — миллий руҳни илғашнинг «осон йўли», бироқ, алдоқчи йўл.

Бироқ, ҳаммаси афсонавий унсур асарда қандай бадий мақсадни ҳал қилишига боғлиқ. Бордию агар бу «тайёр бадийлик»нинг «заррачаси» бўлса, мен бу «заррача»ни олиб улоқтиргим келади. Бордию ривоят ёки афсона замонавий тафаккур алангасида эритилган бўлса, бордию ундаги асрлар мобайнида зичланиб кетган руҳий энергия бўшатиб олинган бўлса, бордию бу афсона ёки ривоят бизнинг томонимиздан предметлаштирилган бўл-

са, у ҳолда биз учун — у янги таянч нуқтасига айланади.

Бироқ, бу — машаққатли йўл; у афсона ва ривоятларга нисбатан ниҳоятда муқтақил бўлишни тақозо этади. Шунинг учун мен модага ҳам, ҳатто адабий йўналишга ҳам эмас, фақат шахсий муваффақиятга ишонаман. Мен, масалан, ҳозирги замон грузин адабиётига муносиб йўналишлар қай даражада самара бераётганини билишга журъат қилмайман. Шунинг биланки, бу йўналиш грузин учун тасодифий ҳол эмас, у етилган, унинг учун катта куч сарфланган — грузин бадиий тафаккурини ҳозир ривоят-романларсиз тасаввур қилиш қийин. Бироқ ана шу грузин нақли дунё миқёсига чиқа оладими-йўқми, чиқса — қайси вариантда чиқади, янги умуминсоний ғоялар пайдо бўладими ёки Чабуа Амираджоби ва Отар Чиладзенинг ажойиб романлари миллий маънавий йўлнинг маълум босқинчилари бўлиб қолаверадими — энди бунини фақат келажак кўрсатади. Айтмоқчи, шу ўринда, гўё ёзувчи миллий турмуш «чегарасида» ўтиради-ю, кейин лип этиб умуминсоний миқёсга «чиқиб олади» тарзидаги ғайри ихтиёрий метафорадан ўзини тийиш керак. Буларнинг ҳаммаси шартли ва кўчма маънодаги гаплар. Табиатда худди мавҳум «миллий модда» бўлмаганидек, ҳеч қандай «умумбашарий модда» ҳам йўқ, фақат халқлар ва уларнинг санъаткорлари томонидан ҳал қилиб берилиши керак бўлган бадиий ва маънавий мақсадлар бор, тажриба алмашишининг бир шакли тариқасидаги ўзаро мутолаа бор.

Шунинг учун ҳам менга яқинда кимдир «Сизга айрим республикаларнинг адабиётлари рус совет адабиётидан ўзиб кетгандай туюлмаётими!» деб берган савол жуда ғалати эшитилади.

Ўзиб кетди! Қайдам. Нимага десангиз адабиёт — ташқи мақсад кетидан қувадиган пойга улови, маънавий йўл эса — ғайри-ихтиёрий ҳаракат эмас. Маданиятлар тақдирини бошқа мантиқ асосида пайдо бўлади. Василь Биков Константин Симоновдан «ўтиб кетгани» йўқ, Грант Матевосян эса Василий Беловини «ортада қолдириб кетган» эмас. Шунчаки белорус ва рус прозаси уруш мавзунининг турли аспектида ишламоқда, холос, арман қишлоғи эса рус қишлоғига қараганда бир мунча бошқачароқ маънавий ҳолат тимсоли ҳисобланади. Биз ҳамма учун умумий бўлган махсулотни ҳар биримиз ўзимизча ўраб бераётганимиз тўғрисида эмас, балки маънавий тажрибанинг ҳар хил вариантлари билан иш кўраётганимиз учун ҳам бир-биримизни такрорламаймиз.

Ҳа, миллий ва интернационал диалектика худди шундай кутблаган вариантда амалга ошириладиган тарихий ҳолатлар ҳам бўлади. Бироқ бундай лаҳзалар узоқ чўзила олмайди, фақат миллий вужуд интернационал ғояни ўзлаштириб олгунга қадар давом этади, холос. Ўзлаштириб олинган интернационал ғоя бамисоли томир ичидига қондай гап. Шакл ҳам энди — махсулот ўраб бериладиган мато ёки музейга қўйиладиган қадимги нусха эмас; мазмун ҳам — ҳамма нарсани қайта ҳар томонлама янгиловчи умуминсоний умумийлик эмас. Шу тариқа такрорланмас маънавий тажриба — шакл ва мазмун бирлиги пайдо бўлади.

Шунга қарамай, «умуминсонийлик»ка эришиш қимматга тушади, энг илғор (ҳаммадан ўзиб кетувчи) миллий маданият ана шу қутбий ўзгаришлар пайтида жуда катта қурбонлар беради. Рим маданияти қачонлардир ўзини янги Европанинг миллий маданиятига бахш этганини ва унга қоришиб кетганини унутмайлик. 20—30-йилларимиздаги ҳолатларга қайтиб, шунинг қайд этишга журъат қиламанки, пафос жиҳатидан интернационал бўлган янги «мазмун»нинг асосий оғирлигини ўз елкасига олган рус совет адабиёти, бошқаларга қараганда ўз миллий «шакли»ни кўпроқ қурбон берди. 30-йилларда ҳеч ким «рус» ҳақида махсус ўйлаган ва «рус негизини жиддийроқ англаб етган эмас. Бордию рус деҳқонини ёзадиган бўлсалар ҳам (анъанага кўра, у кўпроқ миллий руҳ билан суғорилган сиймо), ундан миллидан кўра кўпроқ ижтимоий образини ахтарар эдилар. Хусусан, нимани қайта тиклаётганимизни тамоман тушуниб етмаганимиз учун ҳам бугунги кунда бутун русга хосликни қайта тиклаш қийин бўлмаётганими-

кан! Биз бу ном остида нимани қайта тиклаёмиз ўзи! Бизнинг миллий ноимиздан маънавий мазмун ҳийлаги на йўқолди, бу — биз ўзимизни бутунлай миллийликка — шаклга урганишимиз учун берилган жазо. Бундан чиққани, биз бугун шаклни қайта тиклаётган эканмиз. Шаклни нима қилишимиз керак! Қадаҳга шаробнинг қайси хилидан қўйишимиз лозим! Ехуд бу идишни музейга қўйиш керакми!

Идишни қўлимизда ушлаб турибмиз, бироқ ундаги шароб оқиб битган, буғланиб кетган. Драма! Бордию «шакл» ўз-ўзини гипноз қилиш ва бирдан-бир мақсадга айланса, ўзининг маънавий бурчини бой бериб қўйган миллатнинг ўзлигини англаш драмаси!

Бирон кўзга кўринадиган нарсани олақолайлик. Сарафан, самовар... Йўқ. Тўғри келмайди!

Ҳозирги замон ёзувчиси ўзининг миллий негизи ҳақида мулоҳаза юритар экан, гўё муҳит чегарасида тебраниб туради. Миллий негиз худди ана шу «қиррада» «қармоққа илинади». Друцэнинг дастлабки ҳикояларини ўқий туриб, биринчи марта ана шу фикр хаёлимга келгани ҳали ҳам эсимдан чиқмайди. «Мана бу зўр, мана бу бизга хос» деб такрорлайди молдаван адаби ўзининг молдаван қаҳрамонлари кетидан ва: «бизга хос»лик хусусан нима эканлигини тушунмас ўлай агар...» деб қўшиб қўяди. Нима учун энди молдаван молдаван эканлигини ўзига ўзи тушунтира бошлаши керак (деб ўйладим мен)! Бунда ҳеч қандай маъно йўқ-ку. У фақат мен, — тинглаётган одам, — рус бўлганим учун ўзига ўзининг молдаван эканлигини тушунтиради. Бошқа миллат китобхонлари борлигини ҳис этгани учун шундай қилади. У ўзини бизга, ҳаммамизга: русларга, украинларга, қозоқларга таништиради, биз орқали эса ўзини ўзига таништиради. Ўзи орқали — бизни — бизга таништиради. Биз орқали ўзини-ўзига таништиради. Мен Друцэдан излаган нарсани ҳам худди шу; ҳўш, у биз, яъни руслар тўғрисида нима деб ўйлайди! Имомини комилки, у бизда ўзимиз сезмаган жиҳатларни кўради.

Мана энди бошда мен ўзим берган саволга жавоб қайтарадиган пайт келди. Айтматов, Анар, Друцэ, Сулаймонов. Ҳўш, буларнинг ҳар бири ёзувчи сифатида ким! Мен: қирғиз, озарбайжон, молдаван, ўзбек, қозоқ, дедим... Яна ҳам аниқроқ айтишим керак. Мисол учун: рус тилида ёзадиган молдаван. Энди бу ўз-ўзидан ўзаро муносабатлар «қиррасига» чиқишдир, зеро, тил — кўр-кўрона фикр ташувчи восита эмас, тил — маънавий тажрибалар, халқ феъл-атвори, муаммолар ранги ва бошқа нарсаларни ўзида мужассамлаган тирик организмдир. Рус бўлмаган ёзувчилар тилдан шунчаки «фойдаланмайдилар!» — улар тилга фаол таъсир кўрсатадилар, ўз наъбатда улар ҳам тилга ранг берадилар, уни оҳангдор қиладилар, бойтадилар. Ёзувчи бирор тилга мурожаат қилиши фактининг ўзи тил бойлигига қўшилган катта ҳисса ҳисобланади. Рус тилида ёзадиган молдаван молдаван сифатида ҳеч нарса йўқотмайди [йўқотса ҳам рус тилида ёзгани учун йўқотмайди]. Аммо у ўзаро муносабатларнинг янги қиррасига эга бўлади. У бошқа бир маданият билан муносабатда бўлади, ундан нимадир олади, унга нимадир беради. Худди шунинг учун ҳам у ўзлигини йўқотмаслиги керак.

Халқлар бир-бирига худди ойнага қарагандай қарайди. Бизга тўхтовсиз равишда таъсир кўрсатаётган кўпмиллатли ана шу контекстан ташқарида рус ўзини рус деб, ёқут ўзини ёқут деб ҳис этишни бас қилади. Биз ҳар биримиз ўзимизча титраймиз, аммо бизни титрашга мажбур қиладиган нарса битта. Уни қаранг, мустаҳкам формула турган жойда нега энди метафоралар ичида чалқашиб юрибман... Бу ўзаро муносабат ва ўзаро бой итиш формуласи. Ана шунчақ.

Биз бу формулага қайси конкрет «мазмунни» раво кўрамиз — бунинг олдиндан айтиш қийин. Бу — ўзимизга боғлиқ. Бунинг ҳаёт кўрсатади.

Давра суҳбатининг давомини «Ешлик»нинг келгуси сонидан ўқийсиз.



ҚОДИРЖОН
СОБИРОВ

Дунёнинг эгалари

УДУМ



Обидахон буви, мана етмиш бешга кираётган бўлса-да, ҳали-ҳамон бир нарсага ажабланиди. Бугуннинг эртадан нима фарқи бор? Эртага ҳам худди мана шундай қизариб қуёш чиқади. Кунни бўйи оламни саёҳат қилади-да, кеч киргач, чарчаб-ҳориб ўз ётоғига йўл олади. Аммо энди буларнинг ҳаммаси янги йилда, тўғрироғи янги йилнинг биринчи кунда бўлади. Бугун эса, эски йилнинг охириги кунни. Вақт ҳам ўтаверар экан.

Буви чеккадаги уйчага кирди-да, саватдаги олтинранг узумлардан икки бош кўтариб чиқди.

— Мана шуни ювиб, дастурхонга қўйинг, қизим, — деди кенжа келинига. Ўзи эса ўйга толди: «Қизиқ, узум нега ширин бўлади? Ёки кўп меҳнат, пешона тери талаб қилганиданмикан? Балки шу гап ростдир». Эҳ-ҳа, раҳматли чолининг қанчадан-қанча меҳнати сингмади бу узумларга!

Нариги, катта уйдан набираларининг шўх кулгулари, қичқириқлари янгради. Афтидан кичкина Жамила — Орифжоннинг қизи — яна «Шаҳноз»га тушиб, ҳаммани хурсанд қилаётганга ўхшайди.

«Умрингни берсин! — Кўнглидан ўтказди буви, — ўзи ҳам оиламизда санъаткор йўқ эди. Ажаб эмас сен чиқсанг, қизалоғим!»

Соат энди еттидан ошган, ўғил-қиз, келин-куёвларнинг ҳаммаси тўпланишиб улгурмаган эдилар. Сочларига қиров кўнса ҳам аввалгидай тетик Обидахон буви ўчоқ бошига йўл олди.

..Ҳар бир оиланинг фақат ўзига хос удуми бўлади. Кекса Иброҳим отанинг хонадониди ҳам бир яхши одат бор: оиланинг барча аъзолари: ўғиллару қизлар, келин-куёвлар, невар ва чеваралар янги йил кечаси ота-онанинг уйига тўпланадилар. Уларнинг ҳар бири шу мўътабар кунни йил бўйи таърифсиз бир орзиқиш, бир интиқлик билан кутади. Чунки ана шу катта хонадонга салимият, шодлик, бахт кириб келади шу кунни. Яна бир қизиғи шундаки, ҳамма қаерда бўлмасин: узоқми-яқинми, албатта етиб келишга ҳаракат қилади. Бу аъёнага айланиб қолган.

Ўн йилларча аввал Орифжон Ленинграддан қайтмоқда эди. «Янги йилни бирга кутиб оламиз» деб онасини қувонтирганди. У бир неча кун аввал Чинобод билан теле-

фонда гаплашганида. Тошкентгача яхши келдию, билет масаласи чатоқроқ бўлиб, Андижонга учиб кета олмай, туриб қолди.

31 декабрь, қош қорайиб келяпти. Нима қилмоқ керак? Агар Андижонга сўнги рейс билан учиб кетолмас...

— Нега хомушсиз, ошна? — сўраб қолди кутиш залида ўтирган йигит.

Орифжон ўз дардини айтди: шундай ва шундай..

— Онам кутяпти, — қўшиб қўйди охирида. — Ваъда

бермаганимда ҳам бошқа гап эди. Кўзи тўрт бўлиб кутмасди.

Нотаниш йигит бир оғиз ҳам сўз демай, чўнтагидан билет чиқарди.

— Мана, ошна, етиб олинг.

Орифжон ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Нега энди? Узингиз-чи?

— Мен поезд билан кетарман. Сизни ахир онангиз кутаётибди экан. Етиб боришингиз керак.. Менинг эса.. энди кутадиганим йўқ. Онамни ўтган ҳафта топширдим..

АЖОЙИБ ХАЁЛПАРАСТ

Соат саккизлардан ўтганда Мақсуда, Мастура ва Озодахонлар бир дунё бўлиб кириб келишди. Қўлларида гул. Қиш фасли — қаердан топишди экан бу гулларни? Орқаларида қатор-қатор болалари. Уларни Нуъмонжон, Орифжон, энг кичик ўғил Қосимжон, қаллиғи Гулбаҳорлар кутиб олишди. Ҳамма Мухторжон билан Фафуржонга кўз тикарди энди.

Ҳар йилги одат шу: айтганимиздай шодлик, бахт ҳамроҳ бўлади бу хонадонга шу кеч. То тун ярмигача ўйинкулги тинмайди. Навбат билан кичиклар катталарга, ҳамма бир бўлиб эса нуроний онага бахт, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайдилар. Авваллари, бундан бир йилгина муқаддам дастурхон тўрида, шу йиғилишнинг кўрки бўлиб оппоқ соқолли Иброҳим ота ўтирарди. Ўғил-қизлари, невар ва чеваралари унинг атрофида гиргиттон бўлардилар.

— Дадажон!

— Оппоқ дада!

— Узимнинг дадам!

— Мана, дунёнинг эгалари ўтиришибди, онаси, — деб қўяр эди ўшанда Иброҳим ота. У ўзининг марҳум дўсти — «ажойиб хаёлпараст» Мулла Турсунни эсларди.

...Бундан олтимиш йиллар муқаддам ҳали мўйлаби сабза урмаган Иброҳимжон бойнинг қўлида чоракорлик қиларди. Оғир йиллар эди. Оқ пошшо тахтидан қулади, деган хабар бу ерларга етиб келганига ҳам анча бўлгану, аммо теварак-атрофда ҳеч қандай ўзгариш сезилмасди. Эски ҳаммом — эски тос.

Иброҳимжон Россияда мардикор бўлиб ишлаган Мулла Турсун билан бирга ғўза чопарди. Ёзининг иссиқ кунлари. Кунни бўйи кетмондан бўшамаган икки деҳқон кечки пайтлар қалин тол соясида, ажриқлар устида ёнбошлаб ётар экан, собиқ мардикор димоғида қандайдир бир нотаниш куйни хиргойи қилар ва дам-бадам уф тортиб қўярди.

— Бир кун бизнинг ҳам давримиз келади, Иброҳимжон. Ҳа, албатта келади. Мана мени айтди дейсиз. Бир қўшиқ эшитиб келдим ўрисларнинг юртида. Ажойиб қўшиқ. Уни пана-панада яшириб айтиб юришади. Мазмуни шундай экан: ҳамёнида ҳеч нимаси йўқлар, яъни сиз билан бизга ўхшаган ялангоёқлар бутун дунёга эга бўлармиш...

Қотиб кетган нонни ариқдаги сувга чайиб, оғзига солаётган Иброҳимжон мийиғида кулиб қўярди.

— Хўп олиб қочасиз-да, Мулла Турсун. Кўп хаёлпарастсиз. Дунёда камбағал ва бойлар ҳаммиша бўлиб келган. Ахир бу қорни катталар шундайчасига бўлиб берармиди бизга топган-тутганларини?

— Билмадим, — ўйлаиб қоларди Мулла Турсун ҳам, — аммо шундай бўлади. Кўнглим сезиб турибди.

Кўп ўтмай бу ерларга ҳам ҳуррият қуёшининг шуъласи тушди. Иброҳимжонни ўз тенги — камбағалнинг қизи Обидахонга уйлантириб қўйдилар. Бирин-кетин фарзандлар дунёга кела бошлади: Фафуржон, Мастураҳон, Озодахон, Мухторжон...

Фарзандлар — дунёнинг бўлғуси эгалари.

Йиллар, йиллар... Дўппи бир айлангунча, бир йил ўтади, деганлари ҳам рост экан. Неча марта дўппи айланди, неча марта қиш ёзга, ёз эса қишга ўрнини бўшатиб берди. Болалар — ҳаёт гуллари — бирин-кетин оёққа туришаверди.

Қизиқ бир ҳол: кичкинтойлар ёшлигида нимага ҳавас қўйган бўлсалар, улғайганларида ҳам шу ишни давом эттирар эканлар. Фафуржон муштдайлигида нуқул гуваладан уй ясамоқчи бўларди. Вояга етгач ўқиб, қурилиш ташкилотига инженер бўлди. Мастура ва Озодахонлар каштадан бош кўтармасдилар. Мана, ҳозир иккаласи ҳам қўли гул чевар. Бири маиший хизмат уйида, иккинчиси модалар ательесида бежирим кўйлақлар тикишади.

Мухторжон Чинободга биринчи марта машина келганида, орқасидан оёғи толгунча чопиб борган эди. Ҳозир у қишлоқнинг энг тажрибали, одобли, меҳнатсевар шофёрларидан бири.

...Ҳар бир она ўз фарзандининг қалби илк қувонча тўлган кунни бир умр унутмайди. Обидахон бувининг ҳали-ҳали ёдида: қизалоғи Мақсуда етти ёшида мактабдан «она» сўзини ўрганиб қайтган, шу муқаддам сўзни китобдан топиб, онасига кўрсатган эди. Шу-шу китобни яхши кўради. Мақсуда янги китоб топиб келган кун унинг учун байрам бўларди. Ўрта мактабни тугатиши олдиндан кутубхонадаги ҳамма китобларни ўқиб бўлди.

Мана, ҳозир у Чинобод қишлоқ кутубхонасининг мудираси. Одамларга маърифат улашади.

Учинчи ва бешинчи ўғиллар Нуъмонжон ва Қосимжон қурувчиликни танлашди. Нуъмонжон Ленинград қурилиш институтини битиргандан сўнг кўп йиллар мобайнида районда ишлади. Ҳозир эса республика автотранспорт министрлигининг Андижон шаҳридаги қурилиш бошқармасига раҳбар. Қосимжон Волгоград қурилиш институтини 1982 йилда тамомлади. Яқинда ўзининг курсдоши Гулбаҳор деган қизга уйланиб, иккаласи Самарқандаги қурилиш ташкилотларидан бирида ишлаяпти. Бугунги онла учрашувига улар кечаёқ етиб келишган.

Орифжон эса... Яхшиси у ҳақда кейинроқ батафсилроқ гаплаша қолайлик.

Мазкур очеркни ёзишим жараёнида Чинобод чинорларидан бири — Балиқчи районидagi «Ленинград» колхозининг раиси Абдужаббор ака Темиров билан суҳбатлашиб қолдим.

— Ажойиб одам эди Иброҳимжон ака, — деди у бир-оз ўй суриб, — жуда ишчан, камгап, етти ўлчаб бир кесадиған киши эди. Ориятли эди... Йўқ, йўқ, менда иш-ламасди, қўшни «Москва» колхозида кетмончилик қиларди. Биласизми, ҳақиқий колхозчи эди у. Қашшоқнинг, камбағалнинг боласи эди. Роса эллик беш йил давомида пахтазордан чиқмай кетмон чолди, десам, балки ишон-массиз. Аммо худди шундай бўлган — мен кафил. Унга бригадирликни, ҳосилотликни таклиф қилишди. Аммо кўнмади. «Шунча йил мана шу кетмоним билан бола-чақамни боқиб келдим, мени кетмонимдан айирманглар», дерди.

Чойхонада кўпинча бирга чой ичиб қолардик. Бировга ҳасад қилмас эди раҳматлик. «Фалончи пишиқ гишдан

қўш қават қилиб уй солибди, фистончи машина олибди» деган сўзларга жилмайганча қулоқ солиб ўтирар, фақат хиёл кулиб кўярди.

— Мулла Абдужаббор, — дерди, — биласизми, бир ўйлаб қарасам, қишлоқда мендан бой одам йўқ экан. Ҳар бир фарзандим — бу бебаҳо давлатим. Менга ҳеч нарса керак эмас. Фақат битта тилагим бор. Мана шу болаларим соғ-саломат бўлса. Уларни ўқитсам, элга-юртга нафи тегадиган кишилар қилиб тарбиялай олсам. Мана шу менга бас.

Болалари бирин-кетин улғайиб, мустақил ҳаётга кириб бордилар. Эл-юрт орасида ҳурмат-этибор қозона бошладилар. Отанинг орзулари рўёбга чиқа бошлади. Аммо шунда ҳам кетмонини қўлдан қўймади раҳматлик.

У ёруғ кунларни, бола-чақасининг орзу-ҳавасини кўриб, 81 ёшида, узум умри бўйи қандай тинч, осуда ҳаёт кечирган бўлса, худди шундай, тинчгина оламдан кўз юмди.

ДИРЕКТОР

Оиланинг тўртинчи ўғли — Орифжон.

У киноларни кўп кўрган. Аммо денгиз ҳақидаги кинони кўрди дегунча юраги ҳаприқиб кетади. Ўзини яна узоқ ўлкада, қалби бош устидаги қуёшдек қайноқ кишилар, яқин дўстлар ўлкасида ҳис қилади.

Денгиз, денгиз, нақадар улғворсан, нега бунчалар бесаранжомсан? Асрлар оша, юзлаб асрлар оша бир хил қўшиқ куйлайсан. Мовий тўлқинларнинг дам онага эркаланган боладек, соҳилга жимгина бош қўйиб ётади. Дам эса яраланган, қутурган ҳайвон каби ўкирасан, наъра тортасан. Агар тўлқинларнинг ўйноқлаб чопишдан толиш-маса, ўша менинг узоқ Ватаним тупроғига етиб борсинлар-да, она соҳилни менинг учун ўпиб қўйсинлар.

Орифжон бу сўзларни узоқ Африкада неча бор дилдан ўтказган эди. Қаердасан ҳозир, Жозеф, қаердасан, Уильям?

Чинободлик пахтакорларнинг ўғли денгизни ўз умрида биринчи бор Африка қитъасида кўрди. Шу ерда, Ангола Халқ Республикасида у энди оёққа туриб, ривожланиб келаётган мамлакатнинг пахта тозалаш саноатини тиклашда ёрдам бериб қайтди.

Бироз орқадан гап бошлайлик.

Орифжон Ленинград политехника институтини тамомлади. Акаси Нуъмонжон билан бир вақтнинг ўзида, аммо бошқа — бошқа институтларда ўқишди. Олий ўқув юрти-ни битирибоқ у ишни оддий слесарликдан бошлади. Инженерликни таклиф қилишган эди, кўнмади.

— Ҳали инженерлик қилиб улгураман, — деди у, — аммо технологик процессларни энг қуйидан туриб, ипидан игнасиғача ўрганмасам бўлмайди. Назариёт бошқа — амалиёт бошқа. Иккинчидан, ишчиларнинг олдида тилинг қисик бўлмайди. «Ўқишни битириб келибоқ амалга минган тўра» дейиша олмайди ҳеч бўлмаса.

(Кези келганда айтиб қўяйлик: ҳозир, минг кишилик коллективнинг бошида турса ҳам Орифжон «қора» ишдан ҳазар қилмайди. Бирон-бир агрегат ишдан чиқса, ремонтчилар удаламаётган бўлсалар, энг шимариб ўзи ишга тушиб кетади, электрчи йўқ бўлиб қолса, симларни ўзи улай бошлайди).

Икки йил ишлаганидан сўнг уни заводга бош инженер қилиб кўтардилар. Аммо кўп ишлашга тўғри келмади,

Тошкентга, пахта тозалаш министрлигига хизматга чақириб қолишди, бўлимларнинг биридан иш беришди.

Орадан кўп ўтмай, уни чет эл командировкасига юборишди. Африка қитъасидаги ривожланаётган давлат — Ангола Халқ Республикасига унинг пахта тозалаш саноатини йўлга қўйишда ёрдам бериш зарур эди.

Орифжоннинг ёш дўст мамлакатда ўтказган йиллари, меҳнатининг тафсилотлари бошқа бир очерк учун материал бўлади. Хулоса қилиб биз фақат бир нарсани тўла ишонч билан айта олишимиз мумкин, холос: у ўзининг интернационал бурчини ҳалоллик билан, шараф билан бажариб қайтди.

Мана, уч йилдирки, Орифжон Андижондаги энг ёш Чинобод пахта тозалаш заводининг директори бўлиб ишламоқда.

Катта заводнинг 32 ёшли директори одобли, ширинсухан йигит:

— Қадамингиз қутлуғ бўлиб чиқди, — деди танишганимиздан сўнг хиёл жилмайиб, — ҳозироқ хушхабар олиб турувдим.

Бу яхши хабар Москвадан, СССР Министрлар Совети қошидаги ихтиро ва кашфиёт ишлари бўйича Давлат комитетидан келибди. Юборилган шаходатномада кўрсатилишича, Орифжон ва унинг иккита ҳамкасабаси яратган пахта толасини қайта ишлаш жараёнида уни намлашга хизмат қиладиган ускуна ихтиро сифатида эътироф этилган ва Давлат комитети реестридан ўз ўрнини олган эди.

Директор ҳали исбатан ёш, аммо босиқ, вазмин. Балки улкан коллективга раҳбарлик қилиш масъулияти унинг характерини мана шундай шакллантирган бўлса ажаб эмас.

...Секретарь қиз эшикни аста очди:

— Рустам акани чақиртирган эдингиз, келди.

Орифжон дам эшикка қаради, дам менга. Нимадандир иккиланаётгани сезилиб турарди.

— Бир ишчимиз кейинги пайтларда сал ножўяроқ қадам ташлай бошлади. Ҳалиги... шиша дегандай...

— Бемалол, суҳбатлашаверинглар, — дарҳол фаҳмлаб, ўрнимдан турдим — Мен чиқиб тураман.

— Йўқ, йўқ, — эътироз билдирди у, — суҳбатимизга сиз шохид бўлсангиз, яна яхши бўлади.

Рустам ака дегани узун бўй, бурни қип-қизил, эллик-

лардаги одам экан. Кирдию, бош қимирлатиб салом берган бўлди-да, энг четдаги стулга ўтирди.

Директор ўрнидан турди. Дерезанинг ёнига келди. Заводнинг кенг территориясига, қатор транспортёрларга, кўксидан сув пуркаб чиқараётган фонтанларга ҳавас билан тикилди.

— Заводимиз яна бир-икки йилдан сўнг областдаги энг яхши, намунали заводлардан бирига айланади. Мана қараб турасиз, — деди менга юзланиб. Мен ҳеч нарсага тушунолмадим. — Коллективимизнинг ҳаммаси — яхши одамлар, ақлли, ҳушли, ориятли кишилар. Заводнинг обрўсини ўз обрўси, номусини ўз номуси деб тушунишади. Тўғри-а, Рустам ака? Ҳаммаси билан ҳамқишлоқмиз, уятга қўйишмайди.

Рустам ака кўзларини ердан узолмади.

— Сизга рухсат, ишга бораверинг, — унга жавоб берди директор.

Мен ҳали ҳам ҳеч нарсага тушунмаган эдим.

Рустам ака оғир уҳ тортди. Чиқиб кетди. Эшикни аста ёпиб қўйди. Қабулхонада унинг кимгадир айтган гаплари узук-юлуқ қулоққа чалинди.

— Емон арчиб олди-ку меҳмоннинг ёнида... Яхши сўз билан... Тарсаки билан тортиб юборганда ҳам енгилроқ тушарди.

Директор мийиғида кулди.

— Энди бас қилади. Узи ориятли одам...

Кейин эса яна изланишлари билан таништирди мени. Бугунги Москвадан келган шаҳодатнома ёш инженернинг иккинчи шаҳодатномаси экан. Бир неча йиллар муқаддам у ихтиро қилган бошқа бир ускуна ҳам пахта толасини қайта ишлаш жараёнига бағишланган экан. Орифжон ўша ихтиронинг шаҳодатномасини ҳам авайлаб сақлайди. Чунки қанчадан-қанча уйқусиз тунлар, изланишларнинг самараси.

Чинобод қишлоғидан фан кандидатлари кўп чиққан. Лекин пахта толасини тозалаш проблемалари устида ҳалигача ҳеч бир олим иш олиб бормаган эди. Орифжон ана шу «бўшлиқ»ни тўлдириш устида ҳаракат қиляпти. У яқинда ёқлайдиган кандидатлик диссертациясининг темаси «Пахта толасини дастлабки қайта ишлаш жараёнида уни намлаш процессини ўрганиш ва такомиллаштириш» хусусида.

ЖОНЛАРИНИНГ ЖОНЛАРИ

* * *

Обидахон буви ҳамон ўчоқ бошида куймаланар, қизлар ва келинлари «Ойи, сиз қўяверинг, ўзимиз тайёрлаймиз овқатни» деса ҳам кўнмасди.

— Сизлар кичкинтойлар билан бирга бўлиб туринглар, қизларим.

Уй ичи тўла бола-чақаларнинг, неварачевараларнинг қий-чуви.

Обидахон буви билан раҳматли чолининг умри худди мана шу уйда ўтди. Иброҳимжон ака ана ҳув ерда ёстиққа ёнбошлаб олиб, хаёл суришни яхши кўрарди.

Бундан ўн йиллар аввал чол-кампир сўхбатлашган эдилар. Бола-чақалар қандайдир бир ҳинд фильмига чиқиб кетишган, уйда ҳеч ким йўқ эди. Иброҳимжон ота ёстиққа ёнбошлаб, аста сўз бошлаган эди.

— Кеча автобусда бир гап эшитиб қолдим, онаси. Ҳассага таянган бир кампир нима дейди дегин: «Ростини айтсам, бола-чақанг қанча бўлса, жонинг ҳам шунчага ўхшайди». Дилимдаги гапни топиб айтди, кампири тушмагур. Мана, сен билан бизнинг ҳам саккизта жонимиз бор. Уларнинг ҳар бирининг ўз жонлари, сен билан бизнинг эса жонларимизнинг жонлари бор. Эҳҳа, Мулла Турсун тўғри айтган экан. Мана шулар бўлиб қолди дунёнинг эгалари...

— Ойи, киринг уйга, бўлди, қолганини ўзимиз тайёрлаймиз, — кенжа келин Гулбаҳор Обидахон бувининг хаёлларини бўлиб юборди. — Ана, телевизорда байрам базми ҳам бошланиб қолди.

Тўкин дастурхон атрофида катта оиланинг ҳамма аъзолари жам бўлишди. Онанинг кўзларига ёш келди. Яқинда набираларидан бири ўқиб берган шеърдан икки сатри ёдида қолган эди — шуларни эслади:

Биламан, дарахтдай қуласам агар,
Менинг ҳаёт боғим қолмас ҳувиллаб.

Ҳа, қачонлардир оддий деҳқон қизи Обидахон билан камбағалнинг ўғли Иброҳимжон қурган кичкинагина бино бугун улкан қасрга айланди. Улар ўтқазган мўъжазгина ниҳол бугун катта, сершоҳ, илдизи мустаҳкам дарахт бўлиб бўй чўзди. Унинг ҳил-ҳил, бири-бирдан ширин мевалари, мана, пишиб, етилиб турибди.

Келинг, она, болажонларингизнинг даврасига, тўкин дастурхонга марҳамат!

Бугун мана шу бахт тўла уй сизники, олам-олам шодлик, нур сизники! Сиздан ортиб қолгани эса мана шу фарзандларингизники...

Балиқчи.

АВТОРЛАРИМИЗ

Александр РУСОВ Рус адиби. Химия фанлари доктори. «Самолётлар заминда, самолётлар самодя», «Бўшлиқдан ўтган чизиқ», «Йўлдош шаҳарлар» каби китоблар ва «Икки олма» романининг автори. Москвада яшайди.

Анатолий КИМ Шимолий Қозоғистонда туғилган. Москва шаҳрида яшайди. «Зангори орол», «Нилуфар», «Нефрит белбоғ» каби китоблари нашр этилган.

Грант МАТЕВОСЯН Арман адиби. Ереван Педагогика институтининг тарих-филология факультетини тугатган. «Биз ва бизнинг тоғларимиз», «Она ўғлини уйлантиргани отланди», «Август», «Қирмизи уюр», «Тошкент» сингари асарлар муаллифи.
Қодиржон СОБИРОВ. Тошкент

Давлат университетини тамомлаган. Публицистик мақолалари, ахлоқ-одоб мавзuidaги очерклари билан республика газета ва журналларида тез-тез қатнашиб туради.

Туроб ТУЛА йирик ўзбек адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси. Кўпгина шеърлий китоблар, қиссалар, шеърлий тўпламлар, драматик асарлар муаллифи, йирик публицист.

Саттор ТУРСУН Тожик ёзувчиси. «Қайноқ юрак», «Чўққилар сукути», «Тонгдан шомгача», «Рустамнинг камалаги» сингари китоблари нашр этилган. Москва нашриётларида «Лук Рустама» («Рустамнинг камалаги»), «И снег сой-дет» («Қор ҳам ўтади») каби китоблари босилиб чиққан. «Садои Шарқ» журнали проза бўлимининг мудир.

АВТОРЛАРИМИЗ

«Ёшлик» («Молодость») — ежемесияний литературно-художественный и общественно-политический журнал

На узбекском языке

Орган Союза писателей
Узбекской ССР

Рассом: **Ҳ. СОЛИҲОВ**
Техник редактор: **В. УРУСОВА**
Корректор: **М. НАБИЕВА**

Адресимиз: 700000. Тошкент — П.
Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Бош редактор ўринбосари —
32-54-73

Масъул секретарь — 32-56-27
Проза бўлими — 32-57-34
Шеърлий, адабий танқид ва
санъат бўлими — 32-56-41
Ижтимоий-сиёсий бўлим — 32-54-73

Редакция ҳажми 12 босма листдан
ортиқ роман ва 8 босма листдан
зиёд қиссалар қўлёзмасини қабул
қилмайди. Ўн босма листгача
бўлган асарлар авторларига
қайтарилмайди.

Журналдан кўчириб босилганда
«Ёшлик»дан олинди» деб
изоҳланиши шарт.

Босмахонага туширилди 29.10.82.
Босишга рухсат берилди 10.12.82.
Офсет босма усулида чоп этилди.
Р—07548. Қоғоз формати 84×108¹/₁₆.
Қоғоз ҳажми — 5,25 лист.
Шартли босма листи — 8,82.
Нашриёт ҳисоб листи — 12,5.
Тиражи 45140 нусха.
Буюртма № 4431. Баҳоиси 30 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти.
Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети нашриётининг Меҳнат
Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент, 700029, «Правда Востока»
кўчаси, 26.

© «Ёшлик» № 12, 1982.
«Ёш гвардия» нашриёти.